

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ
ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ**

Зикрилла Умаров

**Мирзо Меҳдихоннинг
«Мабониу-л-луғат»
эски ўзбек тили грамматикаси**

ТОШКЕНТ - 2025

УЎК: 811.512.133

КБК : 81.2 (923)

У 52

У 52 Умаров Зикрилла

Мирзо Меҳдихоннинг «Мабониу-л-луғат» эски ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: ТДШУ, 2025. – 292 б.

ISBN 978-9910-8913-1-1

УЎК: 811.512.133

КБК : 81.2 (923)

XVIII аср форс туркологлари Мирзо Меҳдихоннинг «Мабониу-л-луғат» грамматик очеркларини Ҳазрат Навоий асарлари асосида ёзилган биринчи эски ўзбек тили грамматикасидир. Унинг тадқиқи ўзбек тилининг тарихий грамматикасини тузишда, эски ўзбек тилининг фонетик, грамматик хусусиятларини ва туркий тиллар ҳақидаги форс грамматика фани тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Қўлингиздаги монография икки қисмдан иборат бўлиб, Зикрилла Умаровнинг асар бўйича тадқиқот иши ва унинг ўзбекча таржимасини қамраб олади.

Монография тилшунослар ва филолог талабаларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор **Қосимжон Содиқов**

Нашрга тайёрловчи ва ўзгартишлар киритувчи:

филология фанлари доктори, профессор **Холида Алимова**

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор **Салима Рустамий**,
филология фанлари доктори, доцент **Рихситилла Алимуҳамедов**

*Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Кенгаши
нашрга тавсия қилган (2024 йил октябрь ойининг бешинчи куни
бўлиб ўтган 2- сонли мажлис қарори).*

ISBN 978-9910-8913-1-1

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025

СЎЗБОШИ

Маълумки, Алишер Навоий ва унинг кўзга кўринган замондошлари ҳамда ундан илгари ўтган сўз усталари томонидан яратилган асарлар Ўрта ва Кичик Осиёнинг турли халқлари намояндалари орасида «чиғатой» тили, яъни эски ўзбек тилига қизиқиш уйғотди. Бундай қизиқиш қўлланма вазифасини бажарувчи луғат ва грамматикаларнинг ижод этилишига олиб келди. Шундай лингвистик асарлардан бири Мирзо Меҳдихоннинг «Санглох» луғати ва унга илова қилинган грамматик очерк «Мабониу-л-луғат» («Тил асослари»)дир.

Мирзо Меҳдихоннинг тўлиқ исми Низомиддин Муҳаммад Хожал-Хусайн ас-Сафавий бўлиб, отасининг исми Мирзо Муҳаммад Насиридир. Мирзо Меҳдихоннинг Астрободда туғилганлиги ва Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг котиби ҳамда сарой тарихчиси бўлганлиги, Нодиршоҳнинг ҳарбий юришларида қатнашиб, масъулиятли сиёсий ва бошқа топшириқларни бажарганлиги маълум.

Мирзо Меҳдихон ўзининг «Санглох» асарини 1758-1760 (ҳижрий 1172-1173) йилда ёзиб тугатган. Дунё қўлёзма фондларида бу асарнинг тўрт нусхаси мавжуд. Асар нусхаларидан бири Гибб фондида, иккинчиси Британия музейида, учинчиси Бодлеяна (Оксфорд)да, тўртинчиси Сулаймония кутубхонаси (Туркия)да сақланади. Шунингдек, «Санглох»нинг қисқартирилган нусхаси Париж Миллий кутубхонасида бор. Бу нусха XIX аср бошида Аббос Мирзо учун Муҳаммад Ҳувеййи томонидан кўчирилган бўлиб, «Хулосайи Аббосий» деб аталади.

«Мабониу-л-луғат» Алишер Навоий асарлари асосида ёзилган эски ўзбек тили грамматикасидир. «Санглох»да эса Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Мир Ҳайдар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида қўлланган ўзбекча сўзлар форс тилида изоҳланган. Луғатда эски ўзбек тилида қўлланган туркий ва мўғулча сўзларга ҳам ўрин берилган, атоқли отлар ва географик номлар рўйхати келтирилган. Луғат охирида Ҳазрат Навоий асарларида учрайдиган арабча, форсча сўзлар ва метафоралар рўйхати берилади¹. Мирзо Меҳдихоннинг «Мабониу-л-луғат» ва

¹ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 57-59.

«Санглох» асарлари эски ўзбек тили бўйича яратилган филологик асарларнинг энг мукаммаларидан бўлиб, кўпдан бери туркологлар диққатини жалб этиб келади². «Мабониу-л-луғат» 1910 йилда инглиз шарқшуноси Э.Денисон Росс томонидан Калькуттада литография асосида нашр қилинган бўлиб, кейинчалик З.Умаров томонидан ўрганилган³. «Санглох» эса 1960 йилда Ж.Клосон томонидан Лондонда факсимиле асосида нашр қилинди, кейинги йилларда Қ.Мухитдинов томонидан текширилди⁴.

«Мабониу-л-луғат» қуйидаги қисмлардан ташкил топган: 1) сўзбоши; 2) муқаддима; 3) тарсиф; 4) олти мабно.

Муаллиф сўзбошида «Санглох»нинг яратилиш сабабларини, муқаддима қисмида «Санглох»да фойдаланилган Алишер Навоийнинг ўн иккита шеърий ва тўққизта насрий асарини кўрсатиб ўтади.

Мабнолар бобларга, боблар расмларга бўлиниб, грамматик қоидалар ўзлаштирилишини енгиллаштиришга қаратилган. Биринчи мабно ўн бобдан иборат бўлиб, биринчи боб масдарларга, иккинчи боб ўтган замон феъл формаларига, учинчи боб ҳозирги-келаси замон феъл формасига, тўртинчи боб ҳозирги замон сифатдошига, бешинчи боб ўтган замон сифатдошига, олтинчи боб буйруқ майлига, еттинчи боб буйруқ майлининг инкор шаклига, саккизинчи боб феълларнинг бўлишсиз шаклларига, тўққизинчи боб ҳол-равишдошга, ўнинчи боб формалар белгиларининг қўшилишига бағишланади. Иккинчи мабнода феъл формаларининг ясалиш хусусиятлари, учинчи мабнода олмошлар ва кўрсатиш исмлари, тўртинчи мабнода морфемалар, бешинчи мабнода кўмакчи феъл ва фразеологик бирикмалар, олтинчи мабнода эса имло қоидалари баён қилинади.

² Самойлович А.Н. Персидский тюрколог XVIII века Мирза Мехди-хан // Известия Общества обследования и изучения Азербайджана. №5. – Баку, 1927. – С. 3-12; Расулов Р. Ўзбек тилини ўрганиш тарихидан. – Ученые записки Андиганского госпединститута. №2. – Андиган, 1955. – Б. 65-71; Eckmann J. Mirza Mehdi Darstellung der tschagataischen Sprache. – Analecta Orientalia memorial Al. Csoma de Kőrös dicata. – Budapest, 1942-1947. – P. 156-220; Besim Atalay. Mirza Mehdi Mehmet Han. Senglah. Lugati-i Nevai. – Istanbul, 1950; Menges K.N. Das Cagatajische in der persischen Darstellung von Mirza Mahdi Han. – Mainz, 1956.

³ Умаров З.А. Грамматика староузбекского языка «Мабани ул-лугат» Мирзы Мехдихана: Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Т., 1967.

⁴ Мухитдинов К. «Санглах» Мирзы Мухамеда Мехдихана (Исследование, комментарии, перевод и транскрипция): Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Т., 1971.

Грамматиканинг хотима қисмида Навоий асарларида ишлатилган форсий элементлар кўрсатилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Мирзо Меҳдихон ўзбек адабий тилини ўрганишда тарихий ва қиёсий методлардан ҳам фойдаланган ва шу билан бир қаторда, Рум ва Эрон турклари тиллари диалектида турли формаларнинг қайси тарзда ишлатилиши мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Мирзо Меҳдихоннинг «Мабониу-л-луғат» грамматикаси эски ўзбек тили грамматикасига оид яратилган биринчи қимматли ва тўлиқ асардир. Ўқувчи мазкур асар материални ўзлаштиргач, «Санглох» луғатидан тўғри фойдалана олади ва Алишер Навоий асарларини ўқиб тушуниши мумкин бўлади. Қолаверса, унинг тадқиқи ўзбек тилининг тарихий грамматикасига доир ечилмаган қатор масалаларни ҳал қилиш ва ўзбек тилининг тарихий грамматикасини тузишда ёрдам беради. «Мабониу-л-луғат» мумтоз ўзбек тилининг фонетик, грамматик хусусиятларини ва туркий тиллар ҳақидаги форс грамматика фани тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Асар 1966 йили отам, эрон ва туркий тилшуносликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган шарқшунос олим Зикрилла Умаров (1936-1992) томонидан ўзбек тилига ўтирилган ва «Мабониу-л-луғат» бўйича номзодлик диссертацияларига илова қилинган эди. Қуйида мазкур мўътабар асарнинг тадқиқига доир «Мирзо Меҳдихоннинг «Мабониу-л-луғат» эски ўзбек тили грамматикаси» диссертация иши ва асарнинг ўзбекча таржимаси китобхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

«Мабониу-л-луғат» асаридаги грамматик материалнинг тадқиқи Мирзо Меҳдихонни форс туркологи ва ўзбек тилининг биринчи илмий грамматикаси муаллифи сифатида танитса, асарнинг ўзбекча таржимаси ва унинг тадқиқи отам Зикрилла Умаровни зуллисонайн тилшунос ва ўз соҳасининг дақиқ билимдони сифатида танитади. Баъзида мудом ҳамроҳинг бўлган киши ҳақида «керак бўлганда маслаҳатларини оламан» деган хаёллар оғушида бўлиб, уни йўқотганда «ажойиб, бебаҳо тилсимдан жудо бўлдим, мен уни англаб етмадим» деган ўкинч қалбингни эгалларкан. Отамни эрта йўқотдим. Ушбу рисола таълифи орқали унинг савобини отам Зикрилла Уста Акбар ўғли ва онам Масъуда Каримжон қизига бағишлайман. *Аллоҳумма-ағфир лаҳум би-рахматика йо арҳам.*

Тадқиқотни нашрга тайёрлашда унга айрим ўзгартишлар киритилди. Бу, аввало, асарда келтирилган туркий мисоллар, улардаги сўз ва қўшимчалар таркибидаги унлиларнинг ифодаланиши билан боғлиқ. Шунингдек, *е, ё, ю, я* ҳарфлари ўрнига икки товушни ифодалашига кўра икки ҳарф, аксинча, бир товушни ифодалашига кўра *нг* ҳарф тизмаси ўрнига *η* ҳарфи ёзилди. Туркийшунослар орасида «ишбо» атамасининг талқини ҳақида турли фикрлар мавжудлигини ҳисобга олиб¹, таржимада мазкур атамани ўзгаришсиз сақлашга қарор қилдик.

Шу ўринда айтиш керакки, «Мабониу-л-луғат» асари Эронда нашр қилинган ишларда **чиғатой туркийси грамматикаси**¹ деб тавсифланади. Академик Алийбег Рустамийнинг ёзишича: «Ўзбекнинг асосий табиий билими маданий имконияти ва маънавий бойлигини йўқотиш мақсадида эски ўзбек тили деган ном берилган, аслида туркий деб аталган мумтоз ўзбек тилида акс этган. Шу тилда ёзилган улкан ва бебаҳо мероснинг минг йиллиги араб ёзувида асосланган турк хатида битилган. Совет даврида бу хатнинг таълимдан олиб ташланиши ялпи миллий саводсизликни келтириб чиқарди. Мустақил ижод соҳиби бўлмиш халқ миллий қадриятлардан ажралиб тақлидчилик йўлига ўтди»². Истиқлолимизнинг равнақи кўп жиҳатдан тилимиз истиқлолига боғлиқ экан, бугунги кунга келиб **эски ўзбек тили** истилоҳини, юқорида айтилганидек, **мумтоз ўзбек тили** деб аташ жоиз кўринади. Албатта, бу бўйича соҳа мутахассислари ўз фикрларини билдирадилар, деган умиддамиз.

Холида Зикрилла қизи

¹ Бу ҳақда қаранг. Рустамий С.А. «Девону луғоти-т-турк»даги лингвистик атамалар. — Т.: ТДШИ нашриёти, 2006. — 184 б.

¹ فرهنگ ترکی به فارسی سنگلاخ / اثر میرزا مهدی خان اسرآبادی (منشی الممالک نادرشاه افشار)؛ مقدمه، مقابله و تصحیح حسین محمدزاده صدیق. - تبریز: اختر، 1393. — ص 13.

² Рустамий А. Ҳазрат-и Навойийнинг маънавий олами. — Тошкент: Navro‘z nashriyoti, 2014. — Б. 4.

I БОБ. «МАБОНИУ-Л-ЛУҒАТ» АСАРИДАГИ ГРАММАТИК ТИЗИМ

«Мабониу-л-луғат» грамматик очеркдан иборат бўлиб, унинг тўлиқ номи «Сарфу наҳви луғати чиғатой»дир.

«Мабониу-л-луғат» куйидаги қисмлардан ташкил топган: 1) сўзбоши; 2) муқаддима; 3) тарсиф; 4) олти мабно.

Муаллиф **сўзбоши**да «Санглох»нинг яратилиш сабабларини муфассал ёзади. Бу асар Алишер Навоий асарларининг қийин жойларини тушунтирадиган луғат сифатида майдонга келган. Бундай луғатнинг яратилиши жуда оғир ва мушкул бўлганлиги учун ҳам Мирзо Меҳдихон ўз асарини «Санглох» (тошлоқ) деб атади. У ўзидан олдин ёзилган луғатлардан бир нечасини: икки рум турки томонидан туркий тилда ёзилган (асарларида исмлари зикр қилинмайди) луғатни ва форс тилида яратилган Толе Ҳиравий, Фароғий, Назир Алий, Мирзо Абдужалил Насирий ва баъзи бошқа луғатнависларнинг асарларини эслатиб ўтади. Меҳдихон фикрича, мазкур асарлар жуда ҳам қисқача тузилган бўлганлиги сабабли киши эҳтиёжини тўла ва ҳар томонлама қондира олмайди. Ундан ташқари, кўп сўзларнинг маъноси уларга маълум бўлмаганлиги учун зикр қилинмаган, шеърларни нотўғри кўчирилган нусхалардан тўғри ўқимасдан мисол тариқасида кўрсатганлар.

Муқаддима қисмида «Санглох»да фойдаланилган Алишер Навоийнинг ўн иккита шеърини ва тўққизта насрий асарини кўрсатиб ўтади. Мирзо Меҳдихоннинг ёзишича, айнан шу асарлар мутолаасидан сўнг у «Санглох» китобини ёзишга киришган. Булар:

шеърини асарлар: «Ғаройибу-с-сиғар», «Наводиру-ш-шабоб», «Бадойиъу-л-васат», «Фавойиду-л-кибар», «Ҳайрату-л-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёра», «Садди Искандарий», «Лисону-т-тайр», «Арбаъини манзум», «Назму-л-жавоҳир»;

насрий асарлар: «Маҳбубу-л-қулуб», «Мезону-л-авзон», «Хамсату-л-мутаҳаййирин», «Насойиму-л-муҳаббат», «Тариху-л-анбиё», «Тарихи мулуки Ажам», «Мажолису-н-нафойис», «Муншаот», «Вақфномаи мадрасайи ихлосия».

Мирзо Меҳдихон Фароғийга қарши чиқиб, туркий тиллар ўзларининг специфик грамматик қонунларига эга эканлиги, эски ўзбек тилидаги бу грамматик қонунларнинг форс ва араб тилларида учрамаслигини кўрсатиб ўтади. Бундай қонунларни бир тарсиф ва олти мабно (асос) ёрдамида баён қилиб, «Мабониу-л-луғат», яъни тил асослари деб атайдиган ва ўзининг бу асарини ўзбек тилининг биринчи илмий грамматикаси ҳисоблайди ҳамда ўқувчилардан асарнинг камчиликларини тўғрилашни сўрайди.

Тарсиф қисмида араб тилидаги сўзларнинг ўзаги масдар бўлса, ўзбек тилидаги сўзлар (феъллар)нинг ўзаги буйруқ форма (иккинчи шахс, бирлик) эканлиги, бу формадан ҳар хил қўшимчалар ёрдами билан феълларнинг бошқа формалари ясалишини ёзади (Мабониу-л-луғат, 5- бет).

Биринчи мабно ўн бобдан иборат бўлиб, феъл формалари (майллари) ҳақида (*дар баён-и вужух-и сийағ*) деб аталади. Бунда:

биринчи боб – масдарлар (*дар баён-и масодир*) (6-18- бетлар);
иккинчи боб – ўтган замон (*дар баён-и феъл-и мозий*) (19-23- бетлар);

учинчи боб – ҳозирги-келаси замон (*феъл-и мўзореъ*) (23-27- бетлар);

тўртинчи боб – ҳозирги замон сифатдоши (*исм-и фоъил*) (27-33- бетлар);

бешинчи боб – ўтган замон сифатдоши (*исм-и мафъул*) (33-35- бетлар);

олтинчи боб – буйруқ майли (*феъл-и амр*) (35-39- бетлар);
еттинчи боб – буйруқ майлининг инкор шакли (*наҳий*) (39-41- бетлар);

саккизинчи боб – феълларнинг бўлишсиз шакли (*нафий*) (41-50- бетлар);

тўққизинчи боб – равишдош (*ҳол*) (50-54- бетлар);

ўнинчи боб – формалар белгиларининг қўшимчалари (*дар баён-и татамма-йи аломат-и сийағ*) (54-63- бетлар) ҳақида.

Иккинчи мабно – (феъл) формаларининг ясалиши (*дар баён-и кайфият-и иштиқоқ-и сийағ*) ҳақида (64-73- бетлар).

Учинчи мабно – олмошлар ва кўрсатиш олмошлари (*замойир ва асмо-и ишора*) ҳақида (73-78- бетлар).

Тўртинчи мабно (1) – морфемалар (*ҳуруф*) (78-91- бетлар).

Тўртинчи мабно (2) – маъно ёки грамматик жиҳатдан ортиқча бўлган қўшимчалар (*завойид*) ҳақида (91-96- бетлар).

Бешинчи мабно – ёрдамчи сўзлар (*феъллар*) ҳақида (96-98- бетлар).

Олтинчи мабно – имло қоидалари (*дар одоб-и имло*) ҳақида (99-142- бетлар).

Грамматиканинг хотима қисмида Алишер Навоий асарларида ишлатилган форсий элементлар кўрсатилган.

«Мабониу-л-луғат» асарининг схематик кўриниши Илова, 1- жадвалда келтирилган.

Биринчи мабно. Масдарлар (مصادر масодир)

Мирзо Меҳдихон биринчи мабнонинг масдарлар бобида масдарлар (ҳаракат номлари)ни отлик ва феъллик маъноларининг сақланиш даражасига кўра икки фаслга бўлиб текширади.

Биринчи фаслга феъллик маъноси сақланган масдарларни киритиб, уларни «соф масдарлар» (*مصادر صريحة масодир-и сариҳа*) деб атайди. Иккинчи фаслга эса, феъллик хусусиятини йўқотиб, отлашган масдарларни киритади ва уларни «масдар отлари» (*اسماء مصادر асмо-и масодир*) дейди.

Меҳдихон масдарларни ўз маъносида ва аслида масдар бўлмаган феъл формаларининг масдар маъносида ишлатилишига нисбатан икки қисмга бўлади.

Биринчи қисмга ўз маъносида ишлатилган масдарлар кириб, буйруқ феъл формасига *ماق* -мақ / *ماک* -мăк аффиксини қўшиш орқали ясалади. Масалан, *الماق* алмақ, *کیتماک* кэтмăк каби.

Иккинчи қисмга эса, масдар маъносида ишлатиладиган бошқа формалар кирган бўлиб, улар аффикс кўрсаткичларига кўра икки турга бўлинади.

Биринчи турга сифатдошнинг *-р* формаси³, *-мас-лығ*, *-мăс-лик* формаси ва равишдошнинг *-а(ў)*, *-ă(ў)* формаси киради. Масалан, *بارور* барур, *چیکار* чэкăр, *آغریر* агрыр, *چیقماسلیغ* чықмаслығ, *ایشیتماسلیک* эшитмăслик, *آقارا* ақара, *توکولا* токўлә

³ Меҳдихон сифатдошнинг *-р* формаси *مضارع* мўзореъ (ҳозирги-келаси замон) деб атаб, сифатдош маъносида ҳам ишлатилади, дейди.

каби. -р формасининг масдар маъносида ишлатилишига далил қилиб, Меҳдихон қуйидаги байтларни келтиради:

بسکه قان باردی الم لار یوزلانیب هر داغیمه
ضعف افراطی یاقینلاشتوردی بارور چاغیمه

*Бас-ке қан барды аламлар йўзләнип ҳар дағыма,
Заъф ифрāты йақынлаштурды барур⁴ чағыма⁵ (7- бет).*

قطره ایچکونچه دسترس منکا یوق
غیر دریا چیکار هوس منکا یوق

*Қатра ичкўнчā дастрас меъā йоқ,
Ғайр-и дарйā чэкāр ҳавас меъā йоқ (7- бет).*

Меҳдихон -р аффикси ёрдамида ясалган ҳозирги-келаси замон формаси эгалик аффикслари билан бирикса, масдар маъносини ифодалайди, дейди. Масалан, *барوری* *баруры* (бормоғи), *чیکاری* *чэкāри* (чекмоғи), *اغریری* *ағрыры* (оғриши), *барورونک* *барурун* (бормоғинг), *чیکарینک* *чэкāрин* (чекмоғинг) кабилар.

Агар мазкур формалар кесимлик аффикслари билан бирикса, ҳозирги-келаси замон формасида қўлланади, масалан, *барормин* *барур-мэн*, *чэкāр-мэн* каби, дейди.

Агар -р аффикси -ру, -рў ёки -ры, -ри тарзида биринчи шахс бирлик эгалик аффикси [-м] билан бирикса, масдар маъносини англатади. Масалан, *барорум* *барурум* (бормоғим), *чیکарим* *чэкāрим* (чекмагим) каби. Агар -р аффикси -ра, -рā шаклида эгалик аффикси [-м] билан бирикса, ҳозирги-келаси замон маъносини ифодалайди. Масалан, *барорам* *барурам* (борурман), *чیکарам* *чэкāрām* (чекарман) каби.

⁴ Бу байтдаги «борур» форс тилига масдар сифатида таржима қилинади, лекин ўзбек тили нуктаи назаридан масдар эмас, сифатдошдир. Меҳдихон форсча таржимаси нуктаи назаридан қараб, сифатдошнинг -р формасини масдар маъносида ишлатилишига бу байтни далил қилиб келтирган.

⁵ Байтларда «Мабониу-л-луғат»нинг Денисон Росс нашри (D. Ross, The Mabâni'l-lughat being a grammar of the turki language in Persian by Mirzâ Mehdi Khân, Bibl. Indica, New Series № 1225, Calcutta, 1910)нинг бетлари кўрсатилади.

-мас, -мәс формаси ҳам (*чықмас, эшитмәс, көрмәс* каби) -лыз, -лик(г) аффикси билан бирикиб, бўлишсиз масдар маъносини англатади. Бунга далил қилиб, Мехдихон куйидаги байтни келтиради:

چىق نوایى قارىدىنک حرمت اله مىکده دین
سودراتورلار کیشي چىقماسلیغ ایتیب بولسا قاشانک

*Чық, Навāйи қарыдың, ҳурмат ила майкададин
Судратурлар киши чықмаслыз этип болса қашаң* (123- бет).

قاوما ای شیخ نوائینی ایشیتماس دیب پند
کیم سنینک پندینک ایشیتماسلیک انکا پند اولمیش

*Қавма эй шайх Навāйины эшитмәс дән панд
Ким сәниң пандың эшитмәслик аңа панд олмыш* (123- бет).

Мехдихон равишдош маъносига эга бўлган *ақара, توکولا* *төкүлә* каби формаларни ҳам масдар маъносида ишлатилади, дейди. Бунга далил қилиб куйидаги байтни келтиради⁶:

اقارا باشلادی باش توکولا باشلادی تیش
سفر یراقینی قیلغیل که توشتی باشینکا ایش

Ақара баишлады баш-у *төкүлә* баишлады тиш
Сафар ярақыни қылгыл-ки, тушти башыңа иш (8- бет).

Аслида масдар бўлмасдан масдар маъносида келадиган формаларнинг иккинчи турига *ган* / *кан* -*гән* аффикси ёрдамида ясалган сифатдош формалари киради. *ган* / *кан* -*гән*⁷ аффикси буйруқ феъли билан бириккан ҳолда масдар ва сифатдош маъноларини англатади. Бу форма баъзида ўтган замон,

⁶ Бу байтда *ақара, توکولا* *төкүлә* ни Мехдихон форс тилига масдар сифатида таржима қилинишига асосланиб, масдар маъносида ишлатилади, дейди. Аслида эса, масдар бўлмасдан равишдошдир.

⁷ «Мабониу-л-луғат»нинг қўлёзмасида *гоф* ҳарфи ўрнида ҳам *коф* ишлатилган, лекин Денисон Росс ўз нашрида тегишли ўринларда *коф*ни *гоф*га айлантирган.

баъзида ўтган замон сифатдоши маъноларида келиб, уларнинг ишлатилиши икки хилдир.

Биринчи хили шундан иборатки, *غان* -*ган* / *كان* -*гән* аффикси буйруқ феъли билан бирикиб, масдар маъносида ҳам қўлланади. Масалан, *сачган*, *кэлгән* каби. Бунга далил қилиб, қуйидаги байтлар келтирилган:

خورده ساچقاندین چمن ملکیدا سلطان بولدی کل
غنچه قانلیغ کونکلیکا سالغان کره امساک ایمیش

Хурда сачқандын чәмән мулкида султән болды гул
Ғунча қанлығ көңлигә салған гирәх имсәк эмиш (9- бет).

کوزوما کیلماس اوچون کیلکاندا اول یوز الیمه
نچه یخشى انکلاماس کیم کوز قویاشغه اوترودور

Көзүмә кәлмәс үчүн кәлгәндә ул йүз алыма
Нәчә йахшы аңламас-ким көз қуяшиға отрудур (9- бет).

Рум ва Эрон туркларида мазкур форма ясалганда, агар буйруқ феъли ундош билан тугалланган бўлса, *غان* -*ган* / *كان* -*гән* аффиксидаги [ɣ] ва [ɟ] тушириб қолдирилиб, буйруқ феълига [-a], [-ä] орттирилади⁸. Масалан: *الغان* *алган* ўрнига *الن* *алан*, *کیلکان* *кәлгән* ўрнига *کیلن* *гәлән*, *الغاندا* *алганда* ўрнига *الندا* *аланда*, *کیلکاندا* *кәлгәнда* ўрнига *کیلاندا* *гәләндә* каби.

Агар буйруқ феъли унлилар билан тугалланган бўлса (*باشلان* *башлаган*, *اوقوغان* *оқуған*, *دیکان* *дәгән* каби), қоида бўйича [ɣ] ва [ɟ] ни [й] билан алмаштирилади. Масалан, *باشلاين* *башлайан*, *اوقويان* *оқуйан*, *دین* *дәйән*, *باشلايندا* *башлайанда*, *اوقوياندا* *оқуйанда*, *دياندا* *дәйәндә* кабилар.

Иккинчи хили шундан иборатки, *غان* -*ган* / *كان* -*гән*, *دور* -*дур*, *-дўр* аффикслари ёрдамида ясалган феъл формасининг охирига қўшилиб, масдар ва сифатдош маъносини англатади. Масалан, *узатурсан*, *اوزاتادورغان* *узатадурсан*, *کیلکان* *кәлгән*,

⁸ Бу ерда фақат [ɣ] ва [ɟ] нинг ўзи тушириб қолдирилиб, буйруқ феълига [-a], [-ä] орттирилмайди.

киладоркан *кэләдүргән* каби. Масдар маъносида ишлатилишига далил қилиб, қуйидаги байтни келтиради:

اوزاتورغان زمانى اتلاندى
چون اوزاتتى وثاقىغە ياندى

Узатурган замāны атланды,
Чун узатты висāқыға йанды (10- бет).

كىنت اهلى مولاناغە دىدىلار كە خواجە سزنىڭ كىلادوركانىڭز جەتتى دىن
فلان خراسدا بىر چوقورغە كرىب تور

Кэнт ахлы мавлāнāга дэдилār-ки, хожса, сизниң *кэләдүргәниңиз* жиҳатыдын (келишингиз сабаблидан) *фалāн* хоррāсда бир чуқурға кириптүр (10- бет).

Меҳдихон *узатадурган*, *киладоркан* *кэләдүргән* формалари қўлланиб, *узатурган*, *килоркан* *кэлүргән* формаларининг жуда кам қўлланишини таъкидлаб ўтади.

Меҳдихон *башламақ*, *тишләмақ*, *йолдамақ*, *тильбәрамақ*, *муһрамақ*, *монокрамақ*, *оғудәмақ*, *аюкӯдамақ*, *тәлбәрәмақ* каби масдарларнинг от ва сифатдан *-ла*, *-лә*, *-да*, *-дә*, *-ра*, *-рә* аффикслари ёрдамида ясалганларини ҳам кўрсатиб ўтади.

-ла, *-лә*, *-ра*, *-рә* аффикслари форс сўзларига ҳам қўшилиши мумкин. Масалан, *гумārламақ*, яъни тайинламақ, *ҳавасланмақ*, яъни ҳаваси келмоқ, *гузārламақ*, яъни адо қилмоқ каби. Буларга далил қилиб, Меҳдихон қуйидаги парчаларни Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асаридан келтиради:

استادى ابو عمر بن عثمان مكي انى قارغادي كيم الهى پراونى⁹ انكا
كمارلاكيم انىڭ اياغين كيسكاي و دارغە تارتغاي

⁹ Бу сўз *бирاونى* тарзида бўлиши керак.

Устодаи Абу 'Умар бин 'Усмāн Мāкки аны қарғады-ким, илāҳи бирāвни аға гумāрла-ким, анығ айағын кэсгāй ва дāрға тартғай (11- бет).

بیر کون نماز پشن¹⁰ نی کذارلادی و باشینی مرقع غه تارتتی چون نظر قیلدوق اوتوب ایردی

Бир кўн намāз-и пэшинни гузāрлады ва башыны марқаға тартты, чун назар қылдуқ, өтўп эрди (11- бет).

Меҳдихон грамматикасидаги биринчи бобнинг схематик кўриниши Илова, 2- жадвалда келтирилган.

Ўтган замон феъли (فعل ماضی феъл-и мозий)

Меҳдихон феълнинг ўтган замонини уч қисмга бўлиб текширади.

Биринчи қисмга دی -ды, -ди / تی -ты, -ти ва بان -бан, -бāн аффикслари ёрдамида ясалган ўтган замон феъл формалари киритилади. دی -ды, -ди нинг шахс-сон формалари қуйидагича берилади:

Учинчи шахс бирлик: دی -ды, -ди / تی -ты, -ти; масалан, الدی алды, کیتی кэтти каби.

Учинчи шахс кўплик: دیلار -дылар, -дилār / تیلار -тылар, -тилār; масалан, الدیلار алдылар, کیتیلار кэттилār каби.

Иккинчи шахс бирлик: دینک -дығ, -диғ / دونک -дуғ, -дўғ, تینک -тығ, -тиғ / تونک -туғ, -тўғ; масалан, الدینک алдығ, اوردونک кеттиғ, توتتونک кэттиғ, توتتونک каби.

Иккинчи шахс кўплик: دینکیز -дығыз, -диғиз / تینکیز -тығиз, -тиғиз, دینکلار -дығлар, -диғлār / تینکلار -тығлар, -тиғлар, دونکوز -дуғлар, -дўғлār / تونکوز -туғлар, -тўғлār / الدینکلار алдығыз, -диғиз, اوردونکوز кеттиғиз, توتتونکوز кеттиғлār, توتتونکوز каби.

¹⁰ Бу сўз тарзида бўлиши керак.

Биринчи шахс бирлик: ديم -*дым*, -*дим* / تيم -*тым*, -*тим*, دوم -*дум*, -*дўм* / توم -*тум*, -*тўм*; масалан, اليم *алдым*, اوردوم *урдум*, كيتيم *кэттим*, توتتوم *туттум* каби.

Биринчи шахс кўплик: دوق -*дуқ* / توق -*туқ*, دوک -*дўк* / توک -*тук*; масалан, الدوق *алдуқ*, ساتتوق *саттуқ*, كىلدوک *кэлдўк*, كىتتوک *кэттўк* каби.

Меҳдихон بان -*бан*, -*бән*, ب -*б* равишдошларини ҳам ўтган замон феълига киритади ва қуйидаги байтларни мисолга келтиради:

چهره ياپتېنىك خسته جانىمنى انكا زار ايلابان
زلف ييغدينىك تىلبه كونكولمنى كرفتار ايلابان

Чэхра йаптың хаста жāнымны аңа зār āйлāбāн,
Зулф йығдың тэлбā кōңлүмни гирифтār āйлāбāн (21- бет).

كاتب صنع چو هر كيمكا بير ايشنى رقم ايلاب
سبز خطلار غمى غه بيزنى قضا متهم ايلاب

Kāтиб-и сунъ чу ҳар кимгā бир ишни рақам āйлāн,
Сабз хатлар ғамыга бизни қазā муттаҳам āйлāн (21- бет).

Иккинчи қисмга ميش -*мыш*, -*миш*, غان -*ган* / گان -*гән*, مايدور -*майдур*, -*мāйдүр* формалари киритилади:

1) ميش -*мыш*, -*миш*: الميش *алмыш*, اورميش *урмыш*, قيلميش *қылмыш* (ўтган замон маъносида).

ميش -*мыш*, -*миш* баъзан кесимлик аффикслари ва баъзи бир ёрдамчи феъллар билан ишлатилганда ҳам ўтган замон маъносини англатади. Масалан, الميش مين *алмыш-мэн*, الميش سين *алмыш-сэн*, الميشانك *алмышан*, الميشتور *алмыштур* каби;

2) غان -*ган* / گان -*гән*: اچىلغان *ачылган*, ياشونغان *йашунган*, باشورولغان *башуролган* (ўтган замон сифатдоши ва мажҳул ўтган замон маъносида).

غان -*ган* / گان -*гән* ҳозирги-келаси замоннинг -*р*; -*дур*, -*дүр* формасига қўшилиб ҳам ўтган замон маъносида ишлатилади.

Масалан, *الورغان* *алурған*, *الادورغان* *аладурған*, *كیلادوركان* *кәләдүргән*, *كیلوركان* *кәлүргән* каби.

مايدور *-майдур*, *-мәйдүр* нинг ўтган замон маъносида ишлатилишига қуйидаги байт келтирилади:

شكنج طره سيدين كيم كره يازيلمايدور
بنفشه تورور اما هنوز اچيلمايدور

Шиканжи туррасыдын-ким гирэх йазылмайдур,
Бинафшайи турур, амма ҳануз ачылмайдур (23- бет).

Ҳозирги-келаси замон феъли ўтган замон ёрдамчи феъллари билан ишлатилса, ўтган замон маъносини англатади. Масалан, *كیلور ايردى* *кәлүр эрди*, *كیلادور ايردى* *кәләдүр эрди* каби.

Меҳдихон грамматикасидаги ўтган замон феъл формасининг схематик кўриниши Илова, 3- жадвалда келтирилган.

Ҳозирги-келаси замон (فعل مضارع *феъл-и мўзореъ*)

Меҳдихон ҳозирги-келаси замон формасини ясалишига кўра икки қисмга бўлади.

Биринчи қисми буйруқ феълига [-p] қўшиш билан ясалади. *ال* *ал*, *ات* *ат*, *بیر* *бэр*, *چیک* *чэк* каби ундошга тугаган сўзларга бир унли товуш орттирилиб, [-p] қўшилади. Қачон қандай унли орттирилишининг қоидаси йўқ, баъзи феълларга [-y], баъзиларига [-a] ёки [-u] орттирилади: *بیر* *бэр* – *بیور* *бэрүр*, *چیک* *чэк* – *چیکار* *чэкәр* ва ҳоказо.

Охири унли билан тугалланган буйруқ феълига [-p] нинг ўзи қўшилади. Масалан, *ایستا* *истә* – *ایستار* *истәр*, *یو* *йу* – *یوار* *йувар*, *دیر* *дэр* – *دیر* *дэ* каби.

Иккинчи қисм уч турдан иборат бўлиб, биринчи турга уч қоида берилган.

Биринчи қоида. Агар буйруқ феъли ундош билан тугалланган бўлса, охирги ҳарфига [-a], [-ä] орттирилиб, сўнг унга -*дур*, -*дүр* қўшилади. Масалан, *ال* *ал* – *الادور* *аладур*, *کیل* *кәл* – *کیلادور* *кәләдүр* каби.

Иккинчи қоида. Буйруқ феъли [-a], [-ä] ёки [-y] билан тугалланган бўлса, [-й] ундоши орттирилиб, сўнг -дур, -дўр аффикси қўшилади. *ايستا* *истä* – *ايستايڭدور* *истäйдўр*, *اسرا* *асра* – *اسرايدور* *асрайдур*, *يو* *йу* – *يويڭدور* *йуйдур*, *وقو* *оқу* – *وقويدور* *оқуйдур* каби.

Учинчи қоида. Буйруқ феъли [-э] билан тугалланган бўлса, аввал [-й], сўнг -дур, -дўр қўшилади: *دى* *дэ* – *ديڭدور* *дэйдўр*, *يى* *йэ* – *يىڭدور* *йэйдўр* каби.

Иккинчи тур *غاي* -гай / *كاي* -гäй, *سون* -сун, -сўн, *ديك* -дик формасидан иборат: *الغاي* *алгай*, *السون* *алсун*, *الديك* *алдик*, яъни олсин, *كيلكاي* *кэлгäй*, *كيلسون* *кэлсўн*, *كيلديك* *кэлдик*, яъни келсин каби. Бу ерда Меҳдихон яна [-a] аффикси билан ҳозирги-келаси замон ясалиши мумкинлигини гапириб, бунга *тэшй* сўзини мисол келтиради:

اوچى قطره سودين تاييب چاشني
نيتانك كر تيشا قطره سو تاشني

Ўчи қатра судын тапып чаишы

Нэтаң гар тэшй қатра су таишы (26- бет).

дур + мыш, дўр + миш формаси ёрдамчи феъл билан бирикиб, келаси замон маъносини англатади.

Масалан: *ايسادورميش بولغاي* *эсәдўрмиш болгай*, яъни эсадиган бўлсин, *قونغارادورميش بولغاي* *қонғарадурмиш болгай*, яъни жойидан кўчирадиган бўлсин ва бошқалар. Бунга далил қилиб қуйидаги парча келтирилади:

آني آسماندين بىرتار ايپاك بيله آسميش بولغايلار و يلى ايسادورميش
بولغاي كيم بنالارنى و ييغاچلارنى قونغارادورميش بولغاي و دريالرنى انباشته
قىلادورميش بولغاي آنى يردىن تبراتا الماغاي

Аны āсмāндын бир тāр ипāk билä асмыш болгайлар ва йэли эсәдўрмиш болгай-ким, бинāларны ва йыгачларны қонғарадурмиш болгай ва дарйāларны амбāшта қыладурмиш болгай ва йэрдин тэбрäтä алмагай (27- бет).

Меҳдихон грамматикасидаги ҳозирги-келаси замон феъл формасининг схематик кўриниши Илова, 4- жадвалда келтирилган.

Ҳозирги замон сифатдоши (اسم فاعل *исм-и фоъил*)¹¹

Ҳозирги замон сифатдоши маъносига кўра икки қисмга бўлиб текширилган. Биринчи қисм фақат ҳозирги замон сифатдоши маъносини англатувчи формалардан ташкил топиб, икки турни ўз ичига олади.

Биринчи тур қиёсий бўлиб, *غوچى* -*ғучи* / *کوچى* -*кўчи*, *-кўчи* ҳамда *چى* -*чы*, *-чи* аффикслари ёрдамида ясалган сифатдош формаларидан иборат. *غوچى* -*ғучи*, *کوچى* -*кўчи* аффикси буйруқ феълига, *چى* -*чы*, *-чи* эса предмет отлари ва бошқа (сўз туркумлари)га қўшилиши қайд қилинган: *الغوچى* *алғучи*, яъни олувчи, *کيلکوچى* *кэлкўчи*, яъни келувчи, *اوچى* *оқчы*, яъни ўқчи, ўқ қилувчи, *اينداکچى* *индәкчи*, яъни кишиларни меҳмонга таклиф қилувчи шахс, *بيتىکچى* *битигчи*, яъни битувчи, котиб каби.

Иккинчи тур самоий бўлиб, *ول* -*ул*, *اغان* -*а + ган*, *اکان* -*ä + гән*¹², *چاق* -*чақ* аффикслари ёрдамида ясалган формалардан ташкил топган: *قراول* *қаравул*, яъни қоровул, *يساول* *йасавул*, яъни ясовул, тартиб ўрнатувчи, тузувчи, *بکاول* *бакавул*, яъни дастурхончи, суфрачи, *توسقاول* *тусқавул*, яъни сақловчи, *توتاغان*, яъни доим тутувчи, тутағон, *چاپاغان*, яъни доим чопувчи, чопағон, *وراغان* *ураган*, яъни доим урувчи, урағон, *کولಾಗان* *куләгән*, яъни доим кулувчи, *کيساکان* *кэсәгән*, яъни жуда ўтқир (кесувчи), *ياسانچاق* *йасанчақ*, яъни ўзига оро берувчи каби.

Иккинчи қисми муштарак, яъни ҳам сифатдош, ҳам бошқа маъноларда ишлатиладиган формалардан иборат булиб, икки турни ўз ичига олади.

Биринчи тур қиёсий бўлиб, ҳозирги замон феълсининг -*р* формаси, ўтган замон сифатдошининг *غان* -*ган* / *کان* -*гән*, *-кән* формаси ва ҳозирги замон феълсининг *ماس* -*мас*, *-мәс* бўлишсиз

¹¹ Мирзо Меҳдихон мазкур термин остида иш-ҳаракатни бажарувчи шахсни ҳам назарда тутган.

¹² *اغان* -*а + ган*, *اکان* -*ä + гән* кучайтирувчи ва давомлилик маъноларининг ифодалашини қайд қилинган.

формасининг бирор предикатив билан бириккан шаклидан ташкил топган:

اچار *ачар*, яъни очади, очувчи, كورار *көрәр*, яъни кўради, кўрувчи, ايشيتور *эшитўр*, яъни эштади, эшитувчи, ايتور *айтур*, яъни айтади, айтувчи, انكلار *аңлар*, яъни англайди, англовчи, ساچقان *дэгән*, яъни гапирувчи, بيركان *бэргән*, яъни берувчи, سачقان *сачқан*, яъни сочувчи, تيركان *тэргән*, яъни турувчи, چومورغان *чомурган*, яъни чўктирувчи, اوچورغان *учурган*, яъни учирувчи, ايلكان *айләгән*, яъни қилувчи, اچماس بولسا *ачмас болса*, яъни очмайдиган бўлса каби ва ҳоказо.

Мазкур формаларга далил қилиб, қуйидаги байтлар келтирилган:

نالان مين آچار بولسا يوز اول حور پريزاد
بلبلغه نى تانك كل آچلور فصلده فرياد

Нālān-мэн ачар болса йўз ул ҳур-и паризād
Булбулга нэ таң гул ачылул фаслда фарйād (29- бет).

لطف بيله ايلادى انسان سيني
دين يولیده قیلدی مسلمان سيني
بيردی كورار كوز و ايشيتور قولاغ
ايتور تيل عطرنى انكلار دماغ

Лутф билә айләди инсән сәни
Дин йолыда қылды мусулмāн сәни
Бәрди корәр көз-у эшитўр қулаг
Айтур тил атрны аңлар дымағ (29- бет).

Иккинчи тур самоий бўлиб, غور -*гур* / كور -*гўр*, غون -*гун* / كون -*гўн*, -*кўн*¹³ аффикслари ёрдамида ясалган формалардан иборат: اوچغور *учгур*, яъни тез учувчи, تينغور *тынгур*, яъни тинч-лантирувчи, اوتكور *откўр*, яъни ўтувчи, اويغانماغور *уйғанмагур*,

¹³ Мирзо Меҳдихон غون -*гун* / كون -*гўн*, -*кўн* формалари چی -*чы*, -*чи* аффиксини қабул қилиши мумкин деб таъкидлайди ва қуйидаги мисолларни далил қилиб келтиради: قاوغونچى *қавгунчы*, اوتكونچى *откўнчи* каби.

яъни уйғонмайдиган, قاوغون *қавгун*, яъни таъқиб қилувчи, اوتكون *откун*, яъни ўтувчи каби.

Мазкур формаларга далил қилиб, қуйидаги мисоллар келтирилган:

دیرمین ایلاى سرمه پر صاحب نظر نینک کردینی
آه کیم اویغانماغور بختیم کوز اچماس ایقودین

*Дэр-мэн айлай сурма пар сәхиб назарның гардыны
Ах-ким уйғанмагур бахтым көз ачмас уйқудын (32- бет).*

سوردیلار کیمه نی شتاب بیله
یتی قوغونلار اضطراب بیله

*Сурдылар кэмәни шитәб билә
Йэтти қавгунлар изтирәб билә (32- бет).*

تیر باران فراق احباب جانی دین اوتار
هیچ یامغور موندین ایا اتکون اولغایمو ایکی

*Тир бәрән-и фирәқ ахбәб жәһныдын өтәр
Ҳеч йамгур мундын айә өткүн олғай-му экин (32- бет).*

Ҳозирги замон сифатдошининг Меҳдихон грамматикасида берилиш тартиби Илова, 5- жадвалда келтирилган.

Ўтган замон сифатдоши (اسم مفعول исм-и мафъул)

«Мабониу-л-луғат»нинг биринчи мабносининг бешинчи боби ўтган замон сифатдоши формасига бағишланган. Ўтган замон сифатдоши ишлатилишига кўра икки қисмга бўлиб текширилган.

Биринчи қисмга феълдан ясалган сифатлар киритилади, чунки улар форсчага ўтган замон сифатдоши билан таржима қилинади.

Иккинчи қисм муштарак (ҳам ўтган замон сифатдоши, ҳам бошқа маъноларни ифодаловчи) формалардан иборат бўлиб, میش / -мыш, -миш, غان / -ган, کان / -гән, -кән, لیغ / -лығ, لیک / -лик, لوغ / -луг, /

لوک -لۈک, غون -غون / كون -گۈن формаларидан ташкил топган ва бошқа маъноларда ҳам ишлатилиши қайд қилинади¹⁴:

¹⁵ يېتكەن, *тапган* تاپغان, яъни бўлган, *қылган* قىلغان, *битгән* битгән, яъни ёзилган, мактуб, *тутулурган* توتولورغان, *тутуладурган*, яъни ушланган, *чирмашлыг* چىرماشلىغ, яъни чирмашган, *битиглиг* بىتىگلىگ, яъни кўмилган, *көмүклүк* كۆمۈكلۈك, яъни битилган, *тутгун* توتغون, яъни тутқин, ҳабс қилинган, *йурғун* يورغون, яъни чарчаган, хаста, *сүргүн* سورگون, яъни қувилган каби.

Мазкур мисолларнинг ўтган замон сифатдоши маъносида ишлатилишига далил қилиб, қуйидаги парча ва байтлар келтирилган:

بو تعريف قىلغان عشق معشوق وجودي بىرلە قايم دور و توارد تاپغان
حالاتغه منسوبلۇغلاري دايم

Бу таъриф қылган 'ишқ маъшуқ вужуды бирлә қайымдур ва таварид тапган ҳалатга мансублуглары дайым («Махбубу-л-кулуб», ўнинчи бобнинг «Ишқ зикри»дан (33- бет).

رقعه دور چرخ چىرماشلىغ كه مضمون صورتين
هيچ كيم فهم ايتماى عنوان نينك مضمونيدىن

Руқъадур чарх чирмашлыг-ки мазмун суратын
Ҳеч ким фаҳм этмади унвāныныи мазмуныдын (34- бет).

قلىچدا داغى اسمى ايردى بيتكلىك
كه اول بو اسم دين تاپميش اتيكلىك

Қылычда дагы исми эрди битиглиг
Ки ул бу исмдин тапмыш өтиглиг («Хисрав ва Ширин»дан, 35- бет).

Ўтган замон сифатдошининг Меҳдихон грамматикасида берилиш тартиби Илова, 6- жадвалда келтирилган.

¹⁴ *мыш* -مىش, *-миш* формасига мисол келтирилмаган.

¹⁵ يېتكەن бўлиши керак.

Буйрук феъли (**فعل امر** *фэъл-и амр*)

«Мабониу-л-луғат»нинг биринчи мабносининг олтинчи боби буйруқ феълига бағишланган. Асарда буйруқ феъли феъл формаларининг бирламчи ва бош шакли эканлиги қайд қилинади ва барча аффиксларнинг имлоси унга боғлиқ эканлиги таъкидланади. Баъзан буйруқ феъли формасига غيل -*ғыл* / كيل -*гил*¹⁶, غين -*гын* / كين -*гин* аффикси орттирилади.

قرا کوزوم کیل و مردوم لوق ایمدی فن قیلغیل
کوزوم قراسیدا مردم کیبی وطن قیلغیل

Қара көзүм кәл-у мардумлуқ әмди фан қылғыл
Көзүм қарасыда мардум киби ватан қылғыл (35- бет).

دیمانک که قاشلاری محرابیدا تیلک تیلاکین
منکا که قاشلاری محرابی اوق تورور تیلاکیم

*Дэмәһ-ки қашлары мэхрәбыда тиләг **тиләгин**
Мәһә-ки қашлары мэхрәбы-оқ турур тиләгим (36- бет).*

Буйрук феълининг иккинчи шахс кўплик формаси буйрук феълига *نک -η, -иη, -уη, -ўη, نکیز -ηиз, -иηиз, نکوز -уηуз, -ўηўз, دیک -иηләр, -уηлар, -ўηләр*, учинчи шахс бирлик формаси *دیکلار* *дик*¹⁷, *سون -сун, -сўн, غای -гай, کای -гай*, кўплик формаси *دیکلار* *-дикләр, سونلار -сунлар*¹⁸ аффиксларини қўшиш билан ясалади: *باشلانک* *алыη, килинک* *кэлиη, کورونک* *көрүη, توتونک* *тутуη, باشلانک* *баишлaη, яъни бошланг, اوقونک* *оқуη, яъни ўқинг, دينک* *дэη, яъни айтинг, الينکيز* *алыηиз, کيلينکيز* *кэлиηиз, کورونکوز* *көрүηўз, توتونکوز* *тутуηуз, الينکلار* *алыηлар, توتونکلار* *тутуηлар, کورونکلار* *көрүηлар, کيلينکلار* *кэлиηләр, اسراديک* *асрадик, яъни асрасин, سورديک* *сордик, яъни сўрасин, اولديک* *олдик, яъни бўлсин, اسراسون* *асрасун, السون*

¹⁶ غيل -*ghil* / كیل -*gil* аффикси *зоида*, яъни ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмаган кўрсаткич деб тушүнтрилади. Бу – нотўғри.

¹⁷ *диқ* (-*дэ*) аффикси *-дай* маъносини ҳам ифодалаши таъкидланган.

¹⁸ *سون* -*сун*, *سون* -*сун*, *سون* -*сун* аффикси фақат *-лар*, *-ләр* аффикси билан бирикиши тушунтирилган.

алсун, سورسونلار *сорсунлар*, سورديكلار *сордиклар*, اولديكلار *олдиклар*, اولسونلار *олсунлар*, яъни бўлсинлар, اسراغاي *асрагай*, яъни асрасин, سورغاي *соргай*, яъни сўрасин, كېلكاي *кэлгай*, яъни келсин, كېتكاي *кэтгай*, яъни кетсин каби.

Мирзо Мехдихон буйруқ феълининг учинчи шахс бирлик формаси -*ă* *кэрăк* ёрдамида ҳам ясалишини кўрсатиб ўтган: ياراشا *йараша кэрăк болгай*, яъни лойиқ бўлиши керак, اوخشا *охша кэрăк болгай*, яъни ўхшаш бўлиши керак каби¹⁹.

Мазкур мисолларга далил қилиб қуйидаги байтлар келтирилган:

كورونكلر عشق دشتين كيم نسيم ولادين [؟] دايم
كهى جانبخش سلقين دور كهى مهلك شرار اندا

Көрүңләр 'ишқ даштын ким насими валăдин дăйим
Гаҳи жăнбахи салқын-дур гаҳи муҳлак шарăр анда (37- бет).

كيم كه كونكلين ايستاماس غمكين تيليني اسراديك
كيم تيلي تيغان كيشي نينك كونكليدا آزار ايماس

Ким-ки көңлин истăмăс ғамгин тилини асрадик,
Ким тили тийған кишиниң көңлидă азор эмăс (37- бет).

شام هجرانيم وصال اهليغه بيحد قيسقه دور
انى سورديكلار نوائى ديدة كريانيدين

Шăм-и ҳижрăным висăл аҳлыға беҳад қысқадур
Аны сордиклар Навăйи дида-йи ғирйăныдын (38-бет).

Асарда буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлик формаси -*ар*, -*ăр* билан тугалланган бўлса, унга [-*y*] қўшиб ишлатилиши таъкидланади²⁰:

¹⁹ Мехдихон бу ерда янглишган. -*а* *кэрăк* буйруқ феълини эмас, балки равишдош формасини ясайди. Муаллиф *болгай* формасига кўра буйруқ феъли билан таржима қилган.

²⁰ Бу ерда муаллиф хатоликка йўл қўйган. [-*y*] буйруқ феъли формасини эмас, балки архаик равишдош формасини ясайди.

ای صبا اواره کونکوم ایستایو هر یان بارو
وادی و تاغ و بیابان لارنی بیر بیر اختارو
تانا کوپ انی چو تانسانک هر قایان عازم ایسا
باشینه ایورول قویوندیک داغی الداپ قایتارو

*Эй саба̄ а̄вара̄ көлүм истай̄ӯ ҳар йан бару
Вāди-йу тағ-у бийāбāнларны бир-бир ахтару
Тапа көр аны чу тапсаң ҳар қайан āзим эсā
Башына уйурул қуйун-дэг дагы алдап қайтару* (36-бет).

Буйруқ майлининг инкор формаси (نهی ناҳий)

Бу формага еттинчи боб бағишланган бўлиб, буйруқ феълига *ма* -*ма*, -*мā* бўлишсизлик аффикси қўшилиши билан ясалиши айтилган: *барма*, яъни *борма*, *келмā*, яъни *келма* каби.

Буйруқ феълининг баъзи инкор шакллариға грамматик маънога эга бўлмаган *гил* -*гыл* / *кил* -*гил*, -*кил*, *гын* / *кин* -*гин*, -*кин* аффикслари орттирилади: *бармагыл*, *килмакил*, *келмагил*, *бармагын*, *алмагыл*, *алмагын* каби. *бармагын* ва *алмагын*га далил қилиб, қуйидаги байтлар келтирилган:

نیجه دیدیم اول صنم غه بارماغین (یعنی مرو)
قیلمادی اول ترک آخر بارماغین

Нэча дэдим ул санамға бармагын (яъни бормагин)
*Қылмады ул тарк āхир бармагын*²¹ (39- бет).

ای نوائی تیلاسانک دولت باقی تاپماق
الماغین دیر فنا یولیدیناصلا عارض

*Эй Навāйи тилāсāң давлат-и бāқи тапмақ
Алмагын дайр-и фанā йолыдын аслā āриз* (39- бет).

²¹ Муаллиф иккинчи мисрадаги *бармагын*ни «унинг бармоғи» деб нотўғри таржима қилинган.

Мирзо Мехдихон ما -ма, -mä аффикси инкор формадан ташқари бошқа маънога эга бўлган формаларни ҳам ясайди деб таъкидлайди ва уни икки қисмга бўлиб текширади. Биринчи қисм феъл ўзакларига қўшилиб, предмет отлари, баъзи масдар исмлари, ўтган замон сифатдоши формаси ҳамда бирор эгалик аффикси билан бирикиб қисқартирилган масдар маъноларини англатган формалардан иборат: *الما* алма, яъни олма (от), *ايكما* эгmä, яъни эгма, эгилган, *اسما* асма, яъни осма, *باسما* басма, яъни қолип урилган нақш, *قاوورما* қавурма, яъни қовурилган гўшт, *قىلماسى* қылмасы, яъни қилмоғи, *كىلماسى* кэлмәси, яъни келмоғи²² каби.

Иккинчи қисм биринчи шахс бирлик эгалик аффикси -м, -им тугалланган сўзларга жўналиш келишиги аффикси -га, -gä, -kä орттирилган, баъзан аффиксдаги [ɣ], [ɖ], [k] ҳарфлари тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлган формани ўз ичига олади: *حالىمه* ҳāлыма, *كونكلوما* көңлүмā каби.

Феълларнинг бўлишсизлик шакли (نفى *нафий*)

Феълнинг бўлишсизлик белгиси инкор билдирувчи ما -ма, -mä аффикси деб қаралади. Бўлишсизлик белгиси бўлган ما -ма, -mä аффикси феълнинг ўзагига буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлигини кўрсатувчи формага қўшилади: *الماماқ* алмамақ, яъни олмаслик, *كىلماماك* кэлмәмāk, яъни келмаслик, *المادى* алмады, яъни олмади, *كىلمادى* кэлмәди, яъни келмади каби.

Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсизлик шакли ما -ма, -mä аффиксини қабул қилмайди. Унинг бўлишсизлик маъноси учун *مايدور* -майдур, -мәйдүр ва *ماس* -мас, -мәс белгилари қўлланилади: *چاقىلمايدور* чақылмайдур, яъни чақилмайди, *الماس* алмас, яъни олмайди, *دىماس* дәмәс, яъни демайди.

دميم بخارى بولوتيدا درد كاجي دين
كوزومكا هيچ نفس يوق كه اوت چاقيلمايدور

²² *قىلماسى* қылмасы, *كىلماسى* кэлмәси масдарнинг инкор шакли маъносини ҳам ифода қилиши қайд қилинган: қилмаслиги, келмаслиги.

*Дамим бухāри булутыда дард кāжсыдын
Közümgā ҳеч нафас йоқ-ки от **чақылмайдур** (41- бет).*

Рум туркларида *ماس* -мас, -мāс формаси *مز* -маз, -мāз шаклида қўлланади: *يازماз*, яъни ёзмади, ёзмаслик.

سینی ملک کورہ لی یازمز اولدی عشقی کناہ
ولی یازیلدی بو یوزدین بسی ثواب انکا

*Сэни малак көрāли **йазмаз** олды 'ишқы гунāх
Вале йазылды бу йүздин басы савāб аңа (41- бет).*

Ҳозирги-келаси замон феълининг биринчи шахс бўлишсиз-лик формаси феълнинг ўзагига -ман, -мāн / -аман, -āмāн аффиксини қўшиш билан ясалади. Баъзан бу формага биринчи шахс бирлик шахс-сон аффикси [-м] орттирилади: *کيسمان* кэсмāн, *کيسامان* кэсāмāн, яъни кесмайман, *ايتمان* этмāн, *ايتامان* этāмāн, яъни тинмайман, *تاпمانام* тапмана^м, яъни топмайман.

بلا باشيغہ بسی کيلدی قويماديم عشقينک
کيس امدی انی يوق ايرسا بولار بيله کيسامان

*Балā башымга басы кэлди қоймадым 'ишқын
Кэс эмди аны йоқ эрсā булар билā **кэсāмāн**,
яъни Бошимга кўп балолар келса ҳам сенинг ишқингни
(тилдан) қўймадим, энди уни уз, агар узмасанг, мен ҳаргиз
узмайман (42- бет).*

چو خوئی نازک ایرور تاپمانام علاجین انینک
قاشیغہ بار غالی هر نیجه چاره ایلارمین

*Чу хуй нāзук эрўр **тапмана^м** илāжын анып
Қашыга баргалы ҳар нэчā чāра āйлār-мэн (43- бет).*

Демак, инкор билдирувчи -ма, -мā аффикси феълларнинг бўлишсизлик белгиси ҳисобланади. Ҳозирги-келаси замон феълнинг бўлишсизлик шакли *ماس* -мас, -мāс, *مايدور* -майдур, -мāйдўр ва биринчи шахс бирлик бўлишсизлик шакли эса *مان* -ман, -мāн аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Равишдош (حال ҳол)

Асарнинг тўққизинчи боби **равишдош** формасига бағишланган булиб, ясалишига кўра тўрт қисмга бўлиб текширилган. Биринчи қисмга [-а] аффикси орқали ясалган равишдошлар киритилиб, мазкур аффикси ундош билан тугалланган буйруқ феълларига қўшилиши ҳамда тоқ ва жуфт шаклларда ишлатилиши қайд қилинган:

يېقىلا *йықыла*, яъни йиқилган, йиқилиб, йиқила, قوپا *қопа*, яъни турган, тура, туриб, كوز سالا *көз сала*, яъни кўз солган, кўз солиб, кўз сола, كولا *кулә*, яъни кулиб, кула, توتا توتا *тута-тута*, яъни ушлаб-ушлаб, тута-тута, چاله چاله *чала-чала*, яъни чала-чала, باره باره *бара-бара*, яъни бора-бора каби. Кўрсатилган мисолларга далил қилиб, қуйидаги байтлар келтирилган:

قاشيدا خال هندوئی کافر ایرور که اهل دین
قطلی اوچون چیقیب تورور کوز سالادیر طاقیغه

Қашыда хāl-и ҳинду-йи кāфир эрүр-ки аҳлы дин
Қатлы үчүн чықып турур көз саладыр тāқыға (50- бет).

کلکشت چمن خوشتور اکر ساقی و مطرب
بو کیلسا توتا توتا و اول بیر چاله چاله

Гулгаиш-и чаман хуштур агар сāқи-йу мутриб
Бу кэлсә тута-тута ва ул бир чала-чала (51- бет).

Иккинчи қисмга -й, -йу, -йў аффикси орқали ясалган равишдошлар киритилиб, мазкур аффикс [а] унлиси билан тугалланган буйруқ феълларига қўшилиши қайд қилинган. Бу қисм ўз навбатида ишлатилишига кўра икки турга бўлинади. Биринчи турга [-й] формаси киритилган булиб, жуфт шаклида ҳам ишлатилиши таъкидланган: *ойнай* *ойнай*, яъни ўйнай, ўйнаб, *асрай* *асрай*, яъни асрай, асраб, *истай* *истай*, яъни талаб қилиб, *ойнай-ойнай* *ойнай-ойнай* яъни, *ўйнай-ўйнай* *ўйнай-ўйнай*, *асрай-асрай* *асрай-асрай*, яъни асрай-асрай, асраб-асраб каби.

اوينای اوینای اولتورور بیر بیر اولوسنی کوزلارینک
شوخی قاطل لارنی جانلار قصدیغه اویناتماغیل

Ойнай-ойнай өлтүрүр бир-бир улусны көзлэрин
Шох қәтиллерны жәнлар қасдыға ойнатмағыл (51- бет).

كونكولدا سر عشقینک اسرای اسرای اولدوم ای ساقی
قدح توت کیم خرابات اهلیغه فاش اولسا فاش اولسون

Köñüldä sirr-u 'ишқың асрай-асрай олдум эй сәқи
Қадаҳ тут-ким харāбāt аҳлыға фāш олса фāш олсун
(51- бет).

Иккинчи тури -йу, -йү формасидан иборат бўлиб, бу форманинг жуфт шаклида ишлатилмаслиги ва шахс-сон, кесимлик аффикслари билан бирикмаслиги қайд қилинган: *اسرایو асрайу*, яъни асраб, асрай, *اوينایو ойнайу*, яъни ўйнаб, ўйнай, *ایستایو истайў*, яъни истаб, талаб қилиб, истай каби.

Учинчи қисмга иккинчи қисмга ўхшаш [-й] аффикси орқали ясалган равишдошлар киритилиб, мазкур аффикс [-у] билан тугалланган буйруқ феълларига қўшилиши ва жуфт шаклида ҳам ишлатилиши қайд қилинган: *اوقوی оқуй*, яъни ўқий, *اویوی уйуй*, яъни ухлай каби.

Тўртинчи қисмга ҳам равишдошларнинг [-у] формаси киритилиб, [-и] аффикси билан тугалланган ўзакка қўшилиши тушунтирилган ва ёзувда икки [и] унлисининг ёнма-ён ишлатилиши қоидага зид бўлгани учун ўзакдаги [и] ни чўзиқ талаффуз қилиш билан кифояланиши таъкидланган: *دی دی дий-дий*, яъни дей-дей, *یی یий-йий*, яъни ей-ей каби. Бу форма айрим шаклда ишлатилса, буйруқ феълени англатади: *دی дэ*, яъни айт, *یی йэ*, яъни е каби.

Асарда шу нарса қайд қилинадики, мазкур тўрт қисмда, иккинчи қисмнинг иккинчи тури *اوينایو ойнайу*, *ایستایو истайудан* ташқари, кўмакчи феъллар кесимлик аффикслари билан бирикиб, бошқа маъно ифодалаши мумкин: *ایتاسال этāсал*, яъни қўл ур, орқага ташла, *قویا бэр қойа бэр*, яъни қўйиб юбор, қўя бер, *الا کیل ала кэл*, яъни ола кел, *ایستای کۆر истай көр*, яъни иста, *باشلادی*

ала башлады, яъни ола бошлади, اوقۇى باشلادى оқуй башлады, яъни ўқий бошлади, اىستاي مين истай-мэн, яъни истайман, الامين ала-мэн, яъни оламан, اوقۇى مين оқуй-мэн, яъни ўқийман, دى مين дэй-мэн, яъни айтаман каби.

Асарда равишдош формаларининг учинчи ва тўртинчи қисми ҳамда иккинчи қисмининг биринчи тури, иккинчи, учинчи шахс маъноларини ҳам ифодалайди деб таъкидланган²³: اىستاي истай, яъни истай, истагин, истасин, اوقۇى оқуй, яъни ўқий, ўқигин, ўқисин, دى дэй, яъни дей, дегин, десин каби. Бу формалар اىستايين истайин, اوقۇيىن оқуйын, دىين дэйин формаларининг синоними эканлиги тушунтирилган.

Асарнинг тўққизинчи боби, яъни равишдош тавсифи Илова, 7- жадвалда кўрсатилган.

تتمه علامات صيغ) Формалар белгиларининг қўшимчалари (татамма-йи аломат-и сийағ)

Асарнинг ўнинчи боби феъл формаларига аффиксларнинг қўшилиш хусусиятларига бағишлаган. Бу боб икки қисмга бўлиб текширилган. Биринчи қисмга буйруқ феъли унли ёки ундош билан тугалланган бўлишидан қатъи назар, ҳеч қандай ўзгаришсиз қўшиладиган аффикслар киритилган бўлиб, уч турга бўлинади. Биринчи тури содда аффикслардан иборат бўлиб, غاچ -гач / كاج -gäč²⁴, -кәч, غالى -галы / كالى -gäli, غو -гу / كو -gü, مان -ман, -мән, ماس -мас, -mäs ни ўз ичига олади: الغاچ алгач, яъни олгач, олиш учун, يتكاج йэтгәч, яъни етгач, етиш учун, قيلغالى қылгалы, яъни қилгани, қилгунча, كىلكالى кэлгәли, яъни келгани, келгунча, الغو алгу, яъни олиш, بىرگو бэргү, яъни бериш, سورغو соргу, яъни сўров, بىلگو билгү, яъни белги, аломат²⁵, المان алман, яъни олмайман, الماس алмас, яъни олмайди каби. Келтирилган мазкур мисоллардан қылгалы га далил сифатида қуйидаги байт кўрсатилган:

²³ Муаллиф бу ерда хатоликка йўл қўйган. Равишдошнинг -й, -йин формалари фақат биринчи шахсни ифодалайди.

²⁴ -гач / -gäč формаси икки шаклда, яъни чун ва чу боғловчиси билан ҳамда мазкур боғловчисиз айtilган.

²⁵ Нотўғри таржима қилинган. Билиш бўлиши керак.

*Дуд-и аҳым сарв-дэг чықты-йу гулгун болды ашк
Қылғалы тарк-и вафā сарвгул андāмым мениң (56- бет).*

²⁶ Таржимаси *келажакман* бўлиши керак.

²⁷ *Келажакмиз* бўлиши керак.

²⁸ Олажаксан бўлиши керак.

كىلىكوسىلاردور *алгусылардур*, яъни олажаклар, *кэлгүсиләрдүр*, яъни келажаклар, *уйғатгусылардур*,
 яъни уйғотажаклар каби.

Мазкур мисолларга далил қилиб, қуйидаги байтлар келтирилган:

صبر و قرار و هوشنی الماقلیغینک نیدور
ای جانلار آفتی سنکا جانیمدور آغولوق

Сабр-у қарār-у ҳушны алмақлығың нэдүр
Эй жәнлар āфаты сеңä жāнымдүр **алғулүк** (57- бет).

پو کیچہ آہیم ایرور دو اننی برہم اور غودیک
چرخ کلزاریدین انجم کل لارین ساور غودیک

Бу кэчä ахым эрүр давāнны бархам **ургу-дэг**
Чарх гулзāрыдын анжүм гулларин **савүргү-дэг** (58- бет).

بویونکا مبین ایپاکدین ای که طومار آسمیشانک
قیدا حالیم بیلکسین کیم بویونما تاقیتینک کمد

Бойунға майин ипәкдин эйки туммәр асмышаң
Қайда хәлым билгәсин-ким бойнума тақтың каманд (59- бет).

چون اونو تڻو ڪڍور سين ايلني ايل سيني باري چيڪيپ
عيش جامين بو اونو تما غلارني بير ساعت اونوت

*Чун унутгуудур-сэн элни эл сэни бāри чэкип
Айш жāмын бу унутмагларны бир сāат унут (59- бет).*

Учинчи тур шарт аффикси -са, -сә ва унинг вариантлари ساق -сак, ساک -сәк, سانک -сан, -сәм, سالار -салар, -сälär, ساق -сақ, ساڭكيز -сақиз, ساق -сақиз ни ўз ичига олади: олтурسا ва өлтүрсä, яъни ўтирса ва ўлдирса, олтурсалар ва өлтүрсälär, яъни ўтирсалар ва ўлдирсалар, олтурсам ва өлтүрсäm, яъни ўтирсам ва ўлдирсам, олтурсақ, яъни ўтирсақ, өлтүрсäk, яъни ўлдирсақ, олтурсаң

ва *олтүрсәң*, яъни ўтирсанг ва ўлдирсанг, *اولتورسانگيز олтурсаңиз* ва *олтүрсәңиз*, яъни ўтирсангиз ва ўлдирсангиз каби.

Иккинчи қисм ундош билан тугалланган буйруқ феълларига бирор унли орттирилиб, сўнгра қўшиладиган аффиксларни ўз ичига олади ва бу аффикслар икки турга бўлиб текширилган. Биринчи тур содда аффикслардан ташкил топган бўлиб, *لى -лы, -ли*²⁹, *ى -й, -йин, -йин*³⁰, *نک -н* аффиксларидан иборат: *الالى* *алалы*, яъни олайлик, *ايتالى* *этайли*, яъни қилайлик, *الاي* *алай*, *الاين* *алайын*, яъни олай, олайин, олгин, олсин, *ايتاي* *этай*, *ايتايين* *этайин*, яъни қилай, қилайин, қилгин, қилсин, *الينک* *алын*, яъни олинг, *ايتينک* *этин*, яъни қилинг, *اورونکوز* *урунүз*, яъни уринг каби.

Иккинчи тур мураккаб аффикслар *دورگان -дурган* / *دورگان -дүргән*, *دورميش -дурмыш*, *دورميش -дүрмиш*, *تورغاچ -тургач* дан иборат: *كيلادورگان* *аладурган*, яъни олувчи, олган, олмоқ, *کيلادورميش* *аладурмыш*, яъни келувчи, келган, келмоқ, *کيلادورميش* *кэладүрмиш*, яъни келганмиш, *توراتورغاچ* *туратургач* каби.

Иккинчи мабно феъл формаларининг ясалишига бағишланиб, бир қоида ва икки бўлимга бўлиб текширилган. Қоида қисмида феъл форма белгиларининг унли ҳарфларининг ёзилиши буйруқ феъленинг унли ҳарфларига боғлиқ эканлиги тушунтирилган бўлиб, агар буйруқ феъли таркибида [y] бўлса, аффикслар ҳам [y] билан, [a] ёки [э / и] бўлса, аффикслар [и] билан ёзилиши таъкидланган³¹. Масалан, *وردوم* *урдум*, яъни урдим, *توتتوم* *туттум*, яъни тутдим, *الديم* *алдым*, яъни олдим, *کيتيم* *кэтим*, яъни кетдим, *توتوب* *тутуп*, яъни тутган, тутиб, *توتونک* *тутун*, яъни тутинг, *اليب* *алып*, яъни олган, олиб, *کيتيب* *кэтип*, яъни кетган, кетиб, *الينک* *алын*, яъни олинг, *کيتينک* *кэтин*, яъни кетинг каби.

²⁹ *لى -лы, -ли* аффикси Турон турклариди *لينک -лын, -лин* шаклида қўлланади.

³⁰ Мехдихон бу ерда янглишган, *-й, -йын, -йин* фақат биринчи шахс бирликни англатади

³¹ Рум турклариди мазкур қоидага риоя қилинмайди. Кўпинча таркибиди [a], [и] бўлган буйруқ феълига орттирилган аффикс [y] билан ёзилади: *الدوم* *алдум*, *بيلدوم* *билдүм*, *الوب* *алуп*, *بيلوب* *билүп* каби.

[illegible]

алганча, яъни олгунча, киткочә кәтгүчә, киткунчә кәтгүнчә, китканчә кәтгәнчә, яъни кетгунча, الغاچ алгач, яъни олмагач³², олсин, киткач кәтгәч, яъни кетгач, кетсин, الغالى алгалы, яъни олгани, киткалы кәтгәли, яъни кетгани, الغاي алгай, алсун, алсон, киттик кәтсүн, китсон, киткай кәтгәй, алдык, яъни олсин, алдык, кәттик, яъни кетсин, الغولوق алгулук, яъни олдинг, кәтгүлүк, яъни кетдинг³³, алгудык, яъни олдинг³⁴, олсин, алгум, яъни олажакман, кәтгүм, яъни кетажакман, кәтгүмиздүр, яъни олажакмиз, алгумыздур, яъни кетажакмиз, кәтгүң, яъни олажаксан, алгунңуздур, яъни олажаксиз, кәтгүңүздүр, яъни кетажаксиз, алгусы, яъни олажак, кәтгүси, яъни кетажак, алгусылардур, яъни олажаклар, кәтгүсиләрдүр, яъни кетажаклар, алса, яъни олса, алсам, яъни олсам, кәтсәм, яъни олсам, алсақ, яъни олсак, кәтсәк, яъни олсам, алсаң, яъни олсанг, кәтсәң, яъни олсам, алсаңыз, яъни олсангиз, кәтсәңиз, яъни олсам, алсаңыз, яъни олсангиз каби.

³² *Олга*ч бўлиши керак.

³⁴ Олсин бўлиши керак.

қилган, қилмоқ, دكان *дэгән*³⁸, яъни гапирувчи, гапирган, гапирмоқ, *اوقوغىل* *оқугыл*, яъни ўқи, *اىلاكىل* *айләгил*, яъни қил, *دېكىل* *дәгил*, яъни гапир, *اوقوماس* *оқумас*, яъни ўқимаиди, *اىلاماس* *айләмәс*, яъни қилмайди, *دېماس* *дәмәс*, яъни гапирмайди, *اوقومان* *оқуман*, яъни ўқимайман, *اىلامان* *айләмән*, яъни қилмайман, *دېمان* *дәмән*, яъни гапирмайман, *اوقومايدور* *оқумайдур*, яъни ўқимаиди, ўқимаган, *دېمايدور* *айләмәйдүр*, яъни қилмайди, қилмаган, *دېمايدور* *дәмәйдүр*, яъни гапирмайди, гапирмаган, *اوقوميش* *оқумыш*, яъни ўқиган, *اىلاميش* *айләмиш*, яъни қилган, *دېميش* *дәмиш*, яъни гапирган, *اوقوميشانك* *оқумышаң*, яъни ўқигансан, *اىلايشانك* *айләмишәң*, яъни қилгансан, *دېميشانك* *дәмишәң*, яъни гапиргансан, *اوقوي* *оқуй*, *اوقويىن* *оқуйын*, яъни ўқий, ўқийин, ўқигин, ўқисин, *اىلاي* *айләй*³⁹, *اىلايىن* *айләйин*, яъни қилай, қилайин, қилгин, қилсин, *دې* *дә*⁴⁰, *دېين* *дәйин*, яъни гапирай, гапирайин, гапирсин, *اوقوپ* *оқуп*, *اوقوبان* *оқубан*, яъни ўқиган, *اىلاپ* *айләп*, *اىلابان* *айләбән*, яъни қилган, *دېپ* *дәп*, *دېبان* *дәбән*, яъни гапирган, гапириб, *اوقوغۇچى* *оқугучы*, яъни ўқувчи, *اىلاكوچى* *айләгүчи*, яъни қилувчи, *اوقوغۇچە* *оқугуча*, *اوقوغۇنچە* *оқугунча*, *اوقوغانچە* *оқуганча*, яъни ўқигунча, *اىلاكوچە* *айләгүчә*, *اىلاكونچە* *айләгүнчә*, *اىلاканچە* *айләгәйнчә*, яъни қилгунча, *دېكوچە* *дәгүчә*, *دېكونچە* *дәгүнчә*, *دېكانچە* *дәгәйнчә*, яъни гапиргунча, *اوقوغاچ* *оқугач*, яъни ўқиш учун, ўқигач, *اىلاкаچ* *айләгәч*, яъни қилиш учун, қилгач, *دېкаچ* *дәгәч*, яъни гапириш учун, гапиргач, *اوقولى* *оқулы*, яъни ўқийлик, *اىلالى* *айләли*, яъни қилайлик, *دېلى* *дәйли*, яъни гапирайлик, *اوقوغالى* *оқугалы*, яъни ўқигани, ўқиш учун, *اىلاкаلى* *айләгәли*, яъни қилгани, қилиш учун, *دېкаلى* *дәгәли*, яъни гапиргани, гапириш учун, *اوقوغاى* *оқугай*, *اوقوسون* *оқусун*, *اوقودىك* *оқудик*⁴¹, яъни ўқисин, *اىلاكاى* *айләгәй*, *اىلاسون* *айләсүн*, *اىلادىك* *айләдик*, яъни қилсин, *دېكاى* *дәгәй*, *اوقوغولوق* *оқугулук*, яъни ўқиса бўладиган, *اىلاколук* *айләгүлүк*, яъни қилса

³⁸ دېكان бўлиши керак.

³⁹ Меҳдихон *оқуй* ва *айләй* равишдош маъносида кам ишлатилади, дейди.

⁴⁰ *Дә* буйруқ маъносида ҳам қўлланади деб тушунтирилади.

⁴¹ *Оқудық* бўлиши керак.

бўладиган, *اوقوغودیک* *дэгүлүк*, яъни гапирса бўладиган, *اوقوغودیک* *оқугудэк*, яъни ўқиса бўладиган, *ایلاکویک* *айләгүдэг*, яъни қилса бўладиган, *ایلاکویک* *дэгүдэг*, яъни гапирса бўладиган, *ایلاکوم* *оқугум*, яъни ўқижақман, *ایلاکوم* *айләгүм*, яъни қилажақман, *ایلاکوم* *дэгүм*, яъни гапиражақман, *اوقوغومیزدور* *оқугумыздур*, яъни ўқияжақмиз, *ایلاکومیزدور* *айләгүмиздүр*, яъни қилажақмиз, *ایلاکومیزدور* *дэгүмиздүр*, яъни гапиражақмиз, *اوقوغونکوزدور* *оқугуһуздур*, яъни ўқияжақсиз, *ایلاکونکوزدور* *айләгүһүздүр*, яъни қилажақсиз, *ایلاکونکوزدور* *дэгүһүздүр*, яъни гапиражақсиз, *اوقوغوسی* *оқугусы*, яъни ўқияжақ, *ایلاکوسی* *айләгүси*, яъни қилажақ, *ایلاکوسی* *дэгүси*, яъни гапиражақ, *اوقوغوسیлардур*, яъни ўқияжақлар, *ایلاکوسیлардур*, яъни қилажақлар, *ایلاکوسیлардур* *дэгүсиләрдүр*, яъни гапиражақлар, *اوقوسا* *оқуса*, яъни агар ўқиса, *ایلاسا* *айләсә*, яъни агар қилса, *دیسا* *дәсә*, яъни агар гапирса, *دیسام* *оқусам*, яъни ўқий⁴², *ایلاسام* *айләсәм*, яъни агар қилсам, *دیسام* *дәсәм*, яъни агар гапирсам, *اوقوسақ* *оқусақ*, яъни агар ўқисақ, *ایلاساқ* *айләсәқ*, яъни агар қилсақ, *دیسак* *дәсәқ*, яъни агар гапирсақ, *اوقوسанк* *оқусаһ*, яъни агар ўқисанг, *ایلاسانک* *айләсәһ*, яъни агар қилсанг, *دیسанк* *дәсәһ*, яъни агар гапирсанг, *اوقوسانکیز* *оқусаһыз*, яъни агар ўқисангиз, *ایلاسانکیز* *айләсәһиз*, яъни агар қилсангиз, *دیسанкیز* *дәсәһиз*, яъни гапирингиз⁴³ каби.

Иккинчи мабнонинг схематик кўриниши Илова, 8- жадвалда келтирилган.

Учинчи мабно олмошлар ва кўрсатиш исмлари (*ضمایر و* *замойир* ва *асмо-и ишора*)га бағишлаган бўлиб, икки бобга бўлиб, текширилган. Биринчи бобга *замойир*, яъни олмошлар, иккинчи бобга эса *асмо-и ишора*, яъни кўрсатиш исмлари (кўрсатиш олмошлари) киради.

Меҳдихон олмошларни қуйидаги қисмларга бўлиб тушунтирган: 1) *ضمایر متصله* *замойир-и муттасила*, яъни бирикувчи олмошлар (эгалик аффикслари); 2) *الفاظی اند که مابین*

⁴² Агар ўқисам бўлиши керак.

⁴³ Агар гапирсангиз бўлиши керак.

алфози-анд ки мобайн-и замойир-и муттасила ва мунфасила иштирок доранд, яъни кесимлик боғламалари ҳамда кишилик олмошлари учун муштарак сўзлар; 3) *الفاظى اند که مابين ضمير و اشاره مشترکند* алфози-анд ки мобайн-и замир ва ишора муштараканд, яъни кишилик олмоши ҳамда ишора исмлари учун муштарак сўзлар.

Кўрсатиш исмлари эса икки қисмга бўлиб текширилган. Биринчи қисм махсус ишора, яъни соф кўрсатиш исмлари, иккинчи қисм эса кишилик олмошлари ва кўрсатиш исмлари учун муштарак бўлган сўзлардан ташкил топган.

Меҳдихон келтирган эгалик аффиксларини қуйидаги жадвал орқали кўрсатиш мумкин:

Сони	Шахси	Эгалик аффикслари ва мисоллар
Бирлик	I шахс	-м, -ым, -им: <i>باشيم</i> башым, яъни бошим, <i>قاشيم</i> қашым, яъни қошим каби;
	II шахс	-η, -ыη, -иη: <i>باشينک</i> башыη, яъни бошинг, <i>قاشينک</i> қашыη, яъни қошинг каби;
	III шахс	-ы, -и / -сы, -си: <i>باشى</i> башы, яъни боши, <i>قاشى</i> қашы, яъни қоши, <i>اتاسى</i> атасы, яъни отаси, <i>اويقوسى</i> уйқусы, яъни уйқуси каби.
Кўплик	I шахс	-мыз, -миз, -ымыз, -имиз: <i>باشيميز</i> башымыз, яъни бошимиз, <i>قاشيميز</i> қашымыз, яъни қошимиз каби;
	II шахс	-ηыз, -ηиз, -ыηыз, -иηиз, -ηуз, -ηүз, -уηуз, -үηүз: <i>باشينکيز</i> башыηыз, яъни бошингиз, <i>کوزونکوز</i> кўзүηүз, яъни кўзингиз каби.

Кишилик олмошлари қуйидагилардан иборат: *من* мен, яъни, мен, *سين* сэн, яъни сен, *او* у, *او* ул, яъни у, *بиз* биз, яъни биз, *سиз* сиз, яъни сиз, *الار* алар, яъни улар.

Кесимлик аффикслари қуйидагилардан иборат: *مين* -мэн, *سين* -сэн, *بиз* -биз, *سيز* -сыз, *سيز* -сиз: *اولغاي مين* олгай-мэн, яъни бўлгайман, *اولغاي سين* олгай-сэн, яъни бўлгайсен, *اولغاي بيز* олгайбиз, яъни бўлгаймиз, *اولغاي سيز* олгайсыз, яъни бўлгайсиз каби.

Кўрсатиш исмлари. «Мабониу-л-луғат»да кўрсатиш исмларига *бу* *اول* *булар*, *اول* *ул*, *اوشال* *ошал*, *شول* *шул*, *الار* *алар*, *انلار* *анлар*, *مون* *мун* киритилиб, *مون* *мун* олмошининг келишик ва бошқа аффикслар билан бириккан шакли кўрсатиб ўтилган: *مونكا* *муқа*, *مونچە* *мунча*, *موند* *мунда*, *موندین* *мундын*, *مونداق* *мундақ* каби. Мирзо Меҳдихон кўрсатиш исмларига далил қилиб, қуйидаги байтларни келтирган:

خطینک ایرماس کل اوزره سبزه باغ ارم دوربو
نی سبزه کون یوزیندا تون سوادى دین رقم دور بو

Хатың эрмәс гул үзрә сабза-йи бәғ-и эрәмдүр бу
Нә сабза күн йүзіндә тун савәдыдын рақамдур бу (77- бет).

ازل هم سين ابد هم سين نى اول بيرله آخر کيم
انکا يوق ابتدا پيدا مونکا يوق انتها پيدا

Азал ҳам сән абад ҳам сән нә аввал бирлә ахир-ким
Аңа йоқ ибтида пайда муға йоқ интиҳа пайда (77- бет).

Мирзо Меҳдихон мазкур кўрсатиш исмларидан *бу* ва *мун* ни соф кўрсатиш исмлари ва *اول* *ул*, *شول* *шул*, *اوشال* *ошал*, *الار* *алар*, *انلار* *анлар*ни кўрсатиш исмлари ҳамда учинчи шахс кишилик олмошлари учун муштарак дейди.

Демак, «Мабониу-л-луғат»да олмошлар икки бобга бўлиб кўрсатилган. Биринчи боб *замойир*, яъни олмошлар, иккинчи боб эса *асмо-и ишора*, яъни кўрсатиш исмларидан ташкил топган. Мирзо Меҳдихон *замойир* термини остида эгалик аффикслари, кесимлик аффикслари, кишилик олмошларини тушунган бўлиб, уларнинг ишлатилишига кўра, эгалик ва кесимлик аффиксларини *замойир-и муттасила*, яъни бирикувчи олмошлар, кишилик олмошларини эса *замойир-и мунфасила*, яъни мустақил олмошлар деб аталган.

Олмошлар боби Илова, 9- жадвалда келтирилган.

Тўртинчи мабно мустақил равишда маъно англатмайдиган сўзлар (морфемалар)га бағишланган бўлиб, *ҳарф* термини билан аталган. Бу мабно уч бобга бўлиб текширилган бўлиб⁴⁴, биринчи боб *равобит*, яъни боғлағичларга, иккинчи боб, *ғайр-и равобит*, яъни кўмакчиларга (боғлағич бўлмаган) бағишланган.

Биринчи боб англатган маъносига кўра икки қисмни ўз ичига олади. Биринчи қисм *равобити таъдийа*, яъни ўтимлилик боғлағичлари деб аталиб, қаратқич, тушум ва жўналиш келишиги аффиксларидан ташкил топган.

Қаратқич келишиги *-ның, -ниң* аффикси билан шаклланиб, *робита-йи мафъул*, яъни объект боғлағичи деб аталади:

يجه⁴⁵ جورين تارتايين اول سرو حوريزاد نينک
يوق مودور پاياني آيا ظلم ايله بيداد نينک

*Нэчә жаврын тартайын ул сарв хуризәдның
Йоқмудур пәйәни әйә зулм илә бәдәдның,
яъни Қачонгача ул сарв хуризоднинг жаврини тортаман,
зулм билан бедодликнинг охири йўқми? (79- бет)*

Тушум келишиги *نى -ны, -ни, ن -н* аффикси⁴⁶ билан шаклланиб, *رابطة مفعول робита-йи мафъул*, яъни объект боғлағичи деб аталган бўлиб, форс тилидаги *را -ро* кўмакчисига тўғри келиши айtilган. Бунга далил қилиб қуйидаги мисол келтирилган.

ديما اغزين غنچه قدين سروکيم ايل کورماميش
سرونيک رفتاريني يا غنچه نينک گفتاريني

*Дэмә агзын гунча, қаддын сарв-ким эл көрмәмиш,
Сарвның рафтәрыны йә гунчаның гофтәрыны,
яъни огзини гунча, қаддини сарв демаки, халқ сарвнинг
рафторини ёки гунчанинг гўфторини кўрмаган (78- бет).*

⁴⁴ Асарда учинчи боб тушиб қолган.

⁴⁵ يجه бўлиши керак.

⁴⁶ *-н* аффикси баъзан «вставочный» бўлиши мумкинлиги таъкидланади: *اغزیندا агзында*, *قاددىندا* *қаддында*, *اغزیدا* *агзыда* ва *قادیدا* *қаддыда* сўзларининг синонимидир.

Жўналиш келишиги *غا ~ غه -ga, -kä* аффикси билан шаклланиши айтилиб, форс тилидаги **ба** олд кўмакчисига тўғри келгани учун *باى تعديه ба-йе таъдийа*, яъни ўтимлилик баси термини билан аталган:

نامه شوقيم کيشي عرض ايلای الماس يار غه
بس غلط بولغای جواب ایتماک طمع مين زار غه

Нāма-йи шавқым киши арз āйлāй алмас йарга
Бас ғалат болғай жавāб этмāк тамаъ мән зāрга (80- бет).

کوزکا تا کیردي خیالینک ساووق آهیم و همي دین
باغلامیش مین قوریا هر ساري مژکاندین انکا

Kōzgā tā кирди хайāлың савуқ āҳым ваҳмыдын
Бағламыш-мән қурйа ҳар сары мижгāндин аңа (80- бет).

Иккинчи қисм *غیر تعديه равобит-и ғайр-и таъдийа*, яъни ўтимсиз боғлағичлар *اوچون илā, илāн, билā, билāн, бирлā, бирлāн* деб аталиб, икки турга бўлинган. Биринчи тур кўмакчилари *دور -дур, -дўр, -дурур, -дўрўр* феъл боғламаси, *کیم -ким* боғловчиси, иккинчи тур эса тўлиқсиз феъл *экāн* нинг турли аффикслар ёрдамида ясалган форма ва ва-риантлари *ایدی эди / ایردی эрди*, яъни эди, *ایدینک эдиң, ایرдинک эрдиң*, яъни эдинг, *ایدینکیز эдиңиз / ایرдинکیز эрдиңиз*,⁴⁷ *ایدیңلәр эдиңләр*, яъни эдингиз, *ایردیم / ایرдим*, яъни эдим, *ایکین ایرкāн / ایرкан*, яъни эдик, *ایکین эркин / ایرкин*, яъни -дир, бўлса, *ایکāj / ایرкаж*, яъни бўлгач, *ایرور эрўр*, яъни бор, *ایماس / ایرмас*, яъни йўқ, бўлмаса, *ایمان эмāн / ایرман*, яъни эмасман, *ایمانک эмāң / ایرманк эрмиш*, яъни эмассан, *ایمیش / ایرмис*, яъни бўлган, *ایسا эсā / ایرса*, яъни бўлсин, агар бўлса, *ایسانک эсāң / ایرсанк эрсāң*, яъни эрсанг, агар бўлсанг, *ایسانکیز эсāңиз / ایرсанк эрсāңиз*, яъни эрсангиз, агар бўлсангиз, *ایسام / ایرсам*, эрсām,

⁴⁷ ایرдинکلار бўлиши керак.

яъни эрсам, агар бўлсам, ایرساک / эсәк / эрсәк, яъни эсак, агар бўлсак кабиларни ўз ичига олади. Асарда мазкур формаларга далил қилиб, қуйидаги мисоллар келтирилган:

هجر تیغی کوپ اوچون جسمیما هریان چیکدی باش
ای نوایی مین مذلت طایری بودور پریم

Ҳажр тыгы көп ўчўн жисмымда ҳарйан чекди баиш
Эй Навāйи мән мазаллат тāйиры будур парим (80- бет).

لیلی که ایدي عرب بلاسي
هم بار ایدي قیس مبتلاسي

Лайли-ки эди араб баласы
Ҳам бар эди Қайс мубталāсы (81- бет).

ایماس غم شامي انجم قطره لار آهیم تفیدین بیل
نی تانک کونکوزکوسین کر تیره قیلسا اوشبو نم بیر کون

Эмāс ғам шāмы анжум қатралар āҳым тафыдын бил
Нэ таң кўн көзгўсин ғар тийра қылса ушбу дам бир кўн (82-бет).

Иккинчи бобда «ҳарфлар»ни сўзларга қўшилиш тартибига кўра икки қисмга бўлиб текширилган. Биринчи қисм икки турдан ташкил топган. Биринчи тур қиёсий бўлиб, *нэ*, *ни*, *нэдор*, *нэдўр*, яъни нима сўроқ сўзлари киритилган. Бунга далил қилиб, муаллиф қуйидаги байтни келтирган:

ایله فانی بول که دامنگیرینک امکان بولماغای
کیم ایتاک موجود اگر یوقتور نی نی توتغای ایلیک

Айлā фāни бул-ки дāмангириҗ имкāн болмағай
Ким этāк мавжуд агар йоқтур нэни тутғай элиг (82-бет).

Иккинчи тур⁴⁸ самоий бўлиб, қисман редупликация йўли билан ясалувчи сифат формаларини ўз ичига олади: *ап аг*, *ап-аг*,

⁴⁸ Иккинчи ўрнига олтинчи деб нотўғри ёзилган.

яъни жуда оппоқ, ساپساريغ сап-сарығ, яъни жуда сарик, قاپ قرا қап-қара, яъни қоп-қора, قپ قيزيل қып-қызыл, яъни қип-қизил, كۆم-كۆك көм-көк, яъни кўм-кўк, ياپ ياشيل йап-йашил, яъни ям-яшил, ياپ ياسى йап-йассы, яъни жуда ясси, توپ توز топ-тўз, яъни жуда текис, توپ تغرى топ-тоғры, яъни жуда тўғри, تپ تيك тип-тик, яъни жуда тик, ساپساغ сап-сағ, яъни жуда соғ.

Иккинчи қисм билдирган маъносига кўра икки баёндан ташкил топган. Биринчи баён ўз навбатида икки турга бўлиб текширилган. Биринчи тур қиёсий бўлиб, шарт аффикси -са, -сә ва унинг қўлланиши, сўроқ юкламаси -му, -мў яъни -ми, чиқиш келишиги аффикси -дын, -дин, яъни -дан, ўрин-пайт келишиги аффикси -да, -дә, яъни -да ни ўз ичига олади.

ای نوايي جانينک آغوم دور ديسا قايغورماغيل
جانغه منت قيل مونونک بيرله کر ايتسا اکتفا

Эй Навāйи жāның алғумдур дэсә қайғурмағыл
Жāнга миннат қыл мунуң бирлә гар этсә иктифā (83- бет).

مي بيرله يوزونک تيم تيم احمر مو ايکين آيا
يا شعله آرا بير بير اخکر مو ايکين آيا

Май бирлә йүзүң тым-тым аҳмар-му икин āйā
Йā шуъла арā бир-бир ахгар-му икин āйā (84- бет).

اول پرى محبوب بولغاي ديب ميني ديوانه دين
چغذ ديك چيقمان تون و كون كوشه ويرانه دين

Ул пари маҳбуб болгай дэп мәни дэвāнадын
Чугз-дэг чықман тўн-у кўн гуша-йи вайрāнадын (85- бет).

ير توتغالي اول كافر خودكام كونكولدا
يوق ميندا كونكول ايله كه آرام كونكولدا

Йэр тутгалы ул кāфир-и худкāм көңүлдä
Йоқ мэндä көңүл āйлä-ки āрāм көңүлдä (85- бет).

Иккинчи тур *چه -ча, -чä* аффикси ва унинг ёрдамида ясалган *اردیچه ардыча, سونکیچه соңыча, سونکینچه соңынча, گیتیچه гәтичä, яъни ортидан, اوزکچه өзгäчä, яъни бошқача формаларини, نیچه нэчä, яъни неча, харчанд, нечта сўзини ўз ичига олади.*

نوایا ایرور اول شوخ ترکمان بس تند
نوا تیلار ایسانک آندین یوکورمه اردیچه چرخ

Навāйийā эрүр ул шох-и түркмāн бас тонд
Навā тылар эсāй андын йүгүрмā ардыча чарх (86- бет).

النفات ايتي بوکون مين قولغه اول شاه اوزکچه
اوزکچه انکلاب مين اوز حاليمني بالله اوزکچه

Илтифāt этти бу кўн мән қулға ул шāх өзгäчä
Өзгäчä аглап мән өз ҳāлымны биллаҳ өзгäчä (86- бет).

طریق عشق ارا اوزني چو فرد قيلسا بير او
حريف ايماس انکا يرکوک نچه ایرور لار ايکاو

Тарик-и 'ишқ арā өзни чу фард қылса бирāв
Ҳариф эмās аға йэр-көк нэчä эрүрлär икäv (87- бет).

Иккинчи баён ҳамма ерда бир хил имло билан ёзилиб, исм маъносини ифодаловчи аффикслардан ташкил топган бўлиб, икки турга бўлинган. Биринчи тур қиёсий бўлиб, имло жиҳатидан икки хилдир. Биринчи хили ҳамма ерда бир хил имлога эга бўлган жамловчи сон ясовчи *او -ав, -äв* (бирдан тўққизгача қўшилиши айтилган), тартиб сонлар кўрсаткичи *نجی -нчи, -инчи*, сифатнинг интенсив формасини ясовчи *متول -мтул*, ўрин-жой ва мўллик маъносини билдирувчи *لاغ -лаг / لاق -лақ*, ўхшашлик маъносини билдирувчи сифат, учинчи шахс буйруқ феъли формасини ясовчи *ديک -дэг* аффикси, биргалик, ҳамкорлик маъносини ифодаловчи *داش -даш / تاش -таш* аффиксларини ўз ичига олади. *بیر او бирāв*, яъни бири, биров, *ایکاو икäv*, яъни иккиси, *بیرینجی биринчи*, яъни биринчи, *یککینجی иккинчи*, яъни иккинчи,

اغيمتول *ағымтул*, яъни оқишга мойил, قيزيمتول *қызымтул*, яъни қизилга мойил, قرامتول *қарамтул*, ياشيمتول *йашымтул*, توزلاق *тузлақ*, яъни тузлоқ, اولاق *авлақ*, яъни ов кўп бўлган ер, يايلاق *йайлақ*, яъни ёзда яшаладиган жой, قيشلاق *қышлақ*, яъни қишда яшаладиган жой, كلزارديک *гулзәр-дэг*, яъни гулзордек, гулзорга ўхшаш, رخسارديک *рухсәр-дэг*, яъни юзга ўхшаш, باردیک *бардик*, яъни борсин, اسراديک *асрадик*, яъни асрасин, سالغوديک *салғу-дэг*, яъни ташланадиган, ташласин, قوزغالغوديک *қозғалғу-дэг*, яъни йўқоладиган, аралашиб кетадиган, йўқолсин, аралашсин, يولداش *йолдаш*, яъни ҳамроҳ, قارين تاش *қарынташ*, яъни қариндош, ҳамқорин, کوکلتاش *көкәлтәш*, яъни кўкракдош. Мазкур мисоллар билдирган маъноларга далил сифатида қуйидаги байтлар келтирилган:

طرفه رخسارينک که حسن ايچرا ايورور کلزارديک
طرفه راق بودور که کلزار ايرماس اول رخسارديک

Турфа рухсәрың-ки хусн ичрә эрүр гулзәр-дэг
Турфарақ будур-ки гулзәр эрмәс ул рухсәр-дэг (88- бет).

تيلبه كونكلومني نوايي ضبط ايلاي المادينک
ايمدين چيک آندين اليک هرساري بارسا باردیک

Тәлбә көңлүмни Навәйи забт әйләй алмадың
Эмдин чәк андын элиг ҳар сары барса бардик (88- бет).

Аффиксларнинг иккинчи хили ўрнига кўра турли имлога эга бўлган чоғиштира сифат кўрсаткичи راغ *-rag* / راک *-rāk*, нисбий сифат ясовчи قى *-қы* / غى *-гы* / كى *-ки*, -*ги*, кичрайтиш-эркалаш маъносини ифодаловчи غينه *-гына* / كينه *-гинә*, от ва нисбий сифат ясовчи ليق *-лық* / ليغ *-лыг* / ليک *-лик*, لوق *-луқ* / لوغ *-луг* / لوک *-лук* аффиксларидан ташкил топган: انداغى *андагы*, яъни у ердаги, كچه كى *кече кӣ*, яъни бу ердаги, يلقى *йылқы*, яъни йилги, كچاغي *кэчәги*, яъни кечки, يومروق غينه *йумруқгына*, яъни муштча, اسروک *өсрүкгинә*, яъни бир оз маст каби.

Иккинчи тури самоий бўлиб, кўрсатиш олмошларига кўшилиб сифат ясовчи *داق -дақ, چاق -чақ, چاک -чәк*, қурол оти ясовчи *دوروق -дуруқ*, биргаликни ифодаловчи *لا -ла, -лә, لان -лан, -лән* аффиксларини ўз ичига олади: *انداق андақ*, яъни ўшандай, *مونداق мундақ*, яъни шундай, *بويوندوروق бойундуруқ*, яъни ер ҳайдаш вақтида ҳўкиз бўйнига осиладиган асбоб, *اكوندوروق окундуруқ*, яъни пахтасеварлар пахтани чигитдан ажратиш учун ишлатиладиган асбоб, чийрик, *ايكاولان иккәвлән, ايکاولا иккәвлә*, яъни иккиси бирга, *اوچاولان ўчәвлән, اوچاولا ўчәвлә*, яъни учовлон, *الينچاق алынчақ*, яъни от пешонасига зийнат учун тақиладиган асбоб, *يارغوجاق йарғучақ*, яъни буғдой янчиладиган асбоб, *سالىنچاک сәлинчәк*, яъни бўйинга осиладиган боғич.

Зойида, яъни грамматик маънога эга бўлмаган морфемалар «Мабониу-л-луғат»да *ر -ар, -әр, دور -дур, -дӯр, تور -тур, -тӯр*, *نونک -ниң, -ниң, نينک -нинк, ش -ш, -си, -سى -сы, -чи, -چى -чы, چى -чӣ, توك -тук, غيل -гыл, كيل -кил, ليغ -лығ, ليق -лық, لا -ла, -лә, ن -н, ين -н, -ын, -ин* аффикслари ҳамда *ايكان экән / ارکين эркин* сўзлар билан бирикиб ҳеч қандай маъно англатмасликлари мумкин деб тушунтирилиб, сўзлар мазкур морфемалар кўшилишидан олдин қандай маъно англатган бўлса, кўшилгандан сўнг ҳам шундай маъно англатиши қайд қилинган ва зойида термини билан аталган: *بىرار бирәр*, яъни бир, *اوچار ўчәр*, яъни уч, *تورتار төртәр*, яъни тўрт, *يوزار йүзәр*, яъни юз⁴⁹, *بالادورسىز баладурсыз*, яъни балосиз, *زاروبينوادورسىز зәр-у бәнавәдурсыз*, яъни зор ва бенавосиз, *كوركوزوب تورسىز көргүзүптүрбиз // كوركوزوب بيز // көргүзүпбиз*, яъни кўргазганмиз, *مينک يىلجى ليق миң йылчылық // مينک يىل ليق // минг йиллик*, яъни минг йиллик *چرىكى چەريگى چى چәриг, چى چەриг, چى چәриг*, яъни аскар, *ارتوقسى артуқсы // ارتوق артуқ*, яъни ортик, *قوروشماق қурушмақ // قوروماق қурумақ*, яъни куримоқ *كوزونک اليدا йарушмақ // كوزونک اليدا // көзүнә аллыда*, яъни кўзинг

⁴⁹ *ر -ар, -әр* аффикси *-ы, -и* унлиси билан тугалланган сонларга (*يىتى, التى, يىكى*) *يىتى, التى, يىكى* (*йәтти, әтәтти, йәккәтти*) *شار -шар, -шәр* шаклида кўшилиши қайд қилинган. Масалан: *يىكىرشар иккишәр, يىكىرشар алтышар, يىكىرشар йәттишәр, يىكىرشар йигирмишәр*. Бу шакл ҳозирги замон татар тилида бор.

олдида, *الغيل* *алғыл*, *الماغيل* *алмағыл*, *كيلكيل* *кэлгил*, *كيلماكيل* *кэлмәгил*, *اولماکليک* *өлмәклик*, яъни ўлмоқ, *انتظاريندا* *интизāрында* // *انتظاريدا* *интизāрыда*, яъни интизорида, *قراريندا* *қарāрында* // *قراريدا* *қарāрыда*, яъни қарорида, *سيزسيزين* *сизсизин* // *سيزسيز* *сизсиз*, яъни сенсиз⁵⁰, *انسيزين* *ансызын* // *انسيز* *ансыз*, яъни усиз, *بیرين بيرين* *бирин-бирин* // *بیر بير* *бир-бир*, яъни бир-бир, *سين* *сән* *экāнсән*, яъни сенсан.

Мазкур мисоллар англатган маъноларга далил қилиб қуйидаги парча ва байтлар келтирилган:

کيم خلق دين يوزار يوزار کيشي ايريب بويوردي کيم کينت لار ياساديلار
Ким халқдын йўзār-йўзār киши айрып буйурды-ким, кэнтлār
йасадылар (91- бет).

نسترن کوزکوسيدا بير ساري مين بير ساري يار
چهره عکسين کورکوزوبتور بيز کل ر عنا ايماس

Настаран көзгүсидā бир сары мән бир сары йār
Чэхра аксын көркүзүптүр биз гул-и раънā эмās (92- бет).

ليک سيز مينک ييلجي ليغ اندين يراق
قاليسي مينک ييل ليق که امکानدين يراق

Лэк сиз миҗ йылчылығ андын йырақ
Қалысы миҗ йыллық ки имкāндин йырақ (93- бет).

کيم اوتلاريدين جهان ياروشي
خرمن لاريغه بو شعله توشي

Ким отларыдын жиҳāн йарушты
Харманларыға бу шуъла тушты (94- бет).

جور و ظلمونک کرچه اولماکليک نشاني دور منکا
چونکه سين دين دور حيات جاوداني دور منکا

⁵⁰ *Сизсиз* бўлиши керак.

*Жавр-у зулмуғ гарчи ӧлмӧклик нишӧныдур меҗӧ
Чунки сэндиндӧр ҳайӧт-и жӧвидӧнидур меҗӧ (95- бет).*

بیرای اوتتی مینی محزونغه بیرای انتظاریندا
که نی کونکلوم ایرور هوشیندا نی صبریم قراریندا

*Бир ай ӧтти мәни маҳзунга бир ай интизӧрында
Ки нӧ кӧҗлӧм эрӧр ҳушында нӧ сабрым қарӧрында (95- бет).*

زلفونک کیم ایرور توکون کویا
ایل بولدی بیرین بیرین کرفتارینک

*Зулфуғ ким эрӧр тӧгӧн гойӧ
Эл болды бирин-бирин гирифтӧриғ (96- бет).*

Тӧртинчи мабнонинг схематик кӧриниши Илова,
10- жадвалда келтирилган.

Бешинчи мабно мустақил маънога эга бӧлиб, ўз маъносида қўлланилмайдиган сўзлар (қўмакчи феъллар)га бағишланиб, икки қисмга бӧлиб текширилган. Биринчи қисм *کلمات مفردة* *каламат-и муфрада*, яъни содда сўзлар деб аталиб, *الماق* *алмақ*, яъни олмоқ, *بيلمک* *билмӧк*, яъни билмоқ, *توشماک* *тӧшмӧк*, яъни йиқилмоқ, пастга тушмоқ, *کيريشماک* *киришмӧк*, яъни кирмоқ, *يازماق* *йазмақ*, яъни ёзмоқ, хато қилмоқ, *کورماک* *кӧрмӧк*, яъни кӧрмоқ феълларини ўз ичига олади ва улар мустақил маънога эга бӧлиб, бириккан шаклда қўмакчи вазифасида ишлатилиши қайд қилинган:

الماق *алмақ*: етакчи феъл билан бирикиб, имкон маъносини ифодалаши айтилган: *الا الماق* *ала алмақ*, яъни ола олмоқ, *بارہ الماق* *бара алмақ*, яъни бора олмоқ.

بيلمک *билмӧк*, яъни билмоқ: бу феъл «олмоқ» сингари етакчи феъл билан бирикканда ҳозирлик маъносини англатиши айтилган:

ولی کیلتورماکیکا چاره بیلمان
بو عزیمدن اول ایشکا باره بیلمان

Вале кэлтүрмәкигә чәра билмән
Бу ажзымдын ул ишгә бара билмән (яъни бора билмайман, боролмайман) (97- бет).

توشماک *тушмәк*, яъни етакчи феъл билан бирикиб, «киришмоқ» маъносини ифодалайди:

اضطراب ايلابان اتا توشتي
بیر ايکي اوق ولی خطا توشتي

Изтирәб әйләбән ата түйшти (яъни отишга киришди)
Бир-икки оқ вале хатә түйшти (97- бет).

کیریشماک *киришмәк*, яъни кирмоқ. Бу феъл етакчи феъл билан бирикиб, «бошламоқ» маъносини ифодалайди:

عشرت پیمانہ لارین تولدوروب مجلس اہلیغہ توتا کیریشتي لار و مروق
چاگیرلارني هم مجلس اہلي توتا کیریشتي لار

Ишрат паймәналарын толдуруп мажлис аҳлыга тута кириштиләр (яъни тута бошладилар) ва мураввақ чағирларны ҳам мажлис аҳлы тута кириштиләр (97- бет).

يازماқ *йазмақ*, яъни ёзмоқ, хато қилмоқ. Бу феъл етакчи феъл билан бирикиб, «бошламоқ» маъносини англатади:

خسرو شاه ياساشيب کيليشيب و اوروشا يازيب آيريليپ ناصر ميرزا
بدخشان ساري تارتتي

Хисрав шāх йасашып кәлишип ва уруша йазып (яъни уруша бошлаб) *айрылып Нәсир Мирзә Бадахшан сары тартты* (97- бет).

کورماک *көрмак*, яъни кўрмоқ. Бу феъл етакчи феъл билан бирикиб, харакат қилиш, бажаришга харакат қилиш маъноларини ифодалайди:

جفا قيلور باري کلجهره لار وفا قيللا کور
وفا هم ايلکا قيلور سين ولی بنکا قيللا کور

Жафā қылуρ бары гулчеҳралар вафā қыла көр
Вафā ҳам элгā қылуρ-сэн вале бāйā қыла көр (98- бет).

Иккинчи қисм *کلمات* каламот-и мураккаба, яъни мураккаб сўзлар деб аталиб, қуйидаги (аллегория, метафора) идиоматик бирикмалардан ташкил топган: *قاش قارالماق қаши қаралмақ*, яъни шом қоронғилигининг пайдо бўлиши, *قولاغ توتماق қулағ тутмақ*, яъни аҳд қилмоқ, *قاباق باغلاماق қабақ багламақ*, яъни бўлмаган (ёлғон) нарсани бирор кишига тўнкамоқ (айбламоқ), *قىزىل اياق و قرا قىزىل اياق-у қара тайақ*, яъни таёқни бирор қоришмага суркаб хужум қилувчи омма, *قاتىغ كوزلوك қатығ көзлүк*, яъни қаттиқ кўз, шармсизлик, ҳаёсизлик, *ساروق يوزلوك савуқ йўзлүк*, яъни совуқ юз, меҳрсиз, ахлоқсиз, *ككلىك ازماق кәклик азмақ*, яъни меъданинг бузилиши, ҳазм бўлишнинг бузилиши, *كوز توتماق көз тутмақ*, яъни бирор амр (иш)ни кутмоқ.

Бешинчи мабнонинг схематик кўриниши Илова, 11- жадвалда келтирилган.

Олтинчи мабно имло қоидалари (*اداب املاء* одоб-и имло)га бағишланиб, имло қоидалари кириш (*تامهيد* тамҳид) ва тўрт расм⁵¹ орқали текширилган. Имло қоидаларининг кириш қисмида туркий тилда ёзув аънаси бўйича сўзларнинг ёзилиши ўқилишига мос эмаслиги ва кўпинча қисқа [a] унлиси *алиф* билан, [y] унлиси *вов* ҳарфи билан, [э / и] унлиси *йā* ҳарфи билан ифодаланиши мумкинлиги, лекин қисқа ўқилиши қайд қилинган. Бундан ташқари, муаллиф ҳарфлар алмашуви ҳақида баъзи бир фикрларни тушунтириб, [d] нинг [m] га, [ɛ] нинг [q] га алмашуви доим юз бермаслигини таъкидлаб ўтган. Ўзидан олдин ўтган муаллифларнинг айтган фикрларини (мазкур ҳарфларни доим алмаштириш мумкин деган) танқид қилиб, агар мазкур ҳарфлар алмашса, сўз маъноси ўзгаришини кўрсатиб ўтади ва бунга далил қилиб қуйидаги мисолларни келтирган: *يىغماق йығмақ*, яъни жам қилмоқ, *يىقماق йықмақ*, яъни бузмоқ, *سىغماق сығмақ*, яъни сиғмоқ,

⁵¹ Расм термини имло принципига тўғри келади.

ياقماق *сықмақ*, яъни қисмоқ, ياغماق *йағмақ*, яъни ёғмоқ, سيقماق *йақмақ*, яъни ёқмоқ, писанд қилмоқ каби.

Биринчи расм. Унли ва ундош ҳарфларда юз берадиган ўзгаришларга бағишланиб, уч фаслга бўлиб текширилган. Биринчи фасл ابدال *ибдол*, яъни алмашувга бағишланган бўлиб, икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисм ابدال حروف *ибдол-и ҳуруф*, яъни ҳарфлар алмашуви, иккинчи қисм ابدال حرکات *ибдол-и ҳаракат*, яъни қисқа унлилар алмашувига бағишланган.

Ҳарфлар алмашуви қисмида Мирзо Меҳдихон сўз охирида [қ] ва [ғ] ҳарфларнинг алмашувини (ҳам [қ], ҳам [ғ] билан ёзилишини) тушунтириб, унинг қофияга боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Бунга далил қилиб Навоийдан қуйидаги байтлар келтирилган:

ضعيف جسميم ارا بيربيري نينک اوستيدا داغ
قوروغ يغاچ اوزه دور يافراغ اوستيکا يافراغ

*Заъиф жисмым ара бир-бирини ўстидā дағ
Қуруғ йағач ўзādўр йaнпaғ ўстигā йaнпaғ* (101- бет).

باغ ايچره سنکا ساچتي کل آق و قيزيل يافرق
شه باشيغه انداق کيم ايل آق و قيزيل يارماق

*Бағ ичрā сәңā сачты гул ақ-у қызыл йaнпaқ
Шаҳ башыға андақ ким эл ақ-у қызыл йaрмaқ* (102- бет).

يار اياغين سوغه چون سالدي كوزوم توكتي سرشک
اي نوايي بيله بليغ غه کيراک مونداق بولاغ

*Йāр айағын суга чун салды көзүм төкти сәрашк
Эй Навāйи билā балыгга кәрāк мундақ булағ* (103- бет).

اي نوايي بو بيابان قطعين آسان ايلادينک
اشکدين مونداق که هر منزلدا چيکتينک يوز بولاغ

*Эй Навāйи бу бийāбāн қатъын āсāн āйлāдиш
Ашкдын мундақ-ки ҳар манзилда чәктиш йўз булақ* (103- бет).

Асарда [қ] ва [ғ] ҳарфлари билан тугалланган буйруқ феълида алмашув юз бермаслиги тушунтирилади ва агар алмашув юз берса, сўзнинг маъноси ўзгариши айтилади. Феъл форма белгилари кўпинча [қ] ҳарфи билан ёзилиши уқтирилган. Масалан: ياق *йақ*, яъни ёқ (ўт қўй, ёндир), ياغ *йағ*, яъни ёғ (ёғмоқ феълидан), ييىق *йық*, яъни буз, йиқ(ит), ييىغ *йығ*, яъни жамла, йиғ, الماق *алмақ*, توتماق *тутмақ*, яъни олмоқ, ушламоқ, الدوق *алдуқ*, توتتوق *туттуқ*, яъни олдик, ушладик, الساق *алсақ*, توتساق *тутсақ*, яъни олсак, тутсак.

Сўз ўртасида [қ], одатда, [ғ] сингари талаффуз қилингани учун [ғ] билан ёзилиши айтилган: الغاى *алгай*, توتغاى *тутгай*, الغوچى *алғучы*, توتغوچى *тутғучы* каби. Қаттиқ ўзақли масдарга бирор аффикс орттирилса, масдарнинг [қ] ҳарфи сўз ўртасида қофия тақозосида, баъзида [қ], баъзида [ғ] билан ёзилиши тушунтирилади ва унга далил қилиб қуйидаги байт келтирилган:

نى بهار اولغاى كه نالم رعد ايرور اشكىم ياغين
برق دير كوركان جهان ايچره دمим اوت سالماغين

Нэ баҳар олгай-ки нāлам раъд эрӯр ашким йагын
Барқ дэр кōргāн жиҳāн ичрā дамым от салмагын (104- бет).

نوايى كونكلى قانين توککالي اسراب سين اي قاتل
اميديم يوق ايدي كونکلومني مونچه اسراماقينک غه

Навāйи кōнли қанын тōккāли асраб-сән эй қāтил
Умидим йоқ эди кōнлӯмни мунча асрамақынға (104- бет).

Сўз охирида қисқа [а] унлисини ифодаловчи алиф ёзувда ҳо-йи ҳавваз [о]га алмашуви мумкинлиги қайд қилинган. Масалан:

باغیر خونابیدین ضعف اولدي غالب خسته جانیمغا
آغیر ایردي غذا عود ايتي زحمت ناتوانیمغا

Багыр хунāбыдын заъф олды гāлиб хаста жāнымга
Агыр эрди газā ауд этти заҳмат нāтавāнымга (105- бет).

ينه نى اوت ايدى كيم توشتى خانمانيمغه
ينه نى شعله ايدى كيم توتاشتى جانيمغه

Йана нэ от эди-ким тўшти хāнимāнымга
Йана нэ шуъла эди-ким туташты жāнымга (105- бет).

Шунга ўхшаш ايتسه ~ ايتسا *этсә*, ايچره ~ ايچرا *ичрә*, اوزره ~ اوزرا *ўзрә*, يانيمه ~ يانيمه *йаныма* каби.

Муаллиф икки ўринда қисқа, яъни жўналиш келишиги аффикси ҳамда сўз ўртасида [a] унлисини ифодаловчи *алиф* ни ҳо-йи ҳавваз билан алмашириш мумкин эмаслигини тушунтиради: *مينكا* *мәңә*, *سينكا* *сәңә*, *اوزكا* *өзгә*, *بيزكا* *бизгә*, *الماس* *алмас*, *كيلماس* *кәлмәс*, *توتار* *тутар* каби.

Жўналиш келишиги аффикси вазифасини бажарувчи -на, -нә аффиксидаги ҳо-йи ҳавваз алиф билан алмашмайди. Масалан:

سبزه خطينک سوادى لعل سيراب اوستينه
خضر کويا سايه سالميش آب حيوان اوستينه

Сабза-йи хаттың савāды лаъл-и серāб ўстинā
Хизр гойā сāйа салмыш āб-и ҳайвāн ўстинā (106- бет).

Иккинчи қисмда *ايكان* *экāн* / *ايركان* *эркāн* сўзларидаги қисқа [ā] унлиси фонетик ўзгаришига учраб, *ايكين* *экин* ва *ايركين* *эркин* шаклида ҳам ишлатилиши қайд қилинган. Масалан:

تارارادا عقده ليغ زلفين مسلسل ايلادي چين لار
كره ميم ايكي زلفي ايكي لام آنينك تاراغ سين لار
ديسام حسن اهليني كورمانك كه ظالم دور لار و قاتل
كونكول ايتور كوراي شايد كه مونداق ايرماس ايركينلار

Тарарада иқдалығ зулфын мусалсал āйлāди чинлар
Гирәх мим икки зулфы икки лām аның тарағсынлар
Дәсām хусн аҳлыны көрмāй ки зāлимдурлар-у қāтил
Көңүл айтур көрāй шāйад ки мундақ эрмās эркинлār (106- бет).

Иккинчи фасл сўзлардаги баъзи бир ҳарфларнинг ёзувда тушиб қолишига бағишланган. Масалан: *غای - gай / کای - gай* формасига кесимлик боғламаларидан бири орттирилса, аффиксдаги *ی* *й* тушиб қолиши ҳамда ифодаланиши мумкинлиги айтилади.

شهر و کشور دین ایلیک یوب خانماندین کیچکامین
خانماندین کیم دیسون ایکی جهاندین کیچکامین

Шаҳр-у кишвардын элиг йуп хāнимāндын кэчкā-мэн
Хāнимāндын ким дэсүн ики жиҳāндин кэчкā-мэн (107- бет).

آنچه اور غای سیز بویولدا بال و پر
ایلاکای سیز قطع آنچه بحر و بر
کیم و صالی کامیغه یا یتکابیز
یا تمناسیدا جان ترک ایتکابیز

Анче ургайсыз бу йолда бāl-у нар
Айлāгāйсиз қатъа āнче баҳр-у бар
Ким висāлы кāмига йā йэткāбиз
Йā таманнāсыда жāн тарк эткāбиз (107- бет).

Учинчи фасл сўзлардаги товушларнинг енгиллашиши (қисқариши)га бағишланган бўлиб, икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда баъзи бир сўзлардаги иккиланган товушлардан бири талаффузда қисқариши тушунтирилади: *ایکی* *икки*, *ики*, яъни *икки*, *توقوز* *йэтти*, *йэти*, яъни *етти*, *سکیز* *сэккиз*, *сэкиз*, яъни *саккиз*, *ساقل* *саққал*, *сақал*, яъни *соқол*. Бунга далил қилиб қуйидаги байтлар келтирилган:

شکوہونک جبہہ سیدین چون ثریا
یتی قطرہ عرق دیک یتی دریا

Шукуҳун жабҳасыдын чун сураййā
Йэти қатра арақ-дэг йэтти дарйā (108- бет).

پایه اوریندا⁵² سکیز انکا ستون
آستیدا بیر کیتیپ سیکیز کردون

*Пайа орында сэккиз аңа стун
Астыда бир кэтип сэкиз гардун (108- бет).*

Учинчи фаслнинг иккинчи қисмида [й] билан бошланган *يوز* *йўз*, яъни *юз*, *ييل* *йил*, яъни *йил* сўзларидаги *ى* *й* ҳарфи ¹ *алиф*га алмашуви, ¹ *алиф* эса тушиб қолиши мумкинлиги тушунтирилади:
يوز يىل لىك // يىلچى لىق يوز يىلچى لىق, *يوز يىلچى لىق*, *يوز يىلچى لىق* *йўз йиллик*. Бунга далил қилиб қуйидаги мисоллар келтирилган:

اوچ اوز آلتىش آلتى لعب و كره
اوتوب كيم سنان اوچي كورماي زره

*Ўч ўз алтмыш алты лаъб-у куррәҳ
Отуп-ким санан ўчи көрмәй зираҳ (108- бет).*

كل عطرى يوز يلچي لىق يول كيتيب
يوزايل لىك اولوك جان تاپيب چون ييتيب

*Гул атры йўз йылчылық йол кэтип
Йўз йиллик өлүк жән тапып чун йэтип (109- бет).*

Иккинчи расм ишлатилиш пайтида ундош ва унли ҳарфлари ўзгарадиган сўз ва аффиксларга бағишланган бўлиб, икки қисмни ўз ичига олади. Биринчи қисм эса, тўрт турга бўлиб текширилган: Биринчи тур [д] билан бошланган *دى* -*ды*, -*ди*, *دا* -*да*, -*дә*, *دين* -*дын*, -*дин*, *دور* -*дур*, -*дүр*⁵³, *دورور* -*дурур*, -*дүрүр* кесимлик боғламалари ва аффиксларни ўз ичига олиб, [т] билан тугалланган негизга орттирилганда [д] товуши [т] га алмашуви, [б], [ч], [с], [ш], [қ], [к]

⁵² бўлиши керак. *اوريندا*

⁵³ Агар *دور* -*дур*, -*дүр* ўтган замон кесимлик иш боғламасини англатса, албатта, *تور* -*тур*, -*түр* шаклида ишлатилиши қайд қилинган:

كوزونك نى بلا قرا بولوبدور
جانغه نى قرا بلا بولوبدور

*Көзүң нэ бала қара болуптур
Жәнга нэ қарā балā болуптур (110- бет).*

билан тугалланган негизларга орттирилганда эса ҳам [ð], ҳам [m] билан ифодаланиши, бошқа ҳарфлар билан тугалланган негизга орттирилганда алмашув юз бермаслиги айтилган.

Учинчи расм грамматик қоидага зид равишда ясалган баъзи сўзларга бағишланиб, ишлатилишига кўра икки қисмга бўлиб текширилган. Биринчи қисм ишлатилишига кўра грамматик қоидага зид бўлган *ایدين айдын*, яъни ойдин, *ایشتان иштан*, яъни иштон, ички кийим, *ایکین икин*, яъни ҳар иккиси; экин, *سیوونماک севўнмак*, яъни севинмоқ сўзларини ўз ичига олади. Мирзо Меҳдихон *ایدين айдын* ва *ایشتان иштан* сўзларининг этимологиясини қуйидагича тушунтирган:

ایدين айдын сўзи *ای ай* ва *تون тўн*, *ایشتان иштан* эса *ایچ ич* ва *تون тон*, яъни кийим сўзларининг йиғиндисидан ташкил топганлигини қайд қилган, лекин кўп ишлатилишига кўра фонетик ўзгариш юз берганлигини айтади. *ایکین экин* сўзи ҳар иккиси маъносида грамматик қоидага биноан *ایکیسін иккисин* бўлиши кераклиги, лекин *ایکین икин* ишлатилиши тушунтирилган. *سیوونماк севўнмак* эса *سیوینмак севинмак* шаклида ишлатилиши кераклиги, чунки унинг буйруқ формаси *سیوون севўн* бўлмасдан *سیون севин* эканлиги қайд қилинган.

Иккинчи қисм Алишер Навоий асарларида хато ёзилган ёки хато кўчирилган сўзларни ўз ичига олиб, уч турга бўлинади.

Биринчи тури тартиб қилувчи ва кўчирувчи томонидан хато кўчирилган сўзлардан иборат. Масалан, *تينماسلىك کا тинмәсликгә*, яъни ором олмасликканинг масдари *تينماق тынмақ* қаттиқ ўзакли бўлгани учун ундан ясалган мазкур форма *تينماسلىغ тынмаслығ* бўлиши кераклиги айтилган. Шунга ўхшаш *سولدورغای солдурғай* ўрнига *سولدورماغای солдурмағай*, яъни сўлдирмасин кўчирилган бўлиб, маъно бузилган, шунга ўхшаш *تاپمادوق тапмадуқ*, яъни топмадик ўрнига *تاپمادوک тапмадўк*, *بو تونکا бу туңа*, яъни шу тунгача ўрнига *بو تونكى бу туңи*, *كويما کۆймән* ўрнига *کۆймә*, *سوكونچه соғунча*, яъни сенинг орқангдан ўрнига *соғунча* деб нотўғри кўчирилган.

Мирзо Меҳдихон келтирилган мисолларга далил қилиб қуйидаги байтларни кўрсатган:

ميل ديني كه سالور كيمسه ني تينماسليک کا
تينبيان کونکلي انينک کيم که کونکولدين چقاريب

*Майл дини ки салур кимсәни **тинмәсликкә**
Тинибән көңли аның ким ки көңүлдин чықарып (132- бет).*

کونکول باغي ارادور نخل قدی ليک قورقارمين
کيم اول ايسينغ هوا سولدور ماغای نورس نهاليميني

*Көңүл бәгы арадур нахл қадды ләк қорқар-мән
Ким ул ыссығ җаво **солдурмағай** наврас ниҳәлымны.*

Мирзо Мехдихон җзади: «*سولدور غای* бўлиши керак,
яъни *Унинг қадди ниҳоли менинг дилимдадир, лекин у иссиқ җаво*
менинг ёш ниҳолимни сўлдиради деб қўрқаман» (132- бет).

تايمادوک کلرنک جامی بی خمار ای باغبان
وه که بو کلشن ارا کل بوتماس ایرمیش خارسیز

***Täpмәдүк** гулраң жәмы бәхумәр әй бәғбән
Ваҳ ки бу гулиан ара гул бүтмәс әрмиш хәрсыз (132- бет).*

ای نوایی یار اکر دیر کیم اوزونکنی اوتغه سال
تن یالانک ایلارکا کویما جان اوچون کویمانماکیل

*Әй Навәйи йәр агар дәр ким өзүңни отға сал
Тан йалаң әйләргә **күймә** жән үчүн күймәнмәгил,
яъни *Әй Навоий ёр агар ўзингни ўтға ташла деса, яланғоч*
бўлишдан бўйин товла, жонинг учун куйма (133- бет).*

که ماتم توتوب شين ايتا آلامديم
بيريب جان سوکونچه ييتا آلامديم

*Ки мәтам тутуп шин этә алмадым
Бәрип жән **созунча** йәта алмадым (133- бет).*

Иккинчи тури сўзларнинг маъносиға, таъсир қилмайдиган
хатоликлардан иборат. Масалан, *ايديب* эдиб, яъни ҳидлаб ўрниға

-ган -غان -гән ўрнига *кан* -кан, юмшоқ ўзакли феълларга *аффикс* орттирилган: *судраладурган*, яъни ерда тортилувчи, *айсадурган*, яъни эсадиган, *келатурган*, яъни келадиган:

سيل سوين تاپسا ايچيب مُل كبي
سای تاشين تاپسا ايچيب كل كبي

Сэл сувын тапса ичип мул⁵⁴ киби
Сай ташын тапса этип гул киби (134- бет).

کر اولماسام ايتينک اول زلف تابی دين نيدورور
ير اوزره سودرالادورغان بويونداغي رسنيم

Гар олмасам этип ул зулф табыдын нэдүрүр
Йэр үзрә судраладурган бойундагы расаным⁵⁶ (134- бет).

Учинчи тури номаълум сабабларга кўра имло қоидасига зид равишда ёзилган *نقط* нуқат сўзини ўз ичига олади.

يوزدا خالينک دورمو يا تحرير ايتار حالتدا خط
تامدي قدرت کلکي دين کون صفحه سيغه بير نقط

Йўздә хāлыңдурму йā таҳрир этар ҳāлатда хат
Тамды қудрат кўлкидин кўн сафҳасыга бир нуқат (135- бет).

Иккинчи тур имлосини ўзидан олдин келган унли ҳарфга тобе бўлган эгалик аффикси *ی* -ы, -и, *سى* -сы, -си ни ўз ичига олиб, улар ундош билан тугалланган сўзларга *ی* -ы, -и, унли билан тугалланган сўзларга эса *سى* -сы, -си тарзида қўшилиши айtilган: *کوزى* кўзи, яъни кўзи, *قاشى* қашы, яъни қоши *کوزکوسى* кўзгўси, *اتاسى* атасы.

⁵⁴ Муаллиф *ايديب* эдиб сўзида [d] нинг [t] га алмашуви юз берган бўлиши мумкин деган фикрни ҳам айтган.

⁵⁵ *مُل* мул, яъни вино.

⁵⁶ *رسنيم* расаным, яъни арқоним.

Учинчи турда аффикслар формаси феъл ўзакларининг қаттиқ-юмшоқлигига қараб ўзгариши тушунтирилиб, икки гуруҳга бўлиб текширилган.

Биринчи гуруҳ охириги ҳарфлари билан фарқланувчи куйидаги аффиксларни ўз ичига олади: *ماق* -*мақ* / *ماک* -*мăк*, *ساق* -*сақ* / *ساک* -*сăк*, *دوق* -*дуқ* / *توق* -*туқ*, *دوک* -*дўк* / *توک* -*тўк*: *الدوق* -*алдуқ*, яъни олдик, *تاپتوق* *таптуқ*, яъни топдик, *دېدوک* *дэдўк*, яъни айтдик, *اوتتوک* *оттўк*, яъни ўтдик, *تاپماق* *тапмақ*, яъни топмоқ, *ايتماک* *этмăк*, яъни қилмоқ, *تاپساق* *тапсақ*, яъни топсак, *ايتساک* *этсăк*, яъни қилсак.

بو يانكليغ بىرلە عمر نوح تاپساق
بدندا كوپراک اندىن روح تاپساق
نيجە كىم ظاهر ايتساك عذر معقول
آلار آليدا ايرماس عذر مقبول

Бу йаңлыз бирлә 'умр-и Нух **тапсақ**
Баданда көпрәк андын рух **тапсақ**
Нәчә ким зәхир **этсәк** 'узр-и маъкул
Алар аллыда эрмәс 'узр-и мақбул (111- бет).

دیدوک کیم جنونونکغه آغاز ایـمیش
جهالت سنکا کوپ و عقل آز ایـمیش
ایشینکا یوق اصلاح تدبیر دین
چو کودک سین اونتوک بو تقصیر دین

Дэдүйк-ким жунунуңа ағай эмиш
Жахалат сәйә көп-у ақл аз эмиш
Ишинә йоқ исләх тадбирдын
Чу кодаксэн **өттүк** бу тақсирдын.

Иккинчи гуруҳ бош ҳарфлари билан фарқланувчи қуйидаги аффиксларни ўз ичига олади: غان -ган / كان -гән, -кән, غای -гай / کای -гәй, غیل -гыл / کیل -гил, غالی -галы / کالی -гәли, -кәли, غاچ -гач / کاچ -гәч, -кәч, غو -гу / کو -гү, غوچی -гучы / کوچی -гүчи, غوچه -гуча / کاچه -гәча, -кәча, غونچه -гунча / کونچه -гүнчә, غانچه -ганча / کاچه -гәча, -кәча

-*gәnча*, غوم, *-гум* / کوم, *-gүм*, -*гумыз* / کومیز, *-gүмиз*, غونک, *-гуң* /
-gүси, کوسی / *-гусы*, غوسی, *-gүңүз*, کونکوز / *-гуңуз*, غونکوز, *-gүң*, کونک,
-гүдик, کودیک / *-гудик*, غودیک, *-gүсиләр* / کوسیلار, *-гусылар*, غوسیلار,
غی, *-қа* ~ قә / *-кә*, *-гә* / کا, *-га* ~ غه, *-гүлүк*, کولوک / *-гулуқ*, غولوق,
-гы / کی, *-ки*, قی / *-қы*, غینه, *-гына* / کینه, *-гина*, راق, *-рақ* / راغ, *-rag*
-рәк / راک, *-pәк* каби.

آنجه بولدي تن اوقونكدين ايچكاري تاشقاري يول
كيم اجل كيرماكا جان چقماقغه دور هر ساري يول

Аңче болды тан оқуғдын ичкәри таишқары йол
Ким ажал **кирмәккә** жән **чықмақғадур** ҳар сары йол
(114- бет).

اول غمزہ قان توکار کا اول کوز وفا قیلور غہ
بیداد و ظلم باعث ناز و عتاب مانع

Ул ғамза қан **төкәргә** ул көз вафә қылу^рға
Бэдәд-ү зүлм бәис-и нәз-ү итәб мәнеъ (114- бет).

Асарда эслатма шаклида икки қоида тақдим этилган бўлиб, биринчи қоидада баъзан бир форма икки маънога эга бўлиши таъкидланади. Мазкур форма бир маъно англатганда ўзак қаттиқ, иккинчи маъно англатганда эса юмшоқдир. Масалан: *اولتورور олтурур*, яъни ўтиради, ўлтиради, *اولتورماق олтурмақ*, яъни ўтирмоқ маъносида ўзак қаттиқдир, шунинг учун *غا، غه -ga*, *اولتورماک öltürmäк*, яъни ўлдирмоқ маъносида ўзак юмшоқ, шунинг учун *-gä, -kä* орттирилиши қайд қилинган. Иккинчи қоидада эса [ɟ], [k] билан тугаган ўзакларга *گا -gä, -kä, [k], [ɟ]* билан тугаган ўзакларга *غا، غه -ga* орттирилиши тушунтирилиб, қуйидаги байтлар далил қилиб келтирилган:

تا هواني مين اول آي هجيريدا اندق كيم بولوت
تاقغه هر دم يوز لانور مين ياش توکوب فرياد يتيب

Тә җавā-ны мән ул ай җажрыда андақ-ким булут
Тақға җар дам йүзләнүр-мән йаиш төкүн фарйād этип (115- бет).

اولوقغه اولوغچه عطا ايلاسون
كيچيك كا كيچيك چا سحا ايلاسون

Улуқға улуғча атā әйләсүн
Кичиккә кичикчә сахā әйләсүн (115- бет).

Таркибида [қ], [ғ] бұлган сўзларга -ға, [к], [г] бұлган сўзларга эса -кә, -гә орттирилиши айтилган. Бунга далил қилиб қуйидаги байтлар келтирилган:

قوشغه اوت تين دم بولور يوز وى كيم كونكلوم قوشى
ازنى اسرى الماس اول رخسار آتشناك دين

Қушға оттын дам болур йүз вай-ким көңлүм қушы
Өзни асрай алмас ул рухсәр-и атайнакдин (115- бет).

سپاه حسنونکا پر مهچه سي رخشان علم بولغای
قوياش کوزکوسیکا آهيم ستوني کر توتاش اولسون

Синāх җуснуға пор маҳчасы рахшан-и илм болғай
Қуйаиш көзгүсигә аҳым стуны гар тутайи олсун (116- бет).

Кўрсатиш олмошларидан *ان* *ан* ҳамда *کلبه* *кулба* сўзларига ҳам -гә, -кә, ҳам -ға ~ -ге қўшилиши мумкин:

تايار چون ديوني قتل ايتي کيتي
سليمان بتی نينک خاتمی نی
بولارنى قيلسا دولت انغه تسليم
باريني ايلاسون خاقانغه تسليم

Тапар чун дэвны қатл этти кэтти
Сулаймāн бутыниң хāтамыны
Буларны қылса давлат анға таслим
Барыны әйләсүн хāқāнға таслим (116-117- бетлар).

لعلينک اول اوت کيم کونکول مجمر انکا
با کونکول درج و لبينک کوهر انکا

Лаълың ул от-ким көңүл мажмар⁵⁷ аңа
Йә көңүл дорж⁵⁸-у лабың гавхар аңа (117- бет).

كل ني بولغاي کيم يوزونک هجریدا کورکيمين اني
سالسالار کولبمغه خس ينکليغ سوپورکايمين اني

Гул нэ болгай ким йүзүң хажрыда көргәй-мэн аны
Салсалар кулбамга хас йаңлыг сүпүргәй-мэн аны (117-бет).

تيره کلبمکا کيريب جانا اولومدين بير نجات
ظلمت ايچرا خضرغه اول نوع کيم آب حيات

Тийра кулбамгә кирип жәна өлүмдин бэр нажәт
Зулмат ичрә Хизрга ул нав-ким әб-и ҳайәт (117-бет).

Асарда эски ўзбек тилидаги жўналиш келишиги аффикси рум ва эрон туркларида ундош билан тугаган сўзларга *о* -а, унли билан тугаган сўзларга *е* -йа шаклида қўшилиши тушунтирилган: *باشه* баша, яъни бошга, *قاشه* қаша, яъни қошга, *هوايه* ҳавайа, яъни ҳавога, *سويه* суйа, яъни сувга каби чигатой тилида эса ҳеч қачон [ɛ], [ɶ] тушиб қолиши мумкин эмаслиги, лекин баъзан *كا* -гә, -кә аффикси *نه* -на, -нә билан алмаштирилиши мумкинлиги қайд қилинган. Бунга далил қилиб қуйидаги байт келтирилган:

سبزه خطينک سوادى لعل خندان اوستينه
خضر کويا سايه سالميش آب حيوان اوستينه

Сабза-йи хаттың савāды лаъл-и хандāн ўстинā
Хизр гойā сāйа салмыш āб-и ҳайвāн ўстинā.

⁵⁷ Мажмар – това.

⁵⁸ Дорж – қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича.

Баъзан жўналиш келишиги аффикси ўрнига биринчи, иккинчи шахс бирлик эгалик аффиксини қабул қилган сўзларга [-a] орттирилади:

كونكولما پيكان لارينكدین قطره قطره سو ايماس
حاليما كوزديك بعينه اول داغی كريان ايرور

Көңлүмә пайкәнларындын қатра-қатра су эмәс
Хәлыма көз-дәг баайна ул дагы гирйән эрүр (118- бет).

كيلورونكا ياساديم كونكولم اويين
ياسالور كلبه چو مهمان كيلكاچ

Кәлүрүңә йасадым көңлүм уйин
Йасалур кулба чу мэхмән кәлгәч (119- бет).

[қ], [ɣ] билан тугаган ўзакка қы -قى, ғы -гы, [к] билан тугаган ўзакка ки -كى, -ги орттирилади. Масалан: اولوغداغى, улуг اولوغ, улугдагы, яъни улугда бор нарса, улугдаги, تاغ, таг, тагдагы, яъни тоғда бор нарса, тоғдаги, كىچىكداكى, кичик, кичикдаكى, كىچىكداكى, яъни кичикда бор нарса, кичикдаги, كوك, көк, كوكداكى, көкдәки, яъни кўкда бор нарса, кўкдаги каби.

Юмшоқ ўзакли сўзларга қи -قى, -ки, қаттиқ ўзаклиларга қи -قى, ғы -гы орттирилади: يولىداغى, яъни йўлдаги, йўлда бор нарса (يولداق), يوزىداكى, яъни юзидаги, юзида бор нарса (يوزلاشماق).

Таркибида [к], [ɣ] ҳарфлари бўлган сўзларга кўпинча ки -ки, -ги, [ɣ], [қ] ва бошқа ҳарфлар бўлган сўзларга қи -قى, ғы -гы аффикси орттирилади: كۆنلىداكى – кўнглидаги, кўнглида бир нарса, بورناغى, бурнагы, яъни бурунги.

Ғина -гына / كينه -гинә аффикси кичрайтиш маъносига эга бўлиб, [қ], [ɣ] билан тугалланган ўзакка ғына, [к], [ɣ] билан тугалланган ўзакка кинә -кинә орттирилади:

يوز اوپاركا قويمادی ايلکين ديديم باري اوپاي
تاشلابان يومروق غينه قيلدي يوزومني كوك كينه

Йўз өнәргә қоймады илкин дәдим бары өнәй
Ташлабан йумруқғына қылды йўзүмни көкгинә (120- бет).

Таркибида [қ], [ғ] бұлган сўзларга *غينه* -*ғына*, [к], [г] бұлган сўзларга *کينه* -*гинә* орттирилади: *قوشغينه* *қушғына*, яъни қушча, *کوکوس کينه* *көкүскинә*, яъни кўкракча. Таркибида [қ], [ғ], [к], [г] дан бошқа ҳарфлар бұлса, кўпинча *غينه* -*ғына* орттирилади:

جور ايله تهديدى بيدل لارغه باري چين غينه
مهر ايله هر وعده کيم قيلدي باري اوتروک کينه

*Жавр әйлә таҳдиды бәдилларға бары чынғына*⁵⁹
Мәхр әйлә ҳар ваъда ким қылды бары өтрүкгинә (121-бет).

Агар ўзак қаттиқ бұлса, *راق* -*рақ*, юмшоқ бұлса, *راک* -*рәк* орттирилади: *الغوجى راق* *алғучырақ*, яъни олувчиоқ, *کيلکوجى راک* *кәлгүчирәк*, яъни келувчиоқ, *اچراق* *ачрақ*, яъни очроқ, *توزراک* *түзрәк*, яъни тўғрироқ каби.

[қ], [ғ] билан тугалланган сўзларга *راق* -*рақ*, [к], [г] билан тугалланган сўзларга *راک* -*рәк* орттирилади: *ساووغ راق* *савуғрақ*, яъни совуқроқ, *ياووقراق* *йавуқрақ*, яъни яқинроқ, *چاکراک* *чәкрәк*, *نامناکراک* *намнәкрәк* каби.

Таркибида [қ], [ғ] бұлган сўзларга *راق* -*рақ*, [к], [г] бұлган сўзларга *راک* -*рәк* орттирилади: *قيوراق* *қуйурақ*, яъни пастроқ, *کوپراک* *көпрәк*, яъни кўпроқ (баъзан бу тартиб бузилиши мумкин).

Таркибида мазкур ҳарфлардан бошқа ҳарфлар бұлган сўзларга кўпинча *راق* -*рақ* қўшилади: *خوب راق* *хубрақ*, *مرغوب راق* *марғубрақ* каби.

ای جمال و ناز و عشونک بیربیری دین خوب راق
قامتینک مرغوب و اندین پیکرینک مرغوب راق

Әй жамāl-у нāз-у ’ишваη бир биридин хубрақ
Қоматыη марғуб-у андын пәйкариη марғубрақ (122- бет).

⁵⁹ چين Чин мамлакат маъносида ишлатилса, *کينه* -*кинә* / -*гинә* орттирилиши айтилган.

خرد دين ايرور غيب علمي یراق
ايرور بيخرد دين خرد يخشیراق

*Хираддын эрүр гайб илмы йырақ
Эрүр бәхираддын хирад йахшырақ (122- бет).*

лүк- / لوک / -лик / ليک, -луғ / -луқ / لوق / -лығ / -лық / ليغ / -лық / ليق
-луғ, -луқ / -لوغ / -لوқ / -لوق, -лығ / -ليغ / -лик / -ليک
аффикслари қаттиқ ўзакка
юмшоқ ўзакка лүк- / لوک / -лик / -ليک

چيق نوايي قاريدينک حرمت اله ميکده دين
سودراتورلار کيشي چيقماسليغ ايتيب بولسا قاشانک

*Чық, Навāйи қарыдың, ҳурмат ила майкададин
Судратурлар киши чықмаслығ этип болса қашаң (123- бет).*

قاوما ای شیخ نوائینی ایشیتماس دیب پند
کیم سنینک پندینک ایشیتماسلیک انکا پند اولمیش

*Қавма эй шайх Навāйины эшитмāс дән панд
Ким сэниң пандың эшитмāслик аңа панд олмыш (123- бет).*

луғ / -لوغ / -луқ / -لوق, -лығ / -ليغ / -лық / -ليق
-луғ, к / г билан тугаган сўзларга
лүк- / لوک / -лик / -ليک
-луғ, -луқ / -لوغ / -لوқ / -لوق, -лығ / -ليغ / -лық / -ليق
дағлығ, яъни доғлик, бәбāклик, яъни бебоклик каби.

Таркибида [қ], [ғ] бўлган сўзларга
лүк- / لوک / -лик / -ليک
-луғ, [к], [г] бўлган сўзларга

ساز ايتي اغاليغ و سينکيل ليک
کوپ ايستادي سينکلي دين بحل ليک

*Сāз этти ағалығ-у сиңиллик
Кōп истāди сиңлидин бәхэллик (124- бет).*

Баъзан аффикслар мазкур қоидага зид ишлатилади:

کيم که بودور اندا قيليب راست ليغ
يوق تور ايشی غير کم و کاست ليغ

*Кимки будур анда қылып рāстлығ
Йоқтур иши ғайр-и кам-у кāстлығ (124- бет).*

Таркибида мазкур ҳарфлар бўлмаган сўзларга кўпинча **ليق** -лық / **ليغ** -лығ орттирилади.

عشقینکدا بیر دیوانه لیق شوقونکدا بیر فرزانه لیق
اغیار دین بیکانه لیق ایلاب اوزونکا آشنا

*‘Ишқында бир дэвāналық шавқуңда бир фарзāналық
Ағйārдын бэгāналық āйлāп өзүңā āшинā (124- бет).*

منکا ایمدی سرو ایلہ کل مدعاسی قالمادی
سرو بویلوک کل جبین لیک لار هواسی قالمادی

Меңә эмди сарв илә гул муддаysi қалмады
Сарв бойлук гул **жибинликлар** хавāсы қалмады (125- бет).

Баъзи сўзларга аффиксининг ҳар икки шакли қўшилади: *يیل لیغ* *йиллығ*, *يیل لیك* *йиллик*, *يیل لیق* *йиллық*, яъни йиллик *بیکانه لیغ* *бэғāналығ*, *بیکانه لیك* *бэғāналик*, яъни бегоналик, *کم لیغ* *камлығ*, *کم لیك* *камлик*, яъни камлик каби.

Бунга далил қилиб қуйидаги байтлар келтирилган:

لیک سیز مینک ییلجی لیغ اندین یراق
قالیسی مینک ییل لیق که امکاندین یراق

Ләк сыз миң йылчылыз андын йырақ
 Қалысы миң **йыллық** ки имкәндиң йырақ (125- бет).

کشوری دین کیتاردي چون تاراج
یتي پیل ایک معاف توتتی خراج

Кишварыдын кэтәрди чун тәрәж
Йэтти йиллик маъаф тутты хирәж (125- бет).

Аффикс орттириладиган сўз [y] билан тугалланган бўлса, لوق -луқ / لوغ -луг, لوك -лук шаклида қўшилади: قايغولوق қайғулук, яъни қайғули, قارانغولوق қаранғулук, яъни қоронғулик, نازكلوك нāзүклүк, яъни нозиклик каби.

كونكلوم بولور غمينك توني هر لحظه قايغولوق
چون شام بولدى هر نفس ارتار قارانغولوق

Көңлүм болур ғамың түни ҳар лаҳза қайғулук
Чун шām болды ҳар нафас артар қаранғулук (126- бет).

Аффикс орттириладиган сўз [a] ҳамда ундош билан тугалланган бўлса, لىق -лық / ليغ -лығ, ليك -лик тарзида қўшилади: رعناليق раънāлық, яъни раънолик, بىرليک бирлик, яъни иттифоқ, ويرانلىق вайрāнлық, musulmānلىغ мусулмāнлығ каби.

Рум ва Эрон туркларидида мазкур аффикс орқали ясалган сўзлар нисбий сифат маъносини англатса, доим لىق -лық, ليغ -лығ, ليك -лик шаклида ёзилади ва баъзан аффикс охиридаги [κ], [ɛ], [q], [ɟ] ҳарфлари тушиб қолиши мумкин: شاملو шомлу, яъни мисрли, دولتو давлатлу⁶⁰, яъни давлатли каби. Агар мавҳум маънога эга бўлган от ясаса, аффиксининг охирги ҳарфи тушиб қолмайди. Масалан: چوخلوق чохлук, яъни кўплик, يالغوزلوق йалғузлук, яъни ёлғизлик, آشناليق āшнāлық, яъни ошналик, ايل ليک эллик, яъни эллик, بىرليک бирлик, яъни ягоналик каби.

Шахс-сон аффиксларидан ديم -дым, -дим / تيم -тым, -тим / دوم -дум, -дўм / توم -тум, -тўм феъл ўзаги [-t] билан тугалланган бўлса, аффикс ҳам [-t] билан ёзилади: توتتى тутти, яъни олди, ушлади, كىتتى кэтти, яъни кетди каби. Агар ўзак [c], [ç], [ш], [п], [q], [κ] билан тугалланган бўлса, ҳам [d], ҳам [t] билан ёзилади. Масалан: اسدى асды // استى асты, яъни осди, اوپدى öпди // اوپتى öпти, яъни ўпди, اوچدى учди // اوچتى учти, яъни учди, يولوقدى йолуқды // يولوقتى йолуқты, яъни йўлиқди, توكدى төкди // توكتى төкти, яъни тўкди каби.

⁶⁰ دولتو бўлиши керак.

Бошқа ҳарфлар билан албатта [ð] ёзилади: Масалан: *وردی* *урди*, *الدى* *алды*, *يیدی* *йэди*, *دیدی* *дэди* каби.

Аффикс орттириладиган бўғин (негиз) таркибида [y] унлиси бўлса, аффикснинг биринчи унли ҳарфи ҳам [y] га алмашади. Масалан: *وردوم* *урдум*, яъни *урдим*, *توتتوم* *туттум*, яъни *ушладим*, *олдим* каби. Агар [a] ёки [u] га эга бўлса, аффикснинг биринчи ҳарфи ҳам [u] га эга бўлади: *سالديم* *салдым*, яъни *ташладим*, *ياتيم* *йаттым*, яъни *ётдим*, *قىلديم* *қылдым*, *ايتيم* *эттим*, яъни *қилдим* каби.

Охирги бўғини [y] ёки [u] ҳарфга эга бўлган *اويون* *ойун*, яъни *ўйин*, *قويون* *қуйун*, яъни *қуюн*, *بويون* *бойун*, яъни *гардан*, *اورون* *орун*, яъни *жой*, *اغيز* *ағыз*, яъни *оғиз*, *باغیر* *бағыр*, яъни *жигар*, *كونكول* *көңүл*, яъни *қалб*, *كوكوس* *көкүс*, яъни *сийна*, *قارين* *қарын*, яъни *қорин* каби ва шунга ўхшаш сўзларга эгалик аффикси орттирилганда, охирги бўғиндаги [u], [y] ҳарфи тушиб қолади. Масалан:

قارينينک بيله دوست بولماسانک احسن دور
نيوچون که اير او غليغه قارين دشمن دور

Қарының билә дост болмасаң аҳсандур
Нә үчүн ки эр оғлыға қарын душмандур (128- бет).

چون ايليک بيرماس که اوپسام اول ستمکار ايلکيني
بير کيشی ايلکين اوپای کيم اوپکای اول يار ايلکيني

Чун элиг бәрмәс-ки өпсәм ул ситамгар элгини
Бир киши элгин өпәй-ким өпгәй ул йәр элгини (129- бет).

يوزونک وصفين ديب اوتکان تون در اشکيم توکار ايرديم
توتوب تاغ کينين ای کيردي قرا توفراقغه پروين هم

Йүзүң васфын дэп өткән тўн дурр-и ашким төкәр эрдим
Тутуп тағ кэйнин ай кирди қара тупрақға парвин ҳам (129- бет).

Агар *بورون* *бурун* «олдин», *قويون* *қуйун* «оғуш (қўйин)» маъносида ишлатилса, аффикс орттирилганда, охирги бўғиндаги [y] тушиб қолади, «бурун», «қўй» ва «қуюн» маъноларида

ишлатилса [y] сақланади: *قوينين қойнын*, яъни қўйнини, *بوروني* буруни, яъни бурни, *قويوني қуйуни*, яъни қуюни каби.

کلامینک کوهری دیک تاپمامیش کرچه صبا ایلکی
یقاسین غنچه نینک یرتیب نیجه کیم قوینن اختارمیش

Калāмиш гавҳары-дэг тапмамыш гарчи сабā илки
Йақасын гунчаныш йыртып нэчā ким қойнын ахтармыш
(129- бет).

Таркибида [y] ҳарфи бўлган сўзларга аввал [y] унлиси ва [a] ҳамда [u] бўлган сўзларга эса [u] унлиси орттирилиб, сўнг эгалик аффикси қўшилади. Масалан: *کوزونک* *кўзўш*, яъни кўзинг, *بورنونک* *бурнуш*, яъни бурнинг, *کوزوما* *кўзўма*, яъни кўзимга, *بورنوما* *бурнума*, яъни бурнимга, *باشینک* *башыш*, яъни бошинг, *تیشینک* *тишиш*, яъни тишинг, *باشیمه* *башыма*, яъни бошимга, *تیشیمه* *тишимә*, яъни тишимга каби.

Тўртинчи расм турли қоидалар ва айрим эслатмалар изоҳига бағишланиб, бешта қоида ва иккита эслатмани ўз ичига олади.

Биринчи қоида ўзакка аффикс орттирилганда юз берадиган фонетик ўзгаришлар ва аффикс имлосига бағишланган. Асарда қайд қилинишича, агар феъл ўзаги (сўз)нинг охирги ҳарфи унга қўшилган аффикснинг бош ҳарфи билан бир хил бўлса, ҳар икки ҳарф; **-эт** билан тугаган феъл ўзакларига ўтган замон шахс-сон аффикслари қўшилса, икки [t] ўрнига бир [t]; агар феъл ўзаги **-ат**, **-ут** билан тугалланган бўлса, ҳар икки [t] ёзилади. Масалан: *سیغغۇچی* *сыггучы*, яъни сикқан⁶¹, *یاغغۇچی* *йаггучы*, яъни ёғувчи, *توگکۇچی* *тўккўчи*, яъни тўкувчи, *سوککۇچی* *сўккўчи*, яъни сўкувчи, *ایتی* *этти*, яъни қилди, *ییتی* *йэтти*, яъни етди, *ایتیک* *эттик*⁶², яъни қилдинг, *ییتинک* *йэттиш*, яъни етдинг, *اتتی* *атты*, яъни отди, *توتتی* *тутты*, яъни ушлади, олди, *اتتینک* *аттыш*, яъни отдинг, *توتتونک* *туттуш*, яъни ушладинг, олдинг каби.

Иккинчи қоида ўзакдаги унли ҳарфларнинг аффикслардаги унлиларга таъсири, яъни унлилар ассимиляциясига бағишланган.

⁶¹ Бу ерда ноаниқлик бор. *Сигувчи* бўлиши керак.

⁶² *ایتинک* *эттиш* бўлиши керак.

Бу қоидага бўйсунмайдиган аффикслар мавжуд бўлиб, уч турда тушунтирилган⁶³. Биринчи тур ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзгармасдан **ى** -*ы*, -*и* билан ёзиладиган аффикслардан иборат. Булар: биринчи шахс кўплик эгалик аффикси **مىز** -*мыз*, -*миз* (**كۆزۈمىز** *көзүмиз*, яъни кўзимиз, **كونكۈمىز** *көңлүмиз*, яъни дилимиз, **كۈنگلىمىز**, **باشىمىز** *башымыз*, яъни бошимиз, **تىشىمىز** *тишимиз*, яъни тишимиз каби), учинчи шахс бирлик эгалик аффикси **ى** -*ы*, -*и* (**اوزى** *өзи*, яъни ўзи, **كۆزى** *көзи*, яъни кўзи каби) ва ҳозирги-келаси замон сифатдоши **قاپغۇچىم** *қапғучым*, яъни мени ушловчи, **توتغۇچىم** *тутғучым*, яъни мени жалб қилувчи каби)дир.

Иккинчи тури ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплик аффикслари **دوق** -*дуқ*, **توق** -*туқ*, **دۈك** -*дүк*, **تۈك** -*түк* бўлиб, уларнинг биринчи ҳарфи [т] ёки [д] бўлишидан қатъи назар [у] билан ишлатилади: **الدوق** *алдуқ*, яъни олдик, **توتتوق** *туттуқ*, яъни олдик, ушладик, **دەدۈك** *дэдүк*, яъни дедик, айтдик, **كەتتۈك** *кэттүк*, яъни кетдик, бордик каби.

Учинчи тури баъзи исмлардан иборат бўлиб, уларнинг охирги бўғини [у] билан ёзилади: **ачуқ**, яъни очик, очилган, **بولغانۇق** *булғануқ*, яъни булғанган, **سىنۇق** *сынуқ*, яъни синган, синик, **يىقۇق** *йықуқ*, яъни бузилган, йиқилган каби ва ҳоказо.

Учинчи қоида форс тилида [ч], [н], [ж], [г] ҳарфлари орасига фарқ қўйилиб, унлиларнинг йўғон ва ингичкалиги назарда тутилган бўлиб, туркий тилда бунга риоя қилинмаслиги, «очмоқ» феълининг буйруқ майли **ач-** ни **ач**, яъни қорни оч билан, **ايز** *эз* формалари йўғон унлига эга бўлган **خيز** *хэз* ва **تيز** *тэз* билан, **توز** *туз*, яъни туз, ингичка унлига эга бўлган **سوز** *сөз*, яъни сўз билан қофия қилинганлигини кўрсатади.

اول ترک خطا نینک ایرور انداق کوزی قیماج
کیم نازدین اولماس دیماک آلیندا که کوز آج
آجلیغ دین اول آی نینک مکر اولدی کوزی بیمار
قان ایجکالی مایل نیکا بولمیش کر ایماس آج

⁶³ Асарда икки тур деб қайд қилиниб, уч тур орқали тушунтирилган.

Ул турк-и хатāның эрүр андақ көзи қыймач
 Ким нāздын өлмāс дэмāк аллында ки көз ач
 Ачлығдын ул айның магар олды көзи бэмāр
 Қан ичкāли мāйил нэгā болмыш гар эмāс ач (138- бет).

قوش كيتوردي نامينك و كونكلومني قيليدي شعله خيز
 ايلادي كويا قناتي نينك ييلي بو اوتني تيز
 اى نوايى چون ضرورت تور بو مسكين دين رخيلى
 خواه توتغيل كوشه خواهى جهان ملكينى كيز

Қуш кәтүрди нāмиш-у көңлүмни қылды шуъла хэз
 Айләди гойā қанатының йэли бу отны тэз
 Эй Навāйи чун зарураттур бу мискидин рахил
 Хāх тутғыл гоша хāхи жиҳāн мулкени кэз (138- бет).

Түртинчи қоида антоним сўзлар бирикмасининг тартиби муайян эканлиги ва биринчи шахс бирлик шахс-сон аффиксининг форс ва ўзбек тиллари учун умум эканлигини қайд қилади: *يخشى* *алурам* *خورم* *хубдур забундур*, *خوب دور زبوندور* *йахшы йаман* – *ميگيرم* *мигирам*, яъни оламан. Бундан ташқари Мирзо Меҳдихон форс тилидан кирган баъзи бир бирикмаларни эски ўзбек тилида ишлатилишини кўрсатиб ўтган: *روبرو* *робару*, яъни қарши (юзма-юз), *بسر* *басар*, яъни бошига, *سر تا سر* *сар тā сар*, яъни бошдан-оёқ, *در ميان* *саҳар тā ба шāм*, яъни эртадан кечгача, *دار مийāн*, яъни ўртасида, *دوتاھ* *дутāх*, яъни ҳам, эгилган, *با بتنگ* *танг*, яъни танг, *با بنقد* *ба нақд*, яъни нақдига, *در محل* *дар маҳал*, яъни ўз вақтида, *پا و پا بر جا* *пā-у пā бар жā*, яъни ўз ўрнида мустаҳкам, *تردامن* *тардāман*, яъни қўл этак, *شاهراه* *шāхрāх*, яъни катта йўл каби.

Биринчи эслатмада араб тилида отларда қисқа [y] унлиси [э / и] га ўтиши ёки [э / и] унлисининг [y] га ўтиши мумкин эмаслиги, феълларда эса юз бериши мумкинлиги тушунтирилиб, эски ўзбек тилида эса араб тилидан фарқ қилиб, бундай фонетик ўзгариш ҳам от, ҳам феъл туркумида юз бериши қайд қилинган: *سينوق* *синуқ*, яъни синган, *تیشوک* *тэшүк*, *تيلوک* *тилүк*, яъни тешик, *بيقوق*

йықуқ, яъни бузиқ, бузилган, ديدوک йэдүк, яъни айтдик, ييدوک йидүк, яъни едик.

Иккинчи эслатмада баъзи бир сўзларда форс тилига ўхшаш эски ўзбек тилида қисқа [a] унлисининг [u] га алмашуви тушунтирилган ва далил сифатида қуйидаги мисоллар келтирилган⁶⁴: قيراق қырақ, яъни қирғоқ – قيريق қырық, الماق алмақ, яъни олмоқ – ايلماق илмақ, يارماق йармақ, яъни ёрмоқ – ييرماق йырмақ.

Имло қоидалари, яъни олтинчи мабнонинг схематик кўриниши Илова, 12- жадвалда келтирилган.

Асарда ишлатилган грамматик терминларни ўрганиш, биринчидан, Меҳдихон ва унинг давридаги грамматикаларнинг принципларини аниқлаш учун ёрдам берса, иккинчидан, филолог бўлувчи студентлар учун таълимий аҳамиятга ҳам эгадир. Меҳдихоннинг «Мабониу-л-луғат», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти-т-турк» каби ўрта аср тилшуносларининг лингвистик асарларидан тўғри фойдаланиш учун, улар ишлатган термин ва тушунчаларни аниқлаб олиш зарур.

«Мабониу-л-луғат» асарида Меҳдихон ишлатган лингвистик терминлар қуйида араб алифбоси тартибида тақдим этилади:

ابدال	ибдол – алмашув
ابدال حرکات	ибдол-и ҳаракат – унлиларнинг алмашуви
ابدال حروف	ибдол-и ҳуруф – товушларнинг алмашуви
احادی	уҳоди – бир ундошдан иборат бўлган ўзак
آداب	одоб – қоидалар
آداب املاء	одоб-и имло – имло қоидалари
ادات	адот – юклама, аффикс
ادغام	эдгом – ассимиляция
استقبال	истиқбол – келаси замон
اسم	исм (کۆپلىگى اسماء асмо) – от (кенг маънода)
اسم اشاره	исм-и ишора – кўрсатиш олмоши
اسم ذوات	исм-и завоот – предмет отлари

⁶⁴ Мирзо Меҳдихон бу ерда янглишган. Эҳтимол, бирор уйғурдан эшитган бўлиши мумкин, чунки уйғур тилида мазкур фонетик ўзгариш юз беради.

اسم صفت	<i>исм-и сифат</i> – сифат
اسم فاعل	<i>исм-и фoъил</i> – 1) ҳаракат бажарувчининг оти, 2) сифатдош
اسم مصدر	<i>исм-и масдар</i> – отлашган масдар
اشباع	<i>ишбо</i> – қалин талаффуз
اشتقاق	<i>иштиқоқ</i> – ясалиш; <i>اشتقاق يافتن</i> <i>иштиқоқ йофтан</i> – ясалмоқ
اصل كلام	<i>асл-и калом</i> – сўзларнинг ўзаги
افعال	<i>афъол</i> – чоғиштирама даража
التقاء	<i>илтиқо</i> – товуш ёки ҳарфнинг ёнма–ён келиши
الماضى المجهول	<i>алмозиу-л-мажҳул</i> – мажҳул даражадаги ўтган замон формаси; масалан, Меҳдихон <i>олмышни</i> мозий, <i>олынмышни</i> алмози ул-мажҳул деган (22- бет)
ام الصيغ	<i>умму-л-сияғ</i> – бирламчи шакл
اماله	<i>имола</i> – унли товушлар торайиши ва торлиги
امر غايب	<i>амр-и ғойиб</i> – III шахс, буйруқ феъли
املاء	<i>имло</i> – имло, орфография
املاء روميه	<i>имло-йи румия</i> – Рум туркларининг имлоси (румча имло)
انضمام	<i>инзимом</i> – қўшилиш
انفعال	<i>инфиол</i> – ўзлик ва мажҳул даража
باب ⁶⁵	<i>боб</i> (кўплиги <i>ابواب</i> <i>абвоб</i>) – феъл даражалари, боб
باى تعديه	<i>бо-йи таъдия</i> – жўналиш келишигининг <i>-га</i> аффикси
تاى قرشت	<i>то-йи қарашат</i> – <i>ت</i> ҳарфининг номи ва [т] товуши
تحرير	<i>тахрир</i> – ёзилиш, ёзиш
تخفيف	<i>тахфиф</i> – соддалаштириш, енгиллаштириш
تذليل	<i>тазийл</i> – илова, қўшимча
ترصيف	<i>тарсиф</i> – грамматика
تشديد	<i>ташдид</i> – ундош товушларнинг иккиланганини

⁶⁵ Меҳдихон чиғатой тилида учта ясама боб бор дейди ва биринчисига ўзлик ва мажҳул нисбатларни киритади, чунки форс тилида иккиси ҳам бир хил.

	кўрсатувчи сатр усти белгиси – ّ
تصغير	<i>тасғир</i> – кичрайтириш
تفعيل	<i>тафъил</i> – ортгирма даража
تقرير	<i>тақрир</i> – ўқилиши, ўқилиш
تكلم	<i>такаллум</i> – нутқ
تلفظ	<i>талаффуз</i> – талаффуз
تمهيد	<i>тамҳид</i> – эслатиш
ثلاثي	<i>сулоси</i> – уч ундошдан иборат бўлган (ўзак)
ثنائي	<i>санойи</i> – икки ундошдан иборат бўлган (ўзак)
جزء كلمه	<i>жузв-и калима</i> – сўз таркибидаги мавжуд ҳарф
جمع	<i>жам</i> – кўплик
جيم عربی	<i>жим-и араби</i> – портловчи [ж] товуши ва ج ҳарфи
جيم عجمی	<i>жим-и ажами</i> – [ч] товуши ва چ ҳарфи
حال	<i>ҳол</i> – равишдош (-а, -й, -йу, -йў формалари) (50- бет)
حال ماضيه	<i>ҳол-и мозия</i> – ўтган замон равишдоши
حذف	<i>ҳазф</i> – тушириб қолдириш
حرف ⁶⁶	<i>ҳарф I</i> (кўплиги حروف ҳуруф) – 1) ҳарф, 2) товуш
حرف	<i>ҳарф II</i> – ёрдамчи сўз
حرف	<i>ҳарф III</i> – аффикс
حرف	<i>ҳарф IV</i> – юклама
حرف استفهام	<i>ҳарф-и истифҳом</i> – сўроқ юкламаси
حرف تعديه	<i>ҳарф-и таъдия</i> – қаратқич, жўналиш ва тушум келишикларининг аффикслари: -нинг, -га, -ни
حرف زائده	<i>ҳарф-и зойида</i> – қаранг: زائده зойида
حرف شرط	<i>ҳарф-и шарт</i> – шартликни билдирувчи -са, -сә аффикси
حرف مشدده	<i>ҳарф-и мушаддад(а)</i> – иккиланган товуш ёки ҳарф
حرکت ⁶⁷	<i>ҳаракат</i> (кўплиги حرکات ҳаракот) – ҳаракат

⁶⁶ Мехдихоннинг «Мабониу-л-луғат»ида ҳамма ўрта аср филологларида бўлгани каби фонетик ва график тушунчалар учун алоҳида термин йўқ. Масалан, товушни ҳам, ҳарфни ҳам Мехдихон «ҳарф» дейди.

⁶⁷ Туркий сўзлардаги алиф, вов, йойлар ҳам унли товуш билдирганда, ҳаракат деб юритилади.

	(қисқа унлиларни ифодалаш учун ишлатиладиган сатр усти ва сатр ости белгилари ва шу белгилар билдирган товушлар: 1) <i>ضمه</i> <i>замма</i> – [o], [ö]; 2) <i>كسره</i> <i>касра</i> – [u], [э]; 3) <i>فتحه</i> <i>фатҳа</i> – [a], [ä]
حرکت حروف	<i>ҳаракат-и ҳуруф</i> – ҳарфларнинг ҳаракатлари ва ундош товушдан кейин келган унлилар
حرکت غیری مشبع	<i>ҳаракат-и ғайр-и мушабба</i> – тил олди унлилари
حرکت مشبع	<i>ҳаракат-и мушабба</i> – тил орқа унлилари
رابطه	<i>робита</i> (кўплиги <i>روابط</i> <i>равобит</i>) – боғловчи
رابطه مفعول	<i>робита-йи мафъул</i> – тушум келишиги аффикси: <i>-ни</i>
رای مهمله	<i>ро-йи муҳмала</i> – <i>ر</i> ҳарфининг номи ва [p] товуши
رسم الخط	<i>расму-л-хат</i> – ёзув традицияси
زای هوز	<i>зо-йи ҳавваз</i> – <i>ز</i> ҳарфининг номи ва [з] товуши
زایده	<i>зойида</i> (кўплиги <i>زوائد</i> <i>завойид</i>) – маъно ёки грамматика жиҳатдан ортиқча бўлган қўшимчалар. Масалан, келишик қўшимчалари олдида пайдо бўладиган «вставочный» <i>-н</i> ни Меҳдихон <i>ҳуруфи зойида</i> га киритади. Ҳаракат номига қўшилган <i>-лик</i> (<i>өлмәклик</i>) ва ҳоказолар ҳам шулар жумласидандир
سقوط	<i>суқут</i> – ҳарф ёки товушнинг тушиб қолиши
سکون	<i>сўкун</i> – сўкун (ундош товушдан кейин унли товушнинг йўқлиги ва шуни билдирувчи сатр усти белгиси)
سماعی	<i>самоий</i> – қоидадан, қоидага тушмайдиган, эшитмасдан туриб билиб бўлмайдиган
شاذه	<i>шоза</i> – анормал; <i>کلمات شاذه</i> <i>каламоти шоза</i> – анормал сўзлар
شاهد	<i>шоҳид</i> (кўплиги <i>شواهد</i> <i>шавоҳид</i>) – мисол, цитата, далил
صاحب	<i>соҳиб</i> – эгалик
صاد مهمله	<i>сод-и муҳмала</i> – <i>ص</i> ҳарфининг номи ва арабча эмфатик [с] товуши

صرف و نحو	сарф-у наҳв – грамматика
صيغه	сиға (кўплиги صيغ сияғ) – шакл, форма
صيغه مشتقه	сиға-йи муштақа – ясама шакл, форма
مفرد صيغه مغايب	сиға-йи муфрад-и муғойиб – III шахс, бирлик формаси
ضابطه	зобита (кўплиги ضوابط завобит) – грамматик норма
ضمير	замир (кўплиги ضمائر замойир) олмош
ضمير متصله	замир-и муттасила – 1) эгалик аффикслари; 2) кесимлик аффикслари: -мэн, -сэн, -биз, -сиз
ضمير منفصله	замир-и мунфасила – кишилик олмошлари
طای حطی	то-йи ҳутти – ط ҳарфининг номи ва арабча эмфатик [т] товуши
ظرف	зарф – ҳол
ظرف زمان و مکان	зарф-и замон ва макон – ўрин-пайт ҳоли
عدد	адад (кўплиги اعداد адод) – сон
علامت	аломат (кўплиги علامات аломот) – белги; Мехдихон -мақ ва -мак масдар аломати, -ды, -ди / -ты, -ти ни ўтган замон аломати дейди (5- бет)
علامت نفی	аломат-и нафий – бўлишсизлик белгиси
علامت نهی	аломат-и наҳий – инкор белгиси
علم	илм ёки علم ادب илм-и адаб – филология
غیر مشبع	ғайр-и мушабба – қаранг: حرکت غیر مشبع
غیر موضوع له	ғайр-и мавзуи лаҳу – ўз маъносида ишлатилмаган, мустақил ишлатилмайдиган
فاعل	фoъил – ҳаракатни бажарувчи
فعل امر	феъл-и амр – буйруқ феъли
فعل مضارع	феъл-и музореъ – феълнинг ҳозирги-келаси замон формаси
فعل نهی	феъл-и наҳий – инкор формасидаги феъл, феълнинг инкор формаси
قاعده	қоида (кўплиги قواعد қавоид) – қоида
قافی	қофий – қаттиқ ўзак

قایمه و استوانه	қойима ва устивона – бирламчи ва бош шакл
قیاسی	қиёсий – грамматик қоидага мувофиқ, қоидали
کافی	кофий – юмшоқ ўзак
کاف خطاب	коф-и хитоб – II шахс эгалик ва II шахс тусловчиларидаги -нг товуши
کلمه	калима (кўплиги کلمات каламот) – сўз
لسان	лисон – тил
لسان عرب	лисон-и араб – араб тили
لغت	лугат – тил
لغت فرس	лугат-и фўрс – форс тили
لغات	лугот – сўзлар
لغات مشكله	лугот-и мушкила – қийин сўзлар
لغات مغوليه	лугот-и мўғулия – мўғул сўзлари
لغت نویسی	лугатнависи – лексикография
لفظ	лафз – аффикс
مأخذ	маъхаз – база
ماضی	мозий – ўтган замон
ماضی مجهول	мози-йи мажҳул – ноаниқ ўтган замон
ماضی منفی	мози-йи манфий – ўтган замоннинг бўлишсиз формаси
مبنا	мабно (кўплиги مبانى мабони) – асос; مبانى اللغت мабониу-л-лугат – тил асослари
متحرکة الاخر	мутаҳаракату-л-охир – унли билан тугалланган (сўз ёки морфема)
متعدی	мутаадди – ўтимли
متکلم مع الغير	мутакаллими маалгайр – I шахс, кўплик
محاورات	муҳовирот – сўзлашув, нутқ; محاورات روميه муҳовироти румия – рум туркларининг нутқи, сўзлашуви
محذوف التعديہ	маҳзуфу-т-таъдия – келишик кўшимчалари ёки уларнинг бирор товушининг тушиб қолиши; масалан, жўналиш келишигида -га ўрнида -а ишлатилиши

مختلف الاشتقاق	мухталифу-л-иштиқоқ – ясалиши турлича бўлган
مخفف	мухаффаф – енгиллаштирилган, соддалаштирилган
مذكور ساختن	мазкур сохтан – зикр қилмоқ, айтмоқ
مرادف	муродиф – маънодош, синоним
مركبات	мураккибот – қўшма аффикслар
مزدوج	маздуж – жуфт
مسكونة الآخر	маскунату-л-охир – ундош билан тугалланган сўз ёки морфема
مشاركت	мушорикат – биргалик, шериклик, ҳамкорлик
مشبع	мушабба – қаранг: حرکت مشبع
مشتقات	муштиқот – ясалган сўзлар
مصدر	масдар (кўплиги مصادر масодир) – масдар, ҳаракат номи
مصدر صريحه	масдар-и сариҳа – соф масдар (феъллик маъноси сақланган ҳаракат номи)
مصدر مثبت	масдар-и мусбат – масдарнинг бўлишли формаси
مصدر مع التخفيف	масдар-и мааттахфиф – қисқартирилган масдар формаси
مصدر منفى	масдар-и манфий – масдарнинг бўлишсиз формаси
مضمومه	мазмума – заммага эга (ҳарф) ёки [y], [ỵ] унлиси олдида келган (ундош товуш)
مضمومة الآخر	мазмумату-л-охир – охири замма [y], [ỵ] билан тугалланган (сўз ёки морфема)
معرب	муарраб – араблаштирилган
معنى اثبات	маъни-йи исбот – тасдиқ маъноси
معنى قدرت توانائی	маъни-йи қудрат-и тавонойи – имконият маъноси
معيت	маъият – қаранг: مشاركت
مفاعله	муфоъила – биргалик даража
مفتوحه	мафтуҳа – фатҳага эга (ҳарф) ёки [a] унлиси олдида келган (ундош товуш)

مفرد	<i>муфрад</i> – тоқ, бирлик
مفردات	<i>муфрадот</i> – содда аффикслар
مفعول	<i>мафъул</i> – ўтган замон сифатдоши ёки сифатдошнинг мажхул даражаси
مكسوره	<i>максура</i> – касрага эга (харф) ёки [и] унлиси билан тугалланган (сўз ёки морфема)
منتسبات فعلی	<i>мунтасабот-и феъли</i> – кўмакчи феъллар
منصرف کردیدن	<i>мунсариф гардидан</i> – тусланиш ва ясалиш
موضوع له	<i>мавзуи лаҳу</i> – ўз маъносида, мустақил
نسبت	<i>нисбат</i> – аффикс
نفی	<i>нафий</i> – бўлишсиз
وجه	<i>важҳ</i> – кўриниш
های هوز	<i>ҳо-йи ҳавваз</i> – ҳарфининг номи ва [ҳ] товуши
یای حطی	<i>йо-йи ҳўтти</i> – [и], [э] товушлари
یای ساکنه	<i>йо-йи сокина</i> – [й] товуши
یای مصدری	<i>йо-йи масдари</i> – форс-тожик тилидаги мавҳум от ясовчи [и] аффикси
یای مفتوحه	<i>йо-йи мафтуҳа</i> – фатҳали <i>йо</i> – <i>я</i>
یای نسبت	<i>йо-йи нисбат</i> – нисбий от ва сифат ясовчи [-ий] аффикси

II БОБ. «МАБОНИУ-Л-ЛУҒАТ» АСАРИДАГИ ГРАММАТИК МАТЕРИАЛ

ОТ СЎЗ ТУРКУМИ

Отларда келишик категорияси. Эски ўзбек тилида бешта келишик бор: 1) қаратқич келишиги, 2) тушум келишиги, 3) жўналиши келишиги, 4) ўрин-пайт келишиги, 5) чиқиш келишиги⁶⁸.

Бош келишик ва умуман бош формалар ҳақида асарларда маълумот берилмаган⁶⁹:

Қаратқич келишиги⁷⁰. Бу келишик نینگ -*ныи*, -*нии*, نونک -*нуи*, -*нӯи* аффикси билан шаклланади.

يجه⁷¹ جورين تارتايين اول سرو حوريزاد نينک
يوق مودور پاياني آيا ظلم ايله بيداد نينک

*Нэчй жаврын тартайын ул сарв хуризāдныи
Йоқмудур пāйāни āйā зулм илā бэдāдныи,
яъни Қачонгача ул сарв хуризоднинг жаврини тортаман,
зулм билан бедодликнинг охири йўқми? (79- бет)*

Кишилик ва кўрсатиш олмошларига қаратқич келишиги аффикси орттирилганда, аффиксдан бир [-н] тушиб қолди. Мирзо

⁶⁸ *Келишиклар ҳақида қаранг:* Ғулом Айюб. Ўзбек тилида келишиклар. СССР Фанлар Академияси. Ўзбекистон филиалининг асарлари, II серия. Филология. 2-китоб. – Т., 1941. – Б. 3-85; Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология. – М., 1957. – С. 2-24; Расулов Р. Склонение имен существительных в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – М. 1953. – 15 с.; Brockel mann С. Osttiirkische Grammatik der Islamischen Litteraturaprsachen Mittelasiens. – Leyden, 1954. – Р. 152-159; Каримов К. «Қутадғу билик» тилида келишик аффикслари ва уларнинг ишлатилишидаги фонетик қонунлар. – Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, № 2. – Т., 1962.

⁶⁹ Расулов Р. Ўзбек тилида бош келишик ва унинг грамматик функциялари // Ученые записки Андижанск. гос. пед. инст. Вып. 1. – Андижан, 1954. – Б. 56-73.

⁷⁰ Атаев К. Туркман тилида қаратқич келишиги // Труды инст. языка и литература АН ТуркмССР, вып. II. – Ашхабад, 1957. Б. 49-67 (туркман тилида); Мухамедова М. К вопросу о сравнительном изучении русского и узбекского языков (о родительном падеже) Изв. АН УзССР, 1950. № 1. – С. 64-72.

⁷¹ نيجه бўлиши керак.

Меҳдихон аффикс бошидаги [н] нинг тушиб қолишини англаб етмаган, шу сабабли *نک -ыи, -ии, -уи, -ўи* ни қаратқич келишиги аффиксидан фарқ қилиб, *رابطه робита*, яъни боғлағич термини билан атаган:

هر کونکول آرامي چون بولمیش دلارامیم منینک
اول سبب دین یوقتورور بر لحظه آرامیم منینک

Ҳар кӧнӱл а́рāмы чун болмыи дилāрāмым мении
Ул сабабдын йоқ турур бир лаҳза āрāмым мении (79- бет).

ایستاسانک لیلی و مجنون حسن و عشقی دین مثال
مین نظیری مین مونونک یاریم نموداری انینک

Истāсāи Лайлā-ву Мажнун ҳусн-у ’ишқидын мисāl
Мэн назири-мэн мунуи йāрым намудāр-и ании,
яъни Агар Лайли ва Мажнуннинг ҳусни ва ишқидан намуна
(мисол) истасанг, мен бунинг назириман, ёрим эса унинг
намудоридир (79- бет).

Баъзан қаратқич белгиси *نونک -нуи, -нии, -ныи* нинг тушиб қолиши мумкин (*یوزونک قاشیدا, көзүи аллыда, کوزونک الیدا*); бунда унинг қаратқич эканлиги маънодан ва қаралмишдаги формал белги – эгалик аффиксидан билинади. «Мабониу-л-луғат»да *نونک -нуи, -нии, -ныи* аффиксининг тушиб қолувини (форс тилига таржима нуқтаи назаридан) *زایده зойида*, яъни ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмаган аффикс деб қаралади:

کوزونک نونک الیدا نرکس کیلیب قاتیغ کوزلوک
یوزونک قاشیندا کل آتش ساووغ یوزلوک

Кӧзүи нӱи аллыда наргис кэлип қатыг кӧзлӱк
Йӱзүи қашында гул-и āтаи савуғ йӱзлӱк (94- бет).

Қаратқич келишига формасида келган кишилик олмоши кўмакчи ва феъл боғламалари билан бирикиб, турли маъно

ифодалайди: *مېنىڭ بىلە* *мэниң билә*, яъни мен билан, *مېنىڭ-دور*, яъни меникидир, *مېنىڭ مەتلۇبۇم-دور*, яъни менинг матлубимдир каби.

Тушум келишиги. Бу келишик *نى* -*ны*, -*ни*, *ن* -*н* аффикси⁷² билан шаклланади⁷³ ва форс тилидаги *را* -*ро* орт кўмакчисига тўғри келади:

دېما اغزىن غنچە قدين سروکيم ايل کورماميش
سرونيک رفتاريني يا غنچە نينک گفتاريني

*Дэмә агзын гунча, қаддын сарв-ким эл көрмәмиш,
Сарвның рафтәрыны йә гунчаның гофтәрыны,
яъни унинг оғзини гунча, қаддини сарв дэма, халқ сарвнинг
рафторини ёки гунчанинг гўфторини кўрмаган (78- бет).*

Баъзан [-*н*] тушум келишиги аффиксини билдирмасдан орттирма [-*н*] бўлиши мумкин. Масалан: *اغزىندا* *агзында* – *قرارىندا* *қардында*, яъни оғзида, *قديندا* *қаддында* – *قارارىندا* *қарарында*, яъни қарориди, *انتظارىندا* *интизарида* – *انتظارىدا* *интизарида*, яъни интизорида каби.

بىراى اوتتى ميني محزونغه بىراى انتظارىندا
که نى کونکوم ايرور هوشىندا نى صبريم قرارىندا

*Бир ай өтти мэни маҳзунга бир ай интизарида
Ки нэ көңлүм эрүр ҳушында нэ сабрым қарарында.*

Тушум келишигидаги сўзнинг белгисиз бўлуви – келишик белгиси тушиб қолиши ҳақида маълумот берилмаган.

Жўналиш келишиги. Бу келишик *گا* -*гә*, -*кә*, *غا* ~ *غه*, *قا* ~ *قه* аффикси билан шаклланиб, форс тилидаги олд

⁷² Мехдихон фикрича, -*ни*, -*н* аффикси фақат учинчи шахс, бирлик эгалик аффиксидан сўнг қўшилади. Бу -*ни* аффиксига нисбатан нотўғри.

⁷³ Тушум келишигининг функциялари ҳақида қаранг: Комилов Х.К. О функциях винительного падежа в узбекском языке // Ученые записки Ташкентского государственного педагогического института. Серия общественных наук, вып. 1. – Т., 1947. – Б. 51-58.

кўмакчи به ба, араб тилидаги الى ила ўзбек тилидаги жўналиш келишиги аффиксларига маъно жиҳатидан тўғри келади⁷⁴:

كوزكا تا كيردي خيالىنىك ساووق آهيم و همي دين
باغلاميش مين قوريا هر ساري مژكاندين انكا

Közgä tã кирди хайāлың савуқ āхым ваҳмыдын
Бағламыш-мэн қурйа ҳар сары мижгāндин аңа.

نامه شوقيم كيشي عرض ايلاي الماس يار غه
بس غلط بولغاي جواب ايتماك طمع مين زار غه

Nāma-йи шавқым киши арз āйлāй алмаз йāрға
Бас ғалат болғай жавāб этмāк тамаъ мэн зāрға.

Жўналиш келишиги аффиксининг ишлатилиши:

1. Қаттиқ ўзакли феъл формаларидан, қаттиқ ўзакли феъл формалари ясалган отлардан, [қ], [ғ] билан тугаган сўзлардан, таркибида [қ], [ғ], [к], [г] ҳарфларидан бошқа барча ундошлардан сўнг кўпинча غه ~ غا -ға, [қ] билан тугаган ўзаклардан сўнг قا ~ قه -қа формаси келади:

آنچه بولدي تن اوقونكدین ایچکاری تاشقاری یول
کیم اجل کیرماککا جان چقماقغه دور هر ساري یول

Анче болды тан оқуңдын ичкāри таиқары йол
Ким ажал кирмāккā жāн чықмақғаdur ҳар сары йол
(114- бет).

اول غمزہ قان توکارکا اول کوز وفا قيلور غه
بيداد و ظلم باعث ناز و عتاب مانع

Ул ғамза қан тōкāргā ул кōз вафā қылурға
Бэдāд-у зулм бāис-и нāз-у итāп мāнеъ (114- бет).

⁷⁴ Каримов К. «Қутадғу билик»да замон ва макон келишиклари (жўналиш ўрин-пайт, чиқиш)нинг англатган маънолари ва функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, № 2. – Т., 1962.

سوغە *суға*, яъни сувга *отға*, яъни оловға сўзларида *-ға* формаси келади, чунки улардан ясалган феъл формалари қаттиқ ўзаклидир: *сувармақ*, яъни сув бермоқ *отламақ*, яъни олов ёқмоқ.

تا هواني مين اول آى هجريدا اندق كيم بولوت
تاقغه هر دم يوز لاور مين ياش توكوب فرياد يتيب

Tā ḥavā-ny mēn ul aī ḥajryda andaḳ-kim bulut
Тақға ҳар дам йўзләнүр-мән йаиш тōкүп фарйād этип
(115- бет).

اولوقغه اولوغچه عطا ايلاسون
كيچيك كا كيچيك چا سحا ايلاسون

Улуқға улуғча атā айләсүн
Кичиккй кичикчā сахā айләсүн (115- бет).

قوشغه اوت تين دم بولور يوز وى كيم كونكلوم قوشى
ازنى اسرى الماس اول رخسار آتشناك دين

Қушға оттын дам болур йўз вай-ким көңлүм қушы
Өзни асрай алмас ул рухсār-и āтаишнāкдын.

دييان ديوانه سالسابنداا تاققه
قوتولماق اول زمان چيكيكاي يراققه

Дэбāн дэвāна салсабында таққа
Қутулмақ ул замāн чэкигāй йараққа (117- бет).

2. Юмшоқ ўзакли феъл формаларидан, юмшоқ ўзакли феъл формалари ясалган отлардан, [к], [г] билан тугаган сўзлардан, таркибида [к], [г] ундошлари бўлган сўзлардан ⁷⁵, баъзан

⁷⁵ *гада* сўзи бу қоидага бўйсунмайди, яъни доим *-ға* формаси келади:

كونكولكا جان بيله برداغينك ازدور قوی بنه بير هم
نيجه ايکی كداغه بير ديرم اوزره تلاش السون

Көңүлгā жāн билā бәрдагың аздур, қой яна бәр ҳам
Нэчā икки гадāга бир дирам ўзрā талāи олсун.

таркибида [к], [г] товушлари бўлмаган сўзлардан сўнг -gä, -kă формаси келади: кирмак کا, яъни кирмоққа, توکارکا, төкәргә, яъни тўкарга, өлтүрмәк (өлтүргә), яъни ўйдирмоқдан), یرکه, яъни ерга, یلکه, яъни шамолга (улардан ясалган феъл формалари یرلاشمәк, яъни жой олмоқ, یرلامәк, яъни шамол қилмоқ).

انجم دیمایا که ملایک کا توتشتی
آهیم اوتی اوچغونلاری کیم کوک کا یتوردونک

Анжум дэмә гуйәки маләйиккә туташты
Аҳым оты учғунлары-ким көккә йәтүрдүң.

کیچیک لارکا کیچیک دور عمر اساسی
اولوغلارکا اولوغ راق دور قیاسی

Кичикләргә кичикдүр ’умр асәсы
Улугларга улуграқдур қийәсы.

سپاه حسنونکا پر مهچه سي رخشان علم بولغای
قویاش کوزکوسیکا آهیم ستونی کر توتاش اولسون

Сипәх хуснуға пор маҳчасы рахшан-и илм болгай
Қуяш көзгүсигә аҳым стуны гар туташ олсун.

کر چیدای المای کونکول بیرسام بیراوکا ناکهان
باری ایل یچره چیدای آغانجه مشهور ایتمایین

Гар чыдай алмай көңүл бәрсам бирәвгә нәгаҳән
Бары эл ичрә чыдай алганча маиҳур әтмәйин (116- бет).

توتوب سنکا چو مي لطف ساقی رحمت
شفاعتینک اوروب ایکی جهان ایلیکا صلا

Тутуп сәһә чу май лутф-и сәқи-йи раҳмат
Шафәатың уруп икки жиҳән элигә салә (116- бет).

3. Кўрсатиш олмоши *ان* *ан*, яъни *у*, *كلبه* *кулба* сўзидан сўнг ҳам *غا ~ غه* *-га*, ҳам *كا* *-гä*, *-кä* формаси келади:

تايار چون ديوني قتل ايتي كيتي
سليمان بتي نينك خاتمي ني
بولارنى قىلسا دولت انغه تسليم
باريني ايلسون خاقانغه تسليم

Тапар чун дэвны қатл этти кэтти
Сулаймāн бутыниң хāтамыны
*Буларны қылса давлат **анга** таслим*
Барыны āйлāсўн хақанга таслим (116-117- бетлар).

علينك اول اوت كيم كونكول مجمر انكا
با كونكول درج و لبينك كوهر انكا

*Лаълың ул от-ким көңүл мажмар⁷⁶ **аңа***
*Йā көңүл дорж⁷⁷-у лабың гавҳар **аңа** (117- бет).*

كل ني بولغاي كيم يوزونك هجريدا كوركيمين اني
سالسالار كولبمغه خس ينكليغ سوپوركايمين اني

Гул нэ болгай ким йўзўң ҳажсрыда көргāй-мэн аны
*Салсалар **кулбамга** хас йаңлығ сўпўргāй-мэн аны (117- бет).*

تيره كلبمكا كيريب جانا اولومدين بير نجات
ظلمت ايچرا خضر غه اول نوع كيم آب حيات

*Тийра **кулбамгā** кирип жāна өлүмдин бэр нажāт*
Зулмат ичрā Хизрга ул нав-ким āб-и ҳайāт (117- бет).

Рум ва Эрон туркларида жўналиш келишиги аффикси *-а*, *-ä*, *-йа*, *-йä* шаклида келади: *باشه* *баша*, яъни бошга, *اياغه* *айага*, яъни оёққа, *هوايه* *ҳавāйа*, яъни ҳавога, *سويه* *суйа*, яъни сувга *ايلحيه* *илҳийа*, яъни подага, йилқига.

⁷⁶ *Мажмар* – това.

⁷⁷ *Дорж* – қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича.

Эски ўзбек тилида ҳам Рум ва Эрон туркларидаги каби жўналиш келишига аффикси биринчи шахс эгалик аффиксидан сўнг *-а*, *-ä* шаклида, учинчи шахс бирлик эгалик аффиксидан сўнг *نه -на*, *-нä* шаклида⁷⁸ келади.

كونكلوما پيكان لارينكدين قطره قطره سو ايماس
حالما كوزديك بعينه اول داغى كريان ايرور

Көңлүмә пайкәнларындын қатра-қатра су эмäs
Ҳāлыма көз-дәг баайна ул дагы гирйāн эрүр (118- бет).

سبزه خطينك سوادى لعل خندان اوستينه
خضر كويا سالميش آب حيوان اوستينه

Сабза-йи хаттың савāды лаъл-и хандāн үстинä
Хизр гойā сāйа салмыш āб-и ҳайвāн үстинä (118- бет).

-н, *-үн* билан тугалланган сўзларга *-гä* қўшилганда, ёзувда аффиксдаги бир [г] ҳарфи тушиб қолади.

كيلورونكا ياساديم كونكلوم اويين
ياسالور كلبه چو مهمان كيلكاج

Кэлүрүңä йасадым көңлүм уйин
Йасалур кулба чу мэхмāн кэлгäч (119- бет).

Чиқиш келишиги. Бу келишик *دين -дын*, *-дин* / *تين -тын*, *-тин* аффикси билан шаклланади⁷⁹, форс тилидаги *از* аз ва араб тилидаги *من мин*, *عن ин* олд кўмакчиларига тўғри келади.

اول پرى محبوب بولغاي ديب ميني ديوانه دين
چغذ ديك چيقمان تون و كون كوشه ويرانه دين

⁷⁸ Жўналиш келишиги функциясининг *-а*, *-на* шаклида қўлланиши айрим шеваларда ҳам учрайди.

⁷⁹ Ҳозирги замон адабий тилида чиқиш келишиги *-дан* аффикси орқали шаклланади, лекин баъзи шеваларда *-дин* шакли учрайди.

Ул пари маҳбуб болгай дэп мэни дэвāнадын
Чуз-дэг чиқман тун-у кун гоша-йи вайрāнадын (85- бет).

فلک نیلوفری دین چشمه مهر اولدی کر پیدا
یوزونکدا نیل دین اول چشمه قیلمیش نیلوفر پیدا

Фалак **нилуфарыдын** чашма-йи меҳр олды гар пайдā
Йўзўйда нилдын ул чашма қылмыш нилуфар пайдā (85- бет)⁸⁰.

Ўрин-пайт келишиги. Бу келишик ده ~ دا -да, -dā аффикси орқали шаклланади, форс тилидаги در дар ва араб тилидаги فی фи олд кўмакчиларига тўғри келади:

یر توتغالي اول کافر خودکام کونکولدا
یوق میندا کونکول ایله که آرام کونکولدا

Йэр тутгалы ул кāфир-и худкāм **кōнўлдā**
Йоқ мэндā кōнўл āйлā-ки āрāм **кōнўлдā** (85- бет).

А.М. Шчербак ўзининг «Эски ўзбек тили грамматикаси»⁸¹ асарида мазкур келишиклардан ташқари эски ўзбек тилида вокатив ҳамда чегара-миқдор келишиклари мавжуд деган фикрни илгари суради. Вокатив келишиги кўрсаткичи [-а], чегара-миқдор келишигининг кўрсаткичи эса -ча, -гача, -кача аффикслари деб тушунтирилади⁸². Ундан ташқари А.М. Шчербак қаратқич келишигини келишиклар таркибига киритмай алоҳида тушунтириб, *форма сопреженного состояния*⁸³ термини билан атайди. А.Н. Кононов ўзининг «Эски ўзбек тили грамматикасига доир

⁸⁰ Мирзо Меҳдихон Насирий томонидан кучайтирув, таъкидни билдириш учун чиқиш келишиги аффикси -дын, -дин кетма-кет икки марта ишлатилади деган фикрга қарши чиқади ва мазкур келтирилган байтдаги иккинчи мисра қуйидагича нотўғри кўчирилганлигини таъкидлайди:

یوزونکدین نیل دین اول چشمه قیلمیش نیلوفر پیدا

Йўзўйдын нилдын ул чашма қылмыш нилуфар пайдā.

⁸¹ Шчербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 274.

⁸² Кўрсатилган асар. – Б. 106-109.

⁸³ Кўрсатилган асар. – Б. 112-115.

қимматли асар»⁸⁴ деган мақоласида А.М. Шчербак баён этган мазкур фикрларнинг камчилик томонларини танқид қилган. Бизнинг фикримизча, А.Н. Кононов айтган фикрлар ҳақиқатга яқиндир.

Демак, эски ўзбек тилида мавжуд бўлган келишикда ва уларнинг кўрсаткичларини қуйидаги жадвал орқали кўрсатиш мумкин.

Эски ўзбек тилида келишиклар ва уларнинг кўрсаткичлари

Келишиклар	Келишик аффикслари: уларнинг имлоси	Ҳозирги ўзбек адабий тилида
1. Бош келишик	—	—
2. Қаратқич келишиги	نونک - <i>ны</i> η, - <i>ни</i> η / - <i>ну</i> η, - <i>нү</i> η / نک - <i>и</i> η, - <i>у</i> η	- <i>нинг</i>
3. Тушум келишиги	نی - <i>ни</i> , ن - <i>н</i>	- <i>ни</i>
4. Жўналиш келишиги	گا - <i>га</i> , غا ~ غه - <i>кә</i> , قا ~ قه - <i>қа</i>	- <i>га</i>
5. Ўрин-пайт келишиги	دا ~ ده - <i>да</i> , - <i>дә</i>	- <i>да</i>
6. Чиқиш келишиги	دين - <i>дын</i> , - <i>дин</i> / تين - <i>тын</i> , - <i>тин</i>	- <i>дан</i>

Отларда эгалик категорияси⁸⁵.

Эски ўзбек тилидаги эгалик категориясини ифодаловчи эгалик аффикслари қуйидагилардан иборат:

⁸⁴ Кононов А.Н. Ценный труд по грамматике староузбекского языка // Общественные науки в Узбекистане, № 8. – Т., 1963. – С. 67.

⁸⁵ Дмитриев Н.К. Категория принадлежности / Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Часть вторая. – М., 1956. – С. 22-37; Севортян Э.В. Категория принадлежности / Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Часть вторая. – М., 1956. – С. 38-64; Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология. – М., 1957; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960; Назаров К. Притяжательные аффиксы в узбекских народных говорах: Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Т., 1963; Аслиддинов С. Категория принадлежности в современном узбекском языке: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Самарканд, 1964; Туропова М. Отларда эгалик («Шайбонийнома» материаллари асосида) // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1964, № 2. – Б. 46-51.

Сони	Шахси	Ундошлардан сўнг	Унлилардан сўнг
Бирлик	I шахс II шахс III шахс	م -ым, -им, -ум, -ўм: باشيم башым, яъни бошим, قاشيم қашым, яъни қошим, كوزوم көзўм, яъни кўзим نک -ың, -иң: باشينک башың, яъни бошинг, قاشينک қашың, яъни қошинг, كوزونک көзўң, яъни кўзинг ى -ы, -и: باشى башы, яъни боши, قاشى қашы, яъни қоши	سى -сы, -си: اتاسى атасы, яъни отаси, ايقوسى уйқусы яъни уйқуси
Кўплик	I шахс II шахс	مىز -ымыз, -имиз, -умуз, -ўмўз: باشىمىز башымыз, яъни бошимиз, قاشىمىز қашымыз⁸⁶, яъни қашимиз نكىز -ыңыз, -иңиз / كوز -уғуз, -ўғўз: باشىنكىز башыңыз, яъни бошингиз, كوزونكوز көзўғўз, яъни кўзингиз	

Иккинчи бўғини *ى* [u], *و* [y] унли ҳарфларидан иборат бўлган, *اويون ойун*, яъни ўйин, *بويون бойун*, яъни бўйин, гардан, *اورون орун*, яъни ўрин, *اغيز ағиз*, яъни оғиз, *باغیر бағыр*, яъни жигар, *كونكول көңүл*, яъни кўнгил, дил, *كوكوس көкүс*, яъни сийна, кўкрак, *قارين қарин*, яъни қорин, *اىلىك элиг*, яъни қўл, *سىنكىل сиңил*, яъни сингил,

⁸⁶ قاشىمىز бўлиши керак.

кѣин кѣин, яъни орт, кейин, بورون бурун, яъни бурун⁸⁷, قۇيۇن, яъни қўйин, оғуш⁸⁸ каби сўзларга эгалик аффикслари қўшилса, мазкур сўзларнинг иккинчи бўғинидаги [и] ва [у] унлилари тушиб қолади. Масалан:

89 قارىنىك بيله دوست بولماسانك احسن دور
نيوچون كه اير او غليغه قارين دشمن دور

Қарның билә дост болмасаң аҳсандур
Нә үчүн ки эр оглыға қарын душмандур (128- бет).

چون ايليک بيرماس كه اوپسام اول ستمکار ايلکيني
بير کيشی ايلکين اوپای کيم اوپکای اول يار ايلکيني

Чун элиг бәрмәс-ки өпсәм ул ситамгар илкини
Бир киши илкин өпәй-ким өпкәй ул йәр илкини (129- бет).

ساز ايتي اغاليغ و سينکيل ليک
کوپ ايستادي سينکلي دين بحل ليک

Сәз этти ағалығ-у сиңиллик
Köp istädi siñlidin бәхәллик (124- бет).

يوزونک وصفين ديب اوتکان تون در اشکيم توکار ايرديم
توتوب تاغ کينين ای کيردي قرا توفراقغه پروين هم

Йүзүң васфын дән өткән тўн дурр-и ашкым төкәр эрдим
Тутуп тағ кәйнин ай кирди қара тупрақға парвин ғам
(129- бет).

يتيشتى بورنيغه آفت كه توتتى بوريني ايل
يارو غلوى بيله چون شمع بولدى كنده دماغ

⁸⁷ بورون бурун, яъни бурун, илгари, олдин маъноларига ҳам эга бўлиб, بورنه бурна шаклида ишлатилади.

⁸⁸ قۇيۇن сўзи агар чанг, тўзон, қуюн маъноларида ишлатилса, иккинчи бўғиндаги тушиб қолмайди.

⁸⁹ قارىنىك бўлиши керак.

*Йэтишти бурныга афатки тутты бурынны эл
Йаруғлугы билә чун шамъ болды канда дымәг (129- бет).*

کلامینک کوهری دیک تاپمامیش کرچه صبا ایلکی
یقاسین غنچه نینک یرتیب نیجه کیم قوینن اختارمیش

*Каләмиң гавҳары-дәг тапмамыш гарчи сабә илки
Йақасын гунчаның йыртып нәчә ким қойнын ахтармыш
(129- бет).*

Отларда сон (кўплик) категорияси.

Ўзбек тилида кўплик маъноси икки йўл билан морфологик ва синтетик йўл билан берилиши мумкин⁹⁰. Синтетик йўл билан кўплик маъносининг ифода этилиши берилмаган.

Морфологик йўл билан кўплик маъноси *лар* -лар аффикси орқали ифода этилади. *ياخشى لار* йахшилар, яъни яхшилар, *يمانلار* йаманлар, яъни ёмонлар.

От ва бошқа сўз туркумларидан (феъл туркумидан бошқа) отларнинг ясалиши шахс, ўрин-жой ва қурол отлари ясовчи аффикслар.

*чи, -чи*⁹¹. Бу аффикс предмет отлари ва отлашган бошқа сўз туркумларига қўшилиб, иш-ҳаракатни бажарувчи шахс оти ясалади: *اوچى* оқчи, яъни ўқчи, ўқ ясовчи, *قوچى* қойчи, яъни қўй боқувчи, *چرىگچى* чэригчи, яъни аскар, *ايندکچى* индәкчи, яъни кишиларни меҳмонга таклиф қилувчи киши, *بىتىگچى* битигчи, яъни хат ёзувчи, *قارغونچى* қавғунчы, яъни қувувчи, *اوتکونچى* откўнчи, яъни ўтувчи, ўткинчи.

بوزوق قبريمنى كوركان اوچى دكانىغه اوخشاتغاي
فراقينك اوقيدىن اندا كوروب پىكان و پر هر يان

⁹⁰ Қаранг. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Т., 1944.

⁹¹ От ясовчи аффиксларнинг тарихи проф. А.Ғ. Ғуломовнинг докторлик диссертациясида батафсил ёритилган. Қаранг. Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. I. Аффиксация, часть первая, словообразующие аффиксы имен: Автореф.дисс. ... докт.филол.наук. – Т., 1955.

Бузуқ қабрымны көргән **оқчы** докәныға охшатғай
Фирәқың отыдын анда көрүп пайкән-у пар ҳар йан.

ای وادی ایمن ایچره قویچی
ایت مین سنکا اوز قاشینکدا قوي چي

Эй вәди-йи эмән ичрә қойчы
Эт мән сәңә өз қашыңда **қой-чы** (93- бет).

بوزوغ قورياسين چريک چي کيريب
اولي دين نيجه شاخ اونون ايريب

Бузуғ қурйасин **чәригчи** кирип
Аввалыдын нәчә шәх үнүн эрип (93- бет).

-чы, -чи ҳаракат номига орттирилса, мўлжал, мақсад
маъноларини ифодалайди. Масалан:

باقى جغتياىى دولت خواھلىق قليب بيزكا قوشولماقچى بولدي
Бақы Чығатыйаний давлатхоҳлық қылып бизгә қошулмақчы
болды, яъни Боқий Чиғотиёний давлатхоҳлик қилиб, бизга
қўшилмоқчи (қўшиладиган) бўлди (28- бет).

باقى جغتياىى دولت خواھلىق قليب بيزكا قوشولماقچى بولدي
атланмақчы әдүк, яъни душман устига отланмоқчи (отланадиган)
әдик (98- бет).

Баъзан -чы, -чи аффикси орттирилган («вставочный») бўлиши,
яъни ҳеч қандай грамматик маъно англатмаслиги мумкин: مينک
يىلجي لىق миң йылчылық, яъни минг йиллик миң йиллик нинг
синонимидир.

لىك سيز مينک يىلجي لىغ اندين يراق
قاليسي مينک يىل لىق كه امكاندين يراق

Ләк сыз миң йылчылығ андын йырақ
Қалысы миң **йыллық** ки имкәндин йырақ (93- бет).

-даш, -däsh / تاش -таш, -täsh. Бу аффикс биргалик, ҳамкорлик маъносини ифодаловчи шахс отлари ясайди. *يولداش йолдаш*, яъни ҳамроҳ, йўлдош, *قارين تاش қарынташ*, яъни қариндош, *كوكلتاش көкәлтәш*, яъни кўкракдош, яъни туғишган, ака-ука. Бу аффикс форс-тожик тилларидаги олд қўшимча *هم* ҳам га тўғри келади.

-лик / لىق -лық, -lyq / لىق -лық, -lyq / لىق -лық. Бу аффикс мавҳум от, нисбий сифат ясайди ва эгалик маъносини ифодаб, қаттиқ ўзакли феъл формаларидан, қаттиқ ўзакли феъл формалари ясалган отлардан, [қ], [ғ] билан тугаган сўзлардан, таркибида [қ], [ғ] ундошлари бўлган сўзлардан, таркибида [қ], [ғ], [к], [г] товушларидан бошқа мавжуд бўлган ундошлардан сўнг мазкур сўзлар таркибида мавжуд бўлган унлилар хусусиятига кўра *چىقماسلىق* *лық, -lyq, لىق* формаси келади: *چىقмасلىق* *чықмаслык* (дан), яъни чикмаслик, *اچلىق* *ачлык*, яъни очлик, *داغلىق* *дағлык*, яъни доғли, доғдор, *اغاللىق* *ағалык*, яъни акалик, *قارىلىق* *қарылык*, яъни қарилик, *ديوانه لىق* *дэвāналык*, яъни девоналик, *فرزانه لىق* *фарзāналык*, яъни фарзоналик, *رعنائلىق* *раънāлык*, яъни раънолик, *قايغولۇق* *қайғулуқ*, яъни қайғули, *قارانغولۇق* *қаранғулуқ*, яъни қоронғулик.

چىق نوايى قارىدينىك حرمت اله مىكدە دىن
سودراتورلار كيشى چىقماسلىق ايتىپ بولسا قاشانك

Чық Навāйи қарыдың ҳурмат илә майкададын
Судратурлар киши чықмаслык этип болса қашаң (123- бет).

ساز ايتى اغاللىق و سىنكىل لىك
كوپ ايتىتادي سىنكىل دىن بحل لىك

Сāз этти ағалык-у сиңиллик
Kōn ustādi siñlidin bāḫāllik (124- бет).

عشقينكدا بير ديوانه لىق شوقونكدا بير فرزانه لىق
اغياردين بيكانه لىق ايلاب اوزونكا آشنا

*’Ишқыңда бир дэвāналық шавқуңда бир фарзāналық
Ағйārдын бэгāналық айлаң өзүңä āшнā (124- бет).*

كونكلوم بولور غمينك توني هر لحظه قايقولوق
چون شام بولدى هر نفس ارتار قرانغولوق

*Көңлүм болур ғамың түни ҳар лаҳза қайғулук
Чун шām болды ҳар нафас артар қаранғулук (126- бет).*

كوزونك كه كفر ايله يوز دين غه سالدی ويرانليغ
خدای اوچون ني اني يوق مودور مسلمانليغ

*Көзүң ки куфр илә йүз динға салды вайрāнлығ
Худā үчүн нэ аны йоқмудур мусулмāнлығ (126- бет).*

Юмшоқ ўзакли феъл формаларидан, юмшоқ ўзакли феъл формалари ясалган отлардан, [к], [г] билан тугаган сўзлардан, таркибида [к], [г] ундошлари бўлган сўзлардан⁹², баъзан таркибида [к], [г] товушлари бўлмаган сўзлардан сўнг уларнинг таркибида мавжуд бўлган унлилар хусусиятига кўра **лик** - **ليک** (айتماк) **ایتماسلیک** **этмāслик**, яъни қилмаслик (айتماк / **لوک** - **лүк** қўшилади: **ایشیتماسلیک** **эшитмāслик**, яъни эшитмаслик, **ایشیتماسلیک** **эшитмāслик**, яъни эшитмаслик, **تۈزلۈک** **тўзлүк**, яъни тўғрилиқ, **بیباک لیк** **бэбāклик**, яъни бебоклик, **سینگیل لیк** **сингиллик**, яъни сингиллик, **یигیت لیк** **йигитлик**, яъни йигитлик, ёшлиқ, **تیرە لیк** **тийралиқ**, яъни қоронғилиқ, **بیر لیк** **бирлик**, яъни бирлик, **جبین لیк** **жибинлик**, яъни чопонлик, кийимлик, **نازکلوک** **нозүклүк**, яъни нозиклик.

قاوما ای شیخ نوائینی ایشیتماس دیب پند
کیم سنینک پندینک ایشیتماسلیک انکا پند اولمیش

*Қавма эй шайх Навāйины эшитмāс дән панд
Ким сэниң пандың эшитмāслик аңа панд олмыш (123- бет).*

⁹² Баъзи бир сўзлар бу қоидага бўйсунмайди: **ياغللیغ** **йағлығ**, яъни ўхшаш, **كامو وکاستلیغ** **каму кāстлығ**, яъни кам-кўстлик каби (123-бет).

تا که ای احباب دوران قیلماغای بیباک لیک
یوقسا بیزدیک یوز تومان جانان اوچون اولسا نی باک

Tā-ki əy aḫbāb-i dāvraṅ qılmağay bəbāklık
Йоқса биз-дэг йүз түмән жәнән үчүн өлсә нә бәк (124- бет).

ساووغ آهيمدين يارو غلوغ آز ولي کوپ تيره لیک
قیشدا اول نیک لیغ که تون بولغای اوزون کون قیسقاریب

Savug āḫımдын йаруғлуғ аз вале көп тийрәлик
Қышда ул нэклығки түн болғай узун күн қысқарып (124- бет).

منکا ایمدی سرو ایله کل مدعاسی قیلمادی
سرو بویلوқ کل جبین لیک لار هواسی قالمادی

Meñä əmdi sarv ilä guḷ mudḏāsi qılmaḏı⁹³
Sarv buyluq guḷ jıbinliklar ḫavāsy qalmaḏı (125- бет).

لطف کور کیم سوده کل عکسی مثل لیک کورونور
حله نازکلوکی دین هر ساری نازک بدنینک

Lutf körkim suvda guḷ aksi misl lək körüñür
Халла нәзуклүкидин ҳар сары нәзук баданың (126- бет).

Баъзи бир сўзлардан сўнг ҳам -лик, ҳам -лық, -лығ, -лығ
формаси келади: йиллик // йил лиқ, йыллық, йыллығ,
яъни йиллик, беганалик // бегане лиғ, беганалығ, яъни
бегоналик, камлик // кам лиғ, камлығ, яъни камлик.

کشوری دین کیتاردي چون تاراج
يتي يیل لیک معاف توتتي خراج

Kıshvarıdın kəṭārdı çun tāṛāj
Йэтти йиллик мағāф тутты хирāж (125- бет).

⁹³ қалмады бўлиши керак. қалмади

سوزى نافذ ايردى ولى يول يراق
كىراك ايردى بير ايكي يىل ليق يراق

*Сөзи нāфиз эрди вале йол йырақ
Кэрāк эрди бир икки йыллық йарақ (125- бет).*

اليب ملكيدىن ايكي يىل ليک خراج
جريك کا بير يب انجى کيم احتياج

*Алып мулкидин икки йиллик хирāж
Чириккā бэрин āнчэ ким ихтийāж (125- бет).*

Эрон ва Рум турклариди агар мазкур аффикс нисбат **-ий** си маъносида келса, яъни нисбий сифат ясаса, доим [и] билан ёзилади ва **-лик**, **-лық**, **-лығ** аффиксларидаги [к], [қ], [ғ] ҳарфлари тушиб қолиб⁹⁴, унлилар хусусиятига риоя қилинмайди. Агар масдар **-ий** си маъносида келса, яъни мавҳум от ясаса, аффиксдаги [к], [қ], [ғ] ҳарфлари тушиб қолмайди: شاملو *шāмлу*, яъни мисрлик, دولتو⁹⁵ *давлатлу*, яъни давлатлик.

لاغ -лаг / لاق -лақ. Бу аффикс предметнинг мўллигини билдирувчи ўрин-жой отларини ясайди ва маъно жиҳатидан форс тилидаги زار *-зār*, ستان *-стāн* аффикслари маъносига тўғри келади: توزلاق *тузлақ*, яъни тузлоқ, намакзор, اولاق *авлақ*, яъни ов кўп бўладиган жой, يىلاق *йайлақ*, яъни ёзда яшаладиган жой, قىشلاق *қышлақ*, яъни қишда, яшаладиган жой (88- бет).

دوروق -дуруқ / توروق -туруқ. Бу аффикс қурол отлари ясайди⁹⁶: بويوندوروق *бойундуруқ*, яъни ер ҳайдаш пайтида ҳўкиз (иш ҳайвони) бўйнига кийгизиладиган асбоб, اكوندوروق *окундуруқ*, яъни пахтани чигитидан ажратиш учун фойдаланадиган асбоб (90- бет).

چاق -чақ / چاك -чāк. Бу аффикс отларга қўшилиб, қурол оти ясайди: الينچاق *алынчақ*, яъни безак учун от пешонасига

⁹⁴ Эски ўзбек тилида нисбий сифатларда ҳам аффиксдаги [к], [қ], [ғ] ҳарфлари тушиб қолиши мумкин: قاراتاشلى *қараташлы*, قراقويونلى *қарақойунлы*, яъни тоифа номлари.

⁹⁵ دولتو бўлиши керак.

⁹⁶ Бу аффикс ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Ценный труд по староузбекскому языку // Общественные науки в Узбекистане, № 8. – Т., 1963.

тақиладиган зийнат асбоби, يارغوجاق *йарғучақ*, яъни бугдой янчиш учун ишлатиладиган асбоб (90- бет).

Феълдан от ясовчи аффикслар. Ҳаракат-ҳолат, предмет, курул отлари ясовчи аффикслар:

-т. Бу аффикс феъл ўзакларига қўшилиб, ҳаракат-ҳолат оти ясайди⁹⁷: اونوت *унут*, яъни унутиш (унутмоқдан), اويات *уйат*, яъни уят, хижолат (уялмоқдан).

-қ, -уқ / -ғ / -к, -ик, -ўк. Бу аффикс феъл ўзакларига қўшилиб, ҳаракат-ҳолат, иш жараёни маъноларини англатувчи от ясайди: بويروق *буйруқ*, яъни фармон, буйруқ (буюрмоқдан), الداغ *алдағ*, яъни фириб, алдаш (алдамоқдан), بىلىك *билиг*, яъни билим (билмоқдан), تىلوك *тилўк*, яъни тешик, тилик (тилмоқдан).

-ш, -уш. Бу аффикс буйруқ феълларига қўшилиб, иш-ҳаракат ва ҳолат отини ҳосил қилади: اوروش *уруш*, яъни уриш (урмоқдан), توروш *туруш*, яъни туриш (турмоқдан), يوروش *йуруш*, яъни юриш (юрмоқдан), اوجوش *учуш*, яъни парвоз, учиш (учмоқдан).

-м, -ум, -ўм. Бу аффикс феъл ўзакларига қўшилиб, ҳаракат жараёни, ўрин-жой маъносини билдирувчи отлар ясайди: اولوم *олум*, яъни ўлим (ўлмоқдан), يولوم *йолум*, яъни сувдан ўтиладиган жой.

-нч, -инч, -унч. Бу аффикс феълларнинг буйруқ ёки ўзлик нисбатига қўшилиб, ҳаракат-ҳолат ёки руҳий ҳолатини билдирувчи отлар ясайди: ساغىنچ *сағынч*, яъни фикр, хаёл, соғинч (соғинмоқдан), سوكونچ *сўкўнч*, яъни сўкиш, сўкинч (сўкинмоқдан), قورقونچ *қорқунч*, яъни (қўрқмоқдан).

-л, -ул, -ўл. Бу аффикс феъл ўзакларига қўшилиб, предмет ва ҳаракат-ҳолат отларини ясайди: سيورغال *суйўрғал*, яъни совға, тухфа, يىسال *йасал*, яъни мунтазам саф, тартибга келтирилган саф (ясамоқдан).

⁹⁷ Бу аффикс маънолари ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 125, 141.

ن -н, -ын, -ин. Бу аффикс иш-ҳаракат жараёни, номини билдирувчи отлар ясайди: ييغين *йығын*, яъни йиғин (йиғмоқдан), ياغين *йағын*, яъни ёмғир, ёғин (ёғмоқдан).

غو -гу / كو -гү. Бу аффикс феъл ўзакларига қўшилиб, ҳаракат-ҳолат, предмет номларини билдирувчи от ясайди⁹⁸: سورغو *соргу*, яъни сўров, сўраш (сўрамоқдан), الغو *алгу*, яъни олиш, بيركو *бэргү*, яъни бериш, берув (19- бет).

غون -гун / كون -гүн, -күн. Бу аффикс феъл ўзакларига қўшилиб, иш-ҳаракат отини ясайди⁹⁹: قوغون *қавгун*, яъни таъқиб қилувчи, اوتكون *өткүн*, яъни ўтувчи. Келтирилган мисолларга далил қилиб қуйидаги байтлар келтирилган:

سورديلار كيمه نى شتاب بيله
يتى قوغونلار اضطراب بيله

Сурдылар кэмәни шитāб билä
Йэтти қавгунлар изтирāб билä (32- бет).

تير بارانى غمينك جان و كونكولدين اوتتى
الله الله نى بلا بو ياغين ايرميش اوتكون

Тир бārāн-и ғамың жсāн-у көңүлдин өтти
Аллоҳ-аллоҳ нэ балā бу йағын эрмиш өткүн (32- бет).

ما -ма, -mä. Бу аффикс феълларнинг буйруқ, формаларига қўшилиб, янги от ясайди. -ма, -mä ёрдами билан ясалган от ўзакда ифода этилган ҳаракатга тааллуқли бўлган ёки ўша иш натижасида юзага келган предметни билдиради: ايکما *эгmä*, яъни эгма, эгилган, اسما *асма*, яъни осма, осилган, باسما *басма*, яъни босма, босилган, قاورما *қавурма*, яъни қовурилган гўшт (39-40- бетлар).

⁹⁸ Бу аффикс ҳақида қаранг: Мелиев К.М. Имя действия на -ру в современном уйгурском языке // Труды Среднеазиатский гос. унив.: Иранская и тюркская филология. – Т., 1957. – С. 84-95.

⁹⁹ Форс тилига таржима нуктаи назаридан муаллиф غون -гун / كون -гүн, -күн формасини ҳозирги-келаси замон сифатдоши деб қарайди. Бу ерда ноаниқлик бор.

ایکما قدیمغه باقیب رحم قیل ای سروناز
دور بسی ایلادی قامت رعنائی کوچ

*Эгмә қаддымға бақып раҳм қыл эй сарв нәз
Дур басы әйләди қамат-и раһнәны көз (40- бет).*

«Субъектив баҳо» ифода этувчи аффикслар. Бу группага эркалаш, кичрайтиш маъноларини билдирувчи *غينه* -*гына* / *гинә*, *-кинә*, *جا ~ چە* -*ча*, *-чә* аффикслари киради. [қ], [ɟ] ҳарфлари билан тугалланган, таркибида [қ], [ɟ] ҳарфлари бўлган сўзларга *غينه* -*гына*, [к], [ɟ] ҳарфлари билан тугалланган, таркибида [к], [ɟ] ҳарфлари бўлган сўзларга *کينه* -*гинә*, *-кинә*, таркибида бошқа ҳарфлар бўлган сўзларга эса кўпинча *غينه* аффикси орттирилади. Масалан: *يومروق غينه* *йумруқгына*, яъни муштча, муштдаккина, *قوشغينه* *қушгына*, яъни қушгина, қушча, *کوکس کينه* *көкүскинә*, кокусгина, яъни кўкракча, *اوتروک کينه* *өтрүкгинә*, яъни ёлғонгина, *چين غينه* *чынгына*, яъни ростгина.

يوز اوپاركا قويمادی ایلکین دیدیم باری اوپای
تاشلابان يومروق غينه قیلدی يوزومنی کوک کينه

*Йүз өпәргә қоймады илкин дәдим бары өпәй
Ташлабан йумруқгына қылды йузумны көкгинә (120- бет).*

جور ايله تهديدی بيدل لارغه باري چين غينه
مهر ايله هر وعده کيم قیلدی باری اوتروک کينه

*Жавр әйлә таҳдиды бәдилларга бары чынгына
Мәхр әйлә ҳар ваъда ким қылды бары өтрүкгинә (121- бет).*

باغچه *бағча*, яъни боғча, кичик боғ, *تاچه* *тақча*, яъни токча, кичкина ток (87- бет).

СИФАТ

Сифатларнинг кучайтирув ва кичрайтув (интенсив) формалари. Бу формалар ўзига хос шаклга эга бўлиб, сифатларнинг ўта ортиқлиги ёки заифлигини ифодалаб, мустақил равишда ишлатилмайди. Сифатларнинг интенсив формалари қуйидагича ясалади:

1) **ағимтул** *اغيمتول* -мтул аффиксини сифатларга орттириш билан: *ағымтул*, яъни оққа мойил, оқиш, оқимтир, *қизимтул* *قىزيمتول*, яъни қизилга мойил, қизғиш, қизимтир, *қарамтул* *قارامتول*, яъни қорага мойил, қорамтир, *йашимтул* *ياشيمتول*, яъни яшилга мойил, яшимтир ва шунга ўхшашлар (87- бет);

2) сифатларнинг биринчи бўғинини маълум тартибда такрорлаш йўли билан: *ап-ағ* *اپ اغ*, яъни жуда оқ, оппоқ, *сапсариг* *ساپساريغ*, яъни жуда сариқ, сап-сариқ, *йәп-йәшил* *ياب ياشيل*, яъни жуда яшил, ям-яшил, *қап-қара* *قاب قرا*, яъни жуда қора, қоп-қора, *қып-қызыл* *قپ قىزىل*, қип-қирмизи, яъни жуда қизил, қип-қизил, *көм-көк* *كومكوك*, яъни жуда кўк, кўм-кўк, *йәп-йәсси* *ياب ياسى*, яъни жуда ясси, яп-ясси, *туп-туз* *توب توز*, яъни жуда текис, теп-текис, *топ-тоғры* *توب توغرى*, яъни жуда тўғри, тўппа-тўғри, *тип-тик* *تيب تىك*, яъни жуда тикка, типпа-тиikka, *сап-сағ* *ساپ ساغ*, яъни жуда соғ, соппа-соғ (83- бет);

3) *көкгинә* *كوك كينه* -гина: *көкгинә*, яъни кўкимтир (120- бет).

Сифат ясовчи аффикслар.

-қы *قى* / **-ки** *كى*, **-ги** *غى* / **-гы** *غى*: бу аффикс ёрдамида ясалган сифатлар предметнинг пайт ёки ўринга бўлган муносабатини, унга хосликни билдиради¹⁰⁰. Масалан: *йилқы* *يىلقى*, яъни йилги, *кэчәги* *كچكى*, яъни кечки, кечаги, *кўнги* *كونكى*, яъни кунги, *соғраги* *سونكراغى*, яъни охирги, сўнгги, *бурнаги* *بورناغى*, яъни бурунги, олдинги.

¹⁰⁰ Бу аффиксининг маъноси ва таркиби ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 149-150. Қиёсланг: Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 123.

*Нэ көрлини бузадур дард-у ғам Навāйиниң
Чу ул паридур-у бас ушбу тэлба көрлидәги.*

بيلمايم كيم اول ايلار نفي رنجيدين خلاص
نفي قيلغان شيخ مغ كوييداكي ميخانه نى

*Билмәдим ким ул әйләр нафы ранжыдын халәс
Нафы қылғай шайх муғ күйидәги майхәнаны (120- бет).*

-г, -к, -ик; -қ, -уқ. Бу аффикслар феъл ўзакларига қўшилиб, бирор иш-ҳаракат ёки ҳолатга боғлиқ бўлган белгини билдиради¹⁰¹, *سينوق* *сынук*, яъни синиқ, синган, *بىتىك* *битиг*, яъни битилган, битик (хат), *يىقۇق* *йықуқ*, яъни йиқиқ, йиқилган.

-лук, -лук, -луғ, -лик, -лық, -лиқ / -лығ, -лыг. Бу аффикслар отларга қўшилиб, нисбий сифат ясайди¹⁰². Масалан: *داغلىغ* *дағлығ*, яъни доғли, доғдор, *يىللىك* *йиллик* / *يىللىغ* *йыллығ*, яъни йиллик, *قايغۇلۇق* *қайғулук*, яъни қайғули каби. Эрон ва Рум туркларида агар мазкур аффикс *йо-йи* нисбат маъносида қўлланса, яъни нисбий сифат ясаса, аффикслардаги **қ** ва **к** ҳарфлари тушиб қолади. Масалан: *شاملو* *шомлу*, яъни шомли, мисрли, *دولتلو* *давлатлу*, яъни давлатли, *قراتاشلى* *қараташлы*, яъни тоифанинг номи, *قراقويونلى* *қарақойунлы*, яъни тоифанинг номи.

-чақ. Бу аффикс ўзлик нисбатидаги буйруқ феъл формаларига қўшилиб, шахсининг характер хусусиятини билдиради. Масалан: *ياسانچاق* *йасанчақ*, яъни ўзига оро берувчи (ясамоқ феълидан).

-рақ, -рак, -рәк. Бу аффикслар сифатнинг чоғиш-тирма даражасини ҳосил қилади. [қ], [ғ] ҳарфлари билан тугалланган сўзларга, қаттиқ ўзакли феъл формаларга, таркибида [қ], [ғ] ҳарфлари бўлган сўзларга *-рақ* аффикси, [к], [г] ҳарфлари билан тугалланган сўзларга, юмшоқ ўзакли формаларга, таркибида [к], [г]

¹⁰¹ Кононов А.Н. Кўрсатилган асар. – Б. 154-155; Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: Ўз ФАН, 1957. – Б. 352.

¹⁰² Бу аффиксининг маънолари ва ишлатилиши ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Кўрсатилган асар. – Б. 147-148; Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: Ўз ФАН, 1957. – Б. 350-351.

харфлари бўлган сўзларга *рак* -*рăк*, таркибида мазкур харфлардан бошқа харфлар бўлган сўзларга эса кўпинча *راق* -*рақ* аффикси орттирилади. Масалан: *ساووغ* *савуғ* – *سавۇغراق* *савуғрақ*, яъни совуқроқ. *ياووق* *йавуқ* – *يەۋۇقراق* *йавуқрақ*, яъни яқинроқ, *الغۇچى* *алғучы* – *الغۇچىراق* *алғучырақ*, яъни оладиганроқ, *اج* *ач* – *اچراق* *ачрақ*, яъни очроқ, *خوب* *хуб* – *خۇبراق* *хубрақ*, яъни яхшироқ, *يەخشىراق* *йахшы* – *يەخشىراق* *йахшырақ*, яъни яхшироқ, *چاكراك* *чăкрăк* – *چاكراك* *чăкрăк*, *نامناک* *намнăк* – *نامناک* *намнăк*, яъни намроқ, *توز* *туз* – *تۇزراق* *тузрăк*, яъни тўғрироқ, *كەسگۈۋىچى* *кэсгүвчирăк*, яъни кесадиганроқ, *بە* *бэх* – *بەخرăک* *бэхрăк*, яъни яхшироқ, *از* *аз* – *ازراق* *азрақ*, яъни озроқ (121-122- бетлар).

ای جمال و ناز و عشونک بیربیری دین خوب راق
قامتینک مرغوب و اندین پیکرینک مرغوب رق

Эй жамāl-у нāз-у ’ишвап бир биридин хубрақ
Қоматып марғуб-у андын пэйкарип марғубрақ (122- бет).

کوکر اکیمدور صبح نینک پیراهندین جاکراک
کیر پیکیم شبنم توکولکان سبزە دین نمناکراک

Көкрăкимдўр субҳның пирăҳаныдын чăкрăк
Кир пайким шабнам тőkүлгăн сабадын намнăкрăк.

هر نيجه کيم حسن دلاویزراک
عشق اوتی ایل کونکلی ارا تیزراک

Ҳар нэча ким ҳусн дилāвизрăк
’Ишқ оты эл көңли ара тизрăк (122- бет).

هر ايش كفايتيدا کيم سرانجاميدا طبع غه تردد بولغای اول جانبنی توت که
ایمکای ازراق و آزاری کمراک خاطر غه کیلکای

Ҳар иш кифāйатыда ким сар анжāмыда табъға тараддуд
болгай ул жāнибны тутки эмгāки азрақ ва āзāры камрăк
хāтирға кэлгай (122- бет).

خرد دين ايرور غيب علمي یراق
ايرور بيخرد دين خرد يخشیراق

*Хираддын эрүр гайб илмы йырақ
Эрүр бихираддын хирад йахшырақ* (122- бет).

ضعف ايجرا طبيب بولسا مشفق
بهراک که تومان طبيب حاذق

*Заъф ичрә табиб болса мушаффақ
Бэхрәк ки туман-и табиб-и ҳазиқ* (122- бет).

Рум турклари сўзлашувида **рак** -*рāk* аффикси равишдош формасини ясайди (қаранг: равишдош).

СОН

Сон маъно жиҳатидан саноқ сон, тартиб сон, тақсим сон ҳамда жамловчи сонларга бўлинади¹⁰³.

Тартиб сон. Тартиб сон барча саноқ сонларга **نجى** -*нчи, -инчи, -унчи* аффиксини қўшиш орқали ясалади. Масалан: **بیرینجى** *биринчи*, яъни биринчи, **ایکینجى** *иккинчи, икинчи*, яъни иккинчи каби (87- бет).

Тақсим сон. Тақсим сон саноқ сонларга **ر** -*ар, -är, -ин* аффиксларини қўшиш орқали ясалади. Масалан: **بیرار** *бирär*, яъни биттадан, **اوجار** *үчär*, яъни учтадан, **تورتار** *төртär*, яъни тўрттадан, **يوزار** *йүзär*, яъни юзтадан, **بیرين-بیرين** *бирин-бирин*¹⁰⁴, яъни бирин-бирин (91-96 бетлар).

کیم خلق دين يوزار يوزار کيشي ايريب بويوردي کيم کينت لار ياساديلار

Ким халқдын йүзär-йүзär киши айрып буйурды-ким, кэнтлär йасадылар (91- бет).

¹⁰³ -*нчи, -инчи, -унчи* аффикси *-нч, -инч, -унч* шаклида ҳам келади. Қаранг: Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 139.

¹⁰⁴ Тақсим сонлар жуфт шаклда ишлатилса, форс тилида ҳам тақсим сон маъносини ифодалайди.

زلفونک کیم ایرور توکون کویا
ایل بولدی بیرین بیرین کرفتارینک

Зулфуғ ким эрүр түгүң гойа
Эл болды бирин-бирин гирифтәриң (96- бет).

Меҳдихон тақсим сони ясовчи *-ар, -är, -р, -ин* аффиксларини форс тилига таржима нуқтаи назаридан бўлса керак, зойида, яъни ҳеч қандай маъно англатмайди деб талқин қилган ва санок сони билан таржима қилиб хатоликка йўл қўйган.

Агар санок сонлар [и] билан тугалланган бўлса, *-ар, -är* аффикси билан санок сон ўртасида [и] аффикси орттирилади¹⁰⁵. Масалан: *ایکیشار* *иккишәр* *التیشار* *алтышар*, *یتیشار* *йэттишәр*, *ییکیرمیشار* *йигирмишәр* (92- бет).

Жамловчи сон. Жамловчи сон санок сонга *-ав, -äв* (бирдан тўққизгача) ва *-ла, -лә*¹⁰⁶, *-лан, -лән* аффиксларини қўшиш билан ясалади. *-ав, -äв* аффикси ёрдамида ясалган жамловчи сон исм маъносини, *-ла, -лә, -лан, -лән* ёрдамида ясалган жамловчи сон эса биргалик, ҳамкорлик маъноларини ифодалайди¹⁰⁷: *بیراو* *бирäв*, яъни бири, *ایکاو* *икäв*, яъни иккиси, *ایکاولا* *икäвлä*, *ایکاولان* *икäвлән*, яъни иккиси биргаликда, *اوجاولا* *учавла*, *اوجاولان* *учавлан*, яъни учаласи биргаликда.

طریق عشق ارا اوزنی چو فرد قیلسا بیراو
حریف ایماس انکا یرکوک نچه ایرورلار ایکاو

Таріқ-и 'ишқ арä öзни чу фард қылса бирäв
Ҳариф эмäs аҗа йэр көк нэчäй эрүрлär икäv (87- бет).

¹⁰⁵ Бу ҳақда қаранг: Кононов А.Н. Грамматика турецкого языка. — М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1940. — С. 81.

¹⁰⁶ Жамловчи сон ясовчи *-ла* аффикси билан шаклан бир хил бўлган *-ла* юқламаси ҳам мавжудлиги таъкидланган (95-бет).

¹⁰⁷ Жамловчи сон ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского языка. — М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. — С. 169; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. — М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. — С. 139.

Қуйидаги санок сонларда геминация ҳолати юз беради, яъни сўз ўртасидаги ундош иккиланади: اکی *ики*, *икки*, яъни *икки*, یتی *йэти*, *йэтти*, яъни *етти*, سکیز *сэкиз*, *сэккиз*, яъни *саккиз*, توقوز *тоқуз*, *тоққуз*, яъни *тўққиз*. Геминация ҳолатига далил қилиб қуйидаги байтларни келтириш мумкин:

شکوھونک جبھه سیدین چون ثریا
یتی قطره عرق دیک یتی دریا

Шукуҳуҗ жабҳасыдын чун сураййā
Йэти қатра арақ-дэг йэтти дарйā (108- бет).

پایه اوریندا سکیز انکا ستون
آستیدا بیر کیتیپ سیکیز کردون

Пайа орында сэкиз аҗа стун
Астыда бир кэтип сэккиз гардун (108- бет).

ОЛМОШ

Кишилиқ олмошлари қуйидагилардан иборат: من *ман*, яъни, мен, سین *сэн*, яъни *сен*, او *у*, او *ул*, яъни *у*, بیز *биз*, яъни *биз*, سیز *сиз*, яъни *сиз*, الار *алар*, яъни *улар*.

«Мабониу-л-луғат»да кўрсатиш исмларига ¹⁰⁸ بو *бу*, بولار *булар*, اول *ул*, اوшал *ошал*, شول *шул*, الار *алар*, انلار *анлар*, مون *мун* киритилган.

Мирзо Меҳдихон بو *бу* кўрсатиш олмошининг фонетик ўзгаришга учраб, [б] нинг [м] га ўтганлигини ва келишиқ ҳамда бошқа аффикслар билан бирикканда бир [н] орттирилишини тушуна олмаган. Бу орттирилган [н] товуши эса [л] товушининг ассимиляцияси натижасида ҳосил бўлган¹⁰⁹.

¹⁰⁸ Кўрсатиш олмошлари ҳақида қаранг: Ашнин Ф.Д. Указательные местоимения и их производные в азербайджанском, турецком и туркменском языках: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – М., 1958. – С. 24. Дмитриев Н.А. Об указательных местоимениях в башкирском языке // Труды Москов. ин-та востоковедения. – № 4, 1947. – С.70-74; Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. – Т., 1953. – Б.18; Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. –М.- Л., 1956. – С. 306-359.

¹⁰⁹ Бу ҳақда қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С.178.

مون мун мустақил равишда ишлатилмасдан келишик ҳамда бошқа аффикслар билан бириккан ҳолда қўлланилади. Масалан: مونكا муџа, яъни бунга, موندا мунда, яъни бунда, مندين мундын, мундин, яъни бундан, مونداق мундақ, яъни бундай, шундай, مونجه мунча, яъни шунча, бунча.

خطينک ايرماس کل اوزره سبزه باغ ارم دوربو
نی سبزه کون يوزيندا تون سوادى دين رقم دور بو

Хатыџ эрмәс гул үзрә сабза-йи бәғ-и эрәмдүр бу
Нә сабза күн йүзиндә тун савәдыдын рақамдур бу (77- бет).

ازل هم سين ابد هم سين نى اول بيرله آخر كيم
انكا يوق ابتدا پيدا مونكا يوق انتها پيدا

Азал ҳам сән абад ҳам сән нә аввал бирлә әхир-ким
Аңа йоқ ибтида пайда муџа йоқ интиҳа пайда (77- бет).

ايت لارينک آليدا يوز پاره کونکولني سالدیم
مونى کور هر بيرى نينک اغزيدا بير پاره کونکول

Итләриџ алыда йүз пәра көңүлни салдым
Муны көр ҳар бириниџ ағзыда бир пәра көңүл (77- бет).

ФЕЪЛ

Феълларнинг бош ва биринчи формаси – иккинчи шахснинг бирлигидаги буйруқ феълидан иборат бўлиб, феъл нисбатлари, феъл аспектлари, майл, замон ва шахс-сон категорияларини ўз ичига олади.

Феълнинг ноаниқ формаси (масдар). Феълнинг ноаниқ формаси феълнинг ўзак-негизларига ноаниқлик белгиси *ماق* -мақ формаси феълнинг ўзак-негизларига ноаниқлик белгиси *ماق* -мақ / *ماک* -мәк ни қўшиш орқали ясалади. Масалан: *الماق* алмақ, яъни олмоқ, *اورماق* урмақ, яъни урмоқ, *کیتماک* кәтмәк, яъни кетмоқ.

Рум туркларида агар масдар чиқиш келишиги аффикси *دين* -дын, -дин билан бирикса, масдар белгисидаги [қ – к] ҳарфлари тушиб қолади. Масалан:

معنبر سنبلونک دین آلمادین بو المادوم رسوا
بو رسوالیق بنکا سندی دکل باد صبادندور

Муъанбар сумбулуғдын алмадын (алмақдын) бу олмадум расвā,

*Бу расвāлық баға сāндин дāгил бāд-и сабāдандур (48- бет),
яъни Сенинг муанбар сунбулингдан бўй олмоқдан расво
бўлганим йўқ, менинг бу расволигим сендан эмас, сабо
(шамоли)дандир.*

سرّمی رسوالیغم فاش ایتما دین عالمره
زار جسمیم اشک کردابنده پنهان اولسا یک

*Сиррамы расвāлығым фāш этмāдин (этмāкдин) āламлара
Зār жисмым ашк гирдāбында пинҳāн олса йак (48- бет),
яъни Менинг сиримни, расволигимни оламга фош қилгандан
кўра, агар менинг зор жисмим кўз ёши гирдобиди пинҳон бўлса
(кўмилса) яхишироқдир.*

ای فضولی شمع وش مطلق اچیلمز یانمادین
تابلر کیم سنبلندن رشته جانینکده در

*Эй Фузулий шамъваш мутлақ ачылмаз йанмадын
(йанмақдын)*

*Тāблар-ким сумбулындын ришта-йи жāнығдадур (48- бет),
яъни Эй Фузулий, сунбулнинг тоблари жонинг риштасида
бўлиб, шамъ каби мутлақ очилмайди.*

بن الوم چکدوم غم سودای زلفنکدین سننک
چون که سن آل چکمدنک اغیار ایله یار اولمادین

*Бāн ълўм чэкдўм гам-и савдā-йи зулфуғдын сāниғ
Чунки сāн āл чэкмадиғ агйāр илā йāр олмадын (олмақдын)
(48- бет),*

*яъни Мен сенинг зулфинг гами савдосидан қўл тортдим,
чунки сен агёрлар билан дўст бўлишдан қўл тортмадинг.*

Қисқартирилган масдар ([қ], [к] ҳарфлари тушиб қолган масдар формаси)га учинчи шахс эгалик аффикси орттирилганда, ясалган форма икки маънони ифодалайди:

1) бўлишли масдар маъносини, 2) бўлишсиз масдар маъносини, чунки бўлишсиз масдар формаси вазифасида ҳозиргикеласи замон сифатдошининг *ماس* -*мас*, -*мās* формаси қўлланади. Агар бу формага учинчи шахс эгалик аффикси [и] орттирилса, шаклан қисқартирилган масдарнинг бўлишли формасига ўхшаш форма ҳосил қилинади. Мазкур формалар контекстга кўра фарқланади. Масалан:

مرات ضميرنده نقش پذير اولن خاطره يک عرصه شهود ده وجود خارجي
کسوه سيله جلوه کر اولماسی منتهاي نيتی ايدوکين تقرير ايتدی

Мурāt замириндә нақшпазир олан хāтира-йи йак арса-йи шухудда вужуди хāрижи кэсвāсилā жилвагар олмасы (алмагы) миннатхāйи нийати эдўкин тақрир этди (45- бет).

اوچوغ زخمی لبیدا بيلکورور بيلکورماسين کوردیک
نشانه کيم که ايستار جان ارا داغ نهانيمدين

Учуғ захмы лабыда билгүрүр билгүрмāсин көрдик (билгүрмāкин көрдик)

Нишāна-ким ки истāр жāн арā дāгы ниҳāнимдын (46- бет),
яъни *Учуғ захми лабидан маълум бўлади, кимки менинг жоним орасидаги пинҳон доғимдан нишона истаса, унинг белгисини кўра олади.*

دل که سر منزلی اول زلف پریشان اولمیش
نوله جرمی که اسلیماسنه فرمان اولمیش

Дил-ки сар-и манзили ул зулф паришāн олмыш
Нула журми-ки эслимāснā фармāн олмыш (46- бет).

عشق دين مخلصيما ايلابان احباب دعا
مستجاب اولماسی انينک مين محزونغه تيلاک

‘Ишқдын мухлисыма айләбāн аҳбāб дуā

*Мустажāб олмасы (олмаслыгы) аның мәни маҳзунга тилāг,
яъни Дўстлар менинг ишқдан қутулишим учун дуо қилдилар,
унинг мустажоб бўлмаслиги мен маҳзуннинг мақсад ва
муддаосидир (45- бет).*

کیمکا کیم عادت بولور فعل ذمیم
صادر اولور اندین اول بی اختیار
تام و تاش دیمای چایان یتکاچ یتکار
کونکلیدا کیچماس قیلور قیلماسی کار

*Кимгā ким āдат болур фэъл-и замим
Сāдир олур андын ул бэхтийāр
Там-у таиш дэмāй чайан йэтгāч йэткār
Кōнлидā кэчмās қылур қылмасы (қилмаслиги) кār¹¹⁰,
яъни Чаён девор, тоиш демай (найзасини) таъсир қилиш ва
қилмаслигини кўнглидан ўтказмай санчади (45- бет).*

От ва сифатдан феъл ясовчи аффикслар. Бу группа *ла* -, *лā* -, *да* -, *дā* -, *ра* -, *рā* аффиксларини ўз ичига олади¹¹¹.

ла -, *лā* -: *باشلاماق* *баиш-ла-мақ*, яъни бошламоқ, *تيشلاماك* *тииш-лā-мāк*, яъни тишламоқ, тишга олмоқ, *گمارلاماق* *гумār-ла-мақ*, яъни тайинламоқ, *گوزارلاماق* *гузār-ла-мақ*, яъни адо қилмоқ, *ھوسلانماق* *ҳавас-ла-н-мақ*, яъни ҳаваси келмоқ.

استادی ابو عمر بن عثمان مکی انی قارغادی کیم الهی براونی انکا
گمارلاکیم انینک ایاغین کیسکای و دارغه تارتغای

*Устоди Абу ’Умар бин ’Усмāн мāкки аны қарғады-ким илāҳи
бирāвни аға гўмārлā-ким аның аяғын кэсгāй ва дарға тартғай
(11- бет).*

بیر کون نماز پشن نی گذارلادی و باشینی مرقع غه تارتتی چون نظر
قیلدوق اوتوب ایردی

¹¹⁰ Биринчи икки қатор таржимаси берилмаган.

¹¹¹ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 183-184; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 246-250.

Бир кўн намāз-и пāшинни гузāрлады ва башыны марқага тартты чун назар қылдуқ өтўп эрди (11- бет).

سلامت هوسلاندی شیخ و ساغیندی
که زهد ریا ینکلیغ آسان ایرور بو

*Салāмат ҳавасланды шайх у сағынды
Ки зуҳд-и рыйā йағлығ асāн эрўр бу (11- бет).*

-да, -dä: يولداماق йол-да-мақ, яъни жўнатмоқ, йўлга туширмоқ, اوکودامак ўғў-дä-мāк, яъни мудрамоқ (11- бет).

-ра, -rā: مونكراماق муғ-ра-мақ, яъни маҳзун бўлмоқ, تېلبه راماك тэлбä-rā-māк, яъни телба бўлмоқ, жинни бўлмоқ, گنده راماق ганда-ра-мақ, яъни бузилмоқ, сасимоқ (11- бет).

Кесимлик аффикслари. Кишилиқ олмошлари сўзларга орттирилиб, кесимлик аффикслари вазифасини бажаради¹¹².

Бирлик		
I шахс	مين -мэн:	اولغای مین олғаймэн, яъни бўлғайман, مین مین мэнмэн, яъни менман
II шахс	سین -сэн:	اولغای سین олғайсэн, яъни бўлғайсан, سین سین сэнсэн, яъни сенсан
Кўплик		
I шахс	بیز -быз, -биз:	اولغای بیز олғайбыз, яъни бўлғаймиз, بیز بیز бизбиз, яъни бизмиз
II шахс	سیز -сыз, -сиз: ¹¹³	اولغای سیز олғайсыз, яъни бўлғайсиз, سیز سیز сизсиз, яъни сизсиз

ای زهد یولوم اورما که بو مرحله ایچره
مقصدغه چه سین سین پری یوز مینک خیریمدین

*Эй зуҳд йолум урма-ки бу марҳала ичрā
Мақсадгача сэнсэн пари йўз миғ хатарымдын (75- бет).*

¹¹² Мабониу-л-луғат. – Б. 75; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 173.

¹¹³ -сиз инкор маъносини ҳам ифодалайди: سیز سیز сизсиз, яъни сизсиз.

بخت غه تاج تارک اولغای سیز
شه غه هر کون مبارک اولغای سیز
چون ازلدین شه جهان سیزسیز
بولماسون بیر نفس جهان سیزسیز

*Бахтга тāj-и тāрик олғайсыз
Шаҳга ҳар кун мубāрак олғайсыз
Чун азалдын шаҳи жиҳāн сизсиз
Болмасун бир нафас жиҳāн сизсиз (76- бет).*

Рум туркларида биринчи шахс кесимлик боғламаси *мін -мэн* эгалик аффикси *м -м* орқали ифодаланади. Масалан, *بنم банам*, яъни менмен (75- бет). Эски ўзбек тилида эса ҳар икки шаклда қўлланиши мумкин: *الورمین алурмэн, الورم алурам, توتارمین тутармэн, توتارم тутарам*, яъни оламан, тутаман каби.

Рум туркларида *биз -биз*, *биз* кесимлик аффикси эса, *биз -биз*, *биз* шаклида ишлатилмасдан *уз -уз*, *ўз* шаклида қўлланилади. Масалан: *قىلوربىز қилурбиз – قىلوروز қилуруз*, яъни қилурмиз.

اسير درد عشق و مست جام حسن چوق اما
بیزوز مشهور اولن ليلي سنكا مجنون بنكا ديرلر

*Асир-и дард-и 'ишқ-у маст-и жām-и ҳусн-и чоқ, амма
Бизўз машҳур олан Лайли сāйя Мажнун бāйя дэрләр.*

زاهد کور سنكا چاکی شعله سین بیزدین صافن
بیر اوچاقوز بیر کی سوزاندر در و دیواریمز

*Zāхид гур сāйя чāки шуъласын биздин сāфин
Бир учақуз бир ки сузāндур дар-у дэвāрымыз (76- бет).*

Ўтган замон аниқлик феъли. Бу форма феъл ўзакларига *دی -ды, -ди / تی -ты, -ти* аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу билан ўтган замон аниқлик феълининг учинчи шахс бирлиги туғилади, шу шахснинг кўплиги ва бошқа шахслар махсус формативлар қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу формаларнинг умумий кўриниши:

Шахс-сон	Бирлик
I шахс	توم / -дум, -дўм / دوم, -тым, -тим, تيم / -дым, -дим / ديم -тум, -тўм: الديم алдым, яъни олдим, كيتيم кэттим, яъни кетдим, اوردوم урдум, яъни урдим, توتتوم туттум, яъни тутдим, олдим (20- бет)
II шахс	دونك / -дун, -дўн / دونه, -тын, -тин, تينك / -дын, -дин / دينك -тун, -тўн: الدينك алдын, яъни олдинг, كيتينك кэттин, яъни кетдинг, اوردونك урдун, яъни урдинг, توتتونك туттун, яъни олдинг, тутдинг (20- бет)
III шахс	دى / -ды, -ди / تى / -ты, -ти: الدى алды, яъни олди, كيتى кэтти, яъни кетди (20- бет)
Шахс-сон	Кўплик
I шахс	توك / -тук, -дўк / دوک, -туқ, -дуч / دوق الدوق алдуқ, яъни олдик, ساتتوق саттуқ, яъни сотдик, كيلدوك кэлдук, яъни келдик, كيتتوك кэттук, яъни кетдик (20-бет)
II шахс	دينكلار / -дынлар, -динлар / دینکلار, -тынлар, -тинлар, تينكلار / -дынлар, -динлар / دينكلار دونكوز / -дунклар, -дўнлар / دونهكوز, -тунлар, -тўнлар, تونكوز / -дунлар, -дўнлар / دونهكوز دونهكوز / -дунлар, -дўнлар / دونهكوز, -тунлар, -тўнлар: الدينكلار алдынлар, яъни олдингиз, كيتينكلار кеттинлар, яъни кетдингиз, الدينكلار алдынлар, яъни олдингиз, كيتينكلار кэттинлар, яъни кетдингиз, اوردونكوز урдунлар, яъни урдингиз, توتتونكوز туттунлар, яъни тутдингиз, اوردونكوز урдунлар, яъни урдингиз, توتتونكوز туттунлар, яъни тутдингиз (20- бет)
III шахс	ديلار / -дылар, -дилар / تيلار / -тылар, -тиллар: الديلار алдылар, яъни олдилар, كيتىلار кэттиллар, яъни кетдилар (20- бет)

Эрон ва Рум турклари сўзлашувида ўтган замон аниқлик феълининг биринчи шахс кўплик формасига бирликдаги эгалик аффиксларидан қўшилса, мазкур форма кўплик форма кўплик маъносини йўқотади. Масалан:

ایله عشاقه جفالرکه وفالر کوره سن
صانمه کیم ضایع اولور ایلادوکنک احسانلر

Айлә ушшāқа жафāлар-ки вафāлар көрāсән
Сāнамā-ким зāйи олур айлāдүгүң (яъни айладинг) *иҳсāнлар*
(21- бет).

توتوشدي غم اود نه شاد کوردوکنک کونکوم
مقيد اولدی اول آزاد کوردوکنک کونکوم

Тутушды гам од на шāд көрдүгүң көңлүм
Муқаййад олды ул āзāд көрдүгүң (яъни кўрдинг) көңлүм (21-бет).

Мирзо Меҳдихон *دی -ды, -ди* аффикси вариантларининг имлосига алоҳида аҳамият бериб, агар феъл ўзаклари [т] ундоши билан тугалланган бўлса, аффикс [т] билан, агар [с], [ш], [н], [ч], [қ], [к] ҳарфлари билан тугалланган бўлса, аффикс ҳам [т], ҳам [д] билан, қолган ундош ҳарфлардан сўнг албатта [д] билан ёзилишини қайд қилган. Масалан: *توتتی тутти*, яъни ушлади, олди, тутди, *کیتی кэтти*, яъни кетди, *اسدی асды* // *اشتی ашты*¹¹⁴, *يولوقدی йолуқды* // *اوجتی* *учты*, *اوجدی* *учды*, *اوپتی* *оупты* // *اوپدی* *оупды*, *توکدی* *төкды* // *توکتی* *төкты*, *اوردی* *урды*, *الدى* *алды*, *اییدی* *йэды*, *دیدی* *дэды* (127-128- бетлар).

Ўтган замон ҳикоя феъли¹¹⁵. Бу форма етакчи феълнинг -б аффикси орқали ясалган равишдош формасидан кейин тўлиқсиз феъл келтириш билан ҳосил қилинади. Тусланиш тўлиқсиз феълда бўлади.

¹¹⁴ استی бўлиши керак.

¹¹⁵ Форс тилида узоқ ўтган ва ўтган замон ҳикоя феъли учун бир форма мавжуд. Шу сабабли мазкур ҳар икки замон бир форма билан таржима қилинади.

Бирлик	
I шахс	اليب ايديم <i>алып эдим</i> , яъни олиб эдим, олган эдим
II шахс	اليب ايدينك <i>алып эдиң</i> , яъни олиб эдинг, олган эдинг
III шахс	اليب ايدي <i>алып эди</i> , яъни олиб эди, олган эди
Кўплик	
I шахс	اليب ايديوك <i>алып эдўк</i> , яъни олиб эдик, олган этим
II шахс	اليب ايدينكىز <i>алып эдиңиз</i> , яъни олиб эдингиз, олган эдингиз
III шахс	اليب ايديلار <i>алып эдилар</i> , яъни олиб эдилар, олган эдилар

Ўтган замон эшитилганлик феъли¹¹⁶. Феълнинг бу тури -б аффикси орқали ясалган равишдошга шахс-сон аффикслари қўшиш билан ҳосил қилинади.

Бирлик	
I шахс	اليب مين <i>алып-мэн</i> , яъни олибман, олганман
II шахс	اليب سين <i>алып-сэн</i> , яъни олибсан, олгансан
III шахс	اليب تور <i>алыптур</i> , яъни олибди, олган
Кўплик	
I шахс	اليب بيز <i>алып-быз</i> , яъни олибмиз, олганмиз
II шахс	اليب سيز <i>алып-сыз</i> , яъни олибсиз, олгансиз
III шахс	اليب تورلار <i>алыптурлар</i> , яъни олибдилар, олганлар

Ўтган замон гумон феъли. Бу тур *ميش* -*мыш*, -*миш* аффикси орқали ясалган ўтган замон сифатдошига кесимлик боғламаларини (шахс-сон маънолари учун махсус аффикслар) қўшиш билан ҳосил қилинади¹¹⁷.

¹¹⁶ Форс тилида ўтган замон эшитилганлик ва тарихий ўтган замон феъли учун бир форма мавжуд. Шунинг учун мазкур ҳар икки замон феъли бир форма орқали ифодаланади: *رفته است*.

¹¹⁷ Бу форма форс тилида мавжуд бўлмагани учун тарихий ўтган замон феъли билан таржима қилинган.

Бирлик	
I шахс	المیش مین <i>алмыш-мэн</i> // المیشام <i>алмышам</i> , яъни олганман
II шахс	المیش سین <i>алмыш-сэн</i> // المیشانک <i>алмышан</i> , яъни олгансан
III шахс	المیشتور <i>алмыштур</i> , яъни олган(дир)
Кўплик	
I шахс	المیش بیز <i>алмыш-быз</i> , яъни олганмиз
II шахс	المیش سیز <i>алмыш-сыз</i> , яъни олгансиз
III шахс	المیش لار <i>алмышлар</i> , яъни олганлар

Узоқ ўтган замон гумон феъли. Бу тур *میش* -*мыш*, -*миш* аффикси орқали ясалган ўтган замон сифатдошидан кейин тўлиқсиз феълда келтириш билан ҳосли қилинади¹¹⁸. Тусланиш тўлиқсиз феълда бўлади.

Бирлик	
I шахс	المیش ایدیم <i>алмыш эдим</i> , яъни олган эдим
II шахс	المیش ایدینک <i>алмыш эдиң</i> , яъни олган эдинг
III шахс	المیش ایدی <i>алмыш эди</i> , яъни олган эди
Кўплик	
I шахс	المیش ایدوک <i>алмыш эдўк</i> , яъни олган эдик
II шахс	المیش ایدинکیز <i>алмыш эдиңиз</i> , яъни олган эдингиз
III шахс	المیش ایدی لار <i>алмыш эдилар</i> , яъни олган эдилар

Ҳозирги-келаси замон. Бу тур феълнинг [а] ёки [й] аффикси орқали ясалган равишдош формасига кесимлик боғламаларини орттириш орқали ясалади.

Бирлик	
I шахс	الامین <i>ала-мэн</i> , яъни оламан, اسرای مین <i>асрай-мэн</i> , яъни асрайман
II шахс	الاسین <i>ала-сэн</i> , яъни оласан, اسرای سین <i>асрай-сэн</i> , яъни асрайсан

¹¹⁸ Ўтган замон сифатдошининг *كان* -*гән*, -*кән* / *غان* -*ган* ва *میش* -*мыш*, -*миш* формалари форс тилида фарқланмайди.

III шахс	الادور <i>аладур</i> , яъни олади, اسرايدور <i>асрайдур</i> , яъни асрайди
Кўплик	
I шахс	الابيز <i>ала-быз</i> , яъни оламиз, اسراى بيز <i>асрай-быз</i> , яъни асраймиз
II шахс	الاسيز <i>ала-сыз</i> , яъни оласиз, اسراى سيز <i>асрай-сыз</i> , яъни асрайсиз
III шахс	الادورلار <i>аладурлар</i> , яъни оладилар, اسرايدورلار <i>асрайдурлар</i> , яъни асрайдилар

Агар феъл ўзак-негизлари қисқа [и], [э] унлиси билан тугалланган (دى دە, яъни айт, ىي йэ, яъни «е» каби) бўлса, равишдош формасини ясовчи [й] аффикси ёзувда ифодаланмайди, лекин ўзак-негиздаги унли қалин талаффуз этилади. Масалан: ديدور *дэйдур*, яъни айтади, гапиради, дейди, ييدور *йэйдур*, яъни ейди.

Агар феъл ўзак-негизлари қалин (узун) унли [и:] (-ий) билан тугалланган бўлса, [й] аффикси ёзувда ифода қилинади. Масалан: تيار *тыйар*, تياردور *тыйадур*, яъни манъ қилади, тияди.

باروردا كويونكا يوق اختياريم
ميني هر نيجه كيم كونكولم تياردور

*Барурда күйүңә йоқ ихтийāрым,
Мэни ҳар нэчā-ким көңлүм тыйадур* (25- бет).

Келаси замон гумон феъли. Бу тур феълнинг -р, -ар, -āр, -ур, -ўр аффикси орқали ясалган келаси замон сифатдош формасига (الور *алур*, яъни олар, олади, اتار *атар*, яъни отар, отади каби) кесимлик аффиксларини орттириш билан ясалади¹¹⁹.

Бирлик	
I шахс	جيکارمين <i>чэкāрмэн</i> , جيکارام <i>чэкарāм</i> , яъни тортаман, тортарман, чекаман, чэкарман

¹¹⁹ Бу форма форс тилида мавжуд бўлмагани учун Мирзо Мехдихон ҳозирги замон феъли деб қараб ноаниқликка йўл қўйган.

II шахс	جيکار سين <i>чэка́рсэн</i> , яъни тортасан, тортарсан, чекасан, чекарсан
III шахс	جيکار <i>чэка́р</i> , яъни тортади, тортар, чекади, чекар
Кўплик	
I шахс	جيکار بيز <i>чэка́рбиз</i> , яъни тортармиз, тортармиз, чекамиз, чекармиз
II шахс	جيکار سيز <i>чэка́рсиз</i> , яъни тортасиз, тортарсиз, чекасиз, чекарсиз
III шахс	جيکار لار <i>чэка́рләр</i> , яъни тортадилар, тортарлар, чекадилар, чекарлар

Қатъий (тарихий) келаси замон. Бу тур феъл ўзакларига *غو* -*гу* / *كو* -*кў* аффикси, эгалик қўшимчалари ва баъзан *دور* -*дур*, -*дўр* аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинади¹²⁰:

Бирлик	
I шахс	الغوم <i>алғум</i> , الغومدور <i>алғумдур</i> , яъни оламан, олажакман كيلكوم <i>кэлгўм</i> , كيلكومدور <i>кэлгўмдўр</i> , яъни келаман, келажакман
II шахс	الغونك <i>алғун</i> , الغونكدور <i>алғундур</i> , яъни оласан, олажаксан, كيلكونك <i>кэлгўн</i> , كيلكونكدور <i>кэлгўндўр</i> , яъни келасан, келажаксан
III шахс	الغوسى <i>алғусы</i> , الغوسيدور <i>алғусыдур</i> , яъни олади, олажак, كيلكوسى <i>кэлгўси</i> , كيلكوسيدور <i>кэлгўсидўр</i> , яъни келади, келажак
Кўплик	
I шахс	الغوميز <i>алғумыз</i> , الغوميزدور <i>алғумыздур</i> , яъни оламыз, олажакмиз, كيلكوميز <i>кэлгўмиз</i> , كيلكوميزدور <i>кэлгўмиздўр</i> , яъни келадыз, келажакдыз
II шахс	الغونكوز <i>алғунуз</i> , الغونكوزدور <i>алғунундур</i> , яъни оласиз, олажаксиз, كيلكونكوز <i>кэлгўнўз</i> , كيلكونكوزدور <i>кэлгўнўздўр</i> , яъни келасиз, келажаксиз

¹²⁰ Бу форма ҳозирги замон ўзбек тилида ишлатилмайди.

III шахс	الغوسى لار <i>алгусылар</i>, لار دور <i>алгусылардур</i>, яъни оладилар, олажаклар, كىلكوسى لار <i>кэлгүсиләр</i>, كىلكوسى لار دور <i>кэлгүсиләрдүр</i>, яъни келадилар, келажаклар.
----------	---

Рум туркларида эса тарихий келаси замон формасидаги *غو* -*гу* /*كو* -*кү* аффикси тушиб қолади. Агар феъл ўзак-негизи ундош билан тугалланган бўлса, унга бирор унли [-*ы*, *и*; -*а*, *ä*], агар унли билан тугалланган бўлса [-*йа*, -*йä*] орттирилиб, сўнг эгалик аффикслари қўшилади. Масалан: *الغوسى* *алгусы* – *اليسى* *алысы*, *كىلكوسى* *кэлгүси* – *كىلسى* *кэлäси*, *اغلاكوسى* *ыглагусы* – *اغلاياسى* *ыглайасы*, яъни йиғлайди, йиғлаяжак.

ای کونکول عشق اهلنه هر شب کولوردنک شمع تک
بن دیمز میدیم که آخر اغلاياسیدور کولن

Эй көңүл 'ишқ аҳлына ҳар шаб кўлүрдүң шамътак
Бән дэмазмидим-ки āхир ыглайасыдур кулан (60- бет).

Тарихий келаси замон формасининг бўлишсиз шакли ўзак билан форма ясовчи аффикс орасига *ما* -*ма*, -*mä* бўлишсизлик юкламаси орттириш ёки бўлишли формадан сўнг *يوق* *йоқ*, яъни йўқ сўзини келтириш билан ҳосил қилинади:

ای نوایی اویناغونک یوق عشق یا یوز کورماکونک
عذر ایتیپ یرنی اوب سوز ترکینی یکبارہ قیل

Эй Навāйи ойнагуң йоқ 'ишқ йā йўз көрмāгүң
'Узр этип йэрни он сōз туркини йакбāра қыл.
яъни эй Навоий ишқбозилик қилмаган ёки юз қўймаган эдинг,
узр сўраб ерни ўп-да, бирдан гапиришдан тўхта.

زلفی دین ای زخم لیغ کونکلوم قوتولغونک یوق تورور
کیم سنینک هر حلقه زخمینکدا بیر قلابی بار

Зулфыдын эй захмлыг көңлүм қутулгуң йоқ турур (яъни қутулмайсан)

Ким сәниң ҳар ҳалқа захмыңда бир қалләбы бар (61- бет).

Келаси замон ноаниқлик формаси. Бу форма феъл ўзак-негизига *غای -gāy / کای -gāy* аффикси ва кесимлик боғламаларини орттириш орқали ясаиб, истак, илтимос маъноларини ифодалайди¹²¹.

Келаси замон ноаниқлик формасининг парадигмаси қуйидагича:

Бирлик	
I шахс	<i>کورکای مین</i> <i>болгай-мэн</i> , яъни бўлгайман, <i>کورگای مین</i> <i>кӧргӧй-мэн</i> , яъни кӱргайман
II шахс	<i>کورکای سین</i> <i>болгай-сэн</i> , яъни бўлгайсан, <i>کورگای سین</i> <i>кӧргӧй-сэн</i> , яъни кӱргайсан
III шахс	<i>کورکای</i> <i>болгай</i> , яъни бўлгай, <i>کورگای</i> <i>кӧргӧй</i> , яъни кӱргай
Кўплик	
I шахс	<i>کورکای بیز</i> <i>болгайбыз</i> , яъни бўлгаймиз, <i>کورگای بیز</i> <i>кӧргӧйбиз</i> , яъни кӱргаймиз
II шахс	<i>کورکای سیز</i> <i>болгайсиз</i> , яъни бўлгайсиз, <i>کورگای سیز</i> <i>кӧргӧйсиз</i> , яъни кӱргайсиз
III шахс	<i>کورکای لار</i> <i>болгайлар</i> , яъни бўлгайлар, <i>کورگای لار</i> <i>кӧргӧйлӧр</i> , яъни кӱргайлар

Мисоллар:

قیلما یارب آنی کیم بولغای مین
اول مکان و بو مکین دین مهجور

Қылма йӧраб аны ким болгай-мэн

Ул макӧн-у бу макиндин маҳжур (107- бет).

کل نی بولغای کیم یوزونک هجریدا کورکیمین انی
سالسالار کولیمغه خس ینکلیم سوپورکایمین انی

Гул нэ болгай ким йӧзӧн ҳажрыда кӧргӧй-мэн аны

Салсалар кулбамга хас йаӧлыг сӧнӧргӧй-мэн аны (117- бет).

¹²¹ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 166; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 266.

آنچه اور غای سیز بویولدا بال و پر
ایلاکای سیز قطع آنچه بحر و بر
کیم وصالی کامیغه یا یتکابیز
یا تمناسیدا جان ترک ایتکابیز

آنچه ургайсыз бу йолда бāl-у пар
Айләгәйсиз қатъа āнче бахр-у бар
Ким висāлы кāмига йа йэткāбиз
Йа таманнāсыда жāн тарк эткāбиз (107- бет).

Баъзан غای -*гай* / کای -*гāй* аффиксидаги [й] ҳарфи кесимлик аффикслари орттирилганда тушиб қолади. Масалан:

یاقین ایردی که ینا صومعه دا
بولغا مین رنج خماریدا هلاک

Йақын эрди ки йана соумаъда (صومعه ибодатхона, хонақоҳ)
Болга-мэн ранж хумāрыда ҳалāк (107- бет).

شهر و کشور دین ایلیک یوب خانماندین کیچکامین
خانماندین کیم دیسون ایکی جهاندین کیچکامین

Шаҳр-у кишвардын элиг йуп хāнимāндын кэчкā-мэн
Хāнимāндын ким дэсўн ики жиҳāндин кэчкā-мэн (107- бет).

Феълнинг шарт майли. Бу майл феъл ўзак-негизларига шартлик аффикси سا -*са*, -*сā* ни қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан: олтурسا *олтурса*, яъни ўтирса, دیسا *дэсā*, яъни айтса, деса каби.

-*са*, -*сā* аффикси феълларга шартлик маъносини беради.

Шарт майлида келган феъл формаси қуйидагича тусланади:

Бирлик	
I шахс	السام <i>алсам</i> , яъни олсам, كيتسام <i>кетсәм</i> , яъни кетсам
II шахс	السانك <i>алсаң</i> , яъни олсанг, كيتسانك <i>кәтсәң</i> , яъни кетсанг
III шахс	السا <i>алса</i> , яъни олса, كيتسا <i>кәтсә</i> , яъни кетса
Кўплик	
I шахс	الساق <i>алсақ</i> , яъни олсақ, كيتساق <i>кәтсәк</i> , яъни кетсак
II шахс	السانكىز <i>алсаңыз</i> , яъни олсангиз, كيتسانكىز <i>кәтсәңиз</i> , яъни кетсангиз
III шахс	السالار <i>алсалар</i> , яъни олсалар, كيتسالار <i>кәтсәләр</i> , яъни кетсалар

Шарт майли формасидаги феъл форс тилидаги шартлик белгиси *اگر* *агар* билан ишлатилиши мумкин:

ای نوابی جانینک آغوم دور دیسا قایغورماغیل
جانغه منت قیل مونونک بیرله کر ایتسا اکتفا

Эй Навāйи жāның алғумдур дэсә қайғурмағыл
*Жāнға миннат қыл мунуң бирлә **гар** **этсә** иктифā* (83- бет).
-са, -сә аффикси фақат феъл ўзак-негизларига орттирилади¹²².

Шарт майлидаги феъл формаси бирор ёрдамчи феъл билан биргаликда ишлатилса, етакчи феъл шартлик маъносини йўқотиб, объектив имконият модаллигини ифодалайди. Масалан: *ديسا* *дэсә болгай*, яъни деса бўлади, айтса бўлади.

که زمانی یخشى یامانی بيله ایشی یوق
ديسا بولغای کی عالم دا مونداق کیشی یوق

Ки замāны йахшы йаманы билә иши йоқ
Дэсә болгай-ки, āламда мундақ киши йоқ (84- бет).

¹²² Баъзи бир сўзлар таркибиди -са, -сә мавжуд бўлиб, шартлик маъносини англатмайди, *نيمرسا* *нимарса*, яъни нарсa *کيمرسا* *кимарса*, яъни кимса каби.

عمر کیم وفا سیزدور اندین امید کوزین یاروتسا بولماس
محبوب کی بیوفادور اندین وصالی جاود طمع توتسا بولماس

’Умр-ким вафāсыз-дур андын умид кōзин йарутса болмас
(ёритиб бўлмайди)

Маҳбуб-ки бевафā-дур андын висāлы жāвид тамаъ тутса
болмас (тутиб бўлмайди) (84- бет).

Буйруқ майли. Бу майл феълларнинг ўзак-негизидан иборат бўлиб, феъл формаларининг бирламчи шаклидир. Буйруқ майли буюриш, сўраш каби маъноларни ифодалайди. Бу маънолар (буюриш, сўраш), одатда, иккинчи шахсга қаратилган бўлади. Масалан: *ال* *ал*, яъни ол, *اور* *ур*, яъни ур, *کیت* *кэт*, яъни кет, *کیل* *кэл*, яъни кел каби. Буйруқ майлининг иккинчи шахси бирлиги икки формага эга, содда форма (*ол*, *ур* каби) ва кенгайган форма. Буйруқ майлининг кенгайган формаси буйруқ майлининг иккинчи шахсининг бирлигига *غیل* -*гыл* / *کیل* -*гил* аффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: *قیلغیل* *қылгыл*, яъни қил, *ایتکیل* *этгил*, яъни қил, *кэтکیل* *кэтгил*, яъни кет.

قرا کوزوم کیل و مردوم لوق ایمدی فن قیلغیل
کوزوم قراسیدا مردم کیبی وطن قیلغیل

Қара кōзўм кэл-у мардумлуқ эмди фан қылгыл
Кōзўм қарасыда мардум киби ватан қылгыл.

یا بو تفتیش ترکی نی ایتکیل
یا کی بیلکاه باشینک الیب کیتکیل

Йā бу тафтиш таркини этгил
Йā ки билгāх башың алып кэтгил (35- бет).

Баъзан *غیل* -*гыл* / *کیل* -*гил* аффикси охиридаги [л] ҳарфи [н] ҳарфи билан алмашилиб, *غین* -*гын* / *کین* -*гин* шаклида қўлланади. Масалан:

دیمانک که قاشلاری محرابیدا تیلاک تیلاکین
منکا که قاشلاری محرابی اوق تورور تیلاکیم

Дэмәһ-ки қаишлары мэхрәбыда тиләг **тиләгин** (яъни талаб қил)

Меһә-ки қаишлары мэхрәбы-оқ турур тиләгим.

مین و مغ دیری کیم هر سائل اندا شه ساری باقماس
دیکن ای شیخ همت تین مو یا شوکت تین ایرکین مو

Мән-у муғ дайри-ким ҳар сәйил анда шаҳ сары бақмас,
Дэгин эй шайх ҳимматин-му йә шавкаттын эркин-му.

Мирзо Мехдихон буйруқ майлининг кенгайган формасини ясовчи *غیل -ғыл / کیل -гил* аффиксини зойида, яъни грамматик маънога эга бўлмаган белги деб талқин этиб хатоликка йўл қўйган. А.М. Шчербак эса қатъий императивлик маъносини ифода қилади деб тушунтиради¹²³. А.Н. Кононов *غیل -ғыл / کیل -гил*, *-кил* аффикси буйруқ маъносини юмшатиб, уни илтимос, истак оттенкаларини билдиради деб тушунтиради¹²⁴. Бизнинг фикримизча, А.Н.Кононов таърифи ҳақиқатга яқин.

Алишер Навоий асарларида баъзан буйруқ майлининг иккинчи шахс бирлик формасига [-у] аффикси орттирилиб ишлатилган. Масалан:

ای صبا اواره کونکوم ایستایو هر یان بارو
وادی و تاغ و بیابانلارنی بیر بیر اختارو
تاپا کورانی جو تاپسانک هر قایان عازم ایسا
باشینه ایورول قویوندیک داغی الداب قایتارو

Эй саба̄ ав̄ара көңлүм истайӯ ҳар йан **бару**
В̄ади-йу тағ-у бий̄аб̄анларны бир-бир **ахтару**
Тапа көр аны чу тапсаң ҳар қайан **азим эсә**
Башына уйурул қуйун-дэг дагы алдап **қайтару** (36- бет).

¹²³ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 154-155.

¹²⁴ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 206; Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: Ўз ФАН, 1957. – Б. 419.

Насирий буйруқ майлининг иккинчи шахс бирлик формасига орттирилган *-ку* аффикси келаси замон маъносини ифодалайди, Толи Ҳиравий эса буйруқ феълига таъкид, кучайтирув оттенкаларини беради, деб тушунтиради¹²⁵. Мирзо Меҳдихон эса мазкур фикрларга қарши чиқиб, *[-у]* аффикси ҳеч қандай маъно англатмай, *و* *-ар*, *-ёр* билан тугалланган буйруқ феълига орттирилади, деб таъкидлайди.

«Ҳозирги замон ўзбек тили» асарида Алишер Навоий асарлари тилининг морфологик хусусиятлари тушунтирилиб, *истайў*, *бару*, *ахтару*, *қайтару* феълларида *[-йу]*, *[-йў]* ва *[-у]*, *[-ў]* аффикслари ҳозирги ўзбек тилидаги *-гин* ёки *-гил* вазифасида ишлатилган, деб кўрсатилади¹²⁶. Профессор А.Н. Самойлович ўзининг «XVIII аср форс туркшуноси Мирзо Меҳдихон»¹²⁷ деган мақоласида Мирзо Меҳдихоннинг йўл қўйган камчиликлари ҳақида гапириб, *[-у]* аффикси буйруқ майли формасини эмас, балки архаик равишдош формасини ясайди, дейди. А.М. Шчербак эса буйруқ майлидаги *[-у]* аффикси вазн талаби билан ўзакларнинг чўзилиши натижасида вужудга келган, деб тушунтиради. Бизнингча, А.Н. Самойлович фикри ҳақиқатга яқиндир.

Буйруқ майлининг иккинчи шахс кўплик формаси *نک -η*, *-ыη*, *-иη*, *-уη*, *-ўη*, *نکیز -ηыз*, *-ηиз*, *نکوز -ыηуз*, *-иηўз*, *-уηуз*, *-ўηгўз*, *نکلار -ηлар*, *-ηләр*, *-ыηлар*, *-иηләр*, *-уηлар*, *-ўηләр* аффикслари ёрдамида ясалади¹²⁸: *باشلانک* *башилаη*, яъни бошланг, *الینک* *алыη*, яъни олинг, *کیلینک* *кэлиη*, яъни келинг, *اوقونک* *оқуη*, яъни ўқинг, *کورونک* *көрўη*, яъни кўринг, *توتونک* *тутуη*, яъни тутинг, *باشلانکیز* *башилаηыз*, *الینکیز* *алыηыз*, *کیلینکیز* *кэлиηиз*, *اوقونکوز* *оқунуз*, *کورونکوز* *көрўηўз*, *کیلینکلار* *кэлиηләр*, *باشلانکلار* *башилаηлар*, *الینکلار* *алыηлар*, *کیلینکلар* *кэлиηләр*, *اوقونکلار* *оқуηлар*, *کورونکلار* *көрўηләр*, *توتونکلار* *тутуηлар*¹²⁹.

¹²⁵ Мабониу-л-луғат. – Б. 36.

¹²⁶ Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: Ўз ФАН, 1957. – Б. 31.

¹²⁷ Самойлович А.Н. Персидский тюрколог XVIII века Мирза Меҳди-хан // Известия Общества обследования и изучения Азербайджана. №5. – Баку, 1927. – С. 9-10.

¹²⁸ *Қиёсланг*: Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихи морфологияси. – Т., 1964. – Б. 80-81.

¹²⁹ Форс тилида буйруқ майлининг иккинчи шахс кўплик формаси фақат *ۛ* *-ид* аффикси орқали берилади. Шунинг учун мазкур формалар кўрсаткичлари бир хил таржима қилинади.

کورونكلار عشق دشتين كيم نسيم ولادين [؟] دايم
كهى جانبخش سلقين دور كهى مهلك شرار اندا

Көрүңләр 'ишқ даштын ким насими валāдын дāйим
Гаҳи жāнбахш салқын-дур гаҳи маҳлак шарāр анда (57- бет).

Буйруқ майлининг учинчи шахс бирлик формаси *-дик*, *-сун*, *-сўн*, *سۇن* -*сун*, *سۇن* -*сўн*, *غاي* -*гай* / *كاي* -*гай*, *-кай* аффикслари ёрдамида ясалади: *асрадик*, яъни *асрасин*, *سوردىك* *сордик*, яъни *сўрасин*, *اولدىك* *олдик*, яъни *бўлсин*, *اسراسون* *асрасун*, яъни *асрасин*, *سورسون* *сорсун*, яъни *сўрасин*, *السون* *алсун*, яъни *олсин*, *اسراغاي* *асрагай*, яъни *асрасин*, *سورغاي* *соргай*, яъни *сўрасин*, *كەلگاي* *кэлгай*, яъни *келсин* каби.

كيم كه كونكلىن ايستاماس غمكىن تىلىنى اسرادىك
كيم تىلى تىغان كىشى نىنك كونكلىدا آزارايماس

Ким-ки көңлин истāmас гамгин тилини асрадик,
Ким тили тийган кишиниң көңлидā āzār эмās (37- бет).

-дик аффикси вазифаси жиҳатидан кўпроқ, *-сун*, *-сўн* аффиксига яқиндир¹³⁰.

Буйруқ майлининг учинчи шахс кўплик формаси буйруқ майлининг *سۇن* -*сун*, *-сўн*, *-дик* аффикслари ёрдамида ясалган учинчи шахс бирлик формасига *-лар* аффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: *اولسونلار* *олсунлар*, *اولدىنكلار* *олдылар*, яъни *бўлсинлар*, *سورسونلار* *сорсунлар*, *سوردىكلار* *сордиклар*, яъни *сўрасинлар*.

وطن غه يانيب خلق آسوده دل
بارى بيزدين اولدىكلار اما بخل

Ватанга йанып халқ āсуда дил
Бары биздин олдиклар амма бəҳил (38- бет).

¹³⁰ *-дик* аффикси ҳақида қаранг: Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 158-159; Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Т., 1959. – Б.80.

شام هجرانيم وصال اهليغه بيحد قيسقه دور
انى سورديكلار نوائى ديده كريانيدين

*Шām-и ҳижрāным висол аҳлыға бэҳад қысқадур
Аны сордиклар Навāйи дида-йи гирийāнидин (38- бет).*

Буйруқ майлининг учинчи шахс бирлик формаси ундош билан тугалланган феъл ўзак-негизларига [a] аффиксини орттириш билан ҳам ясалади. Масалан: тариле тарыла, яъни экилсин.

تا ايشيم توشتى بير اغزى تاريله
كونكلومي اسرار ساجى بير تاريله
كوز توتارمين كيم كوزوم نينك سوئى دين
كونكليدا تخم محبت تاريله

*Tā ишим тушты бир агзы тār илā
Kōñlūми асрар сачы бир тār илā
Kōз тутар-мэн-ким кōзўмниñ суйыдын
Kōñлидā тухм-и муҳаббат тарыла (экилсин) (26- бет).*

Буйруқ майлининг инкор формаси буйруқ феълига инкор билдирувчи -ма, -mā аффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: барма, яъни борма, кэлмā, яъни келма каби. Инкор билдирувчи -ма, -mā аффикси буйруқ феълига ясовчи аффикслардан кейин, аммо тусловчилардан аввал қўшилади. Масалан: бармагыл, бармагын, яъни бормагил, кэлмāгил, кэлмāгин, яъни келмагин, алмагыл, алмагын, яъни олмагил.

نيجه ديديم اول صنم غه بارماغين (يعني مرو)
قىلمادى اول ترك آخر بارماغين

*Нэча дэдим ул санамга бармагын (яъни бормагин)
Қылмады ул тарк āхир бармагын¹³¹.*

¹³¹ Муаллиф бармагын, яъни бормагин сўзини انگشت ангушташ, яъни бармоги деб нотўғри таржима қилган.

ای نوائی تیلاسانک دولت باقی تاپماق
الماغین دیر فنا یولیدینا صلا عارض

*Эй Навāйи тилāсāй давлат-и бāқи тапмақ
Алмағын дайр-и фанā йолыдын аслā āриз (39- бет).*

Агар буйруқ феъли таркибида *ما* -*ма*, -*мā* морфемаси мавжуд бўлса (*ياما* *йама*, яъни *яма*, *سرما* *сэрма*, яъни қутқар каби) яна унга бир *ما* -*ма*, -*мā* орттирилади. Масалан: *ياماما* *йамама*, яъни *ямама*, *سرماما* *сэрмама*, яъни қутқарма.

Истак майли. Истак майли феълнинг ўзак-негизига -*й*, -*йин*, -*йин* аффиксини қўшиш билан ясалади. Одатда, бу майл биринчи шахсга нисбатан қўлланиб, дарслик ва қўлланмаларда буйруқ феълнинг биринчи шахси деб қаралади. Истак майли буйруқ маъносини ифодаламай, истак, илтимос, ялиниш каби маъноларни англатади. Шунинг учун бу майл «Мабониу-л-луғат»да буйруқ майлидан ажратилган ҳолда тушунтирилган. Истак майлининг кўплик формаси белгиси -(*а*)*лы*, -(*а*)*ли*, -(*а*)*лығ*, -(*а*)*лиғ* аффиксларидан иборат. Масалан: *الاي* *алай*, *الايين* *алайин*, яъни олай, олайин, *ايتاي* *этай*, *ايتايين* *этайин*, яъни қилай, *الالي* *алалы*, яъни олайлик, *ايتالي* *этали*, яъни қилайлик, *الالينک* *алалығ*, яъни олайлик, *ايتالينک* *эталиғ*, яъни қилайлик.

خوش اول که بهار فصلی بو دنیاده
بولغای طرب اسبابی باری امادا
کر بولماسا اسباب ایتالینک دنکانه
بیزدین کزک و طعام و سین دین باده

*Хуш ул-ки баҳār фаслы бу дунйāда
Болғай тараб асбāбы бары āмāда
Гар болмаса асбāб этāлиғ дағāна
Биздин газак-у тағāм-у сэндин бāда (62- бет).*

Рум туркларида *لى* -лы, -ли аффикси биринчи шахс кўплик маъносини англатмай, пайт, вақт маъносини ифодалайди. Масалан: *олалы*, яъни бўлгунча:

کرفتار غم عشق اولالی ازاده دهرم
غم عشقه بنی بوندين بتر يا رب کرفتار ايت

Гирифтār-и ғам-и 'ишқ олалы āzāda-йи даҳрам
Ғам-и 'ишқа бāни бундин баттар йā раб гирифтār эт
(62- бет),

яъни *Тақдирим озодаси ишқ ғамига гирифтор бўлгунча, эй худо, мени ишқ ғамига бундан ҳам бадтар гирифтор қил.*

Феълнинг бўлишсиз формалари. Феълларнинг бўлишсизлик белгиси инкор билдирувчи *ما* -ма, -mä аффикси бўлиб, феъл ўзак-негизларига, яъни тусловчилардан аввал қўшилади. Масалан: *الماماق алмамақ*, яъни олмаслик, *کيلماماک кэлмāмāк*, яъни келмаслик, *المادی алмады*, яъни олмади, *کيلمادی кэлмāди*, яъни келмади, *جاقيلمایدور чақылмайдур*, яъни (ўт) чақилмайди¹³²:

دميم بخاری بولوتيدا درد کاجي دين
کوزومکا هيچ نفس يوق که اوت جاقيلمایدور

Дамим бухāри булутыда дард кāжсыдын
Közümgā ҳеч нафас йоқ-ки от чақылмайдур.

ماس -мас, -mäс (-ма-с; з-р)¹³³ аффикси ёрдамида ясалган келаси замон сифатдошининг бўлишсиз формаси ҳозирги-келаси замон феълнинг учинчи шахс бирлик бўлишсиз формаси тушунчасини ифодалайди. Масалан: *الماس алмас*, яъни олмайди, *ديماس дэмāс*, яъни айтмайди, демайди.

ماس -мас, -mäс формаси рум туркларида *مز* -маз, -mäз шаклида ишлатилади. Масалан: *يازمز йазмаз*, яъни ёзмайди.

¹³² Мирзо Мехдихон ҳозирги-келаси замон феъли инкор билдирувчи *ما* -ма, -mä аффиксини қабул қилмайди, дейди. Бўлишсиз форма яшаш учун эса феъл ўзак-негизига *مايدور* -майдур, -mäйдур орттирилади, деб таъкидлайди. Бу ерда ноаниқлик бор.

¹³³ *ماس* -мас, -mäс ҳақида қаранг: Кононов А.Н., 226-бет; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 147.

سینی ملک کورہ لی یازمز اولدی عشقی کناہ
ولی یازیلدی بو یوزدین بسی ثواب انکا

*Сэни малак көрәли йазмаз олды 'ишқы гунāх
Вале йазылды бу йүздин басы савāб аңа (41- бет).*

Ҳозирги-келаси замон феълининг биринчи шахс бўлишсизлик формаси феъл ўзак-негизига *ман* -ман, -мāн, *аман* -аман, -āмāн аффиксини қўшиш билан ҳам ҳосил қилинади. Масалан: *кисман* *кэсмāн*, *кисаман* *кэсāмāн*, яъни кесмайман, *айтман* *этмāн*, *айтаман* *этāмāн*, яъни қилмайман.

بلا باشيمغه بسی کیلدی قويمادیم عشقینک
کیس امدی انی یوق ایرسا بولار بیلہ کیسامان

*Балā башымга басы кэлди қоймадым 'ишқын
Кэс эмди аны йоқ эрсā булар билā кэсāмāн (42- бет),
яъни Бошимга кўп балолар келди, ишқингни тарк қилмадим.
Энди уни кес (тарк қил), йўқ эса ҳарғиз (уни) кесмайман (тарк қилмайман).*

Рум туркларида ҳам *ман* -ман, -мāн бўлишсизлик маъносини ифода қилади. Масалан: *айдаман* *эдāмāн*, яъни қилмайман.

ایدامان ترک فضولی سر کویین یارنینک
نه قدر ظلم ایدرسه بنکا خوشدر وطنم

Эдāмāн тарк Фузулий сар-и куйин йārннй,
На қадар зулм эдāрсā баңа хушдур ватаным,
яъни Эй, Фузулий, ҳеч қачон ёрнинг кўчасини тарк қилмайман,
ҳар қанча зулм қилса ҳам (менга шу) ватаним яхшидир.

Баъзан *ман* -ман, -мāн биринчи шахс бирлик шахс-сон қўшимчасини қабул қилади¹³⁴. Масалан: *тапманам* *тапманам*, яъни топмайман.

¹³⁴ Бу форма эски ўзбек тилида кам қўлланилади. Рум ва Эрон туркларида эса кенг қўлланади.

جو خوئی نازک ایرور تایمانام علاجین اینیک
قاشیغه بار غالی هر نیجه جاره ایلارمین

*Чу хуи нāзук эрўр тапманам илāжын аныў
Қашыға барғалы ҳар нэчā чāра айлар-мэн.*

Феъл нисбатлари. Эски ўзбек тилида феълнинг ўзлик, мажҳул, биргалик ва орттирма нисбатлари бор¹³⁵.

Ўзлик ва мажҳул нисбати. Бу нисбат феъл ўзак-негизларига [-л] ва [-н] аффиксларини қўшиш билан ясалади. Масалан: *توتولماق* тутулмақ, яъни тутилмоқ, олинмоқ, *يېباريلماق* ййбарилмақ, яъни юборилмоқ, *باغلانماق* бағланмақ, яъни боғланмоқ, *كورونماق* кўрунмақ, яъни кўринмоқ.

Агар нисбат [-н] аффикси билан ясалса, феъл ўзаги орқали англашилган иш-ҳаракатнинг эга томонидан бажарилганлигини ва ҳаракат бажарувчининг ўзига қаратилганлигини англатади, яъни ўзлик нисбати ҳосил қилинади.

Агар нисбат [-л] аффикси билан ясалса, феъл ўзаги орқали англашилган иш-ҳаракатнинг эга томонидан эмас, балки бошқанинг ҳаракатини ўзига қабул қилувчи эканлигини кўрсатади, яъни мажҳул нисбати ҳосил қилинади. Масалан: *ياسانماق* йасанмақ, яъни ясанмоқ, ўзини ясатмоқ, *ياسالماق* йасалмақ, яъни ясалмоқ, *اورونماق* урунмақ, яъни ўзини унга-бунга урмоқ.

ياساردا بولسا هر صنعت غه مشغول
ياسالغاج بولغوسى عشرت غه مشغول

*Йасарда болса ҳар санъатга машғул,
Йасалғач болгусы ширатга машғул (12- бет).*

ايرانلار ياسانماغى كه نمايش اوجون دور خاتونلار بينانماكى دور

¹³⁵ Фердаус С.А. Категория залога в узбекском языке: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Т., 1953. – С. 18; Ғуломов А. Феъл. – Т., 1954. – Б. 59-69; Баскаков Н.А. Залоги в каракалпакском языке. – Т., 1951. – С.31; Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т., 1965. – Б. 123-130; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 187-197.

*Ирāнлар йасанмағы-ки намāйиш үчүндүр хатунлар
бэйнмакидүр¹³⁶ (12- бет).*

Ўзлик нисбати баъзан [-л] аффикси билан ясалади: қилинмақ, қилилмақ, қылынмақ, қылылмақ, яъни қилинмоқ.

اكر كتاب لارر تصنيف قىلىلسا و مجلدلار ايتىلسا
Агар китāблар тасниф қылынса ва мужалладлар этилсā
(12- бет).

قارى ليغ ايرور كونكلىكا سينماق حسرت
جانىغە قارى ليغنى قىلىنماق حسرت

*Қарылығ эрүр көңлигā сынмақ ҳасрат
Жāныға қарылығны қылынмақ ҳасрат (12- бет).*

Баъзан мазкур нисбатлар кўрсаткичи [-л] ва [-н] аффикслари тушиб қолиши мумкин. Масалан: айрилмақ, эрилмақ, эриммақ, яъни эримоқ, қалинмас, қалынмас, қалмас, яъни қолмайди.

جو بيردينك ايكى لعلىنكا نوشخند
اويات تين ايريلدى ارا يردا قند

*Чу бәрдиң икки лалыңа нушханд
Уйаттын эрилди ара йэрдā қанд (13- бет).*

عشقينك اوتين كر نوائى ديساكيم ايلاي رقم
سوزيدىن كويار قلم قورور قرا ايرور دوات

*‘Ишқың отын гар Навāйи дэсā-ким āйлāй рақам
Сөзидин куйār қалам қурур қара эрир давāt (13- бет).*

تا كيم اول كل سيز بولوت ينگليغ هوائى بولميشام
بزم عيشى ياديدىن اشكم قالىنماس باده دين

*Tā ким ул гулсиз булут йағлығ ҳавāйы болмышам
Базм айшы йāдыдын ашкам қалынмас (қолмайди) бāдадын.*

¹³⁶ бэзнмакидүр бўлиши керак.

Биргалик нисбати. Биргалик нисбатининг белгиси *-ш*, *-уш* аффикси бўлиб, феълнинг ўзак-негизига қўшилади. Бу нисбат бирор ҳаракатнинг биргалик ва ҳамкорликда бажарилганлигини ифодалайди. Масалан: *اوروشماق* *урушмақ*, яъни бир-бирини урмоқ, *توتوشماق* *тутушмақ*, яъни бир-бирини тутмоқ, ушламоқ, *كوروشماق* *көрүшмәк*, яъни бир-бирини кўрмоқ.

Агар феълнинг ўзак-негизига *[ш]* ҳарфи мавжуд бўлса (*توشماق* *тўшмәк*, яъни йиқилмоқ, тушмоқ каби), яна бир *[-ш]* орттирилиб, биргалик нисбати ясалади. Масалан: *توشوشماق* *тўшўшмәк*, яъни биргаликда йиқилмоқ.

Баъзан *[-ш]* аффикси феъл ўзак-негизларига қўшилиб, ҳеч қандай грамматик маъно англатмайди. Масалан: *قوروماق* *қурумақ* // *قوروشماق* *қурушмақ*, яъни қуримоқ, *ياروماق* *йарумақ*, *ياروشماق* *йарушмақ*, яъни равшан бўлмоқ, ёришмоқ.

که بیر کورماک بيله حسنونکنی ای حور
اول اوت تین کونکلوم انداق بولدی محرور
که اندین شعله جون جانیمغه توشتی
قوروشماق تنداکی قانیمغه توشتی

*Ки бир көрмәк билә хуснуңны эй хур
Ул оттын көңлүм андақ болды маҳрур
Ки андын шуъла чун жәнымга тушти
Қурушмақ тандаги қāнымга тушти* (94- бет).

شهد لبی تابدين قوروشتی
یوق یوق بیرى بیریکا یاپوشتی

*Шаҳд лабы тāбдын қурушты
Йоқ йоқ бири биригә йапушты* (94- бет).

کیم اوتلاریدین جهان یاروشتی
خرمن لاریغه بو شعله توشتی

*Ким отларыдын жиҳāн йарушты
Харманларыға бу шуъла тушти* (94- бет).

Орттирма нисбат¹³⁷. Бу нисбат ҳаракатнинг ўтимлилашиши маъносини англатади ва бир неча аффикслар ёрдами билан ясалади. Бу нисбатнинг белгиси ўтимсиз феълга қўшилганда, уни ўтимлига айлантиради; ўтимлига қўшилганда эса, яна янги ўтимли феъл ҳосил қилади. Орттирма нисбат ясовчилар қуйидагилар: *دور* -*дур*, *дўр* / *تور* -*тур*, -*тўр*: *اورماق* *урмақ*, яъни урмоқ – *وردورماق* *урдурмақ*, яъни урдирмоқ, *سورماق* *сормақ*, яъни сўрмоқ, сўрамоқ – *سوردورماق* *сордурмақ*, яъни сўрдирмоқ, сўратмоқ, *الماق* *алмақ*, яъни олмоқ – *الدورماق* *алдурмақ*, яъни олдирмоқ, *چالماق* *чалмақ*, яъни чалмоқ – *چالدورماق* *чалдурмақ*, яъни чалдирмоқ, *توتماق* *тутмақ*, яъни тутмоқ – *توتurmaق* *туттурмақ*, яъни туттирмамоқ, *اتماق* *атмақ*, яъни отмоқ, ташламоқ – *اتتورماق* *аттурмақ*, яъни оттирмамоқ.

Баъзан [т] ҳарфи билан тугалланган феъл ўзак-негизларидан *تور* -*тур*, -*тўр* аффикси ёрдамида орттирма нисбат ясалганда, бир [т] ёзувда ифодаланмайди. Масалан: *تاتماق* *татмақ*, яъни татимоқ, тотмоқ – *تاتتورماق* ўрнига *татурмақ*, *ياتماق* *йатмақ*, яъни ухламоқ, ётмоқ – *ياتتورماق* ўрнига *йатурмақ*.

اتماق *атмақ*, яъни отмоқ, ташламоқ, *توتماق* *тутмақ*, яъни тутмоқ, ушламоқ феълларидан орттирма нисбат *تور* -*тур* аффикси билан ясалганда ёзувда ҳар икки [т] ҳарфи ифодаланади. Масалан: *اتماق* *атмақ*, *اتتورماق* *аттурмақ*, *توتماق* *тутмақ*, *توتتورماق* *туттурмақ* каби.

Баъзан орттирма нисбат ясовчи *دور* -*дур*, -*дўр* / *تور* -*тур*, -*тўр* аффиксидаги [д] ва [т] ҳарфлари тушиб қолади. Масалан: *اشماق* *ашмақ*, яъни ўтмоқ – *اشدورماق* *ашдурмақ* ўрнига *اشيورماق* *ашиурмақ*, *قاجماق* *қачмақ*, яъни қочмоқ – *قاجتورماق* *қачтурмақ* ўрнига *قاجورماق* *қачурмақ*.

ت -*т*: *اوجراماق* *учрамақ*, яъни дучор бўлмоқ, учрамоқ – *اوجراتماق* *учратмақ*, яъни учратмоқ, *سودراماқ* *сўдрәмәк*, яъни ер бўйлаб тортмоқ – *سودراتماқ* *сўдрәтмәк*, яъни судратмоқ, *قودورماق* *қудормақ*.

¹³⁷ Орттирма нисбатнинг маънолари ва ишлатилиши ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 193-196; Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: Ўз ФАН, 1957. – Б. 436-438.

¹³⁸ *توتتورماق* бўлиши керак.

қудурмақ, яъни девона бўлмоқ, қутирмоқ – қудуртмақ, яъни қутиртирмоқ, олтурмақ, яъни ўтирмоқ – олтуртмақ, яъни ўтказмоқ, олтурмақ, яъни ўлдирмоқ – олтуртмақ, яъни ўлдиртирмоқ.

معانی سپاہینی جان ملکیدین
نی جان ملکیدین لا مکان ملکیدین
یاساق برله یتکورتایین فوج فوج
که توتسون جریک نی حسیض و نی اوج

*Маъъани сипаҳи́ни ж̣а́н мулкидин
Нэ ж̣а́н мулкидин ламака́н мулкидин
Йасақ бирлә йэ́ткү́ртә́йин фавж фавж
Ки тутсун чэ́рикни ҳазиз-у нэ авж (15- бет).*

қутулмақ, яъни халос бўлмоқ, қутилмоқ – қутқармақ, яъни қутқармоқ, тоймақ, яъни тўймоқ – тойғармақ, яъни тўйғазмоқ.

чоммақ, яъни шўнғимоқ – чомурмақ, яъни шўнғитмоқ, чөкмақ, яъни чўкмоқ, ўтирмоқ – чөкәрмақ, яъни чўктирмоқ (... туяни), кэчмақ, яъни ўтмоқ, кечмоқ – кэчүрмақ, яъни кечтирмоқ, ўтказмоқ, кочмақ, яъни кўчмоқ – кочүрмақ, яъни кўчирмоқ, кетмақ, яъни кетмоқ – кетәрмақ, яъни кеткизмоқ, тугмақ, яъни туғмоқ – тугурмақ, яъни туғдирмоқ.

йазмақ, яъни хато қилмоқ – йазғурмақ, яъни хато қилдирмоқ, азмақ, яъни йўлдан адашмоқ – азғурмақ, яъни йўлдан адаштирмоқ.

тамызмақ, яъни томмоқ – таммақ, яъни томизмоқ, ақмақ, яъни оқмоқ – ақизмақ, яъни оқизмоқ каби.

Кўмакчи феъллар. Баъзи бир феъллар мавжудки, улар мустақил маъно англатиши билан бир қаторда қўшма феъл

составида кўмакчи элемент вазифасини бажаради. Кўмакчи вазифасида келадиган махсус феъллар қуйидагилардан иборат: *الماق* алмақ, яъни олмоқ, *بيلمāk* билмāk, яъни билмоқ, *توشماک* *тушмāk*, яъни йиқилмоқ, пастга тушмоқ, *کيريشماک* *киришмāk*, яъни кирмоқ, *يازماق* йазмақ, яъни ёзмоқ, хато қилмоқ, *کورماک* *кōрмāk*, яъни кўрмоқ.

الماق алмақ, яъни олмоқ феъли: равишдошнинг [-a] формаси билан бирикиб, етакчи феълдан англашилган ишни бажара олишни, шунга қодирликни, шу ҳаракатнинг вужудга чиқишига имконият борлигини билдиради. Масалан: *الا الماق* ала алмақ, яъни ола олмоқ, ¹³⁹*بارالماق* бара алмақ, яъни бора олмоқ, боришга қодир бўлмоқ.

بيلمāk билмāk, яъни билмоқ феъли: равишдошнинг [-a] формаси билан бирикиб, олмоқ феъли сингари етакчи феълдан англашилган ишни бажара олишни, шунга ҳозирликни билдиради. Масалан: *باره بيلمāk* бара билмāk, яъни боришга ҳозир бўлмоқ, бора олмоқ.

ولى كىلتورماكيكا جاره بيلمان
بو عزيمدين اول ايشكا باره بيلمان

Вале кэлтүрмәкигә чәра билмән

Бу ажзымдын ул ишгә бара билмән (яъни бора билмайман, боролмайман) (97- бет).

توشماک тушмāk, яъни йиқилмоқ, (пастга) тушмоқ феъли: равишдошнинг [-a] формаси билан бирикиб, етакчи феълдан англашилган ишнинг бошланишини билдиради. Масалан: *اتا* *тәтүшмāk*, яъни ота бошламоқ, отишга киришмоқ.

اضطراب ايلابان اتا توشتي
بیر ايکي اوق ولى خطا توشتي

Изтирāб айләбән ата түшти (яъни отишга киришди)

Бир-икки оқ вале хатā түшти (97- бет).

¹³⁹ *بارا الماق* бўлиши керак.

کیریشماک *киришмăк*, яъни кирмоқ феъли: равишдошнинг [-a] формаси билан бирикиб, тушмоқ феъли сингари етакчи феълдан англашилган ишнинг бошланишини билдиради. Масалан: *توتا* *күта киришмăк*, яъни тута бошламоқ.

... که عشرت پیمانہ لارین تولدوروب مجلس اہلیغہ توتا کیریشتی لار و مروق چاغیرلارنی ہم مجلس اہلی توتا کیریشتی لار

... *ки ишрат паймāналарын толдуруп мажлис аҳлыга күта киришитилăр* (яъни тута бошладилар) ва мураввақ чағирларны ҳам мажлис аҳлы тута киришитилăр (97- бет).

يازماق *йазмақ*, яъни ёзмоқ, хато қилмоқ феъли: равишдошнинг [-a] формаси билан бирикиб, тушмоқ, киришмоқ феъллари сингари етакчи феълдан англашилган ишнинг бошланишини билдиради. Масалан: *اوروشا يازماق* *уруша йазмақ*, яъни уруша бошламоқ.

خسرو شاه ياساشيب كيليشيب و اوروشا يازيب آيريليپ ناصر ميرزا بدخشان ساري تارتتي

Хисрав шāх йасашып кэлишип ва уруша йазып (яъни уруша бошлаб) айрылып *Нāсир Мирзā Бадахшан сары тартты* (97-бет).

كورماک *көрмăк*, яъни кўрмоқ феъли: равишдошнинг [-a] формаси билан бирикиб, етакчи феълдан англашилган ишни тез бажаришга ташвиқ, қисташ маъносини англатади. Масалан: *قيلا* *қыла көрмăк*, яъни (бирор нарсани) қилишга қистамоқ, ҳаракат қилмоқ.

جفا قيلور باري كلجهره لار وفا قيلا كور
وفا هم ايلكا قيلور سين ولى بنكا قيلا كور

Жафā қылур бары гулчехралар вафā қыла көр
Вафā ҳам элгā қылур-сэн вале бāнā қыла көр (98- бет).

Бу форма рум туркларининг сўзлашувида ҳам ишлатилади:

دوتا کور کوز يولين ای اشک کيم تمکينم اکسوکدر
بو صورتخانه نی کوردوکجه نقش حيرتم آرتر

*Дутā кӧр кӧз йолын эй ашк-ким тамкинам ӧксӱкдӱр
Бу суратхāнаны кӧрдӱкчā нақи ҳайратам артар (98- бет).*

Фразеологик бирикмалар. «Мабониу-л-луғат»да қуйидаги фразеологик бирикмалар кўрсатиб ўтилган.

كونكول الماق *кӧнӱл алмақ*, яъни кўнгил кўтармоқ, кўнгил сўрамоқ, قاش قرالماق *қаш қаралмақ*, яъни кеч коронғусининг тушиши, кеч кирмоқ, قولاغ توتماق *қулаг тутмақ*, яъни аҳд қилмоқ, бўйсунмоқ, باغلاماق *қабак багламақ*, яъни кишини бўлмаган нарса билан айбламоқ, бўхтон қилмоқ, ككليك ازماق *кэклик азмақ*, яъни меъданинг бузилиши, овқат ҳазм бўлишининг ёмонлашиши, قيزيل اياق و قرا *қизил аяқ ва қара тайақ*, яъни таёқни бирор қоришмага суркаб хужум қилувчи омма, قاتيع كوزلوك *қатығ кӧзлук*, яъни беҳаё, шармсиз, ساووق يوزلوك *савуқ йӱзлук*, яъни меҳрсиз, ахлоқи бузук, совуқ юз.

Тўлиқсиз феъл. Эски ўзбек тилида тўлиқсиз феъл ایدی *эди* / ايردى *эрди*, яъни эди, ايكان *экан* / ايركان *эркан*, ايکين *экин*, ايرکين *эркин*, яъни -дир, ايكاج *экач* / ايرکاج *эркач*, яъни бор бўлгач, ايرور *эрур*, яъни бор, -дир, ايماس *эмас* / ايرماس *эрмас*, яъни йўқ, бўлмайди, ايمان *эман* / ايرمان *эрман*, яъни эмасман, ايميش *эмиш* / ايرميش *эрмиш*, яъни эмиш, экан, ايسا *эса* / ايرسا *эрсä*, яъни бўлса, агар бўлса, эса формаларига эга бўлиб, булар ای *э* ва اير *эр* ўзагидан ҳосил бўлгандир. Тўлиқсиз феъл ўзи мустақил қўлланмай, от билан бирикиб, қўшма феъл ва замоннинг қўшма формасини ҳосил қилади. Тўлиқсиз феъл боғлама функциясида ҳам қўлланади:

ليلی که ايدي عرب بلاسي
هم بار ايدي قيس مبتلاسي

*Лайли-ки эди араб баласы
Ҳам бар эди Қайс муьталасы (81- бет).*

ایماس غم شامي انجم قطره لار آهيم تفيدین بیل
ني تانک کونکوزکوسين کر تيره قيلسا اوشبو نم بير کون

*Эмäs гам шāмы анжум қатралар āҳым тафыдын бил
Нә тағ кўнкөзгүсин гар тийра қылса ушбу дам бир кўн
(82- бет).*

کرجه ایمان قابل لطف و کرم
لیکن ایمان بیر یولی نومید هم

*Гарчи эмāн қāбил-и лутф-у карам
Ликан эмāн бир йолы нāумид ҳам (82- бет).*

تارارادا عقده ليغ زلفين مسلسل ايلادي چين لار
کره ميم ايکي زلفي ايکي لام آنينک تاراغ سين لار
ديسام حسن اهليني کورمانک که ظالم دور لار و قاتل
کونکول ايتور کورای شايد که مونداق ايرماس ايرکينلار

*Тарарада иқдалығ зулфын мусалсал āйлāди чинлар
Гирэх мим икки зулфы икки лām анығ тарағсинлар
Дэсām хусн аҳлыны көрмāй ки зāлимдурлар-у қāтил
Көһүл айтур көрāй шāйад ки мундақ эрмās эркинлār
(106- бет).*

نيتيب توزاتای قد کيم جسميما شکن لاردور
نيلاب توز اورای دم کيم بغريما تيکن لاردور
يوز عهد ايله مهوشلار کونکلومنی اليب ايمدی
قتل ايلاديلار عصر و بد عهد ايکان لاردور

*Нәтип тузатай қад-ким жисмымда шиканлардур
Нāйлāн туз урай дам-ким бағрымда тикāнлāрдүр
Йўз аҳд илā маҳваишлар көһлүмни алып эмди
Қатл āйлāдилār аср-у бадаҳд экāнлāрдүр (106- бет).*

ایکان *экән* / ایرکان *эркән* тўлиқсиз феъли баъзан ҳеч қандай грамматик маъно англатмаслиги мумкин, яъни «вставочный» бўлиши мумкин. Масалан:

سین ایکان سین مو نوائی تیلبه
یوقسا بیرکای کیشی لار پند سنکا

Сэн экәнсэн-мү Навāйи тэлбā
Йоқса бэргāй кишилар панд сэңā.

قاشی محرابیدين یوز قبله غه قوی دیر سین ای ناصح
موجه دیر ایکانسین وه که عاجزمین جوابیدی

Қашы мэхрāбыдын йўз қиблага қой дэрсен эй нāсих
Мунча дэр экәнсэн ваҳ ки āжиз-мэн жавāбыдын (92- бет).

ایدی *эди* / ایردی *ерди*, ایسا *эсā* / ایرса *эрсā* тўлиқсиз феълларининг парадигмаси қуйидагичадир:

Бирлик	
I шахс	ایديم <i>эдим</i> / ایرديم <i>ердим</i> , яъни эдим
II шахс	ایدینگ <i>эдинг</i> , ایردینگ <i>ердинг</i> , яъни эдинг
III шахс	ایدی <i>эди</i> / ایردی <i>ерди</i> , яъни эди
Кўплик	
I шахс	ایدوک <i>эдук</i> / ایردوک <i>ердук</i> , яъни эдик
II шахс	ایدینگلار <i>эдинглар</i> , ایرдینگلار <i>ердинглар</i> , яъни эдинглар
III шахс	ایدیлар <i>эдилар</i> / ایردیлар <i>ердилар</i> , яъни эдилар

Бирлик	
I шахс	ایسام <i>эсām</i> / ایرسام <i>эрсām</i> , яъни бўлса, агар бўлса
II шахс	ایسانک <i>эсāң</i> / ایرسانک <i>эрсāң</i> , яъни бўлсанг, агар бўлсанг
III шахс	ایسا <i>эсā</i> / ایرسا <i>эрсā</i> , яъни бўлса, агар бўлса
Кўплик	
I шахс	ایساک <i>эсāk</i> / ایرсاک <i>эрсāk</i> , яъни бўлсак, агар бўлсак

II шахс	ایسانکیز <i>эсәғиз</i> / ایرسانکیز <i>эрсәғиз</i> , яъни бўлсанғиз, агар бўлсанғиз
III шахс	ایسالار <i>эсәләр</i> / ایرسالار <i>эрсәләр</i> , яъни бўлсалар, агар бўлсалар

Р. Расулов ўзининг «Ўзбек тилининг ўрганиш тарихидан»¹⁴⁰ деган мақоласида Мирзо Меҳдихоннинг *ایکین экин* ва *ایرکین эркин* сўзларини *ایکان экән* ва *ایرکان эркән* формаларининг фонетик варианты деган фикрига қарши чиқиб, шакл томонидан ўхшаш бўлган, аммо маъно ва келиб чиқиши жиҳатидан бошқадир деб талқин этади. Р. Расулов мазкур сўзларнинг келиб чиқишини назарда тутган ҳолда «экин» ва «эркин» сўзлари ҳақиқатда «экан» ва «эркан» формаларининг фонетик варианты эканлигини тўғри тушуна олмаган. Бунга (мазкур сўзларнинг фонетик вариант эканлигига) юқорида келтирилган мисоллар далил бўла олади.

СИФАТДОШ¹⁴¹.

Ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси. Бу форма феъл ўзак-негизларига *غوجى -ғучы* / *كوجى -гўчи, -кўчи*, *اغان -аган* / *اکان -дўргән, -дўргән*, *دورغان -дурған* / *دورکان -дурқан*, *ر -р, -ар, -әр, -ур*, *غور -гур* / *کور -кўр* аффиксларини орттириш билан ҳосил қилинади.

ғужы / گوجى -гўчи, -кўчи аффикси: *الغوجى алғучы*, яъни олувчи, *کيلکوجى кэлгўчи*, яъни келувчи каби.

Толёв Ҳиравий ўзининг «Бадоиу-л-луғат» асарида мазкур *غوجى -ғучы* / *كوجى -гўчи* аффиксини ҳозирги-келаси замон сифатдоши ва ҳаракат номи мазкур маъноларини ифодалайди деб хатоликка йўл қўйган. *غوجى -ғужы* / *كوجى -гўчи* аффикси фақат сифатдош маъносини ифодалайди¹⁴².

¹⁴⁰ Расулов Р. Ўзбек тилини ўрганиш тарихидан // Ученые записки АндПИ, № 2. – Андижон, 1955. – Б. 71.

¹⁴¹ Асқарова М., Жуманиёзов Р. Ўзбек тилида равишдош ва сифатдошлар. – Т.: Фан, 1953.

¹⁴² Мабониу-л-луғат. – Б. 27.

Рум ва Эрон турклариди сифатдош ясовчи *گوجى / گۇچى* -*гучы* -*гужы* аффиксидаги *غو* -*гу*, *كو* -*гү* тушиб қолади. Масалан: *الغوجى* *алгучы* – *الىجى* *алычы*, *كېلگۇچى* *кэлгүчи* – *كېلىجى* *кэличы*, *توتقوجى* *тутқучы* – *توتۇچى* *тутучы* каби.

اغان -аган / اگان -ägän аффикси: бу аффикс ёрдамида ясалган ҳозирги замон сифатдош формаси кучайтирув ва давомдорлик маъносини ифодалайди¹⁴³. Масалан: *توتاغان* *тутаган*, яъни доим тутувчи, тутадиган, *چاپاغان* *чапаган*, яъни доим чопувчи, чопадиган, *وراغان* *ураган*, яъни доим урувчи, урадиган, *كولاگان* *куләгән*, яъни доим кулувчи, куладиган *كيساگان* *кэсәгән*, яъни ўткир, кесадиган каби (28- бет).

ر -р, -ар, -әр, -ур, -ўр аффикси: бу аффикс орқали, одатда, келаси замон ифодаланади¹⁴⁴. Масалан: *اجار* *ачар*, яъни очар, очувчи, очадиган, *كورار* *көрәр*, яъни кўрар, кўрувчи, кўрадиган *ايشيتور* *эшитўр*, яъни эшитар, эшитувчи, эшитадиган, *ايتور* *айтур*, яъни гапирар, гапирувчи, гапирадиган, *انكلار* *аңлар*, яъни аңлар, аңловчи, аңлайдиган (29- бет).

نالان مين اچار بولسا يوز اول حور پريزاد
بلبلغه نى تانك كل اچلور فصلده فرياد

Нәлән-мән ачар болса йўз ул ҳур-и паризād
Булбулга нэтаҗ гул ачылул фаслда фарйād.

لطف بيله ايلادی انسان سینی
دین یولیده قیلدی مسلمان سینی
بیردی کورارکوز و ایشیتور قولاغ
ایتور تیل عطرنی انکلار دماغ

Лутф билә әйләди инсән сәни
Дин йолыда қылды муслмән сәни
Бәрди корәр көз-у эшитўр қулаг
Айтур тил, атрны аңлар дымағ (29- бет).

¹⁴³ *Қиёсланг:* Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: Ўз ФАН, 1957. – Б. 352.

¹⁴⁴ Сифатдошнинг *р -ар, -әр / -ур, -ўр* формасининг маънолари ва ишлатилиши ҳақида қаранг: Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 145-147; Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1964. – Б. 113-116.

Ҳозирги замон сифатдошининг *ر -p, -ap, -är, -ур, -үр* формаси ҳозирги-келаси замон ва ҳаракат номи – масдар маъноларини ҳам ифодалаши мумкин. Масалан: *اغرىر* *ағрыр*, яъни оғрийди, оғримок, *چىكار* *чекәр*, яъни тортади, тортмок, *بارور* *барур*, яъни боради, бормок каби.

قطره ايچكونچه دسترس منكا يوق
غير دريا چىكار هوس منكا يوق

*Қатра ичкүнчә дастрас меңә йоқ,
Ғайр-и дарйә чэкәр* (чекмок) *ҳавас меңә йоқ* (7- бет).

تندين اوقونكنى چىكسالار اغرىردين ايماس شيونيم
اندين قىلورمين نوحه كيم اير و توشار جاندين تنيم

Тандын оқуғны чэксәләр ағрыр (оғриш, оғримок)*дын эрмәс шиваным*

Андын қылур-мән навҳа-ким айру тўшәр жәндын таным (7- бет).

بسكه قان باردى الم لار يوزلانيب هر داغيمه
ضعف افراطى ياقينلاشتوردي بارور چاغيمه

*Бас-ке қан барды аламлар йўзләнип ҳар дағыма,
Заъф ифрәты йақынлаштурды барур* чағыма (7- бет).

Бу байтдаги *بارور барур* форс тилига масдар – ҳаракат номи сифатида таржима қилинади, лекин ўзбек тили нуқтаи назаридан масдар – ҳаракат номи эмас, сифатдошдир. Мирзо Мехдихон форс тилига таржима нуқтаи назаридан қараб, сифатдошнинг *ر -p* формасини масдар маъносида ишлатилишига мазкур байтни далил қилиб келтириб хатоликка йўл қўйган.

Ҳозирги-келаси замон сифатдошининг *ر -p, -ap, -är, -ур, -үр* формаси эгалик аффикслари билан бирикса, мазкур сифатдош формаси ҳаракат номи – масдар маъносини ифодалайди. Масалан, *باروروم* *барурум*, яъни бормоғим, боришим, *چىكاريم* *чэкәрим*, яъни тортмоғим, тортишим, *اغرىريم* *ағрырым*, яъни

оғримоғим, оғришим, *барурун* *барурун*, яъни бормоғинг, боришинг, *чэкари* *чэкари*, яъни тортмоғинг, тортишинг, *ағрири* *ағрири*, яъни оғримоғинг, оғришинг, *барури* *барури*, яъни бормоғи, бориши, *чэкари* *чэкари*, яъни тортмоғи, тортиши, *ағрири* *ағрири*, яъни оғримоғи, оғриши каби (7- бет).

Ҳозирги-келаси замон сифатдоши (-*ар*, -*әр*)нинг бўлишсиз формаси *мас* -*мас*, -*мас*, *маслик* / *лиг* / *лиқ* -*лык* ва келишик аффикслари билан бирикиб, ҳаракат номи – масдарнинг бўлишсиз формасини ҳосил қилади¹⁴⁵.

چىق نوايى قارىدىنك حرمت اله مىكدە دين
سودراتورلار كيشي چىقماسلىغ ايتىب بولسا قاشانك

Чық Навāйи қарыдың ҳурмат ила майкададин
Судратурлар киши чықмаслығ этип болса қашаң (123- бет).

قاوما اى شيخ نوائىنى ايشىتماس ديب پند
كيم سنىنك¹⁴⁶ پندىنك ايشىتماسلىك انكا پند اولمىش

Қавма эй шайх Навāйины эшитмās дэп панд
Ким сэниң пандың эшитмāслик аңа панд олмыш (123- бет).

يار اغيز اجماسغه درديم سودغالى¹⁴⁷ تابتيم سبب
كوب جوجوكلىكدن يابوشمىشلار مكر اول ايكى لب

Йār ағыз ачмасға (очмасликка) *дардым сорғалы таптым*
сабаб

Köп чүчүкликдән йапушмышлар мәгәр ул икки лаб (9- бет).

اول شوخ كه ميدان سارى كوركانه سالور تيغ
كورماسكا سالور ييتسا نوائى سارى عمدا

¹⁴⁵ *маслик*, -*маслик*, -*мāслик* формаси ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 303.

¹⁴⁶ бўлиши керак.

¹⁴⁷ *сурғали* бўлиши керак.

Ул шох-ки майдан сары көргәнә салур тыг
Көрмәскә (кўрмасликка) салур йэтса Навāйи сары оmdан
(9- бет).

دورغان -дурган / دوركان -дўргән аффикси: бу аффикс
ёрдамида ясалган ҳозирги-келаси замон сифатдоши иш-
ҳаракатнинг шу онда давом этаётганлигини англатади. Масалан:
ايورولادوركان *қазадурган*, яъни қазувчи, қазаётган, *قازادورغان*
уйўрўладўргән, яъни айланувчи, айланаётган.

ارمنيه تاغى كمريدا خارا قازادورغان ايل عجزين كوروب خارا قازارغه
كمر جست ايتكانى

Арманийа тагы камарида хāра қазадурган эл ажзын көрўп
хāра қазарға камар чуст этгāни (31- бет).

جوروك سونكاكلاريم اولميش قويون ارا خاشاك
باسينغه¹⁴⁸ اويورولادوركان تنيم غبارى بيله

Чўрўк сөһәкләрим олмыш қуйун ара хāшәк
Башыңға уйўрўладўргән таным губāры билә (31- бет).

Ҳозирги-келаси замон сифатдошининг бу формаси баъзан
ҳаракат номи — масдар маъносининг ифодалаши мумкин.
Масалан:

كينت اهلى مولاناغه ديديلار كه خواجه سز نينك كيلادوركانينكز جهتى دين
فلان خراسدا بير چوقورغه كريب تور

Кэнт ахлы мавлāнāға дәдиләр-ки, хожа, сизниң
кэләдўргәниңиз жиҳатидин (келмоғингиз, келишингиз
сабаблидан) *фалāн хоррāсда бир чуқурға кириптўр* (10- бет).

غور -гур / كور -кўр, -гўр аффикси¹⁴⁹: *учгур*, яъни учқир,
тингур, яъни тинчитувчи, *وتكور* *откўр*, яъни ўтувчи,
ويغانماغور *уйғанмагур*, яъни уйғонмовчи, уйғанмайдиган.

¹⁴⁸ باشينغه бўлиши керак.

دیرمین ایلائی سرمه پر صاحب نظرینک کردینی
آه کیم اویغانماغور بختیم کوز اجماس ایقودین

*Дэр-мэн айлай сурма пар сәхиб назарның гардыны
Ах ким **уйғанмағур** бахтым көз ачмас уйқудын (32- бет).*

کورکاج اول یوزنی باشیمغه اوردی یوز تیغ بلا
کورکه جیقغور کوز باشیمغه نی بلالار کیلتورور

*Көргәч ул йүзни башымга урды йүз тыг-и балә
Көр-ки **чықғур** көз башымга нә баләлар кәлтүрүр (19- бет).*

صحتیم آزرده جانانیمدا بولغای کاشکی
رددی انینک تینماغور جانیمدا بولغای کاشکی

*Сиҳатим āзорда жәнāнымда болғай кашки
Дарды аның **тынмағур** жанымда болғай кашки (19- бет).*

Ўтган замон сифатдоши. Бу форма феъл ўзак-негизларига
миш -мыш, -миш, غان -ган / گان -гән аффиксларини қўшиш билан
ясалади.

اورمیش -мыш, -миш аффикси: المیش алмыш, яъни олган, урмыш,
яъни урган каби (22- бет).

غان -ган / گان -гән аффикси: бу аффикс билан ясалган
сифатдош формаси англатган маъно жиҳатидан сифатдошнинг
миш -мыш, -миш формасига яқин туради. Масалан: تابغان тапган,
яъни топган, بیتگان битгән, яъни ёзган.

بو تعريف قيلغان عشق معشوق وجودي بيرله قايم دور و توارد تاپغان
حالاتغه منسوبلو غلاري دايم

*Бу таъриф қылган 'ишқ маъшук вужуды бирлә қайымдур ва
таварид тапган ҳалатга мансублуглары дайым (33- бет).*

¹⁴⁹ Маъноси ва ишлатилиши ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 156; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 150-151.

Ўтган замон сифатдошининг бу формаси мантиқ нуқтаи назаридан ҳозирги-келаси замонни ифодалаши мумкин.

اول دیدی دیکان اوزی، بیرکان اوزی
بذل ارا ساجغان اوزی، تیرکان اوزی

Ул дэди дэгән өзи, бэргән өзи
Базл ара сачган өзи, тэргән өзи (30- бет).

یوق شفق مظلوم قانیغه قالیب ایردی سپهر
انی یوغان بحر اشکیم موجی دین کولاک ایمیش

Йоқ шафақ мазлум қаныға қалып эрди сәпәхр
Аны йувған бахр-и ашким мавжыдын күләк эмиш (30- бет).

Келтирилган байтлардаги *دیکان* дэгән, *بیرکان* бэргән, *ساجغان* сачган, *تیرکان* тэргән формалари дегувчи, борувчи, сочувчи, терувчи маъноларини ифодалайди. Шунга ўхшаш ўтган замон сифатдош формалари *جومورغان* чомурган, *اوجورغان* учурган ҳам чўктирувчи, учурувчи маъноларини англатади. Масалан:

بحری دور وسیع ایکریمی یوز عقل و هوش کیمه سین جومورغان و
تاغی دور رفیع هر تیغی مینک زهد و تقوا باشین اوجورغان

Баҳри-дур васиъ эгрими йўз ақл-у ҳуш кэмәсин чомурган
(чўктирувчи) ва тағьдур рафиъ ҳар тигь миъ зиҳд-у тақвāны
башын учурган (учирувчи) (30- бет).

Ўтган замон сифатдошининг *غان* -ган / *کان* -гән, -кән формаси ҳаракат номи – масдар маъносини англатиши мумкин. Масалан:

خورده ساققاندين چمن ملکيدا سلطان بولدی کل
غنچه قانلیغ کونکلیکا سالغان کره امساک ایمیش

Хурда сачқандын (сочмоқдин) чāmāн мулкида султāн болды
гул
Ғунча қанлығ көңлигә салған гирәх имсāk эмиш (9- бет).

РАВИШДОШ¹⁵⁰. Бу форма феъл ўзак-негизларига *ا* -*a*, -*ä*, *ى* -*й*, *و* -*у*, -*ў*, *ب* -(*ы*)*n*, -(*и*)*n*, *بان* -(*ы*)*бан*, -(*и*)*бән*, *كاج* -*гäч*, -*кäч* / *غاج* -*гач*, *كالى* -*гäли*, -*кäли* / *غالى* -*галы*, *ماسدينن* -*масдын*, -*мäсдин* аффиксларини орттириш билан ҳосил қилинади¹⁵¹.

-*a*, -*ä*, -*й* аффикслари: бу аффикслар ёрдамида ясалган равишдош формаси кўпинча составли феъл формалари компонентларидан бирини ташкил қилади ёки предикатив билан бириккан ҳолда қўлланади. Ундош билан тугалланган феъл ўзак-негизларидан сўнг [-*a*], унли билан тугалланган феъл ўзак-негизларидан сўнг [-*й*] аффикси орттирилади¹⁵²: *يېقىلا* *йықыла*, *йиқилиб*, *яъни йиқила*, *كولا* *күлә*, *яъни кула*, *кулиб*, *قوبا* *қона*, *яъни тура*, *туриб*, *اويناي* *ойнай*, *яъни ўйнай*, *ўйнаб*, *اسراي* *асрай*, *яъни асрай*, *асраб*, *قويا بير* *қойа бэр*, *яъни қўйиб юбор*, *чиқариб юбор*, *اىستاي كور* *истай көр*, *яъни иста*, *اوقوي كور* *оқуй көр*, *яъни ўқи*, *الا* *оқуй башлады*, *яъни ола (олмоқ) бошлади*, *اوقوي باشلادی* *оқуй башлады*, *яъни ўқий (ўқимоқ) бошлади*, *الا كيلميش* *ала кэлмиш*, *яъни олиб келган*, *الا كيلكاي* *ала кэлгäй*, *яъни ола (олиб) келсин*, *اىستاي الغاي* *истай алгай*, *яъни истай олсин*, *الامين* *ала-мән*, *яъни оламан каби* (50-53- бетлар).

عشق جو ايلكا اوت ياقيب ايكي كوزوم سوئي اقيب
هر ساري كيم كولا باقيب درد ايله بيزنى ييغلتيب

*’Ишқ чу элгä от йақып икки көзүм суйы ақып
Ҳар сары-ким күлә бақып, дард илä бизни йығлатып* (51- бет).

قاشيدا خال هندوئي كافر ايرور كه اهل دين
قطلى اوجون جيقيب تورور كوز سالادير طاقیغه

¹⁵⁰ Аскарлова М. Деепричастие в современном узбекском языке // Ученые записки ТашГПИ, вып II, Филологический сборник. – Т., 1954.

¹⁵¹ Мирзо Меҳдихон форс тили грамматикаси нуктаи назаридан (форсларда равишдош формаси йўк; *равиш* ва *ҳол* бир термин билан юритилади) равишдош формасини тушунтирган. Бу формани форс тилида мавжуд бўлган шакллари бошқа бобларда ўз аксини топган, чунки бу формалар форс тилида кўмакчи ёки олд кўмакчи (предлог)лар ёрдамида ифодаланади.

¹⁵² *Равишдошининг бу формаларининг маънолари ва ишлатилиши ҳақида қаранг:* Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 167-171.

*Қашыда хāl-и ҳинду-йи кāфир эрӯр-ки аҳли дин
Қатлы ўчўн чықып турур кōз саладыр тāқыға (50- бет).*

Равишдошнинг бу формаси баъзан такрорланиб, узоқ давом этаётган ёки такрорланиб бажарилаётган ҳаракатни ифодалайди ва ёрдамчи кесим вазифасини бажаради:

کلکشت چمن خوشتور اکر ساقی و مطرب
بو کیلسا توتا توتا و اول بیر چاله چاله

*Гулгаиш-и чаман хуштур агар сāқи-йу мутриб
Бу кэлсā **тута-тута** ва ул бир **чала-чала** (51- бет).*

فنا یولی نوائی بس قاتیغ دور
مکر اسانراق اولغای باره باره

*Фанā йолы Навāйи бас қатыгдур
Магар āсāнрақ олғай **бара-бара** (51- бет).*

اوینای اوینای اولتورور بیر بیر اولوسنی کوزلارینک
شوخی قاتل لارنی جانلار قصدیغه اویناتماغیل

***Ойнай-ойнай** өлтүрүр бир-бир улусны көзләриң
Шох қāтилларны жāнлар қасдыға ойнатмағыл (51- бет).*

کونکولدا سر عشقینک اسرای اسرای اولدوم ای ساقی
قدح توت کیم خرابات اهلیغه فاش اولسا فاش اولسون

*Кōңўлдā сирр-и 'ишқың **асрай-асрай** олдум эй сāқи
Қадаҳ тут-ким харāбāт аҳлыға фāш олса фāш олсун
(51- бет).*

-у, -ў **аффикси**: бу аффикс ёрдамида ясалган равишдош формаси равишдошнинг [-а], [-й] формасининг архаик варианты бўлиб, XIV-XVI асрлар учун китобий форма ҳисобланади¹⁵³. Равишдошнинг бу формаси жуфт ҳолатда ишлатилмайди ва

¹⁵³ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 171.

кесимлик аффикслари, кўмакчи феъллар билан бирикмайди. Масалан: *اوينايۇ* *ойнайу*, яъни ўйнаб, ўйнай, *اىستايۇ* *истайу*, яъни истай, истаб, *اسرايو* *асрайу*, яъни асрай, асраб каби.

قىزلار بىلە اويناو تالاشا
قوى ساغماغىن ايتكالى تماشا

Қызлар билә ойнайу талаша
Қой сағмағын эткәли тамаша (52- бет).

سبوحى اىستايۇ يىتكاج سحر اجلدى ايشيك
بو فتح ديردا اوتماس ايدى كمانيم ارا

*Субуҳи **истайу** йэтгәч саҳар ачылды эшик*
Бу фатҳ-и дайрда өтмәс эди гумәним ара (52- бет).

Рум турклариди равишдош формаси ундош билан тугалланган қаттиқ ўзакли феъл-негизларига *رق* -*рақ*, юмшоқ ўзакли феъл ўзак-негизларига *رك* -*рәк*, -*рәг*, унли билан тугалланган феъл ўзак-негизларига эса *يه* -*йа* аффиксларини орттириш билан ясалади: Масалан: *چاپارق* *чапарақ*, яъни чопа-чопа, *ورە رق* *урарақ*, яъни ура-ура, *كیده رك* *гәдәрәк*, яъни бора-бора, кета-кета, *كيله رك* *кәләрәг*, яъни кела-кела, *اغلايه اغلايه* *ығлайа-ығлайа*, яъни йиғлай-йиғлай, *وقويه وقويه* *оқуйа-оқуйа*, яъни ўқий-ўқий, *ديه ديه* *дәйә-дәйә*, яъни гапира-гапира (54- бет).

гач / كاج -гәч аффикси: бу аффикс ёрдамида ясалган равишдош сабаб, пайт эргаш гапларнинг кесими бўлиб кела олади, яъни асосий феъл билан бир вақтда бажариладиган ёки ундан олдин юзага келадиган қўшимча равишдаги иккинчи бир ёрдамчи ҳаракат маъносини ифодалайди. Масалан:

هر ستم كيم تند خوئيدين ييتيب
اول جو ييتكاج اه اوروب اوزدين كيتيب

Ҳар ситам-ким тонд хуидын йәтин,
Ул чу йәтгәч аҳ уруп өздин кәтин (55- бет).

کوزونک قانیمغه سیراب ایتی اوزنی نقد جان الغاج
نیجوک کیم مست بیرکای می غه نقد رایکان الغاج

*Közüñ qanımğa sērāb etti özni naqđ jān **algach**,
Nəçüñ-kim mast bərgay mayğa naqđ rāyigān **algach** (55- бет).*

Рум туркларида равишдошнинг бу формаси **каж / -gach** **айлакаж**:¹⁵⁴ **айлакаж** **жак / -жак** **жақ** аффикслари ёрдамида ясалади **айләгәч**, яъни айлагач, **қилажак**, **айде жак**, яъни қилиш билан, қилгач каби.

جان جيقار تتدين كونكول ذكر لب يار ايلاكاج
تن بولور جان ينىكى دين اول لفظى تكرار ايلاكاج

*Jān çıqar tandyn köñül zikr lab-ı yār **äylägäç**,
Tan bolur jān yañıdyñ ul lafzy takrār **äylägäç** (56- бет).*

ای دین صبر قیل اه ایلامه یاری کوره جک
بنکا دشوار دور اول کر سنکا اسان کورونور

*Эй дин сабр қыл аҳ әйләмә йәри **göräjäk**
Bäñä duşvār-дур ул гар сәңә әсән **görünür** (56- бет).*

-n, -ын, -ин, -ун, -үн / -бан, -бән аффикси: бу аффикс ёрдамида ясалган равишдош формаси кўпроқ кесим составида ишлатилиб, ўтган замон маъносини ифодалайди ва кўпинча иккинчи даражали кесим вазифасида келади. Баъзан мустақил равишдош кесим вазифасини бажариши мумкин¹⁵⁵. **алиб**, **айлабан**, яъни олган, олиб, **айләп**, **айлабән**, яъни айлаган, айлаб, **алиб-мән**, яъни олганман, **алыптур**, яъни олгандир, **алиб эди**, яъни олган эди.

چهره ياپتېنىك خسته جانيمنى انكا زار ايلابان
زلف ييغدينك تېلبه كونكولمنى كرفتار ايلابان

¹⁵⁴ *Қиёсланг*: Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 151.

¹⁵⁵ *Қиёсланг*: Щербак А.М. Кўрсатилган асар. – Б. 171-174.

*Чэхра йаптың хаста жәнымны аға зәр әйләбән,
Зулф йығдың тәлбә көңлүмни гирифтәр әйләбән* (21- бет).

کاتب صنع چو هر کیمکا بیر ایشنی رقم ایلاب
سبز خطلار غمی غه بیزنی قضا متهم ایلاب

*Kātib-i sunъ чу ҳар кимгә бир ишни рақам әйлән,
Сабз хатлар ғамыға бизни қазә муттаҳам әйлән* (21- бет).

ғәли / -ғәли / -гәли аффикси: бу аффикс ёрдамида ясалган равишдош формаси ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни, интилишни билдиради¹⁵⁶. *қилғәли*, яъни қилиш учун, қилгунча, *кәлгәли*, яъни келиш учун, келгунча каби.

ایپاکلارکیم ایشیب سین جسم لار زخمی اوچون کویا
مقید قیلغالی جانلار قوشین هم اولدور اسبابینک

*Ипәкләрким эшип-сән жисмлар захми үчүн гойә
Муқайяд қылғәли жәнлар қушын ҳам өлдүр асбәбың*
(56- бет).

دود آهيم سرودیک چيقتی و کلکون بولدی اشک
قیلغالی ترک وفا سروکل اندامیم منینک

*Дуд-и аҳым сарв-дэг чықты-йу гулгун болды ашк
Қылғәли тарк-и вафә сарвгул андәмым мениң* (56- бет).

масдин, -масдын, -мәсдин: равишдошнинг бу формаси **-н, -ын, -ин** равишдош формасининг бўлишсиз шакли маъносини ифодалайди¹⁵⁷ ва кўпинча орт кўмакчи *бурун*, яъни бурун, илгари билан қўлланилади. Масалан:

زخمیم اغزی بوتماسدین ایقوم اوجمیش ای رفیق
کویا بو اوزکا ایقو کیلتورور حمیازه دور

¹⁵⁶ *Ишлатилиши ва маънолари ҳақида қаранг:* Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 174-175; Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т., 1965. – Б. 121-122; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 243-244.

¹⁵⁷ Мирзо Мехдихон бу формани бўлишсиз масдар формаси деб қарайди. Бу – нотўғри.

Захмым агзы **бўтмәсидин** уйқум өчмиш, эй рафиқ
Гойā бу өзгә уйқу кәлтүрүр җамйāзадур,
яъни Эй ўртоқ, ярамнинг оғзи битмасдан уйқум ўчди, гўё бу
бошқа уйқу (ўлим уйқуси) олиб келувчи эснашдир (46- бет).

باش اقاريب يوز قرالغ دور ينا ترك ادب
دوست غيرت ايلاماسدين بورنا قيل عصياننى بس

Баш ақарып йўз қаралыгдур йана тарк-и адаб,
Дуст ғайрат **ййләмәсдин** бурна қыл исйāнны бас,
яъни Бош (соч) оқарганда одобни тарк қилиш юз қоралигдур,
дўст ғайрат қилмасдан бурун исённи бас қил (47- бет).

عشق نحلى نينک باری هجران ايميش اى دوستلار
بو نصيحت تين يينکيز بر عاشق اولماسدين بورون

’Ишқ нахлының бары җижрāн эмиш эй дўстлар
Бу насиҳаттын йәғиз бар āшиқ **олмасдын бурун**,
яъни Эй дўстлар, ишқ дарахтининг меваси җижрондир, бу
насиҳат мевасидан ошиқ бўлмасдан илгари енг (47- бет).

توتوب بير كرز اندين سحمكن راق
كيليپ اول غيددين پر قهر و كين راق
انى هم اور غالى ايلتيب هواغه
توشورماسدين بورون فرمان رواغه

Тутуп бир гурз андын саҳмгинрақ
Кэлип аввалгыдын пор қаҳр-у кинрақ
Аны җам урғалы элтиб җавāга
Тўшўрмәсдин бурун фармāн равāга (47- бет).

Рум туркларида равишдошнинг -масдын, -мәсдин
формасидаги [с] ҳарфи тушиб қолади. Масалан:

بو نه سرّ دور سرّ عشقینک ديمادن بير کيمسه يه
شهره دوشميش بن سنى سيودوم ديو آوازه لر

Бу нә сирдур сирр-и ’ишқың **дәмәдән** (демасдан) бир кимсайа

*Шухра дўшмиш бāн сāни севдўм дэйў āvāзалар,
яъни Бу қандай сирки, ишқингни бирор кимсага айтмасдан
сени яхши кўришим овоза бўлибди (49- бет).*

سجده گاه ایتمیشدی عشق اهلی قاشینک محرابی
قیلمادین خیل ملایک سجده آدم هنوز

*Саждагāх этмишди 'ишқ аҳлы қашығ мэхрāбыны
Қылмадын (қилмасдан) хайл-и малойик сажда-йи āдам ҳануз,
яъни Ишқ аҳли қошинг меҳробини малойикалар Одамга
сажда қилмасларидан илгари саждагоҳ қилган эдилар (49- бет).*

می ایچمادین اچیلمز ایمیش باب مغرت
سوکندلر بو بابده پیر مغان ایچر

*Май ичмāдин (ичмасдин) ачылмаз эмиш бāб-и мағфират
Согандлар бу бāбда пир-и муғāн ичār,
яъни Май ичмасдан мағфират эшиги очилмас эмиш, (чунки)
пири муғон бу эшикда қасамлар ичади (49- бет).*

هنوز دودی یتیشمادین تف اندوه و تاب ملامت دین یاندوم
*Ҳануз дуди йэтишмāдин таф-и андуҳ ва тāб-и малāматдин
йандум,
яъни Ғам ўти ва маломат тобининг тутуни етиб келмасдан
ёндим (49-50- бетлар).*

КЎМАКЧИЛАР: بیلان билә, билә, айлан, айле, اوجون ўчўн, بیلән, билән, бирлә, бирлән, яъни билан. Кўмакчилар лексик маънога эга эмас. Шунинг учун мустақил шаклда қўлланилмайди.

هجر تیغی کوب اوجون جسمیدا هریان جیکدی باش
ای نواهی مین مذلت طایری بودور پریم

*Ҳажр тыгы көп ўчўн жисмымда ҳарйан чекди баиш
Эй Навāйи мэн мазаллат тāйиры будур парим (86- бет).*

ЮКЛАМАЛАР ¹⁵⁸ . **мо** -му, -мў (форс тилидаги сўроқ юкламаси **آيا** *āya* га тўғри келади) феълларга ва бошқа сўз туркумларига қўшилиб, сўроқ маъносини англатади¹⁵⁹:

ساجينک رنگی عنبر مو دور مشک جين مو
لبينک طعمی شکر مو دور انکبين مو

Сачың раңы амбар-му-дур мушк-и чин-му
Лабың таъмы шакар-му-дур аңабин-му (54-бет).

мо, **мў** юкламаси форс тилидаги **آيا** *āyā* сўроқ юкламаси билан ҳам қўлланади:

می بیرله یوزونک تیم تیم احمر مو ایکین ایا
یا شعله ارا بیر بیر اخر مو ایکین ایا

Май бирла йўзўй тим-тим ахмар-му экин āyā
Йā шуъла ара бир бир ахгар-му экин āyā (84- бет).

جی -чы, -чи юкламаси: қисташ, илтимос маъносини англатади:

ای وادی ایمن ایچره قویچی
ایت مین سنکا اوز قاشینکدا قوي چي

Эй вāди-йи эмāн ичрā қойчы
Этмэн сэјā өз қашыңда қой-чы (93- бет).

لا -ла, лā юкламаси: таъкид ва кучайтириш маъносини англатади:

قطره خويلوق عارضينک وصفين نوائی قيلغالی
لطف طبع ابیات نظمین در مکنون قيلدی لا

Қатра хуйлуқ āразың васфын Навāйи қылғалы
Лутф табъ-и абйāт назмын дурр-и макнун қылды-ла.

¹⁵⁸ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 334-336.

¹⁵⁹ Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида **мо** -му юкламаси -ми шаклида ишлатилади. -ми юкламаси ҳақида қаранг: Ҳамраева М. -ми юкламаси ҳақида. АТМ, 3-китоб, – Т.: ЎзФА нашриёти, 1961. – Б. 468-482.

ХУЛОСА

Мирзо Меҳдихонинг «Мабониу-л-луғат» асари Алишер Навоий ва унинг замондошлари томонидан яратилган асарларга қизиқиш ва уларни ўрганиш учун тузилган грамматик очерк бўлиб ҳисобланади. «Мабониу-л-луғат» эски ўзбек тилининг биринчи илмий грамматикасидир. Асарда эски ўзбек тили грамматикасининг фонетик, морфологик ва синтактик хусусиятлари чуқур таҳлил қилинади. Бунинг исботи учун Алишер Навоий асарларида фақат бир марта учрайдиган формалар ҳам қайд қилинганлигини кўрсатиш мумкин. Масалан, «Мабониу-л-луғат» нинг 43-бетида Навоийда бир марта учраган *تايمانام* *тапманам*, яъни топмайман формаси Рум ва Эрон туркларида оддий ҳодиса эканлиги таъкидланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Мирзо Меҳдихон ўзбек адабий тилини ўрганишда тарихий ва қиёсий методлардан ҳам фойдаланган ва шу билан бир қаторда Рум ва Эрон турклари диалектида турли формаларнинг қайси тарзда ишлатилиши мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

XVIII аср форс туркологи Мирзо Меҳдихоннинг Чигатой тили (эски ўзбек тили) соҳасидаги илмий фаолияти турк элементларининг кўп йиллар давомида Эрон мамлакати маданий ҳаётида актив қатнашганлигининг яққол далили бўла олади.

Муаллиф ўзининг «Мабониу-л-луғат» грамматик очеркида баъзи бир камчиликларга йўл қўйган:

Асарда кўпгина грамматик қоидалар форс тилига таржима нуқтаи назаридан тушунтирилган. Масалан, равишдошнинг *-б*, *-бан*, *-бән* формаси форс тилига масдар тарзида таржима қилинади, лекин ўзбек тилида эса масдар маъносини англатмайди.

Асарда феълнинг *-ар*, *-әр* билан тугалланган ўзак-негизларидан буйруқ, феъли *-у*, *-ў* аффиксини орттириш билан ҳам ясалади (*бар* – *бару*, *ахтар* – *ахтару*, *қайтар* – *қайтару*) деб хатолликка йўл қўйилади. Бу форма буйруқ феъли бўлмай, равишдошнинг архаик *-у*, *-ў* формасидир. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи *-а*, *-ә* унлилари билан тугалланган феъл ўзак-негизларига *-у* (*-йу*), *-ў* (*-йў*) орттириш билан равишдош формасининг ясалишини қайд қилади: *ойнайу*, *истайў* (52- бет).

Муаллиф *алай* ёки *алайын*, *этйй* ёки *этййин* феъл формалари I, II, III шахс маъносини билдиради деб хатоликка йўл қўйган (63- бет). Ҳақиқатда эса мазкур формалар истак майлининг биринчи шахс бирлик формасидир.

Асарда келтирилган далиллар таржимаси кўп ўринда берилмайди.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Мирзо Меҳдихоннинг «Мабониу-л-луғат» асари эски ўзбек тили грамматикасига оид яратилган биринчи қимматли ва тўлиқ асардир.

2. «Мабониу-л-луғат» асаридаги грамматик материални ўрганиш ўзбек тилининг тарихий грамматикасига оид ҳал бўлмаган қатор масалаларни ҳал қилиш ва ўзбек тилининг тарихий грамматикасини тузиш учун катта аҳамиятга эга.


3. Мирзо Меҳдихон томонидан «қоф» ва «коф» ўзаклари ҳамда аффиксларнинг фонетик вариантларининг фарқланиши эски ўзбек тилини сингармонистик деб аташга тўлиқ асос бўла олади.

4. «Мабониу-л-луғат»да жонли туркий тилларда сақланмаган формалар ҳам ўз аксини топган. Бу эса катта таҳқиқий аҳамиятга эгадир.


5. «Мабониу-л-луғат» эски ўзбек тилининг фонетик, грамматик хусусиятларини ва туркий тиллар ҳақидаги форс грамматикачилигининг тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга.

ИЛЮВА


1- жадвал




Иккинчи бобнинг схематик кўриниши




Учинчи бобнинг схематик кўриниши




Тўртинчи бобнинг схематик кўриниши




Бешинчи бобнинг схематик кўриниши




Тўққизинчи бобнинг схематик кўриниши




Иккинчи мабннинг схематик кўриниши




Учинчи мабннинг схематик кўриниши




Тўртинчи мабннинг схематик кўриниши



Бешинчи мабннинг схематик кўриниши



Олтинчи мабнонинг схематик кўриниши



МИРЗО МЕХДИХОН

МАБОНИУ-Л-ЛУҒАТ

Форсийдан
ЗИКРИЛЛО УМАРОВ
таржимаси

«МАБОНИУ-Л-ЛУҒАТ»,
яъни
ЧИҒАТОЙ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ,
МУАЛЛИФ
МИРЗО МУҲАММАД МЕҲДИХОН АСТРОБОДИЙ –
НОДИР ТАРИХИНИ ТУЗУВЧИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Олқиш ул тангригаким, унинг ҳамдини турли сўзлар ва тиллар билан адо этиб бўлмайди. Ул ер ва кўкни олти кунда яратди. Буларда на бир эгриликни, на бир нотўғри жойни кўрмагайсан. Унинг зотини ҳеч қаерда, ҳеч қандай ва ҳеч қачон тавсиф қилиб бўлмайди. Ҳеч бир тил унинг сифатини тўлиқ баён қила олмайди. Саловот улуғ оллоҳ сўзигаким, унга (Муҳаммадга – З.У.) очик араб тилида баён қилинган китобни нозил қилди ва башорат қилиб ва олдиндан кўриб оламга ҳақиқатни сўзлади. Сўзларининг тўғрилигига шоҳид ва гувоҳ керак бўлмаган унинг насаби ва саҳобаларига салом. Улар наздида барча чечанлар барча тилларда васф қилинади. Тангри ёрлақагур бу ҳақир камина Муҳаммад Меҳди ёшлик чоғларимдан бошлаб, балоғат мулкининг ва сўз санъатининг амри ўткир амири Амир Алишер Навоий шеърларини камоли шавқ билан ўқишга киришганимда, менда унинг сўзларини тушунишга кучли истак пайдо бўлди. Шундан сўнг, қисқаси, қийин сўзларни йиғиб, шу сўзларнинг маъноларига бағишлаб бир китоб ёзиш орзуси хотиримдан кечди.

Гарчи асарларида исмлари кўрсатилмаган икки румлик, хиротлик Толе исмли бир киши, Фароғий, Надр Али, Мирзо Абдужалил Насирий ва бу фаннинг луғатдонларидан баъзилари Навоий асарлари тилига китоблар ёзган бўлсалар-да, лекин улар тузган луғатлар жуда ҳам қисқа бўлиб, уларга маъноси маълум бўлмаган кўп сўзлар атайлаб тушириб қолдирилган. Асарларда ўз аксини топган сўзларнинг ҳам баъзиси нотўғри бўлиб, баъзи ўринда шеърлар хато кўчирилган нусхалардан нотўғри ўқилган. Грамматик қоидага биноан уларнинг (сўзларнинг) маънолари тушунтирилиб, мазкур хато (ўқилган) шеър далил қилиб кўрсатилган. Баъзи сўзлар ўз ифодасини тўғри топган бўлса-да, ўтган замон, келаси замон, ҳозирги замон сифатдоши ва ўтган замон сифатдоши формалари бири-биридан фарқ қилинмаган. Шунинг учун бу камина улуғ Қоон

Сулаймон мартабали саховатли хоқон, Искандар сунбатли шаҳаншоҳ, фалакдек юксак тож қуёш эгаси Нодиршоҳ Афшор замонида салтанат ишларини васф этиш, сафар, ҳар хил учрашувларни, бўлиб ўтган воқеаларни ёзиш, ҳар хил амрларни эълон қилиш ва аҳоли аризаларини топшириш, ҳар хил буйруқлар ёзиш, у ёқ-бу ёққа бориб ҳал қилинадиган масалаларни ҳал қилиш билан машғул бўлган вақтимда бу асарни ёзишга киришдим.

Белгилари қиёсий¹ бўлган феъл формалари формалар ясалишининг асоси ҳисобланиб, мазкур феъл формалари ясама феъл формалари бобида тушунтирилади. (Белгилари) самоий² бўлган ҳар бир (феъл формаси) аффикслар бобида тушунтирилиб, ўқувчи мақсад водийсида овора бўлмасдан осонлик билан талаб майдонида мақсад манзилига эришиши учун ҳар бир феъл формаси ўз ўрнида зикр қилинди. Асар сўзларнинг мушкуллиги ва улар маъноларининг қийинлигига кўра «Санглох» («Тошлоқ») деб аталди. Илгари ўтган муаллифларнинг баъзи бир хатолари, рақиблар ва фазлфурушлар қиладиган эътироз ва ўчакишиш нуқтаи назаридан эмас, балки ғаразсизлик билан ўқувчилар эҳтиёжига мослаб, камчилик пардаси кўтарилиши, шубҳали ўринлари йўқолиши, муаллифларнинг хато ва нотўғри фикрлари асосида турли маънолар келиб чиқмаслиги ҳамда ўқувчи уларнинг (хато қилган олимларнинг – З.У.) сохта ва ясама сўзларини бу алоҳида сўз бўлиб, бошқа маънога эга бўлса керак, деб тасаввур қилмаслиги учун ўз ўрнида айтиб ўтилди.

¹ Қиёсий – грамматик қоидага мувофиқ, қоидалар.

² Самоий – қоидага тушмайдиган, эшитмасдан туриб билиб бўлмайдиган.

МУҚАДДИМА

Гарчи луғат тузиш қоидасига биноан ҳамма ўринда *п*, *ч*, *г* ҳарфлари ажамча ва арабча қайд қилиниши, унлиларнинг ишболи ва ишбосиз¹ ифодаланиши керак бўлса-да, лекин бу фан устоди бўлган Навоий ҳазратлари бунга риоя қилмай, ўз девонларида ажамча жим, яъни «ч» ни арабча жим, яъни «ж» билан ва ишболи унлиларни ишбосиз унлилар билан, олтинчи мабно тўртинчи расмининг турли қоидалар бобида далиллар билан тушунтирилганидек, қофия қилганлар. Шунинг учун фақир ҳам баъзи ўринларда ҳарфларнинг ажамча, арабча, ишболи ва ишбосиз ёзилишини қайд қилмадим. Турон ўзбеклари ва Мовароуннаҳр аҳолиси баъзи сўзларни (*кўрмак*, *кэзмак*, *кэлмак* каби ва ҳоказо) арабча «к», яъни «к» билан талаффуз қиладилар. Туркманлар ва Хоразм халқларида эса мазкур сўзлар араб бўлмаган халқ усулига кўра ажамча «к», яъни «г» билан ишлатилади. Шунинг учун ҳар икки гуруҳ (халқ) сўзи тўғри тушунилиб, «к» ва «г» ҳарфлари «к» билан ифодаланди. Фарқлаш лозим бўлган баъзи ўринларда ҳарф ажамча ва ишболи қайд қилинди. Асарнинг мақсади фақат Навоий ҳазратларининг шеърий ва насрий асарлари тилини таҳлил қилишдан иборат. Мўғул ва Рум сўзларидан баъзиси керакли ўринда тушунтирилди. Ул жанобнинг ажойиб фикрларининг дурдонаси сифатида келтирилган далилларда унинг (Навоийнинг – З.У.) исмини эслатишни ортиқча билиб қайд қилинмади. Ушбу маҳфилнинг пок сувидан баҳраманд ва бу мато Лайлосининг кажавакашлари бўлган шоирларнинг исмлари кўрсатиб ўтилди.

Камина ўз асарида ул жанобнинг шеърий ва насрий асарларидаги ўзи билган сўзларни тушунтирган бўлиб, мазкур асарлар ўн

¹ Асл таржимада «ишболи» атамаси ўрнида *қалин* ва «ишбосиз» ўрнида *ингичка* қўлланилган. Сўзбошида таъкидланганидек, «ишбо» мунозарали атамалардан ҳисобланади. С.Рустамийнинг ёзишича, «араб фонетикасида «ишба:ъ» деганда, ҳаракатларнинг ўз жинсдошидаги ҳарф даражасида талаффуз қилиниши тушунилади: фатҳанинг алиф даражасида, дамманинг ва:в даражасида ва касранинг йа:й даражасида. ...А.К.Боровков «ишба:ъ» атамасини унинг луғавий маъносидан келиб чиқиб «тўйинган» («насыщенный»), А.М.Шчербак «унлининг аниқ талаффузи», З.А.Умаров ва Х.Расулова «қаттиқ талаффуз» деб изоҳлашган. Аммо Мирза Муҳаммад Хойининг «Хулосайи Аббосий» ва бошқа қатор луғатшунослар асарларида бу атама, аксинча, ингичка ва тор фонемаларга нисбатан қўлланиши қайд қилинган. ...Маҳмуд Кошғарий туркий тиллардаги орқа қатор ва олд қатор унлилар араб графикасида бир хил ёзилганлиги туфайли уларни бир-биридан фарқлаш мақсадида орқа қатор унлиларга нисбатан «ишба:ъ» атамасини қўллаган».

икки жилд шеърий ва тўққиз жилд насрий (китоб)дан иборатдир. Шеърий асарлар: «Ғаройибу-с-сиғар», «Наводиру-ш-шабоб», «Бадойибу-л-васат», «Фавойиду-л-кибар», «Ҳайрату-л-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёра», «Садди Искандарий», «Лисону-т-тайр», «Арбаъини манзум», «Назму-л-жавохир». Насрий асарлар: «Маҳбубу-л-қулуб», «Мезону-л-авзон», «Хамсату-л-мутаҳаййирин», «Насойиму-л-муҳаббат», «Тариху-л-анбиё», «Тарихи мулуки Ажам», «Мажолису-н-нафойис», «Муншаот», «Вақфномайи мадрасайи ихлосия».

Ўқувчилар учун бирор ноаниқлик қолмаслиги ва уч тил орасидаги фарқ кўзга яққол ташлансин деган мақсадда асарга тушунилиши қийин бўлган баъзи форс ва араб сўзлари киритилган. Шунинг учун китоб охирида илова тақдим этилиб, ўн икки шеърий асарда учраган муҳим форс ва араб сўзлари мисоллар асосида қисқача тушунтирилган.

Луғатларда ўз аксини топмаган, лекин қайд қилиниши керак бўлган баъзи сўзларнинг изоҳи кўп нашр қилиниши туфайли танилган насрий асарлардан «Маҳбубу-л-қулуб»да берилган форс ва араб сўзларининг изоҳи билан қаноатланилди.

Гарчи Фароғий ўз асарида туркий сўзлар вазн¹ ва масдар тартибига эга бўлмаганлиги учун ўз китобимга қадимгиларнинг шеърларини асос қилиб олдим деса ҳам, унинг фикрлари ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки туркий тилда аниқ ва мавжуд бўлган уйғун тартиб ва қоидалар на форс тилида бор-у, на араб тилида.

Унинг (туркий тилнинг – З.У.) барча феъл формалари грамматик қоидага мувофиқ ясалгандир. Ўқувчилар билиши керак бўлган қоида ва грамматик нормативлар бир тарсиф² ва олти мабнода³ тушунтирилиб, далиллар билан исботланди ва уни «Мабониу-л-луғат» («Тил асослари») деб аталди. Шу грамматик китоб майдонга келгунча туркий тил грамматикаси яратилмаган. Шу пайтгача мана шу тартибда бирор асар феъл формаларининг қоидалари, уларнинг ясалиш усуллари ҳақида мавжуд ва ёзилмаган бўлиб, бу асар муаллиф қалами томонидан тангрининг кўмаги билан ўрганилиб ва текширилиб ёзилган биринчи асардир. Агар бирор хато ва камчилик кўзга ташланса, ўқувчилардан лутф қалами билан тўғрилаш илтимос қилинади.

¹ Вазн – арабчадагидек сўз формаси.

² Тарсиф – грамматика.

³ Мабно – асос.

ТАРСИФ

Агар араб тилида масдар сўзларнинг ўзаги ва феъл формаларининг бош шакли бўлса, туркий тилда эса буйруқ феъли феъл формаларининг бирламчи ва бош шакли ҳисобланади. Ҳар хил маънога эга бўлган белгиларнинг ҳар бири буйруқ феълига орттирилади, мазкур белгининг қўшилиши билан турли маънолар ифодаланади ва бошқа янги маънолар ҳосил қилинади. Ҳар бир феъл формасининг ясалиши ва ўзгаришида буйруқ феъли ҳамма кўринишларда ўз шаклини сақлайди, ўзгариш ўзга қисмида юз беради, барча белгилар эса унга тобе бўлади: *ал, ур, кэт, кэл* буйруқ феъллари бўлиб, агар улардан масдар ясамоқчи бўлсалар, масдар белгиси *-мақ* ва *-мәкни* уларга орттириб, *алмақ, урмақ, кэтмәк, кэлмәк* дейдилар. Агар ўтган замон феълини ясамоқчи бўлсалар, уларга *-ды, -ди / -ты, -ти* орттириб, *алды, урды, кэтти, кэлди* дейдилар ва ҳоказо.

Чиғатой тили хусусиятига кўра, ясама феъл формалари шундан иборатки, ундан (мазкур феъл формасидан) орттирилган белги (қўшимча) олиб ташлангандан сўнг қолган қисм буйруқ феъли, яъни негиз ҳисобланади. Баъзида бир белги иккинчи бир белгидан сўнг қўшилиб, биринчи белги маъносини ўзгартиради ва бошқа маъно ҳосил қилади. Масалан, ҳозирги-келаси замон феълининг белгиси *-р* ва *-дур, -дўр* айтилган қоидага биноан буйруқ феълига қўшилиб, буйруқ феълига келаси замон маъносини беради. *-ган / -гән* (аффикси) эса ҳозирги-келаси замон феълига қўшилиб, ундан келаси замон маъносини йўқотиб, масдар, ҳозирги замон сифатдоши ва бошқа маъноларни беради.

Феъл формалари ишлатилишига кўра икки турдан иборат: «ғ», «к»лик формалар ва «к»лик формалар. Бу ҳар икки тур грамматик қоида ва ихтиёрийлик юзасидан бўлмасдан, эшитилиш ва эътибор юзасидандир. Фароғий ўз асарида «к» ва «к»нинг ишлатилиши ихтиёрий деб ёзган. Толе Ҳиравий ҳам *алғучи* маъносини тушунтирганда, ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига «ғ» ёки «г» орттирилади, деб ёзади: *қылғучи, билгўчи* каби. Лекин ҳар иккисининг сўзи ҳақиқатдан холи ҳамда нуқсон ва камчиликка эга. Чунки *қыл* сўзи буйруқ феъли бўлиб, қаттиқ ўзаклидир ва шунинг учун унинг барча феъл формалари «к» ёки «ғ» билан ясалади: *қылмақ, қылғай, қылғучи* каби ва ҳоказо. *Бил* юмшоқ ўзакли бўлиб, унинг феъл формалари «к» ёки «г» билан келади: *билмәк, билгәй, билгўчи* каби ва ҳоказо. Худо хоҳласа, уларда ихтиёрийлик ва ўзгариш юз бермаслиги батафсил тушунтирилади.

БИРИНЧИ МАБНО

Феъл формаларининг кўринишларига бағишланиб, ўн бобдан ташкил топган.

Биринчи боб. Масдарлар баёни

Феълнинг барча хусусиятларига кўра, феъл формаларининг бош шакли буйруқ феъли бўлиб, аввал тушунтирилиши керак бўлса-да, лекин араб тилида масдарлар олдин тушунтирилгани учун бу тилда ҳам масдарлар олдин баён қилиниб, уни икки фаслга бўлинди.

Биринчи фасл соф масдарлар бўлиб, икки қисмни ўз ичига олади.

Биринчи қисм масдар маъносини англатган *-мақ* ва *-мăк* (формаси)дан иборат бўлиб, (китобнинг) тарсиф қисмида баён қилинди. Шунга ўхшаш форс тилида масдарлар *дол* ва *нун* ёки *те* ва *нун*, яъни *-дан* ёки *-тан* билан тугалланади: *бастан*, яъни ёпмоқ, *задан*, яъни урмоқ каби. Туркий тилда эса масдарлар *-мақ* / *-мăк* билан тугалланади: *алмақ*, *кəтмăк* каби. Иккинчи қисм бошқа маъноларга эга бўлган (формалардан) иборат бўлиб, ўрнига кўра масдар маъносида ҳам қўлланади. Бу (қисм) икки турга бўлинади. Биринчи тури феъл формалари бўлиб, ҳозирги-келаси замон феълининг биринчи қисми шу жумладандир: *барур*, яъни боради, *чəкăр*, яъни тортади, чекади, *ағрыр*, яъни оғрийди каби. Масдар ҳамда ҳозирги замон сифатдоши маъносида ҳам келади. Чунончи, қуйидаги мисолда *барур* «бормоқ» маъносида ишлатилган:

*Бас-ке қан барды аламлар йўзлăнип ҳар дағыма,
Заъф ифрати йақынлаштурды барур чағыма.*

Шунга ўхшаш *чəкăр* «Сабъайи сайёра»да «чекмоқ», «тортмоқ» маъносида қўлланган:

*Қатра ичкўнчă дастрас меңă йоқ,
Ғайр-и дарйă чəкăр ҳавас меңă йоқ.*

Ағрыр «оғримоқ» маъносида қўлланган:

*Тандын оқуғны чəксăлăр ағрырдын эрмăс шиваным
Андын қылур-мэн навҳа-ким айру тўшăр жăндын тăным.*

Қоида. Агар ҳозирги-келаси замон формаси эгалик аффикслари билан бирикса, масдар маъносини англатади: *баруры*, яъни бормоғи, *чəкăри*, яъни чекмоғи, тортмоғи, *ағрыры*, яъни оғримоғи каби ва

шунга ўхшаш *барурун, чэкәрин, ағрырын*. Агар кесимлик боғламалари билан қўшилса, масдар маъносида келмасдан ҳозирги-келаси замон маъносининг ўзини ифодалайди: *барурмән*, яъни бораман, *чэкәрмән*, яъни тортаман, чекаман каби дейдилар. Агар ҳозирги-келаси замон белгиси *-р, -ру, рў* ёки *-ры, ри* тарзида биринчи шахс бирлик аффикси *-м* билан қўшилса, қоидага биноан масдар маъносини ифодалайди: *барурум*, яъни бормоғим, *чэкәрим*, яъни тортмоғим, чекмоғим каби. Агар *-ра, рā* шаклида эгалик аффикси *-м* га орттирилса, ҳозирги-келаси замон маъносини ифодалайди: *барурам*, яъни бораман, *чэкәрām*, яъни тортаман, чекаман каби ва ҳоказо.

Равишдош-ҳол маъносида қўлланадиган бошқа феъл формалари *ақара*, «оқармоқ», *төкүлә* «тўкилмоқ» маъноларида ишлатилади¹:

Ақара башлады баш-у *төкүлә* башлады тиш
Сафар йарақыны қылғыл-ки тушти башыңа иш.

Равишдош маъносини англатган феъл формаларининг биринчи қисми, ўнинчи бобда (равишдош) тушунтирилганидек, ҳозирги-келаси замон ҳамда учинчи шахс буйруқ маъносини ҳам ифодалайди. Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз шаклининг учинчи шахс бирлик формасига (*чықмас*, яъни чиқмайди, *эшитмās*, яъни эшитмайди, *ачмас*, яъни очмайди, *көрмās*, яъни кўрмайди каби) бирор аффикс қўшилса, бўлишсиз масдар маъносини англатади.

Биринчисига («чықмас»га) мисол:

Чық, Навāйи қарыдың ҳурмат илә майкададин
Судратурлар киши чықмаслығ этип болса қашаң.

Иккинчисига («эшитмās»га) далил:

Қавма эй шайх Навāйины эшитмās дэп панд
Ким сэниң пандың эшитмāsлик аңа панд олмыш.

Учинчисига («ачмас»га) далил:

Йār ағыз ачмасға дардым сорғалы таптым сабаб
Көн чүчүкликдән йапушмышлар мāгār ул икки лаб.

Тўртинчисига («көрмās»га) далил:

¹ Форс тилига мазкур равишдош формалари *сэфид шўдан, рихтан* каби масдар билан таржима қилинади.

*Ул шох-ки майдан сары көргәнә салур тыг
Көрмәскә салур йэтса Навәйи сары умдан.*

Хозирги замон сифатдоши баёнида тушунтирилганидек, хозирги замон сифатдоши бўлишсизлик маъносини ҳам англатади. Иккинчи тур *-қан / -кән, -гән* формасидан иборат бўлиб, грамматик қоидага биноан масдар ва хозирги замон сифатдоши маъносини ифодалайди.

Баъзи сўзлар билан қўшилиб, ўтган замон ва баъзи сўзлар билан ўтган замон сифатдоши маъносини англатади. Бу (форма) икки турда қўлланади. Биринчи тури буйруқ феълига (ўзак-негизга) орттирилади: *сачган*, яъни сочувчи, сочилган, сочилмоқ каби. «Сочмоқ» маъносида шундай дейилади:

*Хурда сачқандын чәмән мулкида султән болды гул
Гунча қанлыг көңлигә салган гирэх имсәк эмиш.*

Шунга ўхшаш *кэлгән*, яъни келувчи, келган, келмоқ. Чунончи қуйидаги байтда «келмоқ» ва «келган» маъноларини англатади:

*Көзүмә кәлмәс үчүн кәлгәндә ул йүз алыма
Нәчә йахиш ағламас-ким көз қуйашига отрудур.*

Қоида. Агар Рум ва Эрон турклари шу формада (*-ган / -гән*) гапирмоқчи бўлсалар, агар буйруқ феъли ундош билан тугалланган бўлса (*алган, кэлгән* каби), «ғ» ва «г» (ҳарфларини) тушириб қолдириб, буйруқ феълига «а» орттирадилар ва *алан, кәлән* дейдилар¹. Шунга ўхшаш *аланда*, яъни олганда, *кәләндә*, яъни келганда дейилади.

Агар буйруқ феъли унли билан тугалланган бўлса (*башлаган, оқуган, дэгән* каби), қоидага биноан «ғ», «г» тушириб қолдирилади ва унинг ўрнига «йа» орттириб², *башлайан, оқуйан, дэйдән* дейдилар: *башлайанда*, яъни бошлаганда, *оқуйанда*, яъни ўқиганда, *дэйдәндә*, яъни деганда ва ҳоказо. Иккинчи (тури) хозирги-келаси замон феъли *ўзәтүр, ўзәтәдүр*га қўшилиб, «узатувчи», «узатган» маъноларни

¹ Бу ерда Мехдихон янглишган. Мазкур мисолларда фақат «ғ» ва «г» ҳарфлари тушиб қолган.

² Бу ерда «йа» орттирилмасдан «й» орттирилгандир.

англатади ва «узатмоқ» маъносида ҳам ишлатилади. Чунончи, «Сабъайи сайёра»нинг «Тўртинчи иқлим мусофирининг ҳикояси»да («узатурған») масдар маъносида ишлатилган:

*Узатурған замāны атланды
Чун узātты висāқыға йанды.*

Бу тур эса кам қўлланилиб, Навоий ҳазратларининг барча асарларида шу шеърдан бошқа далил кўзга ташланмади. Асосан иккинчи тур феъл формаси *узатадурған* ишлатилади. Шунга ўхшаш *кэлўр* ва *кэлдўр* (формаларига) *-гāн* аффикси қўшилиши билан (улар) мазкур маънони англатади. Чунончи, иккинчисига «Насойиму-л-муҳаббат» (асари)нинг «Бешикчи Хожа Абдурахмон зикри»да «келмоқ» маъносида ишлатилган:

*Кэнт аҳлы мавлāнāга дэдилār-ки, хожса, сизниē кэлдўргāниēиз
жиҳатыдын (келишингиз сабаблидан) фалāн хоррāсда бир чуқурга
кириптўр.*

Юмшоқ ўзакли феъл формаларида ҳам, асосан, иккинчи тур феъл формаси *кэлдўргāн* ишлатилиб, *кэлўргāн* эса кам қўлланади. *-мыш*, *-миш* ҳам ўтган замон феълининг учинчи шахс бирлик белгисидир. Баъзи феъл формаларида эса ўтган замон сифатдоши ва мажҳул ўтган замон белгисини билдиради. Унга масдар «йа»сини орттириб, масдар маъносида ишлатадилар: *асрамыш*, яъни асрамоқлик, *йасамыш*, яъни ясамоқлик. Бу мўғулча усулдир.

Илова. Билки, турклар предмет отлари ва сифатлардан феъл формаларини ясамоқчи бўлсалар, қуйидаги уч ясовчи аффиксни уларга ихтиёрий равишда қўшадилар.

Биринчи аффикс *-ла*, *-лāдир*: *башиламақ*, яъни бошламоқ, *тишлāмāк*, яъни тишга олмоқ, тишламоқ каби. Баъзи ўринларда форс сўзига ҳам *-ла*, *-лā* аффикси қўшиб ишлатилади: *гумārламақ*, яъни тайинламоқ каби. Чунончи, «Насойиму-л-муҳаббат»нинг «Мансур Ҳаллож зикри»да буйруқ маъносида шундай дейилган:

*Абу Умар бин Усмāн Мāкки аны қарғады-ким илāҳи бирāвни аяа
гумārла-ким аныē аяагын кэсгāй ва дārга тартгай.*

Шунга ўхшаш *гузārламақ*, яъни адо қилмоқ. Чунончи, «Абу Аббос Арзизий зикри»да ўтган замон маъносида шундай дейилган:

*Бир кўн намāз-и пэшинни гузārлади ва башыны марқага
тартты, чун назар қылдуқ, отўп эрди.*

«Абдурахмон зикри»да ҳам «адо қилсин» маъносида шундай дейилган:

*Шайх қашыға кэлип туранда миһян (йэтгән) маҳалда тиләгәйдүр-ки хаж **гузәрлагай**.*

Шунга ўхшаш ҳавасланмақ. Чунончи, ўтган замон формасида шундай дейилади:

*Салāмат **ҳавасланди** шайх у сағынды
Ки зуҳди рыйā йағлыз асāн эрүр бу.*

Иккинчи аффикс *-да, -дәдир*: *йолдамақ*, яъни йўлга ташламоқ, йўлламоқ, *өгүдәмәк*, яъни уйқусирамоқ каби.

Учинчи аффикс *-ра, -рәдир*: *муҳрамақ*, яъни ғамгин бўлмоқ, *тэлбәрәмәк*, яъни телба бўлмоқ каби. Баъзан форс сўзлари билан ҳам қўшилади: *гәндәрәмәк*, яъни сасимоқ, бузилмоқ каби ва уларнинг ясама формалари шу кабидир.

Қоида. Масдарларидан қатъи назар буйруқ феъли бир ундошдан иборат бўлади (таркибида фақат бир ундош бўлган ўзак-негиз – З.У.): *дәмәк*, яъни демоқ, *йәмәк*, яъни емоқ каби; икки ундошдан иборат бўлади: *қылмақ*, яъни қилмоқ каби; уч ундошдан иборат бўлади: *эшитмәк*¹, яъни эшитмоқ каби. Араб тилида масдарлар ўнта турли бобга эга бўлса, туркий тилда уч бобдан бошқа бобга (нисбатга) эга эмас.

Ҳар уч боб самоийдир. Биринчи (боб) ўзлик ва мажхул нисбат² маъноларини ифодалаб, улар олти турда ишлатилади. Биринчи тури *-л* (ҳарфи) билан ишлатилади: *тутулмақ*, яъни тутилмоқ, ушланмоқ, *йибәрилмәк*, яъни юборилмоқ, жўнатилмоқ, иккинчи тури *-н* (ҳарфи) билан қўлланилади: *бағланмақ*, яъни боғланмоқ, *көрүнмәк*, яъни кўринмоқ каби. Учинчи тури ҳам *-л*, ҳам *-н* ҳарфлари билан ишлатилади: *йасалмақ*, *йасанмақ*, яъни ясалмоқ каби. Аммо (мазкур формалар) маъно жиҳатидан фарқ қилади: агар «ясамоқ» бошқа киши томонидан бажарилса, *-л* билан, агар субъект томонидан бажарилса, *-н* билан қўлланилади. Чунончи, «Хисрав ва Ширин»нинг «Қисса тугалланиши» бобида *-л* формасига қуйидаги далил келтирилган:

¹ Бу ерда ҳам икки ундошдан иборат.

² Нисбат термини биринчи марта В.Решетов томонидан қўлланилган.

*Йасарда болса ҳар санъатга машғул,
Йасалгач болғусы ширатга машғул.*

-н формасига «ясанмоқ» маъносида «Маҳбубу-л-қулуб»нинг учинчи қисмида шундай дейилади:

*Ирāнлар йасанмағи-ки намāйиши ўчўндўр хатунлар
бэзāнмāкидўр¹.*

Шунга ўхшаш урулмақ, урунмақ, яъни ўзини унга ва бунга урмоқ, қылылмақ, қылынмақ, яъни қилинмоқ. Чунончи, -л формасига «Маҳбубу-л-қулуб»нинг иккинчи қисмининг «Ишқ зикри»да шундай дейилади:

Агар китāблар тасниф қылынса ва мужалладлар этилсā.

-н ли формасига «Назму-л-жавоҳир»нинг «Шабоб» бобида шундай дейилади:

*Қарылығ эрўр кўлигā сынмақ ҳасрат
Жāныга қарылығны қылынмақ ҳасрат.*

Тўртинчи тури ҳам -л билан, ҳам -л сиз ишлатилади: *эрилмāк, эримāк*; ҳар иккиси «эримок» маъносини англатади. Чунончи, биринчи (мисолга) далил «Садди Искандарий»да ўтган замон формасида келтирилган:

*Чу бэрдиш икки лалыжа нуиҳанд
Уйаттын эрилди ара йэрдā қанд.*

Иккинчи (мисол)га далил ҳозирги-келаси замон формасида келтирилган:

*Ишқын отын гар Навāйи дэсā-ким āйлāй рақам
Сōзидин куйār қалам қурур қара эрир давāt.*

Олтинчи тури² ҳам -н (ҳарфи) билан, ҳам -н (ҳарфи)сиз ишлатилади: *қалынмас, қалмас*, яъни қолмайди, қолмас каби. Биринчи (мисол)га далил:

*Тā ким ул гулсиз булут йағлығ ҳавāйи болмышам
Базм айшы йāдыдын ашкам қалынмас бāдадын.*

¹ бэзāнмāкидўр бўлиши керак.

² Бешинчиси ҳар икки нусхада – Клосон нашрида ҳам, Д. Росс нашрида ҳам йўқ.

Баъзан *-л* ва *-н* (ҳарфлари) сўз таркибини ташкил қилади: *қутулмақ*, яъни *қутулмоқ*, *талпынмақ*, яъни *талпинмоқ*, *изтироб чекмоқ* каби.

Иккинчи (боб) биргалик нисбати бўлиб, унинг белгиси *-ш* аффиксидир. Бу аффикс буйруқ феълига орттирилади: *урушмақ*, яъни бир-бирини урмоқ, *тутушмақ*, яъни бир-бирини тутмоқ, *көрүшмәк*, яъни бир-бирини кўрмоқ каби. Баъзида (*ш* ҳарфи) тўртинчи мабннинг «завойид» бобида мисоллар билан тушунтирилгандек, зийнат¹ шаклида орттирилади: *қурушмақ*, яъни қуримоқ «қурумақ»нинг синонимидир, *йарушмақ*, яъни равшан бўлмоқ «йарумақ»нинг синонимидир. Баъзида *-ш* сўз таркибини ташкил қилади: *тўшмәк*, яъни йиқилмоқ, ерга тушмоқ каби. Унинг биргалик нисбати *тўшүшмәк*, яъни бирга йиқилишмоқ, тушишмоқ каби.

Учинчи (боб) орттирма нисбат бўлиб, ўтимлиликдан иборат ва бу (нисбат) грамматик ҳодисага бўйсунмайди. Баъзан қоидадан четга чиқиш мумкин; чунки ҳар бир масдарнинг ўтимли (формаси) бир тартибда ясалади. Чунончи, *қутулмақ*, яъни «озод бўлмоқ»дан *қутқармақ*, *тоймақ*, яъни «тўймоқ»дан *тойғармақ*, *чоммақ*, яъни «сувга кўмилмоқ»дан *чомурмақ*, *туғмақ*, яъни «туғмоқ»дан *туғурмақ*, *йазмақ*, яъни «хато қилмоқ»дан *йазғурмақ*, *азмақ*, яъни «адашмоқ»дан *азғурмақ*, *таммақ*, яъни «томмоқ»дан *тамызмақ*, *ақмақ*, яъни «оқмоқ»дан *ақызмақ*, *чөкмәк*, яъни «чўкмоқ»дан *чөкәрмәк*, *кәтмәк*, яъни «бормоқ», «кетмоқ»дан *кәтәрмәк*, *кәчмәк*, яъни «ўтмоқ», «кечмоқ»дан *кәчүрмәк*, *көчмәк*, яъни «кўчмоқ»дан *көчүрмәк* феълларининг ўтимли шакли (орттирма нисбат – З.У.)нинг кўпчилиги *-дур*, *-тур*, *-т* аффикси ёрдамида ясалади. Чунончи, *урмақ*, яъни «урмоқ»дан *урдурмақ*, *сормақ* яъни «сўрамоқ», «сўрмоқ»дан *сордурмақ*, *тутмақ* яъни «ушламоқ», «олмоқ»дан *туттурмақ*, *атмақ*, яъни «ташламоқ», «отмоқ»дан *аттурмақ*, *ўчрәмәк*, яъни «дучор бўлмоқ»дан *учрәтмәк*, *сүдрәмәк*, яъни «ерда тортмоқ»дан *сүдрәтмәк* каби. Баъзи сўзларда икки «т» ёнма-ён келса, улардан бири тушиб қолади: *татмақ*, яъни «тотмоқ»дан *татурмақ* (*таттурмақ*), *йатмақ*, яъни «ухламоқ», «ётмоқ»дан *йатурмақ* (*йаттурмақ*). Баъзи сўзларда эса (бир «т» ҳарфи) тушиб қолмайди. Масалан: *атмақ* ва *тутмақ*нинг орттирма нисбатини, албатта, *аттурмақ* ва *туттурмақ* деб айтиш керак. Юқорида зикр қилинганидек, баъзи

¹ Зийнат – грамматик маъно англатмаган аффикс.

ўринда эса, *о* ва *т* (ҳарфлари), *-дур* ва *-тур* боғламаларидан тушириб қолдирилади ва буйруқ феълига *-ур* шаклида орттирилади: *ашмақ*, яъни ўтмоқ, *қачмақ*, яъни қочмоқ каби (феъллар)нинг орттирма нисбати *ашурмақ*, *қачурмақ*дан иборат. Баъзи ўринда эса *-о* ва *-т* ҳарфларини тушириб қолдириш мумкин эмас: *алмақ*, яъни «олмоқ» ва *чалмақ*, яъни «чалмоқ»нинг орттирма нисбати, албатта, *алдурмақ*, *чалдурмақ* шаклида ифодаланиши керак. Баъзан *-дур*, *-тур* боғламаси сўз таркибини ташкил қилади: *қудурмақ*, яъни девона бўлмоқ, кутурмоқ, *олтурмақ*, яъни ўтирмоқ, *олтўртмақ*, яъни ўлдирмоқ каби. Агар ундан (мазкур феъллардан – З.У.) орттирма нисбат ясамоқчи бўлсалар, унга *т* орттириб, *қудуртмақ*, *олтуртмақ*, *олтўртмақ* дейдилар. Чунончи, учинчисига (*олтўртмақ*ка) мисол «Ҳайрату-л-аброр»нинг ўн саккизинчи мақоласида буйруқ феълнинг иккинчи шахс кўплик формасида келтирилган¹:

Маъъани сипаҳыны жъан мулкидин
Нэ жъан мулкидин лъамакъан мулкидин
Йасақ бирлә йэткўртмайн фавж фавж
Ки тутсун чэрикни ҳазизу нэ авж.

Шунга ўхшаш *тирилмақ*, яъни «тирилмоқ»нинг орттирма нисбати *тиритмақ*дир. Масалан, Аммо *тирилтўртмақ* олўкни мушқил эрур.

Бу қоидаларнинг ҳаммаси самоийдир («Бадойиъ»дан)².

Эслатма. Масдарларга биринчи шахс бирлик эгалик аффикс *-м* олтинчи мабнонинг тўртинчи расмида тушунтирилган барча қоидаларга биноан *-ым*, *-им* шаклида орттирилса, масдар маъносини англатади: *алмағым*, яъни олмоғим, *кэлмақим*, яъни келмоғим каби. Агар *-ум* шаклида қўшилса, ҳозирги-келаси замон феълнинг бўлишсиз формаси маъносини ифодалайди: *алмағум*, яъни олмайман, *кэлмағум*, яъни келмайман каби. Ўнинчи бобда тушунтириладиган *-ғум* / *-гум* (аффикси) эса бошқа аффикслар жумласидандир.

Қоида. Билки, масдарларнинг қаттиқ ва юмшоқ ўзакли бўлиши ва масдар исмлари самоийдир, аммо уларнинг феъл формаларнинг ясалиши қиёсийдир, яъни масдарлар қаттиқ ўзакли бўлса, албатта,

¹ Бу ерда англашилмовчилик бор. Мисол «олтўртмақ»ка эмас, балки «йэткўртмақ»ка келтирилган.

² «Бадойиъу-л-луғат» бўлиши керак.

унинг (ясама) феъл формалари «қ» ва «ғ», юмшоқ ўзакли бўлса, «к» билан ясалади.

Савол: Нима учун *илмак*, яъни банд, дом юмшоқ ўзакли-ку, *ылмақ*, яъни ушламоқ, тутмоқ, олмоқ, *ылынмақ*, яъни гирифтор бўлмоқ каби ясама феъл формалари эса қаттиқ ўзаклидир?

Жавоб: *илишмак*, яъни банд бўлмоқ, *илмакнинг* масдари бўлиб, юмшоқ ўзаклидир. *Ылмақ* ва *ылынмақ* эса қаттиқ ўзакли бўлиб, бошқа масдарлардир, лекин маънолари бир-бирига яқиндир.

Савол: Нима учун *пишиғ* «ғ» билан ёзилган, унинг масдари *пишмак* ва ясама феъл формалари эса «к» билан келади?

Жавоб: Бу сўз қоидага зид равишда ёзилса ҳам, қўлланилишига мувофиқдир. Араб тилида ҳам шунга ўхшаш анормал сўзлар бор.

Қоида. Рум ва Эрон туркларида масдарларнинг қаттиқ ва юмшоқ ўзакли бўлиши унчалик назарга олинмайди. Чунончи, *эрмак*, яъни етмоқ Фузулийи Бағдодийда (уни раҳмат қилсин) «к» билан ёзилган. Бунга далил рум имлосида келтирилади:

Хушдур эрмак ул бадан васлына тирāҳан киби
Гаҳ ал өпмак āстын тэк гаҳ айағ дāман киби.

Донишманд котиб Саъдаддин Сафойи Румий «Оли Усмон тарихи»да мазкур масдарни «қ» билан шу маънода тушунтириб, *ырмақ*, яъни сув шаҳобчаси билан шаклдош сўз ясайди ва шундай дейди: *Лаб-и жуяа баруп, рум эли нāмдāрларыны тасмим этдиклари шақāқ мақāмындын эрмақ ўчўн ырмақ канāринā даъват этди*, яъни бир подшоҳ дарё (анҳор) лабига бориб, рум эли номдорларини улар қарор қилган ажралиш ўрнига (жойига) етиб келмоқ учун анҳор лабига таклиф этди.

Бу халқда масдар ўзакларининг юмшоқ ва қаттиқ бўлиши барқарор эмаслигининг сабаби унинг бошқа формаларидан «қ», «к» ҳарфларининг тушиб қолишидир: *алган* ўрнига *алан*, *кэлгāн* ўрнига *кэлāн*, *алғувчы* ўрнига *алучы*, *кэлгўвчи* ўрнига *кэлўчи* каби дейилади. Мазкур формаларнинг «қ» ва «к» ҳарфлари уларнинг масдарларида ёзилади. Агар унда бирор зиддият вужудга келса, хато ҳисобланмайди. Чиғатой тилида эса, аксинча, агар қаттиқ ўзакли масдар «к» билан ёки юмшоқ ўзакли «қ» билан ишлатилса, барча феъл формаларига таъсир қилиб, унга зид бўлган маънолар ҳосил қилади. Шу сабабли чиғатой тилида мазкур қоидага риоя қилинади.

Рум турклари ҳам масдарларга бирор аффикс қўшсалар, масдар белгисининг охирги ҳарфи «қ» ёки «ғ» бўлишидан қатъи назар «қ», «ғ» тушиб қолади. Масалан, *алмақ*, яъни олмоқ, *алмасы*, яъни унинг олмоғи, *алмадын*, яъни олмоқдан, *кэлмăк*, яъни келмоқ, *кэлмăси*, яъни унинг келмоғи, *кэлмăдин*, яъни келмоқдан дейилади ва бу (мазкур – З.У.) сўзлар, еттинчи бобда бўлишсиз феъл формалари баёнида далиллар билан муфассал тушунтирилганидек, бўлишсизлик маъноларини ҳам ифодалайди. Агар ўтимлилик аффикслари билан ишлатилса, тасдиқ маъносини ифодалайди. Масалан, *алмақга*, яъни «олмоққа»нинг қисқарган шакли *алмага*, *кэлмăкгă*, яъни «келмоққа»нинг қисқарган шакли *кэлмăгă* каби ишлатилади. Шунга ўхшаш *алмалыдур*, яъни оладиган, *кэлмăлидур*, яъни келадиган дейдилар. Ўтган замон биринчи шахс кўплик формаси ҳам чиғатой халқи ва умуман Рум ва Эрон туркларида кўп учрайди ва қўлланилади: *айлăдүк*, яъни қилдик, *ыгладук*, яъни йиғладик каби. (Мазкур форма) баъзи эгалик аффикслари ва белгилар билан қўшилса, масдар маъносини ифодалайди: *айлăдүгүм*, яъни қилмоғим, айламоғим, *ыгладугум*, яъни йиғламоғим каби. Фузулийдан рум имлосида далил (келтирилган):

Аҳ айлăдүгүм сарв-и хорăмăн ичүндүр
Қан ыгладугум гунча-йи хандăн ичүндүр.

Шунга ўхшаш *төкдүк*, яъни тўқдик, *төкдүкчă*, яъни тўқмоқ. Чунончи, Фузулий шундай дейди:

Төкдүкчă қанымы оқуң ул āстăн ичир
Бир йэрдă-ăм асир-ки тупрăгы қан ичир.

Шунга ўхшаш *олдук*, яъни бўлдик, *олдугын*, яъни бўлмоғи. Бунга Фузулийдан қуйидаги мисол далил бўла олади:

Фигăн-ким бағрыман, ул лăларух қан олдугын билмăз
Жигăр пөркăлă санда дағ пинхăн олдугын билмăз.

Иккинчи фасл. Ҳаракат номи баёни.

Ҳаракат номи самой бўлиб, икки турдан иборат.

Биринчи тури соф ҳаракат номларидан иборат бўлиб, ҳаракат номи маъносини англатади. Улардан баъзилари *-т*: *унут*, яъни

унутиш, эсдан чиқариш, *уйат*, яъни хижолат, уят каби; баъзиси -қ ва -г: *буйруқ*, яъни фармон, *буйруқ*, *алдаг*, яъни фириб, алдаш каби; баъзиси -к ~ -г: *билиг*, яъни билим, *тилўк*, яъни тешик каби; баъзиси -и: *уруш*, яъни жанг, *йуруш*, яъни юриш, *туруш*, яъни сабот, мустаҳкамлик, туриш, *учуш*, яъни парвоз, учиш каби; баъзиси -м: *олўм*, яъни ўлим, *йолум* яъни сувдан ўтиладиган жой каби; баъзиси -ч: *сўкўнч*, яъни дашном, *сўкиш*, *сағынч*, яъни фикр, андиша, хаёл, *қорқунч*, яъни хавф, *қўрқинч* каби; баъзиси -л: *суйўргал*, яъни совға, эҳсон, *йасал*, яъни мунтазам саф, қатор каби; баъзиси -н: *йығын*, яъни йиғиш, йиғилиш, *йағын*, яъни ёмғир каби; баъзиси -гу, -гў аффиксларини қўшиш билан ясалади: *йаргу*, яъни бўлиш, бўлувчи, *соргу*, яъни савол, сўров, *алгу*, яъни олиш, *бэргў*, яъни бериш каби; баъзи (ҳаракат номлари) икки-уч кўринишда ишлатилади: *алгу-бэргў* ва *алыш-бэриш*, яъни олиш-бериш, *алыг-сатыг* ва *алыш-сатыш*, яъни сотиб олиш ва сотиш, *қылыг* ва *қылыш*, яъни қилиқ, кирдикор каби ва ҳоказо.

Иккинчи тури муштарак аффикс -гур / -гўр, -кўр дан иборат: *чықгур*, яъни чиқадиган, чиқса бўладиган каби. Чунончи, шундай дейилади:

Кўргайч ул йўзни башымга урды йўз тыг-и балā
*Кўр-ки **чықгур** кўз башымга нэ балāлар кэлтўрўр.*

Шунга ўхшаш *тынмагур*, яъни беқарор, тиниб-тинчимас. Унга (*тынмагурга*) қуйидаги далил келтириш мумкин:

Сиҳатим āзорда жāнāнымда болгай кашки
*Дарды аның **тынмагур** жанымда болгай кашки.*

Ҳар икки аффикс баъзи сўзларга қўшилиб, ҳозирги замон сифатдоши маъносини ифодалайди. Чунончи, бу ҳақда (ҳозирги замон сифатдоши ҳақида) тўртинчи бобда тушунтирилади.

Иккинчи боб. Ўтган замон феъли баёни

Ўтган замон феъли уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми ўтган замон маъносини ифодаловчи формалардан ташкил топган. Бу формалар икки турга бўлинади.

Биринчи тури -ды, -ди / -ты, -ти аффиксидан иборат бўлиб, олти аффиксни ўз ичига олади ва йигирма тўрт вариантда

ишлатилади. Биринчи аффикс *-ды, -ди / -ты, -ти* бўлиб, учинчи шахс бирлик белгисидир: *алды*, яъни олди, *кэтти*, яъни кетди каби. Яна *-дылар, -дилар / -тылар, -тилар* бўлиб, учинчи шахс кўплик ва иккилик белгисидир: *алдылар*, яъни олдилар, *кэттиләр*, яъни кеттилар каби; яна *-дың, -диң / -тың, -тиң, -дуң, -дўң / -туң, -тўң* бўлиб, иккинчи шахс бирлик белгисидир: *алдың*, яъни олдинг, *урдуң*, яъни урдинг, *кэттиң*, яъни кетдинг, *туттуң*, яъни тутдинг, олдинг каби. Яна *-дыңыз, -диңиз / -тыңыз, -тиңиз, -дыңлар, -диңләр / -тыңлар, -тиңләр, -дуңуз, -дўңуз / -туңуз, -тўңуз, -дуңлар, -дўңләр / -туңлар, -тўңләр* бўлиб, иккинчи шахс кўплик ва иккилик белгисидир: *алдыңыз*, яъни олдингиз, *алдыңлар*, яъни олдинглар, *урдуңуз*, яъни урдингиз, *урдуңлар*, яъни урдинглар, *кэттиңиз*, яъни кетдингиз, *кэттиңлар*, яъни кетдинглар, *туттуңуз*, яъни тутдингиз, *тутуңлар*, яъни тутдинглар каби. Яна *-дым, -дим / -тым, -тим, -дум, -дўм / -тум, -тўм* бўлиб, биринчи шахс бирлик белгиларидир: *алдым*, яъни олдим, *урдум*, яъни урдим, *кэттим*, яъни кетдим, *туттум*, яъни тутдим, олдим каби. Яна *-дуқ / -туқ, -дўк / -тўк* бўлиб, биринчи шахс кўплик белгиларидир: *алдуқ*, яъни олдик, *саттуқ*, яъни сотдик, *кәлдўк*, яъни келдик, *кәттўк*, яъни кетдик каби. Аффиксларнинг унли ва ундош ҳарфларининг турли ёзилиши олтинчи мабнода имло қоидаларида тушунтирилади. Баъзан биринчи шахс кўплик белгилари *-дуқ / -туқ, -дўк / -тўк* сўз таркибини ташкил қилади: *тутуқ*, яъни парда, *хўдўк*, яъни хўтик, *отўк*, яъни кафш, этик каби.

Қоида. Эрон ва Рум туркларининг сўзлашувига мувофик, ўтган замон биринчи шахс кўплик белгилари баъзи эгалик аффикслари билан қўшилса, биринчи бобда масдарлар баёнида тушунтирилганидек, ўз маъносини йўқотиб, масдар маъносини ифодалайди. Биринчи шахс кўпликдан бошқа маънони ҳам англатади. Масалан, *айләдүкүң ихсанлар*, яъни сенга эҳсонлар қилди. Бунга далил сифатида Фузулийдан (уни раҳмат қилсин) рум имлосида қуйидаги байтни келтириш мумкин:

*Айлә уишйқа жафалар-ки вафалар көрәсән
Санамә-ким зәйи олур айләдүгүң ихсанлар.*

Шунга ўхшаш *көрдүгүң көңлүм*, яъни дилимни кўрган эдинг. Чунончи, Фузулий шундай дейди:

*Тутушды ғам од на шāд көрдүгүң көңлүм
Муқаййад олды ул āзād көрдүгүң көңлүм.*

Иккинчи тури *-бан, -бāн* формасидан иборат: *алыбан*, яъни олиб, олибон, *кэтибāн*, яъни кетиб, бориб, борибон, *āйлāбāн*, яъни айлабон, айлаб, қилиб каби. Сўнгги мисол (*āйлāбāн*)га қуйидаги байт далил бўла олади:

*Чэхра йаптың хаста жāнымны аңа зār āйлāбāн,
Зулф йыздың тэлбā көңлүмни гирифтār āйлāбāн.*

Бу аффикс кесимлик боғламалари ва воситачилар билан ҳеч бир кўринишда қўшилмайди ва кўпинча *-бан* аффикси қисқартирилиб, *-б (-н)* шаклида қўлланилади: *кэтин*, *āйлāн* каби. *āйлāн*га қуйидаги байтни далил қилиб келтириш мумкин:

*Кāтиб-и сунъ чу ҳар кимгā бир ишни рақам āйлāн,
Сабз хатлар ғамыға бизни қазā муттаҳам āйлāн.*

Агар кесимлик боғламалари ва баъзи воситачилар билан ишлатилса, у пайтда, албатта, *-бан* аффиксидан *-ан* тушиб қолади. Масалан, *алыб-мэн*, яъни олибман, олганман, *алып-тур*, яъни олибди, олгандир, *алып эди*, яъни олиб эдинг¹ каби ва ҳоказо.

Иккинчи қисм муштарак аффикслардан иборат бўлиб, у икки турдан ташкил топган.

Биринчи тури баъзи ўринда ўтган замон сифатдоши ва баъзи ўринда мажҳул ўтган замон маъносини ифодаловчи (аффикслар)дан иборат бўлиб, икки белгини ўз ичига олади.

Биринчи белги *-мыш, -миш* бўлиб, ўтган замон маъносида: *алмыш*, яъни олмиш, олган, *урмыш*, яъни урмиш, урган, *қылмыш*, яъни қилмиш, қилган каби; ўтган замон сифатдоши ҳамда мажҳул ўтган замон маъносида эса: *алынмыш*, яъни олинган, олинмиш, *урулмыш*, яъни урилмиш, урилган каби. Бу аффикс эгалик аффикслари ва кесимлик боғламалари ва баъзи бир воситачилар (кўмакчилар) билан ишлатилади: *алмыш-мэн*, *алмышам*, яъни олганман, олмишман, *алмыш-сан*, *алмышаң*, яъни олгансан, олмишсан, *алмыштур*, яъни олгандир, олмишдир, *алмыш эди*, яъни олган эди каби ва ҳоказо. *-мыш, -миш* аффикси ҳозирги-келаси замон феъли-

¹ олиб эди, олган эди бўлиши керак.

нинг иккинчи қисмига қўшилиб, ўтган замон маъносини ифодалайди: *аладурмыш*, яъни олган, *урадурмыш*, яъни урган, *қыладурмыш*, яъни қилган каби.

Иккинчи белги *-ган* ва *-гән* бўлиб, биринчи бобда масдарлар баёнида тушунтирилди. Ўтган замон маъносида шундай дейилади:

Таālā allāḫ na qad-dur qad emas жаннат ниҳāлы-дур
Ачылган гул, йашунган барг гул бўткән шāккār анда,

яъни Аллоҳ таоло қандай қаддир, қад эмас жаннат ниҳолидирки, ул ерда гул очилган ва гулнинг барги яширинган ҳамда шакар унган.

Ўтган замон сифатдоши ва мажҳул ўтган замон маъносида шундай дейилади: *йашурулган*, яъни яширилган, *бўткәрилгән*, яъни ўстирилган каби.

Бу феъл формаси Рум ва Эрон туркларининг сўзлашувида, масдарлар бобида тушунтирилганидек, «ғ» ва «к» қисқартирилган ҳолда ишлатилади. Уларнинг (мазкур феъл формаларининг – З.У.) белгилари *-ган* ва *-гән* ҳозирги-келаси замон феълининг ҳар икки қисмига қўшилади. Ўтган замон маъносида шундай дейилади: *алурган* ва *аладурган*, яъни олган, *кәлүргән*, *кәләдургән*, яъни келган каби.

Ўтган замон сифатдоши ва мажҳул ўтган замон маъносига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: *йашунурган*, *йашунудурган*, яъни яширинган, *бўткәрилүргән*, *бўткәриләдүргән*, яъни ўстирилган каби. Бирор аффикс билан қўшилса, биринчи бобда масдарлар баёнида тушунтирилганидек, биргаликда ҳозирги-келаси замон сифатдоши ва масдар маъносини ҳам ифодалайди. Эгалик аффикслари билан қўшилиб, масдар маъносини англатади: *йашунгань*, *йашунургань*, *йашунадургань*, яъни унинг яширинмоғи, *бўткәни*, *бўткәргәни*, яъни унинг ўсмоғи каби. Кесимлик боғламалари билан ишлатилмайди.

Иккинчи тури ҳозирги-келаси замон феълининг инкор формасидан иборат: *йазылмайдур*, *ачылмайдур*, яъни очилмайди каби. Ўтган замон бўлишсиз формаси маъносини ҳам ифодалайди. Чунончи, шундай дейилади:

Шиканж туррасидин-ким гирэх йазылмайдур,
Бинафшайи турур амма ҳануз ачылмайдур.

Қоида. Ҳозирги-келаси замон феъли ўтган замон кўмакчилари (воситалари) билан ишлатилса, ўтган замон равишдош (маъносини)ни ифодалайди: *кэлўр эрди, кэләдўр эрди* каби. Иккинчисига (*келәдўр эрдига*) қуйидаги мисол далил бўла олади:

Кэләдўр эрди ҳабибим мэни көргәч йанды
Эй, Навāйи, нэгә чықтым мэни нāдāн өтрү.

Учинчи боб. Ҳозирги-келаси замон феъли ҳақида

У икки қисмдан иборат. Биринчи қисм буйруқ феълига *-р* қўшилиши билан ясалади ва бу (қисм) икки турдан ташкил топган.

Биринчи тури самоий бўлиб, ундош билан тугалланган буйруқ феълларидан иборат: *ал*, яъни ол, *ат*, яъни от, ташла, *бэр*, яъни бер, *чэк*, яъни торт каби. Уларга (мазкур феълларга – З.У.) бирор унли ҳарф орттирилиб, сўнг *-р* (аффикси) қўшилади. Лекин буйруқ феълига қўшилган унли ҳарф қоидага бўйсунмайди, чунки баъзан «у», баъзан «а» унлиси орттирилади: *ал* – *алур у* билан, *ат* – *атар а* билан, *бэр* – *бэрўр ў* билан, *чэк-чэкәр ә* билан ишлатилади. «у» унлисини «а» унлиси ва «а» унлисини «у» унлиси билан алмаштириш мумкин эмас. Бу турда (унлилар қўшилиши) ишлатилишига боғлиқ бўлиши керак.

Иккинчи тури қиёсий бўлиб, унли ҳарфлар билан тугалланган буйруқ феълларидан иборат: *истә*, яъни иста, *йу*, яъни юв, *дэ*, яъни айт каби; бундай буйруқ феълига *-р* аффикси ҳеч қандай ўзгаришсиз тўғридан-тўғри қўшилади: *истәр*, яъни истайди, *йувар*, яъни ювади, *дэр*, яъни дейди ва бу ҳар икки тур, биринчи бобда – масдарлар бобида ва тўртинчи бобда – ҳозирги замон сифатдоши бобида тушунтирилганидек, масдар ва ҳозирги замон сифатдоши маъноларини ифодалайди.

Иккинчи қисм уч қиёсий турдан ташкил топган.

Биринчи тури уч қоидадан ўз ичига олади.

Биринчи қоида ундош билан тугалланган буйруқ феълидан иборат, унга «а» орттирилиб, сўнг *-дур*, *-дўр* аффикси қўшилади: *ал* – *аладур*, яъни олади, *кэл* – *кэләдўр*, яъни келади.

Иккинчи қоида шундан иборатки, агар буйруқ феъли «а» унлиси билан тугалланган бўлса: *истә*, *асра* каби ёки «у» унлиси билан тугалланган бўлса: *йу*, *оқу* каби, унга «й» орттирилади, сўнг

-дур, -дўр аффикси қўшилади: *истайдур*, яъни истайди, *асрайдур*, яъни асрайди, *йуйдур*, яъни ювади, *оқуйдур*, яъни ўқийди дейилади.

Учинчи қоида «э» (и) унлиси билан тугалланган буйруқ феълларидан иборат: *дэ, йэ* каби.

Иккинчи турга биноан буйруқ феълига «й» ҳарфи қўшилса, икки «й» ёнма-ён келади. Шунинг учун -дур, -дўр аффикси мазкур феълларга қўшилганида, ишболи «и» тарзида талаффуз қилинади: *дэйдур*, яъни дейди, *йэйдур*, яъни ейди дейилади.

Баҳс-савол: *тыймақ*, яъни манъ қилмоқ масдари вазнда *дэмăк*, яъни айтмоқ, демоқ, *йэмăк*, яъни емоқ билан ташқи ҳисобда баробар, лекин нима учун *дэмăк* ва *йэмăк*нинг ҳозирги-келаси замон (формаси) *дэр, дэйдур, йэр, йэйдур, тыймақ*нинг ҳозирги-келаси замон (формаси) эса *тыйар, тыйадур*. Чунончи, биринчисига (*тыйарга*) далил:

*Ҳāлыны нāйлāп нихāн тутсун Навāйи хаста-ким,
Тыйса ашкин āх урар йығлар агар āҳын тыйар.*

Иккинчисига (*тыйадурга*) далил:

*Барурда күйүңā йоқ ихтийāрым,
Мāни ҳар нэчā-ким кōңлүм тыйадур.*

Жавоб: *тыймақ* ишболи касра билан талаффуз қилинади, шунингдек, икки ундошдан иборат (ўзак) ва «й» ҳарфи сўз таркибини ташкил қилади. Шу сабабли унинг ҳозирги-келаси замон (формаси) *тыйар* ва *тыйадур*дир; *дэмăк* ва *йэмăк* эса ишбосиз талаффуз қилингани учун мазкур бир ундошли ўзакларнинг иккинчи ҳарфи «и (э)»ни ифодалайди. Шунинг учун уларнинг (мазкур феълларнинг – З.У.) ҳозирги-келаси замон (формаси) *дэр, дийдур, йэр, йэйдур*дир.

Иккинчи тур муштарак аффикслар -гай / -гāй, -сун, -сўн, -дық / -дик дан иборат бўлиб, буйруқ феълига қўшилади: *алгай, алсун, алдық*, яъни олсин, *кэлгāй, кэлсўн, кэлдик*, яъни келсин каби. Баъзи ўринда, буйруқ феъли бобида тушунтирилганидек, буйруқ феълнинг учинчи шахс бирлик маъносини ифодалайди.

Яна (ҳозирги-келаси замон формаси) ундош билан тугалланган буйруқ феъли формасига «а» унлисини қўшиш билан ясалади: *тэшā*, яъни тешади каби. Чунончи, «Садди Искандарий»да «Ситон васфи»да шундай дейилади:

*Ўчи қатра судын тапып чаишы
Нэтан гар **тэиш** қатра су таишы.*

Шунга ўхшаш *тарыла*, яъни эксин. Чунончи, Лутфий сўз ўйини тарзида шундай дейди:

*Тā ишим тушты бир ағзы тār илā
Кōнлүми асрар сачы бир тār илā
Кōз тутар-мэн-ким кōзүмниң суйыдын
Кōнлидā тухм-и муҳаббат **тарыла**.*

Бу феъл формаси, биринчи бобда тушунтирилганидек, масдар маъносини, олтинчи бобда тушунтирилганидек, учинчи шахс буйруқ феъли маъносини, ўнинчи бобда тушунтирилганидек, равишдош маъносини ифодалайди.

Эслатма. Билки, ҳозирги-келаси замон феълининг иккинчи қисмининг белгиси -*дур*, -*дўр* ўтган замон белгиларидан -*мыш*, -*миш* билан қўшилиб, феъл нисбатлари (кўмакчи феъллар – З.У.) билан ишлатилса, келаси замон маъносини ифодалайди: *эсадўрмиш болгай*, яъни эсадиган, *қонғарадурмиш болгай*, яъни жойидан суғуриладиган, *қыладурмиш болгай*, яъни қиладиган каби. Чунончи, «Насойиму-л-муҳаббат»да «Шайх Абул Ҳасан Хирқони зикрида» шундай дейилади:

Аны āсмāндын бир тār ипāk билā асмыш болгайлар ва йэли эсадурмиш болгай-ким, бинāларны ва йызачларны қонғарадурмиш болгай ва дарйāларны амбāшта қыладурмиш болгай ва йэрдин тэбрāтā алмагай.

Тўртинчи боб. Ҳозирги замон сифатдоши ҳақида

Ҳозирги замон сифатдоши икки қисмдан иборат. Биринчи қисм ҳозирги замон сифатдоши маъносини ифодаловчи (формалардан) ташкил топган бўлиб, икки турга бўлинади. Биринчи тури қиёсий бўлиб, икки аффиксни ўз ичига олади. Биринчи аффикс -*гучы* / -*гўчи* бўлиб, буйруқ феълига қўшилади: *алгучы*, яъни олувчи, *кэлгўчи*, яъни келувчи каби.

Хато. Толе Ҳиравий *алгучы* (формаси) баъзан ҳозирги замон сифатдоши ва баъзан масдар маъносини ифодалайди ва сифатдошнинг муболаға формасида ҳам келади, деб хато қилган. -*гучы* ва

-гўчи фақат ҳозирги замон сифатдоши маъносини ифодалаб, бошқа ҳеч қандай маъно билдирмайди.

Эслатма. Эрон ва Рум туркларида ҳозирги замон сифатдош (формаси)ни яшаш учун ҳозирги замон сифатдоши формасидан -гу / -гў ни олиб ташлаб, (буйруқ феъли)га бирор унли орттирилади, сўнгра -чы, -чи аффикси қўшилади. Масалан, *алғувчи, кэлгўвчи, тутқучи* ўрнига *алычы, кэлўчи, тутучи* дейилади ва ҳоказо.

Иккинчи белги -чы, -чи бўлиб, предмет отлари ва бошқа (сўз туркумлари)га қўшилади: *оқчы*, яъни ўқчи каби. Унга (*оқчыга*) қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

*Бузуқ қабрымны көргән оқчы докканыга охшатгай
Фирāқың отыдын анда көрўп пайкāн-у пар ҳар йан.*

Шунга ўхшаш *индакчи*, яъни кишиларни меҳмонга чақирувчи киши, *битикчи*, яъни ёзувчи каби.

-чы, -чи масдарларга қўшилиб, ўтган замон сифатдоши маъносида ишлатилади. Чунончи, «Бобур тарихи»да шундай дейилади: *Бақы-йы чығатыйаны давлатхāхлық қылыб, бизга қошулмақчы болды*, яъни ҳамроҳ бўладиган, қўшиладиган бўлди.

Яна шундай дейилади: *Йағыларның устыга атланмақчы эдўк*, яъни отланадиган бўлдик.

Баъзида (-чы, -чи аффикси) тўртинчи мабннинг «Завойид» бобида тушунтирилганидек, сўзларга қўшилиб, ҳеч қандай грамматик маъно англатмайди.

Иккинчи тури самоий бўлиб, у бир неча хилдир.

Биринчи хили -вул бўлиб, баъзи бир буйруқ феълига қўшилади¹: *қаравул, йасавул*, яъни нозир, қоровул, *йасавул*, яъни тартиб қилувчи, *бāкāвўл*, яъни баковул, дастурхончи, *тусқавул*, яъни сақловчи каби ва шунга ўхшашлар.

Яна ундош билан тугалланган буйруқ феълига «а» орттириб, (сўнг) -ган / -гāн аффиксини қўшиш билан (ҳозирги замон сифатдош формаси) ясалади ва давомлилик, кучайтирув маъносини ифода-лайди: *тутаган*, яъни доим ушловчи, олувчи, *чапаган*, яъни доим

¹ Бу аффикс ва унинг ёрдамида ясалган сўзлар «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида изоҳлаб ўтилади. Қаранг. Алишер Навоий. Танланган асарлар. III том. – Тошкент, 1948. – Б. 188.

чопувчи, ураган, яъни доим урувчи, *кўләгән*, яъни кулувчи, *кэсәгән*, яъни кўп кесувчи, ўткир каби ва ҳоказо.

Яна *-чақ* аффиксини кўшиш билан ҳозирги замон сифатдош формаси ясалади: *йасанчақ*, яъни ўзига оро берувчи каби. Чунончи, «Маҳбубу-л-қулуб»нинг «Танбихот» бобида шундай дейилади: *Йасанчақ мардана болмас, көпөләк парвәна болмас.*

Яна муштарак маънога эга бўлган *тиләгән* формасидан «г» (харфи) қискартирилиб, унга *-чи* аффикси кўшилади: *тиләнчи*, яъни гадо, тиланчи. Чунончи, «Лайли ва Мажнун»да шундай дейилади:

Тўн даргаҳина тиләнчи зағи
Эғнидә тәриси-дўр палағи.

Бу анормалдир.

Иккинчи қисм муштарак формалардан иборат бўлиб, уч турни ўз ичига олади.

Биринчи тури ҳозирги-келаси замон феълининг биринчи қисмидан иборат: *ачар*, яъни очади, лекин «очувчи» маъносини ҳам ифодалайди: Чунончи, шундай дейилади:

Нәлән-мән ачар болса йўз ул ҳур-и паризād
Булбулга нэтағ гул ачылул фаслда фарйād.

Шунга ўхшаш *көрәр*, яъни кўради, *эшитўр*, яъни эшитади, *этўр*, яъни дейди, айтади, *ағлар*, яъни тушунади. Мазкур тўрт сўз учун «Ҳайрату-л-аброр»нинг ўн саккизинчи мақоласида ҳозирги замон сифатдоши маъносида қуйидаги тўртлик келтирилган:

Лутф билә айләди инсән сәни
Дин йолыда қылды мусулмән сәни
Бәрди корйр көз-у эшитўр қулағ
Айтур тил, атрны ағлар дымағ.

Биринчи бобда, масдар бобида тушунтирилганидек, (мазкур форма) масдар маъносида ҳам қўлланади.

Иккинчи тури *-ган (-қан) / -гән* формасидан иборат: *дэгән*, *бэргән*, *сачқан*, *тэргән*, яъни айтувчи, бергувчи, сочувчи, терувчи каби. «Лисону-т-тайр»нинг «Тавҳид водийси» бобида шундай дейилади:

*Ул дэди дэгән өзи, бэргән өзи
Базл ара сачган өзи, тэргән өзи.*

Шунга ўхшаш йувган, яъни юувчи. Чунончи, шундай дейилади:

*Йоқ шафақ мазлум қаныга қалып эрди сепэхр
Аны йувган баҳр-и ашким мавжыдын кўлак эмиш.*

Шунга ўхшаш чомурган, яъни ғарқ қилувчи ва учурган, яъни учурувчи. Чунончи, «Маҳбубу-л-қулуб»нинг ўнинчи бобида «Ишк зикри»да шундай дейилади:

Баҳри-дур васиъ эгрими йўз ақл-у ҳуш кэмәсин чомурган ва тағьдур рафиъ ҳар тигъи миғ зиҳд-у тақвāны башын учурган.

Бу форма, биринчи бобда тушунтирилганидек, масдар маъносини ҳам ифодалайди.

Эслатма. Билки, бу форма Эрон ва Рум туркларида масдар ҳақида тушунтирилган қоидага биноан «ғ» ва «г» (ҳарфлари) тушириб қолдирилган шаклда ишлатилади: қылган, яъни қилувчи формаси қылан каби ишлатилади. Унга (қыланга) Фузулийдан рум имлосида қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

*Раънāлығ айлә қāмат-и шамшāды қылан йāд
Олмаз-мы хижл сарв-и хирāмāныҗы кōргāч.*

Шунга ўхшаш айләгән, яъни қилувчи айләйән сингари ишлатилиб, яна (Фузулийдан) қуйидаги мисол келтирилган.

*Фузулийны малāмат айләйән бэдард билмāз-ми
Ки бāзār-и жунун расвāларында нағ-у фām олмаз.*

Бу форма масдар ва бошқа маъноларни ифодалашига кўра чиғатой тилига мос келади.

Илова. Чиғатой тилида бу белги (-ган (-қан) / -гән) ҳозирги-келаси замон феълининг ҳар икки қисмига қўшилади: қазарган, қазадурган, ўйўрўләдўрган каби. Иккинчисига (қазадурганга) далил қилиб, «қазувчи» маъносида «Фарҳод достони ва унинг арман ўлкасига етиб келиши» фаслида шундай дейилади:

Арманийа тағъи кāmәридā хāра қазадурган эл ажзин кōрўп хāра қазарға кāmәр чуст этгāни.

Тўртинчисига «айлантирувчи» маъносида шундай далил келтирилади¹:

*Чўрук сўҳакларим олмыш қуйун ара хайшак
Башығга **уйўрўладўргән** таным губары билә.*

Масдарлар бобида тушунтирилганидек, бу форма масдар маъносини ҳам ифодалайди. Баъзи ўринда эса ўтган замон ва баъзи ўринда ўтган замон сифатдоши маъносида ҳам ишлатилади.

Учинчи тури ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формасининг учинчи шахс бирлик шаклидан иборат: *ачмас*, яъни очмайди каби, лекин феъл воситачилари (қўмакчи феъллар) билан ишлатилса, бўлишсиз ҳозирги замон сифатдоши маъносини ифодалайди: *ачмас болса*, яъни очмайдиган бўлса. Масдарлар бобида тушунтирилганидек, бўлишсиз масдар маъносида ҳам ишлатилади.

Иккинчи тури самоий бўлиб, икки турга бўлинади.

Биринчи тури *-гур / -гўр* формасидан иборат: *учгур*, яъни тез учувчи, *тингур*, яъни тинчлантирувчи, *отгўр*, яъни ўтказувчи, *уйғанмагур*, яъни уйғонмовчи. Унга (*уйғанмагурга*) далил қилиб қуйидаги мисол келтирилган:

*Дэр-мэн айлай сурма пор сәҳиб назарның гардини
Аҳ ким **уйғанмагур** бахтым көз ачмас уйқудын.*

Бу форма, биринчи бобнинг масдар исмлари қисмида тушунтирилганидек, масдар исми маъносини ҳам ифодалайди.

Иккинчи тури *-гун / -гўн* формасидан иборат: *қавгун*, таъқиб қилувчи, *отгўн*, яъни ўтувчи, ўткинчи каби. Биринчисига (*қавгунга*) «Сабъайи сайёра»дан қуйидаги мисолни келтириш мумкин.

*Сурдылар кэмәни шитәб билә
Йәтти **қавгунлар** изтирәб билә.*

Иккинчиси (*отгўнчә*)га аллегория шаклида ҳар икки маънода (Навоий) шундай буюрадилар:

*Тир бәрән-и гамың жән-у көңүлдин өтти
Аллоҳ-аллоҳ нә балә бу йағын эрмиш **откўн**.*

¹ Бу ерда ноаниқлик бор: *уйўрўладўргән*га мисол келтирилган.

Яна шундай буюрадилар:

*Тир бәрән-и фирāқ аҳбāб жсāныдын өтär
Ҳеч йамғур мундын айā **өткүн** олғай-му экин.*

Шунга ўхшаш *чанғун*, яъни тез чопар от, ўтган замон сифатдоши бобида тушунтирилганидек, ўтган замон сифатдоши маъносида ҳам қўлланади. Баъзида унга ҳозирги-келаси замон сифатдошининг қиёсий белгиларидан *-чы*, *-чи* қўшилади. Чунончи, биринчисига «Тариху-л-мулук»нинг «Баҳром Чубин баёни»да шундай мисол келтирилган:

*Баҳрām Парвизга **қавғунчы** йибарип, öзи пāдишāхлықға олтурды.*

Иккинчисига (*өткүнчига*) «Лайли Мажнун»нинг «Мажнун аҳволининг васфи» фаслида шундай мисол келтирилган:

*Бу нукталар āйлāбāн шумāра
Өткүнчилär āйлāбāн назāра.*

Бешинчи боб. Ўтган замон сифатдоши баёни

У (ўтган замон сифатдоши – З.У.) икки қисмдан ташкил топган.

Биринчи қисми ўз шаклида ўтган замон сифатдоши маъносини ифодаловчи сўзлардан иборат: *сынук*, яъни синган, *битик*, яъни битган, мактуб каби.

Феъл формаларининг бу тури сифат ва масдар исми формаларида ҳам учрайди: *йықуқ*, яъни бузилган йиқилган, *тилүк*, яъни тешик, *буйруқ*, яъни фармон каби.

Иккинчи қисми муштарак аффикслардан иборат бўлиб, тўрт турга бўлинади.

Биринчи тури *-мыш*, *-миш* бўлиб, баъзи ўринда ўтган замон сифатдоши ва баъзи ўринда, ўтган замон бобида тушунтирилганидек, ўтган замон (маъноси)ни ифодалайди.

Иккинчи тури *-ган* / *-гāн* дан иборат бўлиб, баъзи ўринда ўтган замон маъносини ва баъзи ўринда эса ўтган замон сифатдоши маъносини ифодалайди. Ўтган замон маъносида ҳам келади. Ўтган замон сифатдоши маъносига далил қилиб қуйидаги мисоллар келтирилган: *қылган*, яъни бўлган, *тапган*, яъни топган каби. Чунончи, «Маҳбубу-л-қулуб»нинг ўнинчи бобида «Ишқ баёни»да шундай дейилади:

Бу таъриф қылган ишқ маъшуқ вужуды бирлә қайымдур ва тавърид тапган ҳалатга мансублуғлары дāйым.

Шунга ўхшаш *битгāн*, яъни мактуб, ёзган. Чунончи «Хирадписандлар васфи»да шундай дейилади:

Бэмаъни ҳазйāнын жсāрулла битгāн кашииф гумāн қылгай.

Масдар ва ҳозирги-келаси замон сифатдоши маъносини ҳам ифодалайди, чунончи ўз ифодасини топди (ёзилди).

Қоида. Билки, Рум ва Эрон туркларида бу форма масдарлар (боби)да баён қилинган қоидага биноан («қ» ва «ғ» ҳарфлари) қисқартирилган шаклда ишлатилади: *олгāн*, яъни ўлган, ўлик ва *олган*, яъни бўлган (сўзлари) *олан* сингари ишлатилади. «Бўлган» маъносига Фузулийдан рум имлосида шундай далил келтирилади:

*Харāб олан кōйўл эй бут-и сағ мақāмығ-дур
Тағāфил айлāмā бир қач дашила āбāд эт.*

Йанган, яъни ёнган *йанан* каби қўлланилади. Унга (*йананга*) далил қилиб шундай мисол келтирилган:

*Дозаха кирмāз ситамығдын йанан
Қāбил-и жаннат дэғил ағл-и азāб.*

Илова. Бу белги чиғатой тилида ҳозирги-келаси замон (феъли)нинг ҳар икки қисмига ҳам қўшилиб, мазкур маъноларнинг ўзини ифодалайди: *тутулурган*, *тутуладурган*, яъни олинган, ушланган, *битўлўргāн*, *битиладўргāн*, яъни битилган, ёзилган каби. Биринчи ва тўртинчи бобларда тушунтирилганидек, масдар ва ҳозирги замон сифатдоши маъносини ҳам ифодалайди.

Учинчи тури *-лығ*, *-луғ*, *-лик*, *-лўк* (аффикслари)дан иборат бўлиб, йо-йи нисбат ва йо-йи масдари маъносини англатади. Баъзи сўзлар билан эса ўтган замон сифатдоши маъносини ифодалайди: *чырмаишығ*, яъни чирмашган каби. Масалан:

*Руқъадур чарх чырмаишығ-ки мазмун суратын
Ҳеч ким фаҳм этмāди унвāнынығ мазмуныдын.*

Кōмўклўк, яъни дафн қилинган ҳам шунга ўхшаш бўлиб, «Хисрав ва Ширин»да «Фарҳоднинг аждар ўлдириши» (ҳикояси)да шундай дейилади:

*Көмүклүк йэргә ташидур шабиҳун
Ки бәр вазн ичрә сиң бәтмәндын афзун.*

Битиклик, яъни мактуб ёзилган ҳам шу сингаридир. Чунончи, «Хисрав ва Ширин»да айтылган:

*Қылычда дағы исми эрди битиглиг
Ки ул бу исмдин тапмыш өтиглиг.*

Көмүклүк, битиглиг сўзи бу ўринда көмүлгән, көмүлмиш, битилгән, битилмишнинг синонимидир. Өтиглиг эса ўтган замон сифатдоши маъносини англатмасдан, кучайтирув маъносини ифодалайди.

Тўртинчи тур -гун / -гүн, -күн (аффиксидан) иборат: тутгун, яъни тутқин, маҳбус, йургун, яъни ҳорғин, чарчаган, сўргүн, яъни қувилган, сургун. Ҳозирги замон сифатдоши бобида тушунтирилганидек, бу белги баъзи сўзларда ҳозирги замон сифатдоши маъносини ифодалайди.

Олтинчи боб. Буйруқ феъли баёни

Биринчи бобда баён қилинган қоидага мувофиқ, буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлик формаси феъл формаларининг бирламчи шаклидир ва белгиларнинг барчаси унга боғлиқ. Баъзида таъкидни кучайтириш ва фикрни безатиш учун унга (буйруқ феълига – З.У.) -гыл / -гил (аффикси) орттирилади:

*Қарā көзүм кэл-у мардумлуқ эмди фан қылгыл
Көзүм қарāсыда мардум киби ватан қылгыл.*

Иккинчисига (-гил формасига) далил «Сабъайи сайёра»дан:

*Йā бу тафтиш таркини этгил
Йā ки билгāҳ башың алып кэтгил.*

Бу аффикснинг орттирилиши ихтиёрийдир. Лекин (бу аффикс) буйруқ феъли ва буйруқ феълининг инкор шаклининг иккинчи шахс бирлик формасига хосдир: қылгыл, қылмагыл, этгил, этмāгил каби ва баъзида «л» ҳарфини «н» (ҳарфига) алмаштирадилар: тилāгил ўрнига тилāгин каби. Чунончи айтылган:

*Дэмәһ-ки қаишлары мэхрәбьда тиләг **тиләгин**
Меһә-ки қаишлары мэхрәбь-оқ турур тиләгим.*

Шунга ўхшаш дэҗил ўрнига дэҗин зикр қилинган. Бунга далил қилиб қуйидаги байт келтирилади:

*Мән-у муз дайри-ким ҳар сәйил анда шаҳ сары бақмас,
Дэҗин эй шайх ҳимматын-му йә шавкаттын эркин-му.*

Ўзбеклар кўпинча шу турда гапирадилар (ишлатадилар).

Қоида. Билки, буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлик формаси «ар» билан тугалланган бўлса: *бар, ахтар, қайтар* каби, баъзан «р» ҳарфини заммалаштириб, унинг охирига у орттирадилар:

*Эй сабә әвәра кәһлүм истәйү ҳар йан **бару**
Вәди-йу тағ-у бийәбәнларны бир-бир **ахтару**
Тапа кәр аны чу тапсаһ ҳар қайан әзим әсә
Башына уйурул қуйун-дәг дағь алдап **қайтару**.*

Хато. Насирий бу формани ўз китобининг дэбочасида келаси замон маъносида зикр қилиб, биринчи шеърни далил келтирган. Толе Ҳиравий эса, -у аффикси буйруқ феълига қўшилиб, таъкид маъносини ифодалайди, дейди. Бу ҳар икки фикр хатодан холи эмас.

Қоида. Билки, агар иккинчи шахс бирлик формасидан кўплик ва иккилик (формаси)ни ясамоқчи бўлсалар, агар буйруқ феъли ундош билан тугалланган бўлса, охирги ҳарфига унли орттириб, (сўнг) унга «һ» (аффикси)ни орттирадилар: *көрүһ, тутуһ, алыһ, кәлиһ* каби. *Уруһ, алыһ* (сўзлари)нинг унли (ҳарфлари)нинг ҳар хил бўлишининг сабаби олтинчи мабнода имло қоидаларида тушунтирилади. Агар (буйруқ феъли) унли ҳарфлар билан тугалланган бўлса, унинг ундош ва унли ҳарфларини ўзгартирмасдан «һ» (аффикси)ни орттирадилар: *башлаһ, оқуһ, дәһ* каби.

Баъзида таъкид маъносини кучайтириш учун -һ формаси кенгайтирилиб, икки турда ишлатилади.

Биринчи тур шундан иборатки, -һ (аффикси)га ўрнига кўра имло бобида баён қилинадиган қоидага биноан «у, ю» ёки «ы, и» орттириб, (сўнг) унга «з» қўшиб, *көрүһүз, тутуһуз, алыһыз, кәлиһиз* каби ишлатадилар.

Иккинчи тур шундан иборатки, учинчи шахс кўплик белгиси аффикс -лар, -ләр ни унга орттириб, *көрүләр тутулар, алылар, келиләр* (каби) ишлатадилар:

*Көрүләр ишқ даштын ким насими валāдын дāйим
Гаҳи жāнбахш салқын-дур гаҳи маҳлак шарār анда.*

Тўрт белги мавжудки, (уларни) буйруқ феълининг учинчи шахс бирлик формасига орттирадилар, учинчи бобда, ҳозирги-келаси замон бобда тушунтирилганидек, (бу форма) келаси замон маъносини ҳам ифодалайди.

Биринчи белги -дикдир: *асрадик*, яъни асрасин каби. Унга далил:

*Ким-ки көрлин истāмās гамгин тилини асрадик,
Ким тили тийган кишиниң көрлидā āzār эмās.*

Сордик, яъни сўрасин, *олдик*, яъни бўлсин шунга ўхшашдир. -дик «мисли», «монанд» маъноларига ҳам эга. Чунончи, ўз ўрнида зикр қилинажак.

Иккинчи белги -сун, -сўндир: *асрасун, сўрсўн, алсун* каби.

Қоида. Учинчи шахс кўплик формасини яшаш учун кўплик белгиси -лар, -ләр аффикси биринчи ёки иккинчи белгига орттирилади: *сордикләр, сўрсунләр* каби. Биринчисига далил қилиб, қуйидаги байт келтирилади:

*Шāм-и ҳижрāным висол аҳлыга бəҳад қысқадур
Аны сордиклар Навāйи дида-йи гирйāнидин.*

Олдиклар, олсынлар, яъни бўлсинлар шу сингаридир. Чунончи, биринчисига далил «Садди Искандарий»дан:

*Ватанга йанып халқ āсуда дил
Бары биздин олдиклар аммā бəҳил.*

Бу ҳар икки белги кўплик белгиси -лар, -ләр аффиксидан ташқари ҳеч бир феъл боғламалари ва кўмакчи феъллар билан бирикмайди.

Учинчи белги -гай / -гāйдир: *асрагай*, яъни асрасин, *соргай*, яъни сўрасин, *кэлгāй*, яъни келсин, *кэтгāй*, яъни кетсин каби

(сўз)лар *асрадик, асрасун, сөрдик, сөрсўн, кэлдик, кэлсўн, кэтдик, кэтсўн* (сўзлари)нинг синонимидир.

Тўртинчи белги *-а* дан иборат бўлиб, у ундош билан тугалланган буйруқ феълига орттирилиб, *кэрәк* сўзи билан зикр қилинади: *йараша кэрәк болғай*, яъни лойиқ бўлиш керак, *охша кэрәк болғай*, яъни ўхшаш бўлиши керак каби. Шунга ўхшаш «Махбубу-л-қулуб» танбихотининг «Ҳақиқий ишқ васфида» шундай дейилади:

Куллуқ ва изтирāбда аға йараша кэрәк болғай ва галабāt жаддибāти ҳам аға охша кэрәк болғай.

Кэрәк ала, яъни олиши керак, *кэрәк ура*, яъни уриши керак каби ва шунга ўхшашлар.

Еттинчи боб. Буйруқ феълининг инкор формаси баёни

Инкор белгиси *-ма, -мā* бўлиб, буйруқ феълига орттирилади: *барма, кэлмā* каби. Баъзан таъкидни кучайтириш учун унга (буйруқ феълининг инкор формасига – З.У.) *-гыл / -гил* аффиксини орттирадилар: *бармагыл, кэлмāгил* каби ишлатадилар. Баъзан унинг (*-гыл / -гил* аффиксининг) «л» (ҳарфи)ни «н»га алмаштирадилар: *бармагын* каби.

Нэча дэдим ул санамга бармагын (яъни, бормагин)

Қылмады ул тарк āхир бармагын.

Шунга ўхшаш *алмагын* қуйидаги шеърда *алмагыл* ўрнида ишлатилган:

Эй Навāйи тилāсāй давлат-и бāқи тапмақ

Алмагын дайр-и фанā йолыдын аслā āриз.

-ма, -мā баъзида баъзи бир сўзларнинг охирига орттирилади, лекин инкор маъносини англатмайди. У (мазкур сўзлар) икки қисмдан ташкил топган.

Биринчи қисм инкор *-ма, -мā* аффиксини буйруқ феълига орттириш билан ясалган сўзларни ўз ичига олиб, уч турга эга.

Биринчиси предмет (нарсa) отларини билдиради: *алма*, яъни олма каби.

Иккинчи тури баъзи бир масдар исмлари ва ўтган замон сифатдошини ҳосил қилади: *эгмā*, эгма ва эгилган. Чунончи, дейди:

*Эгмә қаддымға бақып раҳм қыл эй сарв нәз
Дур басы әйләди қамат-и раһнаны көз*

ва шунга ўхшаш *асма*, яъни *осма*, *басма*, яъни *босма*, *қавурма*, яъни қовурилган гўшт, қовурма каби.

Учинчи тури масдар белгиси (-*мақ* / -*мәк*) бўлиб, масдарни баъзи бир эгалик аффикси билан биргаликда ишлатганларида масдар белгисининг «қ» ва «к» (харфлари) сўзларнинг қисқартирилишига кўра тушиб қолади, «м» (харфи) эса қисқармайди: *қылмасы*, яъни қилмоғи, *кэлмәси*, яъни келмоғи каби. Бу сўзлар бўлишсизлик маъносини ҳам англатади. Чунончи, унинг хусусиятлари бўлишсизлик (формаси) баёни (боби)да зикр қилинади.

Иккинчи қисм биринчи шахс бирлик эгалик аффикси -*м* дан иборатдир. -*м* келишик аффикси -*га* / -*гә* билан бирикканда, баъзан келишик аффиксини қисқартириб, эгалик аффикси -*м* га қисқартириш ҳисобига *а* орттирадилар¹: *ҳалымга* ва *көңлүмгә* *ҳалыма* ва *көңлүмә* каби ишлатилади. Чунончи, далиллар билан олтинчи мабнонинг иккинчи расмида тушунтирилади.

Қоида. Баъзан -*ма*, -*мә* (аффикси) буйруқ феълининг таркибида мавжуд бўлиши мумкин: *йама*, яъни *яма*, *сәрмә*, яъни ўғирла каби. Ҳаргоҳ мазкур формани буйруқ феълининг инкор шакли маъносида ишлатмоқчи бўлсалар, унга (буйруқ феълига) яна бир -*ма*, -*мә* орттирадилар: *йамама*, яъни *ямама*, *сәрмәмә*, яъни ўғирлама каби.

Саккизинчи боб. Бўлишсиз форма баёни

Бўлишсизлик белгиси -*ма*, -*мә* бўлиб, буйруқ феълига орттирилади, сўнгра форма белгилари қўшилади: *алмамақ*, яъни олмаслик, *кэлмәмәк*, яъни келмаслик, *алмады*, яъни олмади, *кэлмәди*, яъни келмади каби ва шунга ўхшашлар.

Қоида. Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсизлик -*ма*, -*мә* сини қабул қилмайди.

Агар учинчи шахс бирлик бўлишсизлик формасини ундан ясамоқчи бўлсалар, икки хил зикр қиладилар.

Биринчи хили шундан иборатки, буйруқ феълига -*майдур*, -*мәйдур* аффиксини орттирадилар: *от чақылмайдур*, яъни ўт чақилмайди каби. Унга далил:

¹ Бу ерда Меҳдихон хато қилган. Келишик аффикслари қисқармасдан фақат улардаги «к», «г» харфлари тушиб қолади.

*Дамим бухāри булутыда дард кāжсыдын
Көзүмгā ҳеч нафас йоқ-ки от **чақылмай**дур.*

Бу форма ўтган замон бўлишсизлик маъносида ҳам қўлланади. Чунончи, унинг далили иккинчи бобнинг ўтган замон баёнида келтирилди.

Иккинчи хили буйруқ феълига *-мас, -мās* аффиксини қўшиш билан ясалади: *алмас*, яъни олмайди, *дэмās*, яъни гапирмайди. Бу форма, масдар ва ҳозирги замон сифатдоши бобларида тушунтирилганидек, баъзи бир аффикслар билан бирикиб, масдар ва бўлишсиз ҳозирги замон сифатдоши маъноларини ҳам ифодалайди.

Эслатма. Рум турклари *-мас, -мās* (аффикси)ни ўз тилида ажамча «з» билан *-маз, -мāз* шаклида ишлатадилар. Бу форманинг маъноси ва ишлатилиши чифатой тилидаги *-мас* формасининг маъно ва ишлатилишига мосдир: *йазмас*, яъни ёзмайди, ёзмаслик, ёзмайдиган. Чунончи, Фузулийи Бағдодий «ёзмайдиган» маъносига далил қилиб қуйидаги байтни келтиради:

*Сэни малак көрāли **йазмаз** олды ишқы гунāх
Вале йазылды бу йүздин басы савāб аға.*

Ҳозирги-келаси замон феълининг биринчи шахс бирлик формасининг бўлишсизлик белгиси уч шаклда қўшилади.

Биринчи шакли шундан иборатки, буйруқ феълига *-ман, -мāн* аффикси орттирилади: *кэсмāн*, яъни кесмайман, *этмāн*, яъни этмайман, қилмайман.

Қоида. Баъзан ундош билан тугалланган буйруқ феълига «а» орттириб, сўнг *-ман, -мāн* аффикси орттирилади: *кэсāмāн* синоними *кэсмāн* каби.

*Балā башымга басы кэлди қоймадым ишқын
Кэс эмди аны йоқ эрсā булар билā **кэсāмāн**,*

яъни *Бошимга кўп балолар келди, ишқингни тарк қилмадим. Энди уни кес (тарк қил), йўқ эса ҳаргиз (уни) кесмайман (тарк қилмайман).*

Шунга ўхшаш *эдāмāн* рум турк тилида *этāмāн* бўлиб, *этāмāн* эса *этмāн*нинг синонимидир. Чунончи, Фузулийи Бағдодий шундай дейди (рум имлосида):

*Эдәймән тарк Фузулий сар-и куйин йәрның,
На қадар зулм эдәрсә баға хушдур ватаным,*

яъни Эй, Фузулий, ҳеч қачон ёрнинг кўчасини тарк қилмайман, ҳар қанча зулм қилса ҳам (менга шу) ватаним яхшидир.

Навоийнинг барча асарларида ва Фузулийнинг девонида бу икки байтдан бошқа далил кўзга ташланмади.

Бу форма агар «м» -*ма* шаклида зикр қилинса, баён қилинган мазкур қоидага биноан, бўлишсизлик маъносини ифодалайди ва агар «м» -*мэ* шаклида зикр қилинса, тасдиқ маъносини англатади: *кэсамэн*, яъни кесаман, *этәймән*, яъни қиламан, *аламэн*, яъни оламан каби ва шунга ўхшашлар.

Иккинчи тури шундан иборатки, -*ман*, -*мән* аффиксига *а*, -*ә* орттириб, сўнг биринчи шахс бирлик шахс-сон аффиксини қўшиб, *тапманам*, яъни топмайман тарзида қўлланади:

*Чу хуй нәзук эрўр тапманам иләжсын аның
Қашыға барғалы ҳар нэчә чәра әйләрмән.*

Бу тур чигатой тилида кам ишлатилади. Ҳазрати Навоийнинг барча асарларида шу бир далилдан бошқа (далил) кўзга ташланмади. Эрон ва Рум туркларининг сўзлашувида эса (формаларнинг) барчаси шу турда ясалган.

Учинчи тури шундан иборатки, буйруқ феълига -*масмэн*, -*мәсмэн* аффикси орттирилади: *кәмәсмэн*, яъни келмайман, *эт-мәсмэн*, яъни қилмайман, *тапмасмэн*, яъни топмайман каби.

Қоида. Агар -*ма*, -*мә* сўз таркибини ташкил қилса (*йамамақ* каби), ундан масдар формасини яшаш учун унга -*мақ* / -*мәк* аффикси орттирилади: *йамамақ*, яъни ямамоқ. Агар (мазкур формани) бўлишсиз формада айтмоқчи бўлсалар, яна бир бўлишсизлик аломатини буйруқ феъли ҳамда масдар белгиси ўртасига орттириб, уни уч -*ма*, -*мә* билан зикр қиладилар: *йамамамақ*, яъни ямамаслик. Шунга ўхшаш *сәрмәмәк*, яъни «ўғирламоқ»нинг бўлишсиз формаси *сәрмәмәмәкдир*. Бошқа феъл формалари эса, улардан масдар белгиси тушиб қолгани учун, икки -*ма*, -*мә* билан қўлланади: *йамамады*, яъни ямамади, *сәрмәмәди*, яъни ўғирламади каби ва шунга ўхшашлар.

Изоҳ. Шаклан бир хил бўлган, лекин маънолари турлича бўлган икки аффикс ҳам бўлишсизлик, ҳам тасдиқ маъносини ифодалаб, уч қисмдан ташкил топгандир.

Биринчи қисм шундан иборатки, учинчи шахс бирлик бўлишсиз формаси, қисқартирилмаган ва қисқартирилган масдарга учинчи шахс бирлик аффикси орттирилади: *олмас*, *қылмас* учинчи шахс бирлик бўлишсизлик (шакли)дир. *Олма*, *қылма* эса қисқартирилган масдар (шакли)дир. Шунинг учун бу аффикс ўзакка бирикканида масдарнинг тасдиқ маъносини ва ҳам бўлишсизлик маъносини ифодалайди.

Эслатма. Туркий тилда агар сўз ундош ҳарф билан тугаллаган бўлса, (учинчи шахс)да унга эгалик аффикси «-и, -и» (шакли)да орттирилади: *қаш* – *қашы*, *көз* – *көзи*, *тиш* – *тиши* каби. Шунга ўхшаш форс тилида ундош билан тугалланган сўзнинг эгалик аффикси «ш»дан иборат: *чаим* – *чаимаш*, *дандан* – *данданаш*, *даст* – *дасташ* каби.

Агар туркий тилда сўзлар «а», «у», «и» билан тугалланган бўлса, уларга эгалик аффикси -*сы*, -*си* (шакли)да орттирилади: *атасы*, яъни отаси, *көзгүси*, яъни кўзгуси, *ылхысы*, яъни йилқиси каби дейдилар. Бу аффикс форс тилида унли ҳарфлар билан тугалланган сўзлар охирига қўшиладиган -*йашга* тўғри келади: *сафайаш*, *руйаш*, *бинийаш* каби.

Агар учинчи шахс бирлик бўлишсизлик формаси *олмас*, *қылмас*га учинчи шахс бирлик эгалик аффиксини орттирмоқчи бўлсалар, сўзлар ундош билан тугалланган бўлса, эгалик аффикси мазкур қоидага биноан -*и*, -*и* тарзида қўшилиб, *олмасы*, яъни бўлмаслиги, *қылмасы*, яъни қилмаслиги каби ишлатилади.

Олма, *қылма*дан иборат бўлган қисқартирилган масдарлар эса *а* унлиси билан тугалланган бўлгани учун эгалик аффикси -*сы*, -*си* шаклида қўшилади ва бу ерда ҳам *олмасы*, *қылмасы*, яъни бўлмоғи, қилмоғи дейилади.

Бу (форма) ҳар икки маънони, яъни бўлишсизлик ва тасдиқ маъноларини англатади. Агар исм бўлса: *асма*, яъни осма, *чэкмә*, яъни отлиқ оёғига кийиладиган этик каби бўлишсизлик ва тасдиқ маъноларидан ташқари мазкур исм маъносини ҳам ифодалайди. Масалан, *асмасы*, яъни осмоғи, осмаслиги, унинг осмаси, *чэкмәси*, яъни тортмоғи, тортмаслиги, унинг этиги каби ва ҳоказо.

Бўлишсизлик маъносига Навоийда (уни раҳмат қилсин) қуйидаги мисол келтирилган:

*Ишқдын мухлисыма айлабән аҳбоб дуъ
Мустажб олмасы аның мән маҳзунга тиләг,*

яъни Аҳбоб менинг ишқдин қутулишим учун дуо қилди, (унинг) дуоси мустажоб бўлмаганлиги мен маҳзуннинг муддао ва мақсудидир.

Яна шундай дейилади:

*Навāйи олмасыга āзим-и Ирāқ-у Ҳижāз
Магар назāҳат-и мулк-и Ҳари эрўр бāис.*

Тасдиқ маъносига рум имлосида ёзилган «Тож-и таворих-и ол-и Усмон»да «Масжиднинг бунёд этилиши» бобида шундай дейилади:

Мурāt замириндā нақшпазир олан хāтира-йи йак арса-йи шуҳудда вужуди хāрижи кэсвāсилā жилвагар олмасы миннат-ҳāйи нийати эдўкин тақрир этди, яъни Унинг қалби кўзгусида нақшланган мурод ва унинг шоҳидлар майдонида жилваланиши таиққи қиёфаси билан унинг ният миннатларини баён қилди.

Бўлишсизлик маъносига эса чиғатой тилида ёзилган туркча «Калила ва Димна»нинг «Кашаф ва чаён» достонида шундай мисол келтирилади:

*Кимгā ким āдат болур фэъл-и замим
Сāдир олур андын ул бэихтийār
Там-у таи дэмāй чайан йэтгāч йэткār
Кōрлидā кэчмāс қылур қылмасы кār,*

яъни Чаён девор ва тош демасдан ўз найзасини найзаси таъсир қилиши ва қилмаслигини дилидан кечирмай санчади¹.

Тасдиқ маъносига Навоийдан яна шундай мисол келтирилади:

*Учуз захми лабыда билгўрўр билгўрмāсин кōрдик
Нишāна-ким ки истār жāн арā дāғы ниҳāнимдын.*

Бу шеърда билгўрмā масдар бўлиб, унинг маъноси қуйидагича: касаллик захми унинг лабидан маълум бўлади, агар бирор киши

¹ Биринчи байт таржимаси берилмаган.

менинг жонимдан (жоним орасидан) яширин доғ нишонасини истаса, унинг белгисини кўради.

Бўлишсизлик маъносига Навоийдан яна шундай далил келтирилади:

*Захмым ағзы **бўтмәсидин** уйқум өчмиш, эй рафиқ
Гойā бу өзгā уйқу кэлтүрүр хамйāзадур,*

яъни Эй ўртоқ, ярамнинг оғзи битмасдан уйқум ўчди, гўёки бу бошқа уйқу келтирувчи хамёзадир (ўлим уйқуси).

Тасдиқ маъносига рум имлосида Фузулийдан шундай мисол келтирилади:

*Дил-ки сар-и манзили ул зулф паришāн олмыш
Нула журми-ки **эслимәснй** фармāн олмыш,*

яъни Дилнинг бош манзили бўлган ул зулф паришон бўлибди ва унинг гуноҳи нимадирки, унинг осилишига фармон бўлибди.

Иккинчи қисми шундан иборатки, учинчи шахс бирлик тўлиқ бўлишсизлик формаси -дын, -дин, яъни -дан аффикси билан қўшилади: *āйлāmәсдин, этмәсдин*, яъни қилмасдан каби. Чунончи, рум турклари тилида ёзилган «Калила ва Димна»да шундай дейилади: *Ваъдага вафā **этмәсдин** аны таъдиб этдиләр*, яъни ваъдага вафо қилмагани учун уни таъдиб қилдилар.

Агар (-дин) олдин, бурун, илгари сўзи билан бирикса, бўлишсизлик маъноси тасдиқ маъносига кўчади.

Чунончи, Навоий шундай дейди:

*Баш ақарып йўз қаралығдур йана тарк-и адаб,
Дуст гайрат **āйлāmәсдин** бурна қыл исйāнны бас,*

яъни Бош (соч) оқарган, адабни тарк қилиш қора юзликдир, дўст гайрат қилмасдан илгари исённи бас қил.

Яна мазкур маънода шундай дейилади:

*Ишқ нахлының бары ҳижрāн эмиш эй дўстлар
Бу насиҳаттын йәғиз бар āишқ олмасдын бурун,*

яъни, Эй дўстлар, ишқ дарахтининг меваси ҳижрондир, бу насиҳат мевасидан оишқ бўлмасдан илгари енг.

Яна «Садди Искандарий»нинг «Аҳраманнинг Фарҳод билан жанги» (достони)да шундай дейилади:

*Тутуп бир гурз андын саҳмгинрақ
Кэлип аввалғыдын пор қаҳр-у кинрақ
Аны ҳам урғалы элтиб ҳавāга
Тўшўрмāсдин бурун фармāн равāга.*

Учинчи қисм шундан иборатки, «с» ҳарфи қисқартирилган учинчи шахс бирлик бўлишсизлик формаси ва «қ» ҳамда «к» (ҳарфлари) қисқартирилган масдарлар *-дын, -дин*, яъни *-дан* аффикси билан қўшилади ва бўлишли (тасдиқ) масдар ва ҳам бўлишсиз ўтган замон маъноларини ифодалайди. Бу қисм, асосан, рум туркларида ишлатилади. (Бу форма) бўлишли масдар маъносини ифодалаганда маълум камчиликка эгадир, чунки мисоллардан маълум бўлганидек, масдар белгиларининг «қ» ва «к» ҳарфлари қисқартирилган мазкур масдарнинг ўзидир. Бўлишли масдар маъносига рум имлосида Фузулийдан қуйидаги байт келтирилади:

*Муъанбар сумбулуғдын алмадын бу олмадум расвā,
Бу расвāлық баға сāндин дэгил бāд-и сабāдандур.*

*Алмадын алмақдыннинг қисқартирилган шаклидир, яъни
Сенинг муъанбар сунбулингдан буй олмоқдан расво бўлмадим,
менинг бу расволигим сендан эмас, боди сабодандир.*

Яна шундай дейилади:

*Сиррамы расвāлығым фāш этмāдин āламлара
Зāр жисмым ашк гирдāбында пинҳāн олса йак (?)*

*Этмāдин этмāкдиннинг қисқартирилган шаклидир, яъни
Менинг расволигимни ва сирримни оламга фош этмоқдан (қўра),
агар менинг зор жисмим кўз ёши гирдобида кўмилса (пинҳон бўлса)
яхшироқдир.*

Шунга ўхшаш йанмақ ва олмақ, яъни бўлмоқнинг қисқартирилган (шакллари) йанма ва олмадир.

Чунончи, Фузулий дейди:

*Эй Фузулий шамъваши мутлақ ачылмаз йанмадын
Тāблар-ким сумбулындын ришта-йи жāныдадур,*

яъни Эй Фузулий, ёнмоқдин мутлақ шамъ каби очилмайди,
унинг сунбулининг тоблари сенинг жонингнинг риштасидадир.

Яна румча «Калила Димна»да шундай дейилади:

*Бән өлүм чэкдүм ғам-и савдā-йи зулфуңдын сāниң
Чунки сән әл чэкмадиң агйār илә йār **олмадын**,*

яъни Мен сенинг зулфинг савдоси ғамидан қўл тортдим
(четландим), чунки сен бегоналар билан дўст бўлишдан бош
тортмадинг.

Бўлишсиз мажҳул ўтган замон маъносида эса, агар далиллар
бўлишсиз масдар маъносидан далолат берсалар: *дэмās, қылмас* ва
шунга ўхшашлар мазкур сўзларнинг қисқарган (шакллари) деб
айтиш мумкин, лекин ҳамма ерда бўлишсиз ўтган замон маъносида
ишлатилган. Бу қоидага зид бўлиб, сабаби маълум эмас. Чунончи,
бўлишсиз ўтган замон маъносига рум имлосида Фузулийда шундай
мисол келтирилган:

*Бу нā сирдур сирр-и ишқың **дэмāдāн** бир кимсайа
Шухра дўшмиши бāн сāни севдүм дэйў āвāзалар.*

*Дэмāдин дэмāмиши маъносидадир, яъни Бу қандай сирки, ишқ
сирингни ҳеч кимга айтмасдан, менинг сени севишим овозалар
бўлибди.*

Яна (Фузулийдан) (уни худо раҳмат қилсин) қуйидаги мисол
келтирилади:

*Саждагāҳ этмишиди ишқ аҳлы қашың мэхрāбыны
Қылмадын хайл-и малойик сажда-йи āдам ҳануз.*

*Қылмадын қылмамыши маъносидадир, яъни Ишқ аҳли малойика-
лар одамга сажда қилмасдан илғари сенинг қошинг меҳробини
саждагоҳ қилгандирлар.*

Яна шундай дейилади:

*Май **ичмāдин** ачылмаз эмиши бāб-и мағфират
Согандлар бу бāбда тир-и муғāн ичār.*

*Ичмāдин ичмāмиши маъносида ишлатилган бўлиб, бу шеърда эса
бўлишсиз масдар маъносини ҳам ифодалайди, яъни Май ичмасдан*

(ичмасликдан) мағфират эшиги очилмас эмиш, тир-и муғон эса бу эшикда қасамлар ичади.

Йэтишимә, гүйдүрмә шунга ўхшашдир. Румча «Калила ва Димна»да шундай дейилади: *Хануз дуди йэтишимәдин таф-и андуҳ ва тәб-и маләматдин йандум.*

Йэтишимәдин йэтишимәмиш маъносида келган, яъни *Дуди етиб келмасдан ғам оташида ва маломат иссиғида куйдим.*

Тўққизинчи боб. Равишдош

Равишдош икки турга: содда ва жуфт равишдошларга бўлиниб, тўрт шаклда ишлатилади.

Биринчи шакли агар буйруқ феъли ундош ҳарф билан тугалланган бўлса: *йықыл*, яъни *йиқил*, *қоп*, яъни *тур*, *сал*, яъни *ташла*, *кўл*, яъни *кул* *каби*, «а» қўшилиб, *алиф* ёки *ҳо-йи ҳавваз* билан ифодаланади: *йықыла*, яъни *йиқила*, *йиқилиб*, *қона*, яъни *тура*, *туриб*, *кўз сала*, яъни *кўз солиб*, *кўлә*, яъни *кула*, *кулиб каби*. Чунончи, биринчи ва иккинчи мисолларга «Сабъайи сайёра»нинг «Саъд» достонидан қуйидаги далилни келтириш мумкин¹:

Қашида хāl-и ҳинду-йи кāфир эрўр-ки аҳлы дин
Қатлы ўчўн чықып турур кўз саладыр тāқыға.

Тўртинчисига (кўләга) далил:

Ииқ чу элгā от йақып икки кўзўм суйи ақып
Ҳар сари-ким кўлә бақып, дард илā бизни йығлатып.

Такрорланиб, яъни жуфт шаклда ишлатилади: *тута-тута*, яъни *тута-тута*, *чала-чала*, яъни *чала-чала*, *бара-бара*, яъни *бора-бора каби*. Биринчи ва иккинчисига *тута-тута*, *чала-чала*га далил сифатида шундай мисол келтирилади:

Гулгаиш-и чаман хуиштур агар сāқи-йу мутриб
Бу кэлсā тута-тута ва ул бир чала-чала.

Учинчисига *бара-бара*га шундай далил келтирилади:

Фанā йолы Навāйи бас қатыгдур
Магар āсāнрақ олғай бара-бара.

¹ Бу ерда муаллиф учинчи мисолга далил келтирган.

Иккинчи шакли – агар буйруқ феъли «а» билан тугалланган бўлса, *ойна*, яъни ўйна, *асра*, яъни асра, *иста*, яъни талаб қил каби икки турда (хил) ишлатилади.

Биринчи тури шундан иборатки, унга (буйруқ феълига – 3.У.) «й» қўшилади: *ойнай*, яъни ўйнай, *асрай*, яъни асрай, *истай*, яъни талаб қилиб (каби). Такрорланиб ҳам қўлланилади. Биринчисига (*ойнайга*) шундай далил келтирилади:

Ойнай-ойнай өлтүрүр бир бир улусны көзләриң
Шох қатилларны жәнлар қасдыға ойнатмағыл.

Иккинчисига (*асрайга*) шундай далил келтирилади:

Көңүлдә сирр-и ишқың асрай-асрай олдум эй сәқи
Қадаҳ тут-ким харāбāt аҳлыға фāи олса фāи олсун.

Иккинчи тури шундан иборатки, унга (буйруқ феълига – 3.У.) -йу, -йў қўшилади: *ойнайу*, *асрайу*, *истайў* дейилади. Чунончи, биринчисига (*ойнайуга*) «Лайли ва Мажнун»нинг «Лайли васфи»да шундай мисол келтирилади:

Қызлар билә ойнайу талāша
Қой сағмағын эткәли тамāша.

Учинчисига (*истайўга*) шундай мисол келтирилади:

Субуҳи истайў йэтгәч саҳар ачылды эшик
Бу фатҳ-и дайрда өтмās эди гумāним ара.

Бу тур жуфт шаклда ишлатилмайди ва равишдош маъносидан бошқа ҳеч қандай маъно англатмайди. Аффикслар ва воситачилар (кўмакчи феъллар – 3.У.) билан ҳам бирикмайди.

Учинчи шакли – агар буйруқ феъли «у» унлиси билан тугалланган бўлса: *оқу*, яъни ўқи, *уйу*, яъни ухла, ёт каби, «а» билан тугалланган буйруқ феълининг қоидасига биноан унга (буйруқ феълига – 3.У.) «й» орттирилади: *оқуй*, яъни ўқий, ўқиб, *уйуй* яъни ухлай, ухлаб ётиб дейилади. (Бу форма) такрорланиб ҳам ишлатилади.

Тўртинчи шакли – агар буйруқ феъли «э» билан тугалланган бўлса, *дэ*, яъни айт, *йэ*, яъни е каби, «й» ҳарфининг «и» («э») билан ёнма-ён келиши ўзаро зиддиятга эга. Шунинг учун «й» орттирилмасдан, сўз таркибини ташкил қилувчи «э» ишболи (касра билан) талаффуз қилинади. Бу форма жуфт шаклда ҳам ишлатилади: *дэ(й)*

дэ(й), яъни дея-дея, йэ(й) йэ(й), яъни ея-ея каби. Мазкур тўрт қисм тоқ шаклда (такрорланмасдан) буйруқ маъносини ҳам ифодалайди: дэ, яъни айт, йэ, яъни е, *бити*, яъни ёз каби ва ҳоказо.

Қоида. Билки, бу тўрт қисм *ойнайу*, *истайў* ва шунга ўхшашлардан иборат бўлган иккинчи қисмнинг иккинчи туридан ташқари бошқа маъноларда ҳам ишлатилади. Масалан, мазкур форма бирор буйруқ феъли билан бирикса, буйруқ маъносини ифодалайди: *этā сал*, яъни қўл ур, орқага ташла, *кōйā бэр*, яъни қўйиб юбор, *ала кэл*, яъни ола кел, *истай кōр*, яъни иста, хоҳла, *оқуй кōр*, яъни ўқи, *дэй кōр*, яъни айт каби.

Яна агар (мазкур форма) масдар билан ишлатилса, масдар маъносини англатади: *ала кэлгāндā*, яъни олиб келганда каби. Чунончи, шундай дейилади:

Жāн ала кэлгāндā саъй-у изтирāбыңга олай
Алмасаң ҳам қайтган чāгда шитāбыңга олай.

Шунга ўхшаш *ала баишлады*, яъни ола бошлади, *истай баишлады*, яъни истай бошлади, *оқуй баишлады*, яъни ўқий бошлади, *дэй баишлады*, яъни дея бошлади.

Яна (равишдош) кесимлик боғламалари ва кўмакчи феъллар билан ишлатилиб, унга кесимлик боғламаси ва кўмакчи феълга кўра маъно берилади. Масалан: *аламэн*, яъни оламан, *истаймэн*, яъни истайман, *оқуймэн*, яъни ўқийман, *дэймэн*, яъни айтаман каби.

Шунга ўхшаш *ала кэлмиш*, яъни олиб келган. Унга («ала кэлмиш»га) қуйидаги мисол келтирилган:

Ғамзаңдин олтўрмāк ишин таълим ала кэлмиш ажсал
Бу навъ устāд олса ул аз чāгда мāҳир болғусы.

Ала кэлгāй, яъни олиб (ола) келсин, *истай алгāй*, яъни истай олади, *оқуй алгāй*, яъни ўқий олади, *дэй алгāй*, яъни дея олади ва шу кабилар.

Иккинчи қисмнинг иккинчи тури эса равишдош маъносигагина эга ва мазкур қоидадан мустасно бўлиб, кесимлик боғламаси, воситачи ва кўмакчи феъллар билан ишлатилмайди.

Қоида. Билки, агар учинчи ва тўртинчи қисм, иккинчи қисмнинг биринчи тури алоҳида (бир ўзи) ишлатилса, биринчи шахс бирлик, иккинчи шахс бирлик ва учинчи шахс бирлик маъноларини ҳам ифодалайди: *истай*, яъни истасам, истасанг, истаса, *оқуй*, яъни

ўқисам, ўқисанг, ўқиса, *дэй*, яъни айтсам, айтсанг, айтса каби ва мазкур маъноларда ишлатилганда, китобнинг луғат қисмида тушунтирилганидек, *истайин, оқуйин, дэйин* (сўзлари)нинг синонимлари ҳисобланади. *Йықыла, қона, ала, тута* ва шунга ўхшашлардан иборат бўлган биринчи қисм бу қоидадан мустаснодир. Агар мазкур қисм биринчи маънода ишлатилмоқчи бўлса, унга (мазкур сўзларга) «й» орттирилади: *йықылай, қонай, алай, тутай йықылайын, қонайын, алайын, тутайын* синонимларидир.

Эслатма. Билки, рум тилида бирор сўз равишдош маъносида ишлатилмоқчи бўлса, агар буйруқ феъллари ундош билан тугалланган бўлса, қаттиқ ўзакли феъл формаларига *-рақ*, юмшоқ ўзакли феъл формаларига *-рәг* орттирилади: *чапарақ, чопачопа, урарақ*, яъни ура-ура, *гэдәрәг*, яъни кета-кета, *гэләрәг*, яъни кела-кела каби. Агар буйруқ феъллари унли билан тугалланган бўлса, уларга (буйруқ феълларига) *-йа, -йә* қўшилиб, такрорланган шаклда ишлатилади: *аглайа аглайа*, яъни йиғлай-йиғлай, *оқуйа оқуйа*, яъни ўқий-ўқий, *дэйә-дэйә*, яъни айта-айта каби.

Ўнинчи боб. Форма белгиларининг қўшилиши

Тушунтирилиши ва изоҳланиши лозим бўлган тўққиз форма белгилари тўққиз боб орқали баён этилиб, ўша (мазкур) белгиларнинг қўшилиш тартиби тушунтирилади ва улар икки қисмга бўлинади.

Биринчи қисм буйруқ феълларининг ундош ёки унли билан тугалланишидан қатъи назар ўз шаклида (ўзгармасдан) қўшиладиган белгилардан иборат бўлиб, у уч турга бўлинади.

Биринчи тури содда (бир ўзакли) аффикслар бўлиб, *-гач / -гәч* шулар жумласидандир (форс тилидаги *махз-и, мужаррад-и, чун* маъноларига тўғри келади): *алгач*, яъни олгач, олиш учун, *йэтгәч*, яъни етгач, етиш учун, *асрагач*, яъни асрагач, асраш учун, *дэгәч*, яъни дегач, айтгач, айтиш учун каби. Бу (*-гач / -гәч* формаси) икки шаклда ишлатилади.

Биринчи шакли *чун* боғловчиси билан ишлатилади. Чунончи, «Лисону-т-тайр»нинг «Муножот» (фасли)да шундай дейилади:

*Ҳар ситам-ким тонд хуидын йэтип,
Ул чу йэтгәч аҳ уруп оздин кэтип.*

Иккинчи шакли чун боғловчисиз қўлланади. Лекин ўша маънони англатади. Чунончи, шундай дейилади:

*Көзүң қанымга сэрәб этти өзни нақд жән алғач,
Нәчүк-ким маст бэргай майга нақд рәйигән алғач.*

Кўлагәч сўзидаги -гәч бу (мазкур) маънодан мустасно бўлиб, ханда рав, яъни «кулиб юрувчи» маъносини билдиради.

Эслатма. Билки, рум тилида бу форма икки турда ишлатилади.

Биринчи (тури) чигатой тилида мавжуд бўлган турга ўхшаш ишлатилади. Бунга Фузулийдан (уни раҳмат қилсин) рум имлосида қуйидаги мисол келтирилган:

*Жән чықар тандын көңүл зикр лаб-и йәр әйләгәч,
Тан болур жән йағьдын ул лафзы такрәр әйләгәч.*

Иккинчи (тури) -жақ / -жәк аффикси билан ишлатилади. Чунончи, Фузулий шундай дейди:

*Әй дин сабр қыл аҳ әйләмә йәри гөрәжәк
Бәңә душвәр-дур ул гар сеңә әсән гөрүнүр.*

Қылажақ, эдажәк, яъни қилгач, қилиш учун шу кабидир.

Яна -галы / -гәли (аффикси) бўлиб, икки маънода ишлатилади.

Биринчи маъноси араб тилидаги лом-и таълилга тўғри келади.

Иккинчиси араб тилидаги мунз, ҳатто маъноларига тўғри келади: қылгалы, яъни қилиш учун, қилгунча, кәлгәли яъни келиш учун, келгунча каби. Биринчисига (қылгалыга) биринчи маънода шундай дейилади:

*Ипәкләрким эшип-сән жисмлар захми үчүн гойә
Муқайяд қылгалы жәнлар қушын ҳам өлдүр асбәбың.*

Иккинчи маънода шундай дейилади:

*Дуд-и аҳым сарв-дәг чықты-йу гулгун болды ашк
Қылгалы тарк-и вафә сарв гул андәмьм мениң.*

Яна *-гу / -гү* бўлиб, ҳаракат номи маъносини англатади: *алгу*, яъни олиш, *бэргү*, яъни бериш, *соргу*, яъни сўраш, *билгү*, яъни белги¹ каби.

Яна *-ман, -мән* (аффикси) бўлиб, бўлишсиз феъл формасининг биринчи шахс бирлик белгисидир: *алман*, яъни олмайман каби.

Яна *-мас, -мās* (аффикси) бўлиб, бўлишсиз феъл формасининг учинчи шахс бирлик белгисини англатади: *алмас*, яъни олмайди каби.

Иккинчи тури мураккаб (бирдан ортиқ аффиксларнинг йиғиндисидан ташкил топган) *-гуча, -гунча, -ганча / -гүчā, -гүнчā, -гāнчā* белгиларидан иборат бўлиб, икки маънода ишлатилади.

Иккинчиси миқдор, андоза маъносида қўлланади: *ушатгуча, ушатгунча, ушатганча*, яъни синдиргунча каби. Биринчи маънога иккинчисига (*ушатгунчага*) шундай келтирилади:

*Көңүл жарāхатыга йоқ висāl марҳамыны
Фирāқ хāрасы бирлā башым ушатгунча.*

Этгуча, этгунча, этганча², яъни айтгунча шунга ўхшаш бўлиб, учинчисига (*этганчага*) иккинчи маънода «Сабъайи сайёра»да шундай дейилади.

*Этмақга агарчи қайгум йоқ
Аввал этганча этā ылгум йоқ.*

Яна *-гулуқ / -гүлүк* аффикси бўлиб, қобилият маъносини ифодалайди: *алгулуқ*, яъни олса бўладиган, *кийгүлүк*, яъни кийса бўладиган каби. Биринчисига (*алгулуқга*) шундай далил келтирилади:

*Сабр-у қарār-у ҳушны алмақлыгың нэдүр
Эй жāнлар āфаты сāңā жāнымдур алгулуқ.*

Иккинчисига (*кийгүлүкга*) далил:

*Нафис кийгүлүк олса йалағ танымга ҳавас
Ҳасир нақшы ҳасири либās орынга³ бас.*

¹ Бу ерда *белги* деб нотўғри таржима қилинган. *Билиш* бўлиши керак.

² *Этгүчā, этгүнчā, этгāнчā* бўлиши керак.

³ *Орныга* бўлиши керак.

Яна -гудэг / -гүдэг (аффикси) бўлиб, икки маънони: қобилият ва ўхшатиш маъносини ифодалайди. Масалан, *ургу-дэг*, яъни ургудек, урмоқчидай, урсин, *савургу-дэг*, яъни совургудек, совурмоқчидай, совурсин каби. Биринчи ва иккинчисига (*ургу-дэг*, *савургу-дэг*ка) биринчи қобилият маъносида шундай далил келтирилади:

Бу кэчā аҳым эрүр давāнны барҳам ургу-дэг
Чарх гулзāрыдын анжум гулларин савургу-дэг.

Шунга ўхшаш *болгу-дэг*, яъни бўлгудек, бўлмоқчидай, бўлсин. Чунончи, Султон Ҳусайн Мирзо биринчи маънода шундай дейди:

Чун бу давлат болгу-дэг болды муйассар вай-ким
Сихҳатым ул лаҳза тāли заъфидин тапты газанд.

«Лисону-т-тайр»да иккинчи (бўлсин) маъносида шундай дейилади:

Бар эди ул шаҳга бир зэбā огул
Болгу-дэг Йусуф аның алыга қул.

Шунга ўхшаш *этгү-дэг*, яъни қилгудек, қилмоқчидай ва қилсин. «Лисону-т-тайр»да иккинчи маънога шундай далил келтирилган:

Дард жāмын тут мēни зār этгү-дэг
Ииқ дарды көңлүмā кār этгү-дэг.

Шунга ўхшаш *эшитүлгү-дэг*, яъни эшитилгудек, эшитса арзийдиган ва эшитилсин. Чунончи, «Тарих-и Бобурий»да шундай дейилади: *Эшитүлгү-дэг* нима эшитилсā, тақсир қылғумдыр.

Яна -мышаң, -мишāң (аффикси) бўлиб, ўтган замон феълининг иккинчи шахс бирлик белгисидир: *асмышаң*, яъни осгансан, осибсан. Чунончи, шундай дейилади:

Бойунга майин ипāкдин эйки туммāр асмышаң
Қайда ҳāлым билгāсин-ким бойнума тақтың каманд.

Яна -майдур, -мāйдүр (аффикси) бўлиб, бўлишсиз ўтган замон ва ҳозирги-келаси замон феъл формасининг белгисидир: *алмайдур*, яъни олмагандир, олмайди каби.

Яна келаси замон маъносини ифодаладиган олти аффикс (белги) мавжуддир.

Биринчиси -гум / -гүм бўлиб, биринчи шахс бирлик белгисидир: *алгум, алгумдур*, яъни оламан, *кэлгүм, кэлгүмдүр*, яъни келади¹ каби.

Иккинчиси -гумыз / -гүмиз биринчи шахс кўплик белгисидир: *алгумыз, алгумыздур*, яъни оламиз, *кэлгүмиз, кэлгүмиздүр*, яъни келама² каби.

Учинчиси -гу^н / -гү^н иккинчи шахс бирлик белгисидир: *алгу^н, алгу^{ндур}*, яъни оламиз³, *кэлгү^н, кэлгү^{ндүр}*, яъни келасан, *унутгу^н, унутгу^{ндур}*, яъни унутасан каби. Иккинчисига (*унутгу^{ндурга}*) шундай далил келтирилади:

*Чун унутгу^{ндур}-сэн элни эл сэни бāри чэкип
Айи жāмын бу унутмазларны бир сāат унут.*

Тўртинчиси -гу^нуз / -гү^нүз иккинчи шахс кўплик белгисидир: *алгу^нуз, алгу^нузду^р*, яъни оласиз, олажаксиз, *кэлгү^нүз, кэлгү^нүздү^р*, яъни келасиз, келажаксиз каби.

Бешинчиси -гусы / -гүси бўлиб, учинчи шахс бирлик белгисидир: *алгусы ва алгусыду^р*, яъни олади, олажак, *кэлгүси, кэлгүсидү^р*, яъни келади, келажак каби.

Эслатма. Билки, рум тилида бирор форма шу маънода ишлатиладиган бўлса, (аффикслардаги) «ғ» ва «г» ҳарфларини қисқартириб, агар буйруқ феъли ундош билан тугалланган бўлса, унга бирор унли орттирилади ва *алгусы, кэлгүси алыси, кэлāси* дейилади. Агар (буйруқ феъли) унли билан тугалланган бўлса, унга -йа, -йā орттирилиб, сўнг -сы, -си аффикси қўшилади: *агла-* (буйруқ феъли -а билан тугалланган) *ыглайасыду^р*, яъни йиғлайди каби. Чунончи, Фузулий Бағбоди рум имлосидаги мухаммасларида шундай дейди:

*Эй көңүл ишқ аҳлына ҳар шаб кўлүрдү^н шамътак
Бāн дэмазмидим-ки āхир ыглайасыду^р кулан.*

Олтинчи -гусылар / -гүсилāр бўлиб, учинчи шахс кўплик белгисидир: *алгусыларду^р*, яъни оладилар, олажаклар, *келгүсилāрдү^р*, яъни келадилар, келажаклар, *уйғатгусыларду^р*, яъни бедор қиладилар, уйғатажаклар. Унга (*уйғатгусыларду^{рга}*) қуйидаги мисол келтирилади:

¹ Бу ерда ноаниқлик бор. *Келама*н бўлиши керак.

² *Келамиз* бўлиши керак.

³ *Оласан* бўлиши керак.

*Су сәтиб уйгатгусылардур сәни уйғанмасаң
Гунча-йу субх-у сурāхы гул-гулы күлкү билә.*

Қоида. Мазкур формаларнинг бўлишсизлик шакллари икки турда (усулда) ясалади. Биринчи тури буйруқ феълига бўлишсизлик аффикси *-ма*, *-мә* ни орттириш билан ясалади: *алмагуһ*, яъни олмайсан, олмаяжаксан, *көрмәгуһ*, яъни кўрмайсан, кўрмаяжаксан каби ва ҳоказо.

Иккинчи (тури) мазкур формаларга *йоқ* сўзи орттириш билан ясалади.

Чунончи, ҳар икки турга шундай далил келтирилади:

*Эй Навāйи ойнагуһ йоқ ишқ йā йўз көрмәгуһ
Узр айтуб йэрни он сөз туркини йакбāра қыл.*

Шунга ўхшаш *қутулмагуһ*, *қутулмагуһ йоқ*, яъни халос бўлмайди, халос бўлмаяжак¹. Иккинчисига (*қутулгуһ йоққа*) шундай мисол келтирилади:

*Зулфыдын эй захмлығ көңлүм қутулгуһ йоқ турур
Ким сәниң ҳар ҳалқа захмыңда бир қаллāбы бар.*

Учинчи тури шарт аффикси бўлиб, тўртинчи мабнода муфассал тушунтирилганидек, шарт маъносини ифода қилмаслиги ҳам мумкин. Унинг бирлик формаси *-са*, *-сә* бўлиб, учинчи шахс бирлик белгисидан иборат: *олтурса*, яъни ўтирса ва *өлтүрсә*, яъни ўлдирса² каби. (Шарт аффикси) бешта шахс-сон аффикслари билан ҳам ишлатилади.

Биринчиси *-салар*, *-сәләр* бўлиб, учинчи шахс кўплик белгисидан иборат: *олтурсалар*, яъни ўтирсалар ва *өлтүрсәләр*, яъни ўлдирсалар каби.

Иккинчиси *-сам*, *-сәм* бўлиб, биринчи шахс бирлик белгисидан иборат: *олтурсам*, яъни ўтирсам ва *өлтүрсәм*, яъни ўлдирсам каби.

Учинчиси *-сақ*, *-сәк* бўлиб, биринчи шахс кўплик белгисидан иборат: *олтурсақ*, яъни ўтирсақ, *өлтүрсәк*, яъни ўлдирсақ каби. Аффиксларнинг турлича ёзилишининг сабаби шундан иборатки,

¹ Халос бўлмайсан, халос бўлмаяжаксан бўлиши керак.

² Асарда туркий тилдаги унлилар араб ёзувида бир хил ифодаланганлиги учун «اولتورسا», яъни ўлтирса ва ўлдирса» деб берилган.

ўтирмоқ (феъли)нинг масдари қаттиқ ўзакли, ўлдирмоқ (феъли)нинг масдари эса юмшоқ ўзаклидир.

Тўртинчиси *-саъ* бўлиб, иккинчи шахс бирлик белгисидан иборат: *олтурсаъ*, яъни ўтирсанг ва ўлдирсанг каби.

Бешинчи *-саъыз* бўлиб, иккинчи шахс кўплик белгисидан иборат: *олтурсаъыз*, яъни ўтирсангиз ва ўлдирсангиз каби.

Белгиларнинг иккинчи қисми ундош билан тугалланган буйруқ феълларига «а» орттирилиб, сўнг қўшиладиган аффикслардан иборат. Улар икки турга бўлинади.

Биринчи тури содда (бир аффиксдан ташкил топган) аффикслардан иборат. *-лы*, *-ли* аффикси шу жумладан бўлиб, биринчи шахс кўплик белгисини билдиради: *алалы*, яъни олайлик, *эъли*, яъни қилайлик каби. Туроннинг баъзи турклари *алалыъ*, *эълиъ* дейдилар. Чунончи, подшоҳ Бобур иккинчисига (*эълиъга*) шундай далил келтирган:

*Хуш ул-ки баҳър фаслы бу дунйада
Болгай тараб асбāбы бары āмада
Гар болмаса асбāб эълиъ даъāна
Биздин газак-у таъām-у сэндин бāда.*

Эслатма. Билки, *-лы*, *-ли* аффикси рум туркларининг тилида *-гунча* / *-гўнчā* маъносини ифодалайди: *алалы*, яъни бўлгунча каби. Чунончи, Фузулий Бағдодий шундай дейди:

*Гирифтāр-и гам-и ишқ оалы āзāда-йи даҳрам
Гам-и ишқа бāни бундин баттар йā раб гирифтāр эт,*

яъни *Ишқ гамига мубтало бўлгунимча, эй худо, менинг сахий тақдиримни ишқ гамига бундан баттарроқ гирифтор қил.*

Яна *-й* ва *-йын*, *-йин* (аффикси) бўлиб, биринчи шахс бирлик, иккинчи шахс бирлик, учинчи шахс бирлик маъносида ишлатилади¹. *Алай*, *алайын*, яъни олай, олайин, олгин, олсин, *этай*, *этайин*, яъни қилай, қилайин, қилгин, қилсин каби.

Яна *-ъ* бўлиб, буйруқ феълининг иккинчи шахс кўплик белгисидан иборат: *алыъ*, яъни олинг, *етиъ*, яъни қилинг, *уруъуз*, яъни урингиз каби.

¹ Хатоликка йўл қўйилган. Бу форма фақат биринчи шахс бирликни билдиради.

Иккинчи тури мураккаб аффикслардан иборат бўлиб, икки хил бўлади.

Биринчи (хили) қиёсий бўлиб, *-дурған / -дўргән* аффиксини ўз ичига олади: *аладурған*, яъни олувчи, олган олмоқ, *кэладўргән*, яъни келувчи, келган, келмоқ каби.

Яна *-дурмыш*, *-дўрмыш*: *аладурмыш*, яъни олармиш, *кэладўрмыш*, яъни келармиш каби.

Иккинчи (хили) самоий (қоидасиз) бўлиб, *-турғач* аффиксидан иборат: *тура-турғач* каби. Қуйидаги шеърда шундай дейилади:

Жāнымға көзүң зулмы эмās зулм будур зулм

*Ким мэн **туратурғач** тилāгāйсэн йана мазлум,*

яъни *Кўзингнинг жонимга қилган зулми зулм эмас, мен турсам-у сен яна бир мазлум истаганинг мен учун зулм.*

Шунга ўхшаш *олтуратурғач*. Чунончи, «Насойиму-л-муҳаббат»нинг «Машойихлар зикри»да шундай дейилади: *Муганни бар эрди кичик йашлығ ва шох эрди, мажлисда олтуратурғач сākрəп ул азизның бойныға минип айагын дəпар эрди*, яъни бир мусикачи бор эди, ёш ва шўх эди. Мажлисда ўтириш учун ул Азизнинг бўйнига сакраб миниб, оёғи билан уни тепар эди.

Марҳум Навоийнинг барча асарларида шу икки далилдан бошқа (далил) кўзга ташланмади.

ИККИНЧИ МАБНО

Феъл формаларининг ясалиш усуллари ҳақида

Бу (мабно) бир қоида ва икки бўлимдан иборат.

Қоида. Билки, буйруқ феълига қўшиладиган формалар белгиларининг унли ҳарфларининг ёзилиши буйруқ феълининг унли ҳарфларига боғлиқдир, яъни:

– агар буйруқ феъли таркибида «у» унлиси бўлса: *ур*, *тут* каби, белги ҳам «у» билан ёзилади: *туттум*, яъни олдим, ушладим, *урдум*, яъни урдим каби;

– агар буйруқ феъли таркибида «а» ёки «э» унлиси бўлса: *ал*, *кэт* каби, ҳар икки шаклда белги «ы, и» билан ёзилади: *алдым*, яъни олдим, *кэттим*, яъни кетдим каби.

Агар ҳар бир мазкур феълдан ўтган замон ёки иккинчи шахс кўплик формасини ясамоқчи бўлсалар, агар феъл таркибида «у»

унлиси бўлса, буйруқ феълига «у, ў» орттирадилар: *тутуп*, яъни тутиб, тутган, *уруп*, яъни уриб, урган, *тутуш*, яъни ушланг, *уруш*, яъни уринг каби; агар буйруқ феълининг таркибида «а» ёки «э» унлиси бўлса, буйруқ феълига «и, у» орттирилади: *алып*, яъни олиб, олган, *кэтип*, яъни кетиб, кетган, *алыш*, яъни олинг, *кэтиш*, яъни кетинг каби. Аммо бу қоида рум туркларининг тилида қўлланилмайди. Уларда буйруқ феълларининг кўпчилиги таркибида «а» ва «и, э» унлиси бўлса ҳам белги «у, ў» унлиси билан ёзилади: *алдум*, *билдүм*, *алуп*, *билүп* каби ва шунга ўхшашлар. Чунончи, Фузулий девони шеърларининг ҳаммасида шундай ишлатилган. Баъзи бир белгилар мавжудки, (улар имлоси) ўзак-негизга боғлиқ бўлиб, уларнинг хусусиятлари олтинчи мабнода, имло қоидаларида турли қоидалар остида тушунтирилади.

Биринчи бўлим ундош ҳарфлар билан тугалланган буйруқ феълларидан иборат: *ал*, яъни ол, *кэл*, яъни кел каби. Бу бўлимнинг формалари, биринчи мабнонинг ҳозирги-келаси замон феъли бобида тушунтирилганидек, ҳозирги-келаси замон феълининг биринчи қисмидан ташқари, турлича ясаиб, самоийдир. Мазкур формалар икки турга бўлинади.

Биринчи тури ундош билан тугалланган буйруқ феълига ҳеч қандай ўзгаришсиз орттириладиган аффикслардан иборат.

Биринчи -мақ / -мăк: *алмақ*, яъни олмоқ, *кэтмăк*, яъни кетмоқ каби.

Яна -ды, -ди / -ты, -ти: *алды*, яъни олди, *кэтти*, яъни кетди каби.

Яна -дыш, -диш / -тыш, -тиш: *алдыш*, яъни олдинг, *кеттиш*, яъни кетдинг каби.

Ўтган замон феълининг бошқа белгилари уларнинг биринчи ҳарфи «д» бўлгани учун баъзи ўринда ўзидан олдин келган сўзга боғлиқлиги сабабли «т» билан ифодаланиши керак. Унинг сабаблари ва «и» (каса)нинг «у» (замма)га алмашуви олтинчи мабнода тушунтирилади.

Яна -дыңыз, -дишиз, -дышлар, -дишлăр / -тыңыз, -тишиз, -тышлар, -тишлăр: *алдыңыз*, *алдышлар*, яъни олдингиз, *кэттишиз*, *кеттишлар*, яъни кетдингиз каби.

Яна -дым, -дим, -дум, -дүм / -тым, -тим, -тум, -түм: *алдым*, яъни олдим, *кеттим*, яъни кетдим, *урдум*, яъни урдим, *туттум*, яъни ушладим каби.

Яна -дук, -дүк / -туқ, -түк: алдук, яъни олдик, кәттүк, яъни кетдик каби.

Яна -ган / -гән: алган, яъни олувчи, олган, олмоқ, кәтгән, яъни кетувчи, кетган, кетмоқ каби.

Яна -гыл / -гил: алгыл, яъни олгин, кәтгил, яъни кетгин каби.

Яна -мас, -мәс: алмас, яъни олмайди, кәтмәс, яъни кетмайди каби.

Яна -ман, -мән: алман, яъни олмайман, кәтмән, яъни кетмайман каби.

Яна -майдур, -мәйдүр: алмайдур, яъни олмайди, олмаган, кәтмәйдүр, яъни кетмайди, кетмаган каби.

Яна -мыш, -миш: алмыш, яъни олган, олганмиш, кәтмиш, яъни кетган, кетганмиш каби.

Яна -мышаң, -мишәң: алмышаң, яъни олгансан, олганмишсан, кәтмишаң, яъни кетгансан, кетганмишсан каби.

Яна -гучы / -гүчи: алгучы, яъни олувчи каби.

Яна -гуча, -гунча, -ганча / -гүчә, -гүнчә, -гәнчә: алгуча, алгунча, алганча, яъни олгунча, кәтгүчә, кәтгүнчә, кәтгәнчә, яъни кетгунча каби.

Яна -гач / -гәч, алгач, яъни олмагач¹, олиш учун, олсин, кәтгәч, кетиш учун, кетгач, кетсин каби.

Яна -галы / -гәли: алгалы, яъни олгани, олгунингча, кәтгали, кетгани, кетгунингча каби.

Яна -гай / -гәй, -сун, -сүн, -дик / -тик: алгай, алсун, алдик², яъни олсин, кәтгай, кәтсун, кәттик, яъни кетсин каби.

Яна -гулуқ / -гүлүк: алгулуқ, яъни олса бұладиган, олишли, кәтгүлүк, яъни кетса бұладиган, кетишли каби.

Яна -гудәк / -гүдәк: алгудәк, яъни олса бұладиган, олсин.

Яна -гум / -гүм: алгум, яъни олажакман, кәтгүм яъни кетажакман каби.

Яна -гумыз / -гүмиз: алгумыздур, яъни олажакмиз, кәтгүмиздүр, яъни кетажакмиз каби.

Яна -гуң / -гүң: алгуң, яъни олажаксан, кәтгүң, яъни кетажаксан каби.

Яна -гуңуз / -гүңүз: алгуңузду, яъни олажаксиз, кәтгүңүздүр, яъни кетажаксиз каби.

¹ Олгач бұлиши керак.

² Алдық бұлиши керак.

Яна *-гусы / -гүси: алгусы, яъни олажак, кэтгүси, яъни кетажак каби.*

Яна *-гусылар / -гусиләр: алгусылардур, яъни олажаклар, кэтгүсиләрдүр, яъни кетажаклар каби.*

Яна *-са, -сә: яъни агар олса¹.*

Яна *-сам, -сәм: алсам, яъни олсам, кэтсәм, яъни кетсам каби.*

Яна *-сақ, -сәк: алсақ, яъни олсак, кэтсәк, яъни кетсак каби.*

Яна *-саң, -сәң: алсаң, яъни олсанг, кэтсәң, яъни кетсанг каби.*

Яна *-саңыз, саңыз: алсаңыз, яъни олсангиз, кэтсәңыз, яъни кетсангиз каби.*

Иккинчи тури ундош ҳарф билан тугалланган буйруқ феълига бирор унли орттирилиб, сўнг қўшиладиган аффикслардан иборат. Шу жумладан, *-лы, -ли: алалы, яъни олайлик, кэтәли, яъни кетайлик каби.*

Яна *-й, -йын, -йин: алай, алайын, яъни олай, олайин, олгин, олсин, кэтәй, кэтәйин, яъни кетай, кетайин, кетгин, кетсин каби.*

Яна *-дур, -дүр: аладур, яъни олади, кэтәдүр, яъни кетади каби.*

Яна *-дурмыш, -дүрмиш: аладурмыш, яъни олармиш, кэтәдүрмиш, яъни кетармиш каби.*

Яна *-дурган / -дүргән: аладурган, яъни олувчи, олган, олмоқ, кәләдүргән, яъни келувчи, келган, келмоқ каби.*

Яна ундош билан бошланган аффикслар *-һ, -һыз, -һиз, -һлар, -һләр: алыһ, алыһыз, алыһлар, яъни олинг, олингизлар, олинглар, кәтиһ, кәтиһиз, кәтиһләр, яъни кетинг, кетингиз, кетинглар каби.*

Яна *-н (-б), -бан, -бән: алып, алыбан, яъни олиб, кәтин, кәтибан, яъни кетиб каби.*

Илова. Агар буйруқ феъли равишдош маъносида ишлатилмоқчи бўлса, унга «а» қўшилиб, «а» унлиси *алиф* ёки *ҳо-йи ҳавваз* билан ифодаланади ва биринчи мабнотинг тўққизинчи бобида тушунтирилгандек, тоқ ёки жуфт шаклда ишлатилади: *ала, ала ала, яъни ола ола, ура, ура ура, яъни ура ура каби.*

Иккинчи бўлим унли билан тугалланган буйруқ феълидан иборат бўлиб, у уч қисмдан ташкил топган: «у» билан тугалланган: *оқу, яъни ўқи каби; «а» билан тугалланган: әйлә, яъни қил каби; «э» билан тугалланган: дә, яъни айт каби.* Бу уч қисмнинг ҳар бирига белгилар бир шаклда қўшилади. Қисмларнинг феъл формалари ва уларнинг турлари бир усулда ясалгани учун ҳар уч қисм бир

¹ Мисол берилмасдан таржима берилган.

бўлимга киритилди ва бирор номувофикликка эга бўлса, тушунтириш давомида баён этилади.

Биринчиси *-мақ / -мăк*: *оқумақ*, яъни ўқимоқ, *айләмăк*, яъни қилмоқ, *дэмăк*, яъни гапирмоқ каби.

Яна *-ды, -ди*: *оқуды*, яъни ўқидинг¹, *айләди*, яъни қилди, *дэди*, яъни гапирди каби.

Яна *-дуң, -дўң, -дың, -диң*: *оқудуң*, яъни ўқидинг, *айләдиң*, яъни қилдинг, *дэдиң*, яъни гапирдинг каби.

Яна *-дуңуз, -дўңуз, -дыңыз, -диңиз, -дуңлар, -дўңлар, -дыңлар, -диңлар*: *оқудуңуз, оқудуңлар*, яъни ўқидинглар, *айләдиңиз, айладиңлар*, яъни қилдингиз, қилдинглар, *дэдиңиз, дэдиңлар*, яъни гапирдингиз, гапирдинглар каби.

Яна *-дум, -дим*: *оқудум*, яъни ўқидим, *айләдим*, яъни айладим, *дэдим*, яъни гапирдим каби.

Яна *-дуқ / -дўк*: *оқудуқ*, яъни ўқидик, *айләдўк*, яъни қилдик, *дэдук*, яъни гапирдим² каби.

Яна *-ган / -гăн*: *оқуган*, яъни ўқувчи, ўқиган, ўқимоқ, *айләгăн*, яъни қилувчи, қилган, қилмоқ, *дэгăн*, яъни гапирувчи, гапирган, гапирмоқ каби.

Яна *-гыл / -гил*: *оқугыл*, яъни ўқигин, *айләгил*, яъни қилгил, *дэгил*, яъни айтгин каби.

Яна *-мас, -мăс*: *оқумас*, яъни ўқимайди, *айләмăс*, яъни қилмайди, *дэмăс*, яъни айтмайди каби.

Яна *-ман, -мăн*: *оқуман*, яъни ўқимайман, *айләмăн*, яъни қилмайман, *дэмăн*, яъни айтмайман каби.

Яна *-майдур, -мăйдўр*: *оқумайдур*, ўқимайди, ўқимаган, *айләмăйдўр*, яъни қилмайди, қилмаган, *дэмăйдўр*, яъни айтмайди, айтмаган каби.

Яна *-мыш, -миш*: *оқумыш*, яъни ўқиганмиш, *айләмиш*, яъни қилганмиш, *дэмиш*, яъни айтганмиш каби.

Яна *-мышаң, -мишăң*: *оқумышаң*, яъни ўқигансан, *айләмишаң*, яъни қилгансан, *дэмишаң*, яъни айтгансан каби.

Яна *-й, -йын, -йин*: *оқуй, оқуйын*, яъни ўқий, ўқийин, ўқигин, ўқисин, *айләй, айләйин*, яъни қилай, қилайин, қилгин, қилсин, *дэй, дэйин*, яъни айтай, айтайин, айтгин, айтсин каби. *оқуй, айләй* равишдош маъносида, *дэ буйруқ* маъносида ҳам ишлатилади.

¹ Ўқиди бўлиши керак.

² Гапирдик бўлиши керак.

Яна -п (-б), -бан, -бән: оқуп, оқубан, яъни ўқиб, айлап, айлабән, яъни қилиб, дэп, дэбән, яъни айтиб каби.

Яна -ғучы / -гүчи: оқуғучы, яъни ўқувчи, айлағучи, яъни қилувчи, дэғучи, яъни айтувчи каби.

Яна -ғуча, -ғунча, -ғанча / -гүчә, -гүнчә, -гәнчә: оқуғуча, оқуғунча, оқуғанча, яъни ўқигунча, айлағүчә, айлағүнчә, айлағәнчә, яъни қилгунча, дэғүчә, дэғүнчә, дэгәнчә, яъни айтгунча каби.

Яна -ғач / -гәч: оқуғач, яъни ўқигач, ўқиш учун айлағач, яъни қилмағач¹, қилиш учун, дэғач, яъни айтгач, айтиш учун каби.

Яна -лы, -ли: оқулы, яъни ўқийлик, айлали, яъни қилайлик, дэйли, яъни айтайлик каби.

Яна -ғалы / -ғали: оқуғалы, яъни ўқигани, айлағәли, яъни қилгани, дэғәли, яъни айтгани каби.

Яна -ғай / -гәй, -сун, -сүн, -дик: оқуғай, оқусун, оқудик², яъни ўқисин, айлағай, айласун, айладик, яъни қилсин, дэғай, дэсун, дэдик, яъни айтсин каби.

Яна -ғулук / -гүлук: оқуғулук, айлағүлук, дэгүлук каби.

Яна -ғудәк / -гүдәк: оқуғудәк, айлағүдәк, дэгүдәк каби.

Яна -ғум / -гүм: оқуғум, яъни ўқижақман, айлағүм, яъни қилажақман, дэғүм, яъни айтажақман каби.

Яна -ғумыз / -гүмиз: оқуғумыздур, яъни ўқижақмиз, айлағүмиздүр, яъни айлажақмиз, дэғүмиздүр, яъни айтажақмиз каби.

Яна -ғуғуз, -гүғуз: оқуғуғуздур, яъни ўқижақсиз, айлағүғүздүр, яъни қилажақсиз, дэғүғүздүр, яъни айтажақсиз каби.

Яна -ғусы / -гүси: оқуғусы, яъни ўқияжақ, айлағүси, яъни қилажақ, дэғуси, яъни айтажақ каби.

Яна -ғусылар / -гүсиләр: оқуғусылардур, яъни ўқижақлар, айлағүсиләрдүр, яъни қилажақлар, дэғүсиләрдүр, яъни айтажақлар каби.

Яна -са, -сә: оқуса, яъни ўқиса, айлаһсә, яъни қилса, дэһсә, яъни айтса каби.

Яна -сам, -сәм: оқусам, яъни ўқисам, айлаһсәм, яъни қилсам, дэһсәм, яъни айтсам каби.

Яна -сақ, -сәк: оқусақ, яъни ўқисақ, айлаһсәк, яъни қилсақ, дэһсәк, яъни айтсақ каби.

¹ Таржима булишсиз форма билан нотўғри берилган, қилғач бўлиши керак.

² Оқудық бўлиши керак.

Яна *-саң, -сәң: оқусаң, яъни ўқисанг, әйләсәң, яъни қилсанг, дэсәң, яъни айтсанг каби.*

Яна *-саңыз, -саңиз: оқусаңыз, яъни ўқисангиз, әйләсәңиз, яъни қилсангиз, дэсәңиз, яъни айтсангиз каби.*

Илова. Билки, *-дур, -дўр* аффикси билан бошланган белгилар буйруқ феъли билан бирикканда, буйруқ феълига «й» орттирилади, сўнг аффикс қўшилади: *оқуйдур, яъни ўқийди, әйләйдўр, яъни қилади, оқуйдурган, яъни ўқувчи, ўқиган, ўқимоқ, әйләйдўргән, яъни қилувчи, қилган, қилмоқ, оқуйдурмыш, яъни ўқирмиш, әйләйдўрмиш, яъни қилармиш каби.*

«э» унлиси билан тугаллаган феълларда «и (э)» ҳарфининг «й» ҳарфи билан ёнма-ён келиши (қоида)га номувофиқ (зид)дир. Шунинг учун касрани ифодаловчи «и» ишболи талаффуз қилинади. Чунончи, *дийдўр, яъни айтади, дийдўргән, яъни айтувчи, айтган, айтмоқ, дийдўрмиш, яъни айтармиш, дейилади.* Агар равишдош маъносида ишлатилса, у (ҳолатда) ҳам қоидага биноан «у» ва «а» билан тугаллаган буйруқ феълига «й» орттирилиб, тоқ ёки жуфт шаклда қўлланилади: *оқуй ёки оқуй оқуй, яъни ўқий ўқий, әйләй ёки әйләй әйләй, яъни қилай қилай дейилади.* «э» билан тугалланган (феъллар)да қоидага биноан ишболи ифодаланади ёки *дэй дэй* каби айтилади. Бу сўзлар бошқа маъноларда ҳам ўз ўрнида тушунтирилгандай ишлатилади.

УЧИНЧИ МАБНО

Олмошлар ва кўрсатиш исмлари баёни

У икки бобдан ташкил топган.

Биринчи боб. Олмошлар баёнида бўлиб, олмошлар уч қисмдан иборат.

Биринчи қисм бирикувчи олмошлар (эгалик аффикслари) бўлиб, сўзлар охирига қўшилади: *-м, -ым, -им* — биринчи шахс, бирлик эгалик аффикси: *башым, яъни бошим, қашым, яъни қошим каби.* Баъзан *-м* сўз таркибини ташкил қилиши мумкин: *олум, яъни ўлим, йолум, яъни сувдан ўтиладиган жой каби.*

Яна *-мыз, -миз, -ымыз, -имиз* — биринчи шахс, кўплик эгалик аффикси: *башымыз, яъни бошимиз, қашымыз, яъни қошимиз каби.*

Яна *-и, -иң, -иң* — иккинчи шахс бирлик эгалик аффикси: *башыиң, яъни бошинг, қашыиң, яъни қошинг каби.*

Буйруқ феъли ва буйруқ феълининг инкор формасига қўшилиб, иккинчи шахс кўпликни ифодалайди: *алың*, яъни олинг, *алман*, яъни оласиз¹ каби. Мазкур *-н* аффикси кишилиқ олмошлари ва кўрсатиш исмларига ҳам қўшилади²: *сэниң*, *аның*, *мунуң* каби ва шунга ўхшашлар. Туркий тилда кўрсатиш исмлари шунга ўхшашдир. Араб тилида эса, *улаъика*, *залика* сўзлари яқин ва узоқ маънони англатувчи кўрсатиш (исмлари)ни ифодалайди. Баъзи ўринда, «воситачилар» бобида тушунтирилганидек, объект воситачиси маъносида ишлатилади. Баъзи ўринда эса маъно англатмай сўзларга қўшилади, лекин сўзлар ҳам усиз (*-н*, *-ын*, *-ин* сиз) тугалланмаган ҳисобланади.

Яна *-һыз*, *-һиз*, *-ыһыз*, *-иһиз* / *-һуз*, *-һүз*, *-уһуз*, *-үһүз* иккинчи шахс, кўплик эгалик аффикси: *башыһыз*, яъни бошингиз, *көзүһүз*, яъни кўзингиз, *алыһыз*, яъни олингиз, *уруһуз*, яъни урингиз³ каби.

Яна учинчи шахс, бирлик эгалик аффикси бўлиб, икки турга бўлинади. Биринчи тури *-ы*, *-и* бўлиб, ундош билан тугалланган сўзларга орттирилади: *баши*, яъни боши, *қашы*, яъни қоши каби. Иккинчи тури *-сы*, *-си* бўлиб, унли билан тугалланган сўзларга орттирилади: *атасы*, яъни отаси, *уйқусы*, яъни уйқуси каби.

Яна *-лар*, *-ләр* кўплик белгиси: *йахшылар*, яъни яхшилар, *йаманлар*, яъни ёмонлар каби. Агар учинчи шахс шахс-сон аффикси билан бирикса, учинчи шахс кўплик маъносини ифодалайди. Чунончи, «Сабъайи сайёра»нинг «Баҳромни табиблар даволаши» (фасли)да шундай дейилади.

Чәра тапмақға жәзим эрдиләр
Кәчә күндүз муләзим эрдиләр,

яъни *Чора қидирмоққа қарор қилдилар ва кеча-ю кундуз мулозиматда бўлдилар*.

Агар (*-лар*, *-ләр* аффикси) иккинчи шахс бирлик кўрсаткичи *-н* билан бирикса, иккинчи шахс кўплик маъносини англатади. Чунончи, «Чин канизи фироқида Баҳромнинг зорланиши» (фасли)да халқига хитоб қилиб шундай дейди:

¹ Бу ерда ноаниқлик бор. *Олманг* бўлиши керак.

² Бу ерда Меҳдихон янглишган. «*н*» эгалик аффикси бўлмасдан қаратқич келишиги белгисидир.

³ *Алыһыз*, *уруһуз* сўзларидаги аффикслар эгалик аффикси булмай, шахс-сон формантидир.

*Қавм-у хейли-ки бандам эрдиңләр
Нэ дэсәм сарафгандам эрдиңләр.*

-лар, -ләр сўз таркибида ҳам учрайди: *айләр*, яъни қилади каби. Сўзларга, тўртинчи мабнотинг «Завойид» бобида тушунтирилади, «зойида» тарзида ҳам қўшилади.

Иккинчи қисм кесимлик боғламалари ва кишилиқ олмошлари учун муштарак бўлган сўзлардан иборат. Агар (мазкур сўзлар) сўз бошида келса, кишилиқ олмошлари маъносини билдиради, сўзлар охирида келса (орттирилса), кесимлик боғламалари маъносини ифодалайди. Агар такрорланиб қўлланилса, бири кишилиқ олмошини, иккинчиси эса феъл боғламасини ифодалайди.

У (иккинчи қисм) тўрт сўздан иборат.

Биринчиси *мэн* бўлиб, форсчада *ман*, арабчада *ана* дейилади: *менмэн*, яъни менман, *олгаймэн*, яъни бўлгайман каби.

Эслатма. Рум тилида кишилиқ олмоши (мен) «б» билан, феъл боғламаси эса -м билан ёзилиб, кишилиқ олмоши билан ишлатилмайди. Чунончи, *бәйнәм*, яъни менман, *бәйнәм султāнам*, яъни менинг султoним. Чиғатой тилида эса ҳар икки турда ишлатилади: *алурмэн*, *алурам*, *тутармэн*, *тутарам*, яъни оламан, ушлайман.

Иккинчиси *сэн* бўлиб, форсчада *ту*, арабчада *анта(и)* дейилади: *сәнсэн*, яъни сенсан каби. Масалан,

*Эй зухд йолум урма-ки бу марҳала ичрә
Мақсадгача сәнсэн пари йўз миң хатарымдын.*

Шунга ўхшаш *олгайсән*, яъни бўлгайсан.

Учинчиси *биз* бўлиб, форсчада *мо*, арабчада *наҳну* дейилади: *бизбиз*, яъни бизмиз, *олгайбыз*, яъни бўлгаймиз.

Эслатма. Рум туркларида феъл боғлама -биз шаклида ишлатилмасдан олмошга -уз, -з қўшиб қўлланади: *бизўз*, яъни бизмиз каби. Чунончи, Фузулий шундай дейди (рум имлосида):

*Асир-и дард-и ишқ-у маст-и жām-и ҳусн-и чоқ, аммā
Бизўз машҳур олан Лайли сәйя Мажнун бәнā дэрләр.*

Шунга ўхшаш *очақуз*, яъни ўчоғимиз дейилади. Унга далил:

*Зāҳид гур сәйя чāки шуъласын биздин сāфин
Бир учақуз бир ки сузāндур дар-у дэвāрымыз.*

Шунга ўхшаш қулийуз, яъни унинг қулимиз. Унга далил:

*Аҳлы дардӣ қулийуз улдур биза жандын азиз
Йусуф олса худфуруи аниҳла йох баъаъримиз.*

Шунга ўхшаш чиғатой тилида *этәрбиз*, яъни этармиз, қилурбиз, яъни қилурмиз дейилади. Рум тилида эса *эдүрүз*, яъни этармиз, қилуруз, яъни қилармиз дейилади.

Тўртинчиси *сиз* бўлиб, форсчада *шӯмо*, арабчада *антум* дейилади: *сизсиз*, яъни сизсиз, *олгайсыз*, яъни бўлгайсиз. «Сиз» бўлишсизлик ва инкор маъносини ҳам ифодалайди: *сизсиз*, яъни сиздан ташқари каби ҳар уч маънода «Сабъайи сайёра»нинг «Подшоҳ авлодларининг дуоси» (фасли)да шундай дейилган:

*Бахтга таъж-и таърик олгайсыз
Шаҳга ҳар кун мубаърак олгайсыз
Чун азалдын шаҳи жаҳан сизсиз
Болмасун бир нафас жаҳан сизсиз.*

Учинчи қисми кишилиқ олмоши ва кўрсатиш (исми) учун муштарак бўлган сўзлардан иборат. Шу жумладан, *алар*, яъни улар «а» (алифи мамдуда) ва кўплик белгиси *-лар* аффиксининг бирикишидан ҳосил бўлиб, *улар* маъносида ишлатилади.

Яна шундан иборатки, чунончи, дейдилар: *анлар*, яъни улар; *аҳа*, яъни унга; *анча*, яъни унча; *ан*, яъни у форс тили кўрсатиш олмоши билан муштаракдир.

Иккинчи боб¹. Кўрсатиш исмлари баёни

У икки қисмдан иборат.

Биринчи қисм соф кўрсатиш исмидан иборат бўлиб, у икки сўздан ташкил топган.

Биринчиси *бу* кўрсатиш исми бўлиб, форс тилида *ин*, араб тилида *ҳазъ*, *ҳазихи* дейилади.

*Хатӣ эрмас гул ўзрә сабза-йи баъ-и эрәмдүр бу
Нә сабза кўн йўзиндә тўн савāдыдын рақамдур бу.*

Шунга ўхшаш *булар*, яъни булар, *будур*, яъни будир.

¹ Ўнинчи деб нотўғри ёзилган.

Иккинчиси мун бўлиб, баъзи бир аффикслар (воситачилар) билан бирикиб ишлатилади: *муџа*, яъни бунга каби:

*Азал ҳам сэн абад ҳам сэн нэ аввал бирлә āхир-ким
Аџа йоқ ибтида пайда муџа йоқ интиҳа пайда.*

Шунга ўхшаш мунча, яъни бунча, бунда, яъни бунда, мундын, яъни бундин, мундақ, яъни бундоқ, бундай. Агар айрим ҳолатда мун кўрсатиш исмини ишлатмоқчи бўлсалар, у пайтда унга «а» орттириб муна шаклида қўллайдилар. Чунончи, дейди:

*Итләриџ алыда йўз пāра кōџўлни салдым
Муны кōр ҳар бириниџ ағзыда бир пāра кōџўл.*

Қоида. Бу икки кўрсатиш исмининг ишлатилиш ўрни бир-биридан фарқ қилишини билиш керак. Биринчисининг ўрнига иккинчисини, иккинчисининг ўрнига биринчисини ишлатиш мумкин бўлмасдан, ишлатилиш усулига боғлиқ бўлади.

Иккинчи қисм кишилик олмоши ва кўрсатиш исми учун умум бўлган сўзлар (олмошлар)дан иборат бўлиб, олмошлар (боби)да зикр қилинади.

ТЎРТИНЧИ МАЪНО

Бирикмаган ҳолда маъно англатмайдиган сўзлар (морфемалар) баёнидан иборат бўлиб, уни илм аҳллари ҳарф дейдилар, уч бобдан ташкил топган.

Биринчи боб – воситачилар (баёни), икки қисмдан иборат.

Биринчи қисм ўтимлилик воситачилари (яъни келишик аффикслари)дан иборат бўлиб, булар уч турга бўлинади.

Биринчи тури объект воситачиси бўлиб, форс тилидаги *ро* маъносида ишлатилади. Шу жумладан, икки аффикс ҳамма ерда учинчи шахс, бирлик эгалик аффикси (қаралмиш) «ы / и»дан сўнг қўшилади. Биринчи аффикс *-н*, иккинчи аффикс эса *-ны*, *-ни* дир. Чунончи, ҳар икки турда шундай дейилган:

*Дэмā ағзын гунча, қаддын сарв-ким эл кōрмāмиш,
Сарвныџ рафтāрыны йā гунчаныџ гофтāрыны,*

яъни Унинг оғзини гунча, қаддини сарв дэма, халқ сарвнинг рафторини ёки гунчанинг гуфторини кўрмаган.

-н зойида, яъни ҳеч қандай грамматик маънони англатмаслиги мумкин: *ағзында* – *ағзыда* нинг синоними, яъни унинг оғзида ва *қаддында* – *қаддыда* нинг синоними, яъни унинг қаддида. *-ны*, *-ни*¹ аффикси агар сўзлардан олдин келса, шу маънонинг биринчи бобида тушунтирилганидек, сўроқ маъносини ифодалайди.

Яна *-ныи*, *-нии* аффикси:

Нэчā жаврын тартайын ул сарв хуризāдныи
Йоқмудур пāйāни эйā зулм ила бидāдныи,

яъни *У сарви хуризоднинг жаврини қанча тортаман, зулм билан бедоднинг охири йўқми?*

Баъзи ўринда сўзларга қўшилиб, зойида, яъни ҳеч қандай грамматик маъно англатмаслиги мумкин. Чунончи, тўртинчи маънонинг завойид баёнида тушунтирилади.

Иккинчи тури *-ыи*, *-и* (аффикси)дан иборат бўлиб, баъзи ўринда воситачи маъносини ифодалайди ва кишилиқ олмошларига орттирилади: *мэнии*, *сэнии* каби. Биринчи мисолга далил:

Ҳар көңүл āрāмы чун болмыи дилāрāмым мэнии
Ул сабабдын йоқ турур бир лаҳза āрāмым мэнии.

Шунга ўхшаш *мунуи*, *аныи* каби. Биринчи ва иккинчи (мисол)га далил:

Истāсāи Лайлā-йу Мажнун хусн-у ишқидын мисāl
Мэн назиримэн мунуи йāрым намудāр-и аныи,

яъни *Агар Лайли ва Мажнуннинг ҳусни ва ишқидан намуна (мисол) истасанг, мен бунинг назириман, ёрим эса унинг намудоридир*.

Бу сўзлар баъзи сўзлар билан биргаликда бошқа маънони англатади: *мэнии билā*, яъни менинг билан, *мэниидўр*, яъни меникидир, *мэнии матлубымдур*, яъни менинг матлубимдир каби ва шунга ўхшашлар.

Қоида. Баъзи муболаға (кучайтирув) учун объект воситачисини ифодаловчи икки белги кетма-кет келтирилади. Чунончи, «Хисрав ва Ширин»нинг «Тамҳид» (қисми)да дейилади:

¹ Меҳдихон бу ўринда *-ни* аффиксини *нэ* (*не*) сўроқ олмошига адаштирмоқда.

*Қылып чун барқ зāтын музаҳҳар кōл
Жаҳāн ақл хашаки болуп кўл
Фанā тофāны элтип барын **аның**
Жаҳāнда қоймайын āсāрын **аның**,*

яъни¹ Унинг барини тўфон йўқ қилди, жаҳонда унинг асарини қўймади.

Учинчи тур форсча ўтимлилик маъносида ишлатилиб, у -га ва -гā, -кā (аффикс)дан иборат. Биринчисига далил:

*Нāма-йи шавқым киши арз āйлāй алмаз **йāрға**
Бас ғалат болғай жавāб этмāк тамаъ мэн **зāрға**.*

Иккинчисига далил:

***Кōзгā** тā кирди хайāлың сāвуқ āҳым ваҳмыдын
Бағламыш-мэн қурйа ҳар сāры мижсāндин аға.*

Унинг ишлатилиш хусусиятлари бошқа ўринларда, олтинчи мабнонинг имло қоидаларида ўз аксини топади.

Иккинчи қисм ўтимсизлик воситачиларидан иборат бўлиб, у икки турдан ташкил топган.

Биринчи тури сўзлардан сўнг орттириладиган кўмакчилардан иборат бўлиб, улар туб (содда) сўзлардир. Шу жумладан, ўчўн араб тилидаги *лом-и таълил*га тўғри келади. Чунончи, дейди:

*Ҳажр тыгы кōн **ўчўн** жисмымда ҳарйан чекди баиш
Эй Навāйи мэн мазаллат тāйиры будур парим.*

Яна *илā, илāн, билā, билāн, бирлā, бирлāн* араб тилидаги *маъ*, яъни билан маъносида ишлатилади. *Илā* сўзи бошқа маъноларга ҳам эга бўлиб, луғатнинг (Санглох) «Китоби алиф» (фасли)да зикр қилинади.

Яна -*дур*, -*дўр* / -*дурур*, -*дўрўр* бўлиб, форс тилидаги *аст*, яъни -*дир* маъносида қўлланади.

Яна -*ким* бўлиб, форс тилидаги *ки* боғловчиси, яъни -*ки* маъносида ишлатилади.

***Даҳр-ким** йāр йоқ меңā анда
Йāр эсā дагы йоқ вафā анда.*

¹ Биринчи ва иккинчи қатор таржима қилинмаган.

Иккинчи¹ тури аффикслар билан бирикиб тўлиқ маъно англатувчи сўзлардан ташкил топган бўлиб, сўзларнинг боши ва охирида зикр қилинади ва у э, эр бўлиб, ўтган замон ва бошқа форма белгилари билан бирикади. Шу жумладан, *эди, эрди*, яъни эди. Чунончи, «Лайли ва Мажнун»да шундай дейилган:

*Лайли-ки эди араб баласы
Ҳам бар эди Қайс мубталасы.*

Яна *эдиш, эрдиш*, яъни эдинг.
Яна *эдишиз, эрдишиз, эдишлар, эрдишлар*, яъни эдингиз.
Яна *эдим, эрдим*, яъни эдим.
Яна *эдўк, эрдўк*, яъни эдик.

Яна *экән, эркән, экин, эркин*, яъни экан, -дир. Сўзларга зойида, яъни ҳеч қандай грамматик маъно англатмайдиган аффикс ёки морфема шаклида орттирилади. Тўртинчи мабнонинг «Завойид» (боби)да зикр қилинади.

Яна *экәч, эркәч*, яъни экан.
Яна *эрүр*, яъни бор, эрур.
Яна *эмәс, эрмәс*, яъни эмас. Унга далил:

*Эмәс ғам шāмы анжум қатралар āҳым тафыдын бил
Нә таң кўн көзгүсин гар тийра қылса ушбу дам бир кўн.*

Яна *эмән, эрмән*, яъни эмасман. Чунончи, «Ҳайратул-л-аброр»нинг «Хотима»сида шундай дейилади:

*Гарчи эмән қāбил-и лутф-у карам
Ликан эмән бир йолы нāумид ҳам.*

Яна *эмәш, эрмәш*, яъни эмассан.
Яна *эмиш, эрмиш*, яъни бўлган, экан.
Яна *эсә, эрсә*, яъни агар бўлса, эса.
Яна *эсәш, эрсәш*, яъни агар бўлсанг, эсанг.
Яна *эсашиз, эрсашиз*, агар бўлсангиз, яъни эсангиз.
Яна *эсәм, эрсәм*, яъни агар бўлсам, эсам.
Яна *эсәк, эрсәк*, яъни агар бўлсак, эсак.

¹ Иккинчи ўрнига олтинчи деб нотўғри берилган.

Иккинчи боб. Воситачи бўлмаган (морфемалар) баёни

Бу (боб) икки қисмдан иборат.

Биринчи қисм сўзлардан олдин келадиган морфемалардан иборат бўлиб, у икки турни ўз ичига олади.

Биринчи тур қиёсий бўлиб, сўроқ сўзи (юкламаси) *нэ* дан иборат. Чунончи, дейди:

*Айлә фāни бул-ки дāмангириң имкāн болмағай
Ким этāк мавжуд ағар йоқтур нэни тутғай илик.*

Шунга ўхшаш *нэдўр*, яъни нимадир дейдилар.

Иккинчи тури самоий бўлиб, *ап-*, *сап-* ва шунга ўхшаш сўзлардан иборат бўлиб, кучайтирув маъносини ифодалаш учун сифатлар олдидан орттирилади: *ап-ағ*, яъни оппоқ, *сап-сарығ*, яъни сап-сарик ва шулар сингари: *қап-қара*, *қып-қырмызы*, *ком-кок*, *йап-йашыл* каби.

Баъзи бир отлардан ҳам мазкур форма ясалади: *йап-йассы*, яъни яп-ясси, *тўп-тўз*, яъни теп-текис, *топ-тоғры*, яъни тўппа-тўғри, *тип-тик*, яъни типпатик, *сап-сағ*, яъни соппа-соғ каби.

Иккинчи қисм (сўзлардан) кейин орттириладиган аффикслардан иборат бўлиб, у икки баённи ўз ичига олади.

Биринчи баён юклама маъносини ифодалаб, икки турга бўлинади.

Биринчи тури қиёсийдир. Шу жумладан шарт аффикси *-са*, *-сā* буйруқ феъллари билан бирикиб, икки турда қўлланади.

Биринчи тури форс тилидаги шарт юкламаси *ағар* билан ишлатилади.

Иккинчи тури эса шарт юкламаси *ағарсиз* ишлатилади. Чунончи, ҳар икки турга шундай далил келтириш мумкин:

*Эй Навāйи жāның алғумдур дэсā қайғурмағыл
Жāнға миннат қыл мунуң бирлā гар этсā иктифā.*

Қоида. Билки, бу аффикс (шарт аффикси *-са*, *-сā*) буйруқ феълидан бошқа ҳеч бир сўз билан бирикмайди.

Нима учун *йоқ* сўзи *йоқса* шаклида ишлатилади? Бу анормалдир. Ҳақиқатда эса, *йоқса йоқ эсā* нинг қисқартирилган шакли, *йоқ эсā йоқ эрсā* нинг қисқартирилган шаклидир, чунки ҳар уч сўз бирикиб, бир маънода ишлатилади. Чунончи, «Луғат» (Санглох)нинг «й»

(фасли)да тушунтирилади. Баъзида айрим феъл нисбатлари (ёрдамчи феъллар) билан бирикканда, шарт аффикси *-са, -сә* даги шартлик маъноси йўқолади: *дәсә болгай*, яъни деса бўлади каби дейдилар. Чунончи, «Маҳбубу-л-қулуб»нинг ўттиз тўққизинчи фаслида «Харобот аҳлининг васфи»да шундай дейилади: *Замāны йахишы йаманы билā иши йоқ дәсā болгай-ки, āламда мундақ киши йоқ.*

Шунга ўхшаш *йарутса болмас*, яъни ёритса бўлмас, ёритиш мумкин эмас; *тутса болмас*, яъни тутса бўлмас, тутиш мумкин эмас. Чунончи, «Маҳбубу-л-қулуб»нинг учинчи фаслида «Хаё зикри»да шундай дейилади:

Умр-ким вафāсыз-дур андын умид кōзин йарутса болмас
Маҳбуб-ки бивафā-дур андын висāли жāвид тамаъ тутса болмас.

Баъзида *-са, -сә* сўз бўлагини (таркибини) ташкил қилиши мумкин: *кимāрсā*, яъни киши, шахс, *нимāрсā*, яъни нараса, *йараса*, яъни мақбул бўлса, яраса каби.

Яна сўроқ юкламаси *-му, -мў* (форсча) *āйā*, яъни *-ми* маъносига эга бўлиб, икки турда ишлатилади. Биринчи тури *āйā* юкламаси (сўзи) билан ишлатилади. Чунончи, дейилган:

Май бирлā йўзўн тым-тым аҳмар-му икин āйā
Йā шуъла арā бир-бир аҳгар-му икин āйā.

Иккинчи тури *āйā* юкламасисиз ишлатилади. Унга далил:

Сачын раъы амбар-му-дур мушк-и чин-му
Лабын таъмы шакар-му-дур аъабин-му.

Яна *-дын, -дин*, яъни *-дан* маъносида ишлатилиб, уни араб тилида *мин* дейилади. Чунончи, шундай дейилган:

Ул пари маҳбуб болгай дēп мēни дēвāнадын
Чуздэк чиқман тун-у кун гуша-йи вайрāнадын.

Хато. Навоий (уни раҳмат қилсин) шундай дейди:

Фалак нилу паридын чашма-йи меҳр олды гар пайдā
Йўзўндā нилдин ул чашма қылмыш нилуфар пайдā.

Насирий бу шеърни нотўғри кўчирилган нусхадан қуйидагича ўқиган: (мисра)

Йўзўрдин нилдин ул чаима қилмыш нилуфар пайдā.

Насирий ўз китобининг муқаддимасида берган (ёзган) қондасида туркий тилда таъкидни кучайтириш учун *-дын, -дин* аффикси икки марта кетма-кет келтирилади деб зикр қилган ва мазкур шеърни далил сифатида келтирган. Бу – нотўғри.

Яна *-да, -дā* бўлиб, ўрин-пайт равиш¹ маъносига эгадир. Уни араб тилида *фи*, яъни *-да* дейилади. Унга далил:

Йэр тутгалы ул кāфир-и худкām кōнўлдā

Йоқ мэндā кōнўл āйлā-ки āрām кōнўлдā.

Иккинчи тури турли маъноларда келувчи аффикслардан иборат бўлиб, у *-ча* ни ўз ичига олади ва баъзида қиёсий, баъзида самоий шаклида қўлланади.

Қиёсий шакли эса икки маънони ифодалайди: 1) чегара маъносини англатиб, араб тилидаги *ила* га тўғри келади. Унга далил:

Бас тийрā эрди субҳидам шām-и гaмгачa

Tā шāми гaмдa нāйлāгāмэн субҳидамгачa.

Болмыш анын сафāлы Навāйигa жām-у йār

Kōn фарқ ушбу зарф билā жām-и жaмгачa;

2) миқдор маъносини англатади. Чунончи, дейди:

Лаълыдын бир сōз сынук кōнлўмни āйлār тaгчa

Нақд жāн бāрсām йoқ анын алыда тyпpагчa.

Самой маъноси уч кўринишга эга. Биринчиси *ардыча, соңыча, соңынча, гāйничā* бўлиб, ҳар тўрт сўз «орқасидан» маъносига эга. Биринчисига далил:

Навāйийā эрўр ул шox-и туркман бас тoнд

Навāтылар эсaн aндын йўгўрмā ардычa чарх.

Иккинчисига далил:

Чунки йэтин кōрўн ул чэхраны бихāl болуп

Ќзгā кэлгāч нийa ул рухаи соңынчa йўгўрāй.

¹ Муаллиф ўрин-пайт келишигини назарда тутди.

Иккинчи кўриниши *өзгәчә*, яъни бошқача каби. Чунончи, дейилган:

Илтифәт этти бу кўн мән қулға ул шāх өзгәчә
Өзгәчә аһлап мән өз хāлымны биллаҳ өзгәчә.

Учинчиси *нәчә*, яъни «қандай» бўлиб, икки маънода ишлатилади. Биринчиси *көһләкчә*, яъни «кўйлакчан» маъносига эга. Унга далил:

Нә футур ислām арā тўшигәй-ким ул кәфирина
Маст олуп көһләкчә чықты сәкратиң майдāн сары.

Иккинчиси *нәчә*, яъни неча, ҳарчанд, нечта маъносида қўлланади. Чунончи, *неча* (ҳарчанд) маъносида шундай дейилади:

Тарик-и шиқ арā өзни чу фард қылса бирәв
Ҳариф эмās аһа йәр көк нәчә эрүрләр икәв.

«Нечта» маъносида дейилади:

Истади жисм уйуй бир равзан оқуғдын вайким
Қалмады равзан бири-ким нәчә равзан болмады.

Форс тилида эса *-ча* аффикси кичрайтиш маъносига эга: *боғча*, яъни боғча, *тоқча*, яъни токча каби.

Иккинчи баёни шундан иборатки, ҳамма ўринда бир хил имлода исм маъносини ифодалаб, икки турдан ташкил топган. Биринчи тури қиёсий бўлиб, у икки усулда қўлланади. Биринчи усули шундан иборатки, у ҳамма ерда бир хил имлода ишлатилади. *-ав*, *-әв* шу жумладан бўлиб, бирдан ўнгача бўлган сонларга орттирилади: *бирәв*, яъни бири, биров, *икәв*, яъни иккиси, иккови каби ва ҳоказо шунга ўхшашлар.

Яна *-нчы*, *-нчи*, *-ынчы*, *-инчи* бўлиб, барча сонларга орттирилади: *биринчи*, яъни биринчи; *иккинчи*, яъни иккинчи каби ва шунга ўхшашлар.

Яна *-мтул*, *-ымтул*, бўлиб, сифатларга орттирилади ва нимранглик маъносини ифодалайди: *ағымтул*, яъни оқимтир, оққа мойил, *қызымтул*, яъни қизимтир, қизилга мойил каби. шунга ўхшаш *қарамтул*, *йашимтул* ва шунга ўхшашлар.

Яна -лаг / -лақ бўлиб, форсча *гулзār*, *куҳистāн* сўзларидаги -зār ва -стāн нинг синонимидир. У макон маъносини ифодалаб, мўллик ва фаровонликни билдиради: *тузлақ*, яъни тузлоқ, *авлақ*, яъни ов қўп бўладиган ер, *йайлақ* ва *қышлақ* ёз ва қишда яшайдиган ер (жой) каби.

Яна -дэг бўлиб, уч маънода ишлатилади. Биринчи маъноси солиштирма аффикс ўрнида келиб, «мисли, ўхшаш» маъносини ифодалайди. Унга далил:

Турфа рухсāрыи-ки ҳусн ичрā эрўр гулзār-дэг
Турфарақ будур-ки гулзār эрмās ул рухсāр-дэг.

Яна буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлик формасига қўшилиб, уни учинчи шахс бирлик маъносига ўзгартиради.

Чунончи, *бардик*, яъни борсин, *асрадик*¹, яъни асрасин дейдилар. Биринчисига далил:

Тэлбā кōһлўмни Навāйи забт āйлāй алмадыи
Эмди чэк андын илик ҳар сары барса бардик.

Иккинчисига далил:

Эй Навāйи нāйлāгāн зуҳд-у салāҳ
Кōзи-йу кōһлини ҳам асрадик.

Учинчиси *салғудэк*, яъни солса бўладиган, солгудай ва солсин; *қозғалғудэк*, яъни қўзғолса бўладиган, қўзғолгудай ва қўзғолсин маъноларига эга. Чунончи, ҳар иккисига биринчи маънода шундай дейилади:

Йār болмыш ортага ҳижрāн тариқын салғудэк
Ақл-у жāн-у ҳуш-и кōһлўм хайли ҳам қозғалғудэк.

Ҳозирги-келаси замон феълига қўшилиб, мазкур маънонинг ўзида ишлатилади: *салурдэк*, *қозғалурдэк* *салғудэк*, *қозғалғудэк* нинг синонимидир.

«Луғат» (Санглох)нинг дол фаслида баён қилинганидек, -дэк, -тэк «тек туриш» маъносида ҳам қўлланади. Шунингдек, «д» ҳарфининг «т» га алмашуви юз бериши мумкин.

¹ Бардық, асрадық бўлиши керак.

Эслатма. Рум турклари сўзлашувида *дэк*, *рэг* вазнига мувофик касрани ифодаловчи «и» қисқартирилган шаклда ишлатилиб, чегара, миқдор маъносини англатади. Чунончи, Фузулий шундай дейди:

*Шāmлар анжум сāйырам субҳытек
Эй шаб-и ҳажрың бāңä йавмул ҳисāб.*

Яна *-даш*, *-дāш* / *-таш*, *-тāш* аффикси бўлиб, биргалик, ҳамкорлик маъносини ифодалайди: *йолдаш*, яъни йўлдош, ҳамроҳ, *қарынташ*, яъни қариндош, *кōкāлдāш*, яъни кўкракдош, ака-ука каби. Бу маънода форсча маъно билан умумдир. Туркий тилда бошқа маъноларга ҳам эга бўлиб, «Луғат» (Санглох)нинг дол ва то фаслида ўз аксини топади.

Иккинчи усули шундан иборатки, ишлатилиш ўрнига кўра турлича ёзилади. Бу ўринда ҳарфларнинг миқдори асос бўлиб, ишлатилиш ўринлари, имлониң ҳар хил бўлишининг сабаби олтинчи маънода – имло қоидаларида муфассал тушунтирилади. Бу ерда эса қисқача тушунтириш билан қаноатланилади. Сифатнинг чоғиш-тирма даража белгиси *-раг*, *-рāк* шу жумладандир.

Яна *-қы* / *-гы* / *-ки*, *-ги* нисбат (нисбий сифат) маъносини ифодалайди: *андагы*, яъни у ердаги, *мундагы*, яъни бу ердаги, *йилқы*, яъни йилги, *кэчāки*, яъни кечаги, кечки каби.

Яна *-гына* / *-гина* кичрайтиш белгисидир: *йумруқгына*, яъни муштумча, *ōсрўкгинā*, яъни бир оз маст каби.

Яна *-лыг* / *-луг* / *-лық* / *-луқ* / *-лик* / *-лўк* аффикси нисбат ва масдар «йо» си ўрнида ишлатилиб, эгалик маъносини билдиради. «Луғат»нинг «Китоб-и лом» бобида зикр қилинганидек, бошқа маъноларга ҳам эга.

Иккинчи тури самоийдир. Шу жумладан *-дақ* аффикси бўлиб, кўрсатиш исмлари билан бирикади: *андақ*, яъни ундай, *мундақ*, яъни шундай, бундай каби.

Яна *-дуруқ* / *-дўрўк* аффикси бўлиб қурол, асбоб маъносидаги от ясайди: *бойундуруқ*, яъни ҳайдов вақтида ишчи ҳўкиз бўйнига солинадиган асбоб, *ōкўндўрўк*, яъни пахта йигирувчиларнинг пахтани чигитдан ажратиш учун фойдаланадиган таёқчаси каби.

Яна *-ла*, *-лā*; *-лан*, *-лāн* аффикслари биргалик маъносини ифодалайди: *икāвлā*, *икāвлāн*, яъни иккиси бирга, *учāвлā*, *учāвлāн*, яъни

учови бирга каби. -ла, -лә аффикси, тўртинчи мабнонинг «Завойид» бобида тушунтирилганидек, кўмакчи вазифасида ҳам ишлатилади¹.

Яна -чақ / -чәк аффикси баъзи сўзлар билан бирикиб, асбоб, қурол маъносини англатади: *алынчақ*, яъни зийнат учун от пешонасига тақиладиган асбоб, *йарғучақ*, яъни буғдой янчиладиган асбоб, ўғир, *сәлинчәк*, яъни бўйинга осиладиган тумор ва тасма каби. -чақ / -чәк ҳозирги замон сифатдоши формасини ясовчи самоий белгилардан (*йасанчақ*, яъни ўзига оро берувчи, ясанчоқ каби) бўлиб, тўртинчи бобда – ҳозирги замон сифатдоши баёнида тушунтирилган.

Эслатма. Рум туркларининг тилида (сўзлашувида) -жақ / -жәк аффикси бирор сўзга қўшилиб, «худди», «ўхшаш» маъносини билдиради. Чунончи, Фузулий дейди (рум имлосида):

Ғараз-и Фузулийа анжақ алыға өлмәкдүр
Вале маҳалдур ул ҳам сән олыжақ қатил,

яъни Фузулийнинг мақсади сенинг қўлингда ўлмоқликдир, лекин у ҳам сен каби қотил бўлиши маҳолдир.

Яна дейди:

Ала олур гәзижәк ул гул-и раънә этәкин
Ваҳм эдәр-ким дута бир айиқ-и шайдә этәкин,

яъни У гули раъно сайр қилганда унинг этагини ушлаб олади, чунки мабодо бошқа бир шайдо ошиқ унинг этагини ушлаб олмасин деб ваҳима қилади.

Агар -жақ / -жәк аффикси воситачилар ва феъл нисбатлари (боғламалари) билан ишлатилса, бошқа маънони англатади: *чықажақдур*, яъни чиқади, чиқажак, *кәләжәкдүр* яъни келади, келажак каби. Биринчисига далил Фузулийдан (рум имлосида):

Йана ул мәх-и банам алды қарәрым бу кәчә
Чықажақдур фалаккә нәла-йи зәрым бу кәчә.

Шунга ўхшаш *вәражәк олса*, яъни берадиган бўлса, беражак бўлса ва бошқалар. Таржиъотдан (далил):

Бәдадын гайры-ки гам дафъына бир жәм йэтәр
Нақдыны ҳарына ҳар ким вәрәжәк олса этәр,

¹ Бу ерда билан кўмакчисининг қисқарган шакли -ла назарда тутилган.

яъни Бодадан таиқари бир жомнинг ўзи гамни дафъ қилиш учун кифоя қилади, ҳар ким ўз нақдини ҳар бир нарса учун берадиган бўлса йўқолади.

Учинчи боб ¹. Завойид ² баёни

Бу (завойид) сўзлар таъкидини кучайтириш ва баённи безаш учун ишлатиладиган аффикслардан иборат. Шу жумладан *-ар*, *-ёр* бўлиб, сонларга орттирилади: *бирёр*, яъни бир, *учёр*, яъни уч, *тўртёр*, яъни тўрт, *йўзёр*, яъни юз каби. Чунончи, «Анбиёлар тарихи»нинг «Қинон ибн Ануш васфи»да шундай дейилади: *Ким халқдын йўзёр йўзёр киши айрып буйурды-ким, кэнтлёр йасадылар*.

Қоида. Агар сонлар «и (ы)» билан тугалланган бўлса (*икки*, *алты*, *йэтти*, *йигирми* каби), «и (ы)» унлиси узун бўлгани учун аффикс билан сон ўртасига «ш» орттирилиб, *иккишёр*, *алтышар*, *йэттишёр*, *йигирмишёр* дейилади. Бэи сондаги «ш» ҳарфи сўз таркибини ташкил қилгани учун *бэшёр* ўқилади. *Алтмыш*, *йэтмиш* ни ҳам *алтмышар*, *йэтмишёр* деб айтиш керак.

Яна *экән*, *эркән* дир. Биринчисига далил:

Сэн экәйсән-мү Навāйи тэлбā
Йоқса бэргāй кишилар панд сәңā.

Яна унга далил:

Қашы мэхрāбыдын йўз қиблага қой дэрсен эй нāсих
Мунча дэр экәйсән ваҳ ки āжизмэн жавāбыдын.

Яна *-дур*, *-дўр* / *-тур*, *-тўрдир*. Чунончи, биринчисига далил:

Маъаз-ул-лаҳ сыз эй шиқ-у муҳаббат нэ балāдурсыз
Ки көңлүмдин алып сабр-у шакиб оқлар саладурсыз
Танаъум аҳлы-йу базм-и висāl эй дард-и ҳажр аҳлы
Навāйидын сиз айрылмағ-ки зār-у бинавāдурсыз.

(Мазкур тўртликда) *балāдурсыз*, яъни қандай балосиз, *зār-у бинавāдурсыз*, яъни зор ва бенавосиз маъносида келган.

Биринчи *-тур*, *-тўр* аффиксига далил:

¹ Асарда тўртинчи мабно деб қайд қилинган.

² Грамматик маънога эга бўлмаган морфемалар шарқ филологлари асарида *завойид* термини билан юритилади.

*Настаран көзгүсидә бир сары мән бир сары йār
Чәхра аксин **көркүзүптүрбиз** гул-и раънā эмās.*

Бу байтда *көркүзүптүрбиз* *көркүзүпбизнинг* синонимидир, яъни кўргизибмиз, кўргизганмиз. Яна дейди:

*Хāсил-и умр эй кōйўл чун ишқ эмиш урган¹ аны
Ўзгā умрунда нэ-ким хāсил **қылыптурсэн** унут.*

Юқорида баён қилинганидек, -дур, -дўр / -тур, -тўр кесимлик аффикси вазифасида ҳам қўлланади.

Яна -тук, -тўк аффикси: *эмиштўк*. Унга далил:

*Хайātбахш мәниη рух **эмиштўк** эй сāқи
Магар ки вāвыны эълāl этип қылыпсэн рāх.*

Яна -чы, -чи бўлиб, нутқ тугалланганлигини билдиради. Чунончи, «Лайли ва Мажнун»да сўз ўйини шаклида Лайли чўпонга шундай дейди:

*Эй вāди-йи эмāн ичрā қойчы
Эт мән сәηа ўз қашында **қой-чы**.*

Сўзларни безаш учун ҳам қўлланади. Чунончи, «Лисонут-тайр»да дейилган:

*Лэк сиз миη йылчылық андын йырақ
Қайсы миη йыллық ки имкāндын йырақ.*

Бу байтда *миη йылчылық*, яъни минг йилчилик ва *миη йыллық*, яъни минг йиллик синонимдирлар. Шунга ўхшаш *чэрикчи* *чэрикнинг* синонимидир. Чунончи, «Садди Искандарий»да дейди:

*Бузуғ қурйасан **чэригчи** кирип
Аввалыдын нэчā шāх унун эрип.*

Биринчи бобнинг тўртинчи фаслида – ҳозирги замон сифатдоши баёнида айтилганидек, -чы, -чи ҳозирги замон сифатдошининг белгиси ҳамдир.

¹ *Урган* бўлиши керак.

Яна *-сы, -си* бўлиб, баъзи сўзлар билан бирикади: *артуқсы*, яъни ортиқ *артуқнинг* синонимидир. *-сы, -си* эгалик аффикси ҳамдир. Чунончи, зикр қилинди.

Яна *-и* аффикси бўлиб, баъзи формаларга орттирилади: *қурушмақ*, яъни қуримоқ *қурумақ* (қуримоқ)нинг синонимидир. Чунончи, «Хисрав ва Ширин»да дейилади:

*Ки бир көрмәк билә хуснуһны эй хур
Ул оттын көһлүм андақ болды махрур
Ки андын шуъла чун жәһнымға тушти
Қурушмақ тандаги қәһнымға тушти.*

Яна «Лайли касаллиги» фаслида ўтган замон формасида дейилган:

*Шаҳд лабы тәбдын қурушты
Йоқ йоқ бири биригә йапушты.*

Шунга ўхшаш *йарушмақ*, яъни ёришмоқ *йарумақ*, яъни ёримокнинг синонимидир. Чунончи, «Лайли ва Мажнун»да ўтган замон формасида дейилган:

*Ким отларыдын жаҳән йарушты
Харманларыға бу шуъла тушти.*

Баъзи феъл формаларида, биринчи бобда масдарлар баёнида тушунтирилганидек, биргалик нисбатини ифодалайди.

Яна *-ныһ, -ниһ / -нуһ, -нүһ* аффиксидир. Чунончи, иккинчисига далил:

*Көзүһнүһ алыда наргас кәлип қатығ көзлүк
Йүзүһ қашиында гул-и атайи савуғ йүзлүк.*

Агар *-нуһ, -нүһ* аффикси охирги мисрадан тушиб қолса, яна ўша маънонинг ўзини ифодалайди. Чунончи, дейдилар: *көзүһ алыда* ёки *көзүһнүһ алыда*, яъни сенинг кўзинг олдида. Объект воситачиси ҳам бўлиб келади. Чунончи, зикр қилинди.

Яна *-ғыл / -гил* аффикси буйруқ феъли ва буйруқ феълининг инкор формасининг иккинчи шахс бирлик шаклига қўшилади: *алғыл, алмағыл, кәлгил, кәлмагил* каби.

Яна *-лығ / -лик* масдарларга орттирилади. Иккинчиси (*-лик*)га далил:

*Жавр-у зулмуғ гарчи **өлмәклик** нишāныдур меңә
Чунки сэндиндур ҳайāt-и жәвидāнидур меңә,*

яъни *Гарчи сенинг жабр ва зулминг менга ўлмоқликдан нишона бўлса ҳам, менга абадий ҳаёт бериш сендандир.*

Мазкур аффикс бир неча маъноларга ҳам эга бўлиб, «Луғат»нинг (Санглох) «Китоб-и лом» фаслида ва унинг ишлатилиш ҳоллари олтинчи мабнода – имло қоидаларида тушунтирилади.

Яна *-ла, -лә* сўзларни боғлаш учун ҳам қўлланади. Чунончи, шундай дейилган:

*Қатра хуйлуқ āразығ васфын Навāйи қылғалы
Лутф табъ-и абйāt назмын дурр-и макнун қылды-ла.*

-ла ҳайф, афсус маъноларида ҳам ишлатилади.

Яна *-н* аффикси: *интизāрында* ва *қарāрында* *интизāрыда* ва *қарāрыданинг* синоними бўлиб, унинг интизорида, унинг қарорида маъноларини англатади. Бу аффикс ҳар икки шаклда туширилган (қисқартирилган) ва зикр қилинган ҳолда ишлатилади. Чунончи, *-н* билан:

*Бир āй өтти мәни маҳзунға бир āй **интизāрында**
Ки нэ көңлүм эрүр ҳушында нэ сабрым **қарāрында**.*

-н сизга далил:

*Хāтирым вайрāнлығын билгāй бирāв **ҳижрāныда**
Ул ки ҳар сāат бирāвни йоқлагай **вайрāныда**.*

Яна *-ын, -ин* аффикси: *сизсизин, āнсызын сизсиз,¹ āнсиз* нинг синоними бўлиб, *сизсиз* ва *усиз* маъноларини билдиради. Шунга ўхшаш *бирин-бирин бир-бир*, яъни *бир-бирнинг* синонимидир. Унга далил:

*Зулфуғ ким эрүр түгүн гойā
Эл болды **бирин-бирин** гирифтāриғ.*

Бу аффикс учинчи шахс бирлик эгалик аффиксининг объект воситачиси билан бириккан шаклида ҳам учраши юқорида кўрсатиб ўтилди.

¹ *Сенсиз* деб нотўғри таржима қилинган.

БЕШИНЧИ МАБНО

Мустақил маънога эга бўлган, лекин ўз маъносини ифодаламайдиган сўзлар ҳақида

Бу мабно икки қисмдан иборат.

Биринчи қисм содда (бир ўзакли) сўзлардан иборат бўлиб, бошқа сўзлар билан бириккач, ўз маъносини йўқотади. Шу жумладан *алмақ*, яъни олмоқ баъзи сўзлар билан қодирлик, тавонолик маъносини ифодалайди. Чунончи, дейдилар: *ала алмақ* яъни ола олмоқ, *бар алмақ*, яъни бора олмоқ. Баъзи сўзлар билан бирикиб, махсус (хос) маъноларда қўлланади (идиомалашади): *кўнўл алмақ*, яъни кўнгил олмоқ, *сатгун алмақ*, яъни сотиб олмоқ каби.

Яна *билмāk*, яъни билмоқ феъли бўлиб, *алмаққа* ўхшаш бириккан шаклда ҳолат ва қодирлик маъносини ифодалайди. Чунончи, «Хисрав Ширин»нинг «Фарҳоднинг дафъ қилиш тадбири» фаслида дейди. Биринчи мисра биринчи (мабно)га, иккинчиси иккинчи маънога далил:

*Вале кэлтўрмākигā чāра билмāн
Бу ажзимдын ул ишгā бара билмāн.*

Яна *тўшмāk*, яъни тушмоқ, йиқилмоқ бўлиб, бириккан шаклда *киришмāk*, яъни киришмоқ маъносини ифодалайди: *ата тўшмāk*, яъни отишга киришмоқ (бошламоқ) каби. Чунончи, ўтган замон формасида «Сабъайи сайёра»нинг «Бешинчи мусофир достони»да дейди:

*Изтирāб āйлāбāн ата тўштити
Бир икки оқ вале хатā тўштити.*

Яна *киришмāk*, яъни кирмоқ бўлиб, бириккан шаклда бошламоқ маъносини англатади. Чунончи, «Тарих-и Бобурий»да ўтган замон биргалик нисбати формасида қуйидагича зикр қилинган:

*Ишрат паймāналарын толдуруп мажлис аҳлыга тута
кириштитлāр, мураввақ чағирларны ҳам мажлис аҳлы тута
кириштитлāр.*

Яна *йазмақ*, яъни ёзмоқ, хато қилмоқ бўлиб, бошламоқ маъносида ҳам ишлатилади. Чунончи, «Тарих-и Бобурий»да айтилган:

*Хисрав шāх йасашып кэлишип ва уруша **йазып** айрылып Нāсир Мирзā Бадахшан сары тартты.*

Шунга ўхшаш кўр сўзи «кўрмоқ»нинг буйруқ шакли бўлиб, муболаға ва таъкид мақсадида бошқа сўз билан бирикиб, аввалги сўз маъноси – интилиш маъносини ифодалайдиган сўз билан буйруқ маъносига ўзгартирилади. Чунончи, дейдилар: *қыла кўр*, яъни қила кўр, қилишга ҳаракат қил. Унга далил:

*Жафā қылуру бары гулчехралар вафā **қыла кўр**
Вафā ҳам элā қылуру-сэн вале бāя **қыла кўр**.*

Бу сўз рум туркларининг сўзлашувида ҳам ишлатилади. Чунончи, Фузулий дейди (рум имлосида):

*Дутā **кўр** кўз йолын эй ашк-ким тамкинам ўксўкдўр
Бу сура^тхāнаны кўрдўкчā нақш ҳайратам артар.*

Бу сўзларга ўхшаш сўзлар форс тилида ҳам кўп. Чунончи, дейдилар: *бэрāх офтāд*, яъни йўлга тушди, *бэрафтāр āмад*, яъни ҳаракатга келди.

Иккинчи қисм мураккаб сўзлар бўлиб, у аллегория (метафора) дан иборат. Шу жумладан *қаш қаралмақ*, яъни кечки (шом) қоронғиликнинг тушиши аллегориядан иборат.

Яна қулаг тутмақ, яъни бўйсунмоқ, аҳд қилмоқ.

Яна қабак бағламақ, яъни бўлмаган нарсага кишини айбламоқ.

Яна қызыл айақ, қара тайақ бўлиб, бу икки сўзнинг бирга ишлатилиши таёқ учига нарса суртиб қилинадиган халқ ҳужумидан киноя (аллегория).

Яна қатыг кўзлўк, яъни қаттиқ кўзлик, шармсизлик.

Яна савуқ йўзлўк, яъни совуқ юз бўлиб, бу меҳрсиз, ёмон атвор маъносини англатади.

Яна кэклик азмақ. Бу аллегория бўлиб, меъда бузилганлиги, ҳазм қилишнинг ёмонлигини англатади.

Яна кўз тутмақ, яъни кўз тутмоқ. Бу аллегория бўлиб, «кутмоқ» маъносини англатади ва шунга ўхшашлар жуда кўп.

ОЛТИНЧИ МАБНО

Имло қоидалари хақида

У бир кириш (тамҳид) ва тўрт расм (принцип)дан иборат.

Кириш. Билки, туркий тил махсус ёзув анъанасига эга бўлиб, унинг (туркий сўзларнинг) ёзилиши ўқилишига мос келмайди. Баъзи ҳеч қандай грамматик маъно англатмайдиган аффикслар (хўруф-е зойида) ёзувда сўзга орттирилади. Масалан, ёзувда қисқа «а» унлисини ифодалаш учун алиф, «ў» унлисини ифодалаш учун вов ва «э» унлисинин ифодалаш учун йо ишлатилади, лекин талаффуз қилинмайди. Баъзи исмлар бу қоидага бўйсунмайди: *мэргән*, яъни милтиқчи, мерган, санжар каби ва бошқалар. Муаллифлар (грамматиклар) *д* ва *т* нинг бир-бири билан алмашуви қоидага мос деганлар. Таҳқиқот гавҳарини нотўғри тешганлар. Баъзи сўзларни, албатта, *д* билан, баъзиларини *т* билан зикр қилиш керак: *дэмәк*, яъни демоқ, айтмоқ, *тыймақ*, яъни ман қилмоқ, тиймоқ каби. Шунга ўхшаш *қ*, *ғ*, *ҳ* нинг бир-бирлари билан алмашувини тўғри (қоидага мос) деганлар. Бу ҳам тўғри фикр эмас. Шу сабабли кўпчилик сўзларда агар алмашув юз берса, нотўғри ва маъноси усул, тартибга зид бўлади: *йызмақ*, яъни йиғмоқ, *сызмақ*, яъни сиғмоқ, *йағмақ*, яъни ёғмоқ, *йағын*, яъни ёғин, ёмғир каби, албатта, «ғ» билан ёзилиши керак. Акс ҳолда *йықмақ*, яъни бузмоқ, йикмоқ, *сықмақ*, яъни сикмоқ, *йақмақ*, яъни олов ёқмоқ, мақбул бўлмоқ, малҳам қўймоқ, *йақын*, яъни яқин каби, албатта, «қ» билан ёзилиши керак. Формалар ва уларнинг ясама (форма)ларида ҳам маъно хато ва зиддиятдан холи бўлиши учун бу (мазкур) қоида назарда тутилиши керак. Шунга ўхшаш *қарчығай*, яъни қарчиғай, *қырғавул*, яъни қирғовул, *қузғунак*, яъни қора қарға, қузғун, *қўзғалан*, яъни қўзғолон сўзларида сўз ўртасидаги ҳарф «ғ» билан ва бошқа баъзи сўзларда «қ» билан қабул қилинган: *қорқу*, яъни хавф, қўрқув, *уйқу*, яъни уйқу, *тоққуз*, яъни тўққиз, *чақын*, яъни чақмоқ каби.

Хато. Толе Ҳиравий ўз асарида таъкидлашича, *алғучы* ва *алган* маъно томонидан яқинлашади, баъзи ўринда араб кофи (к) грамматик қоидага мувофиқ *д* ўрнида келади. *эткән* «эдән» маъносида, *эткәй* «эдәй» маъносида, *кэткәй* «кэдәй» маъносида каби. Бу – нотўғри, чунки *эдән* ва *кэдән* сўзлари *эткән* ва *кэткән*нинг ўзгартирилган ва қисқартирилган формалари бўлиб, Рум ва Эрон туркларида қабул қилинган ва шу турда талаффуз қилинади.

Чигатой тилида эса ишлатилмайди. Чунончи, биринчи мабнонинг феъл формалари баёнида зикр қилинади. *Эдәй, кәдәй* эса Рум ва Эрон туркларининг қабила (группа) тилида ҳам ишлатилмайди, шунинг учун қандай қилиб, чигатой тоифасида ишлатилсин (чигатой тоифасига етиб келсин). Қоида ва ишлатилишига зид бўлган сохта сўзлар ҳам мавжуд.

Илова. Румлик Сулаймон Нигин салтанатлари ва шу мамлакатнинг кўпчилик қабилари (халқлари) татар халқидан ташкил топгандир. Шунинг учун Рум туркларининг тили чигатой тилига мос келади, лекин Рум туркларининг тили қўшничилик ва шеваларнинг (диалект) кўплиги, араблар билан яқиндан муомалада бўлганликлари сабабли баъзи сўзлар арабийлаштирилган, енгиллаштирилган (қисқартирилган) ва бузилгандир. Чунончи, кўп ўринларда *син* ҳарфи ўрнига *сод* ҳарфи, *те* ўрнига *то-йи ҳутти* ёки *дол* ёзилади: *тўрлўк*, яъни тур, нав рум туркларида *дўрлў* ёзилади, *қутлуг*, яъни бахтли, муборак рум туркларида *қутлу* (*то* билан), *таг*, яъни тоғ *таг* (*то* билан) *ат*, яъни от (ном) *ад*, *ат*, яъни от (ҳайвон) *ат* (*то* билан) шаклида ёзилади. *Су*, яъни сувни *су* (*сод* билан), *асыг*, яъни нафъни *асы* (*сод* билан), *сассыг*, яъни сассиғни *сасы* (*сод* билан) каби ифодаляйдилар. Кўп ўринларда бу ҳодиса таркибида *алиф*, *вов*, *ё-йи ҳутти* мавжуд бўлган сўзларда учрайди.

Буйруқ феъли инкор формасининг учинчи шахс бирлик шакли *син* ҳарфи билан тугалланади: *алмас*, яъни олмайди, *тутмас*, яъни олмайди, ушламайди каби. (Рум туркларида эса) *син* 30-йи ҳавваз билан ёзилади: *алмаз*, *тутмаз*. Чигатой тилида *эткәбиз*, яъни этамиз, қиламиз деб айтилса, рум тилида *эдәрүз* дейилади. Баъзи сўзлар турлича ишлатилади. Чунончи, рум тилида *йапмақ* «курмоқ», «тузмоқ», маъносини англатса, чигатой тилида *йасамақ* «курмоқ», «тузмоқ» ва *йапмақ* эса «ёпмоқ», «кийдирмоқ» маъносини билдиради. Уларнинг (рум туркларининг) ёзув анъанаси ҳам чигатой турклари ёзув анъанасидан ўзгачадир. Шунинг учун кўп ўзгаришларга учраган Рум ва Эрон туркларининг имлоси ва талаффузига далил келтирилмади.

Гарчи Туркистонда ҳам, дебочада айтилган қоидага мувофиқ, баъзи тоифаларнинг тил ва шеваларида, хусусан, туркман ва ўзбек тилларида (шеваларида) қоидага зид ҳоллар учраса-да, лекин уларнинг барчаси Туркистон халқи саналиб, уларнинг тили қоришиқ ва

бузилган бўлмасдан, тўртинчи расмда тушунтирилганидек, сўз формаларининг ясалиши қоида ва имло тартибига асослангандир.

Биринчи расм. Ҳарф ва унлиларда ихтиёрий равишда юз берадиган ўзгаришлар баёни

У уч фаслдан ташкил топган.

Биринчи фасл. Алмашув ҳақида

У икки қисмдан иборат. Биринчи қисм ҳарфлар алмашувига бағишланиб, агар сўз «қ» ва «ғ» ҳарфлари билан тугалланган бўлса, икки хил имлога эга бўлади ва котиб ўз ихтиёри билан ҳар иккисини ёза олади. Масалан, Навоий (уни раҳмат қилсин) *йапрағ* (сўзи)ни «ғ» ҳарфи билан тугаган (сўзлар)га «ғ» билан, «қ» ҳарфи билан тугаган (сўзлар)га «қ» билан қофия қилган. Чунончи, дейилган, «ғ» ҳарфи билан:

*Заъиф жисмым арā бир-бириниң ўстидā дағ
Қуруғ йағач ўзādўр йапрағ ўстигā йапрағ.*

«қ» ҳарфи билан:

*Бāғ ичрā сәңā сачты гул ақ-у қызыл йапрақ
Шаҳ башыға андақ ким эл ақ-у қызыл йармақ.*

Шунга ўхшаш *айағ*, яъни оёқ ва коса ҳар икки ҳарф билан баён қилинган.

Биринчи маъносига «ғ» ҳарфи билан:

*Фақр йолында Навāйи айлāгил башдын қадам
Ким бу йол қатъида баш қоймақ турур қоймақ айағ.*

Биринчи маънода «қ» ҳарфи билан:

*Васлиҳа кэчрāк йэтишсāм лутф этип узрумға бақ
Ким қадам орнын супурмай кōз билā қоймақ айақ.*

Иккинчи маъносига:

*Ташна лаблар ҳāлы бу вадида нэ болғай ки су
Кōз йашыдур дагы отлуқ лāлалар жāмы айақ.*

Шунга ўхшаш -лығ, -луғ бўлиб, биринчисига далил ҳар икки ўринда «ғ» ҳарфи билан зикр қилинган:

*Дўстлар көп зārлығ қылсам ажаб эрмās ки бар
Зār көңлўм дўст жаврыдын бaси āзārлығ.*

«қ» ҳарфи билан:

*Нэ ҳаддым āрзу қылмақ ул ай базмыға маҳрамлық,
Муйассар болса хуштур итлāри хайлыға **ҳамдамлық**.*

Шунга ўхшаш булағ, яъни булоқ, чашма ҳар икки ҳарф билан назм қилинган. «ғ» ҳарфи билан:

*Йār айағын суға чун салды көзўм тōкти сэрашк
Эй Навāйи билā балығға кэрāк мундақ **булағ**.*

«қ» ҳарфи билан:

*Эй Навāйи бу бийāбāн қатъын āсāн āйлāди
Ашкдин мундақки ҳар манзилда чэкти
ўз булақ.*

Шунга ўхшаш сўзлар кўп бўлиб, ҳар икки шаклда ёзилади: қуруғ ва қуруқ, яъни куруқ; кўрик, манъ, сарығ ва сарық, яъни сарик, қатығ ва қатық, яъни қаттиқ, ағ ва ақ, яъни оқ каби.

Эслатма. Билки, «қ» ва «ғ» ҳарфи билан тугалланган буйруқ феълида алмашув мумкин эмас, агар «қ» билан тугалланган бўлса, албатта, «қ» билан ёзилади: *йақ*, яъни ёқ (олов), *йық*, яъни буз, йиқ каби; агар «ғ» билан бўлса, «ғ» билан ёзилади: *йағ*, яъни ёғ, *йығ*, яъни йиғ каби. Формаларнинг белгилари кўпинча буйруқ феъли қандай ҳарф билан тугалланган бўлишидан қатъи назар «қ» билан зикр қилинади: *алмақ, тутмақ*, яъни олмоқ, тутмоқ, *алдуқ, туттуқ*, яъни олдик, тутдик, *алсақ, тутсақ*, яъни олсак, тутсак каби. Сўз эса «ғ» ҳарфи билан ёзилади: *алғай, тутғай, алғучы, тутғучы* каби ва шуларга ўхшаш. Масдарларнинг ҳам «қ» билан ёзилиши яхшироқдир, чунки Навоий (унга раҳмат бўлсин) тўрт девонининг назмида «қ» билан баён қилганлар. Агар масдарлар бирор аффикс ва эгалик аффикси билан бирикса, яъни масдар-нинг «қ» ҳарфи сўз ўртасида келса (масдарга бирор аффикс орттирилганда), қофия қоидасига биноан уни баъзи ўринда «ғ» билан ва баъзи ўринда «қ» билан зикр қилганлар. Чунончи, қуйидаги шеърда масдар *салмақни салмағын* шаклида «ғ» билан зикр қилиб, *йағын*, яъни ёғин, ёмғир билан қофия қилган:

*Нэ баҳār олғай-ки нāлам раъд эрӯр ашким йагын
Барқ дэр көргāн жаҳāн ичрā дамым от салмагын.*

«қ» билан ҳам қофия қилган. Бунга далил:

*Навāйи көрли қанын тōккāли асрабсән эй қāтил
Умидим йоқ эди көрлүмни мунча асрамақыңга.*

Савол. Барча ясама формаларнинг белгилари «ғ» билан ёзилган. Нима учун масдар «қ» билан зикр қилиниши керак? Балки дастлаб у ҳам «ғ» билан ишлатилгандир ёки формалар белгилари ҳам аста-секин «қ» билан зикр қилинадими?

Жавоб. Турклар формалар белгиларининг ўрта ҳарфини «ғ» билан ва охириги ҳарфини «қ» билан айтадилар. Шунинг учун бу ерда ҳарфнинг ёзилиши ўқилишига тобедир. Нусхаларда ҳам сўзларнинг ёзилиши шу тартибда кўзга ташланди.

Яна сўзлар охирида қисқа «а» унлисини англатувчи ҳар бир алиф ҳо-йи ҳавваз билан алмашиши мумкин: алыда (алиф билан) ва алыда (ҳо-йи ҳавваз билан), йанымга (алиф билан) ва йанымга (ҳо-йи ҳавваз билан), анча (алиф билан) ва анча (ҳо-йи ҳавваз билан) каби. Чунончи, «а» унлиси ҳам алиф ва ҳам ҳо-йи ҳавваз ҳарфлари билан ифодаланган.

Алиф ҳарфи билан:

*Бир ай өтти мэни маҳзунга бир ай интизāрында
Ки нэ көрлүм эрӯр ҳушында нэ ҳушум қарāрында.*

Ҳо-йи ҳавваз ҳарфи билан:

*Сийаҳ зулфуш бузуглуқ салды көрлүм хāнимāнында
Йилан андаг ки салгай қузганла (?) āшийāнында.*

Алиф ҳарфи билан:

*Бағыр хунāбыдын заъф олды гāлиб хаста жāнымга
Ағыр эрди газā суд этти заҳмат нāтавāнымга.*

Ҳо-йи ҳавваз ҳарфи билан:

*Йана нэ от эди-ким тўишти хāнимāнымга
Йана нэ шуъла эди-ким туташты жāнымга.*

Алиф ҳарфи билан:

Йўзи алында гул наззāра қылдим хуб эмās анча
Қадд-и қашында бақтым сарвга марғуб эмās анча.

Ҳо-йи ҳавваз ҳарфи билан:

Киши висāl туни йāри бирлā йатғунча
Жамāлы шамъыга қылсун назар тағ атғунча.

Шунга ўхшаш *этсā* (алиф билан) ва *этсā* (ҳо-йи ҳавваз билан), *ичрā* (алиф билан) ва *ичрā* (ҳо-йи ҳавваз билан), *ўзрā* (алиф билан) ва *ўзрā* (ҳо-йи ҳавваз билан), *йаныма* (алиф билан) ва *йаныма* (ҳо-йи ҳавваз билан) ва ҳоказо.

Қоида. Алифнинг ҳо-йи ҳавваз билан икки ўринда алмашиши мумкин эмас.

Биринчидан, жўналиш келишиги аффикси *-га* (доим алиф билан ёзилади): *меғā, сэғā, ўзгā, бызга* каби. Агар к (г) сўз таркибини ташкил қилса, бу қоидадан мустаснодир: *таға*, яъни зар, *энага*, яъни тарбиячи, доя каби сўзлар ҳо-йи ҳавваз билан ёзилади. *Кўдāргā (?)*, яъни катта ноғора, *кўргā*, яъни шароб идиши қўйиладиган курси сўзлари ҳам алиф, ҳам ҳо-йи ҳавваз билан ишлатилади.

Иккинчидан, қисқа «а» унлисини ифодаловчи алиф сўз ўрта-сида келса: *алмас, кэлмās, атар, тутар* каби ва шунга ўхшашлар.

Ҳо-йи ҳавваз ҳарфи алифга бир ўринда алмашиши мумкин эмас. У ўтимлилик аффикси (жўналиш келишиги аффикси) ўрнига сўзларга орттириладиган *-на, -нāдир*.

Чунончи, дейди:

Сабза-йи хаттығ савāды лағл-и сарāб устинā
Хизр гойā сāйа салмыш āб-и ҳайвāн устинā.

Йана сўзидаги *-на* эса ҳам алиф, ҳам ҳо-йи ҳавваз билан ёзилиши мумкин.

Иккинчи қисм — ҳаракатларнинг (қисқа унлиларни ифодалаш учун ишлатиладиган сатр усти ва сатр ости белгилари ва шу белгилар билдирган товушлар: 1) фатҳа — *а, ā*; 2) касра — *и, э*; 3) замма — *о, ō*) алмашуви ҳақида. *Экāн, эркāн, экин, эркин* шулар жумласидан бўлиб, коф фатҳа (*а*) ёки касра (*и*) билан қўлланади.

Чунончи, *шикан* ва *тикан* билан қофия қилиниб, коф фатҳа билан зикр қилинган. Унга далил:

*Нэтип тузатай қад-ким жисмымда шиканлардур
Нәйлән туз урай дам-ким бағрымда тиканлардур
Йўз аҳд илә маҳвашилар кўнлўмни алып эмди
Қатл әйләдиләр аср-у бадаҳд **экән**ләрдүр.*

Яна *чин* ва *син* билан қофия қилиниб, коф касра билан қўлланилган. Чунончи, дейилади:

*Тарарда иқдалыг зулфын мусалсал әйләди чинлар
Гирәх мим икки зулфы икки лām анығ тарағсинлар
Дэсām ҳусн аҳлыны кўрмәй ки зāлимдурлар-у қāтил
Кўнўл айтур кўрәй шāйад ки мундақ эрмās **эркинләр**.*

Иккинчи фасл. (Ҳарфни) тушириб қолдириш ҳақида

-гай / -гәй шу жумладан бўлиб, кесимлик аффикслари орттирилганда, ундаги ё (й) ҳарфининг тушиб қолиши ва ёзилиши ихтиёрийдир (ҳам «й» билан, ҳам «йй» сиз ишлатилади). Биринчисига «Таржиёт»дан далил, «йй» билан:

*Қылма йāраб аны ким **болгаймән**
Ул макāн-у бу макиндин маҳжур.*

Қисқартирилган шаклда:

*Йақын эрди ки йана савмаида
Болгамән ранж хумāрыда ҳалāk.*

Иккинчисига далил («йй» қисқартирилмаган шаклда):

*Гул нэ болгай-ким йўзўй ҳажрында **кўргәймән** аны
Салсалар кулбамга хас йағлыг **сўнўргәймән** аны.*

Қисқартирилган шаклда:

*Шаҳр-у кишвардин илик йуи хāнимāндын **кэчкәймән**
Хāнимāндын ким дэсун икки жаҳāндин **кэчкәймән**.*

«Лисону-т-тайр»нинг «Семурғ ва Худхуд достони»да ҳам ҳар икки шаклда ишлатилган:

*Ўнчи ургайсиз бу йолда бўл-у нар
Ўйлағйсиз қата ўнчи баҳр-у бар
Қим висоли кўмига йа йўткўбиз
Йа таманнўсида жўн тарк ўткўбиз.*

Агар айрим ҳолатда ишлатилса ёки кесимлик аффикси (?), воситачи ва феъл нисбатлари (кўмакчи феъллар) билан зикр қилинса, унинг «й» ҳарфи мутлақо қисқартирилмайди.

Яна ўтимлилик (жўналиш келишиги) аффикси шаклан мазкур аффикснинг қисқартирилган шаклига ўхшаш бўлиб, унинг хусусияти иккинчи расмда тушунтирилади.

Учинчи фасл енгиллаштириш (қисқартириш) ҳақида бўлиб, у икки қисмдан ташкил топган.

Биринчи қисм баъзи иккиланган ҳарфлардан иборат. Шу жумладан: тўртта иккиланган ҳарфли сон бор бўлиб, ҳам иккиланган, ҳам енгиллаштирилган шакли ишлатилади.

Биринчиси *икки, ики*, яъни иккидир.

Иккинчиси *йўтти, йўти*, яъни еттидир.

Чунончи, «Хисрав Ширин»нинг «Подшоҳ васфи» фаслида ҳар икки шаклга шундай дейилади:

*Шукуҳуш жабҳасидын чун сураййў
Йўти қатра арақдўк йўтти дарйў.*

Агар ўтган замон феълининг учинчи шахс бирлик формаси «етди» маъносини англатса, иккиланган шаклда зикр қилиш керак. Олтинчи мабнонинг тўртинчи расмида тушунтирилганидек енгиллаштириш мумкин эмас.

Учинчиси *сўкиз, сўккиз*, яъни саккиздир. Чунончи, «Сабъайи сайёра»да ҳар икки шаклда шундай дейилади:

*Пўйа орында сўкиз аш стун
Астыда бир кўтип сўккиз гардун.*

Тўрттинчиси *тоққуз, тоқуз*, яъни тўққиздир. Чунончи, ҳар икки шаклда шундай дейилади:

*Заҳи жавлўнгаҳыш афлўк ўзў майдўн-и у аднў
Барақышга тоқуз гунбад бу тоққуз гунбад-и ҳазрў.*

Яна *сақал, саққал*, яъни соқолдир.

Иккинчи қисми «й» билан бошланадиган баъзи сўзлардан иборат бўлиб, ундаги (сўздаги) «й» *алиф*га алмаштирилиб, *алиф* эса ёзувда қисқартирилиши мумкин: *йўз*, яъни юз. Чунончи, «Садди Искандарий»нинг «Бориқ барбари жанги»да шундай дейилади:

*Ўч ўз алтмыш алты лаъб-у куррә
Отуп-ким санам ўчи көрмәй зарра.*

Яна унга (далил):

*Эрди ўч ўз кэшти-йи тизтак
Йўрўрдә нэчук-ким ҳилāl-и фалак.*

Юз, афт маъносида ҳам шу шаклда ишлатилади.

Яна *йыл*, яъни йилдир. Чунончи, «Садди Искандарий»нинг муқаддимасида шундай дейилади:

*Гул атры йўз йылчылық йол кэтип
Йўз иллик өлўк жән тапып чун йэтип.*

Йўз йылчылық ва *йўз иллик*, яъни юз йиллик бир-бирининг синонимидир.

Иккинчи расм. Ишлатилиши ўрни нотўғрилиги сабабли ҳарф ва унлилари ўзгаришга учраган белгилар ва сўзлар ҳақида

У икки қисмдан иборат. Биринчи қисм ўзидан олдин келган ҳарф таъсирида турлича ўзгарадиган аффикслардан иборат бўлиб, у тўрт турни ўз ичига олади.

Биринчи тури ўзидан олдин келган ҳарфга тобе аффикслардан иборат бўлиб, у биринчи ҳарфи «д» бўлган воситачи ва белгилардан ташкил топган. Агар улардан олдин келган ҳарф «т» (*то-йи қурашат*) бўлса, уларнинг «д» ҳарфи «т» билан алмашади. Агар б (*бо-йи ажамий*), ж (*жим-и ажамий*), с (*син-и муҳмала*), ш (*шин-и мужама*), қ ва к ҳарфлари бўлса, улар ҳам «д» ва ҳам «т» билан ишлатилиши мумкин. Бошқа ҳарфлар бўлса, албатта, «д» билан ишлатилиб, алмашув юз бермайди. Ўтган замон феълининг учинчи шахс бирлик формасининг белгиси *-ды, -ди* шу жумладандир. Шунга ўхшаш унинг зойида билан бирикадиган беш белгиси биринчи мабнотинг иккинчи бобида ўз аксини топган.

Яна *-да, -дә* ўрин-пайт равиши маъносига эга бўлиб, уни араб тилида *фи* дейдилар.

Яна *-дын, -дин, яъни -дан* бўлиб, уни араб тилида *мин* ва *ин* дейдилар.

Яна *-дур, -дўр / -дурур, -дўрўр*, яъни «-дир»дир.

Яна агар воситачи аффикс *-дур, -дўр* ўтган замон феълига орттирилса, албатта «т» билан ишлатилади. Чунончи, дейилади:

Көзүң нэ балā қарā болуптур

Жāнға нэ қарā балā болуптур.

Яна унга:

Чықып ишқ оты көксүм чāкидин башымдын ашыптур

Бу эскиргāн йығачға өз ичиндин от туташыптур.

Шунга ўхшаш *болмыштур*, яъни бўлмишдир, *алмыштур*, яъни ўтгандир, *ошгандир*, *туташмыштур*, яъни туташгандир, *туташмишдир*.

Иккинчи тури ўзидан олдин келган унлиларга тобе бўлиб, у учинчи шахс бирлик эгалик аффикси *-ы, -и* ва *-сы, -си* дан иборат. Агар улар орттириладиган сўз ундош билан тугалланган бўлса: *көз, қаш* каби уларга (сўзларга) мазкур «и» нинг ўзи орт-тирилиб, *көзи, яъни кўзи, қашы*, яъни қоши дейдилар. Агар сўз уч унлининг бири билан, яъни «а», «у» ёки «и» билан тугалланган бўлса: *ата, көзгү, ылхы* каби, унга *-сы, -си* орттирилади: *атасы, көзгүси, ылхысы* каби ва унинг хусусиятлари эса биринчи мабнонинг саккизинчи бобида баён этилди.

Учинчи тури буйруқ феълининг қаттиқ ва юмшоқ ўзакли бўлишига тобе бўлиб, формалар белгилари унга боғлиқ ва тобедирлар. У формаларнинг белгиларидан иборат бўлиб, агар буйруқ феъли қаттиқ ўзакли бўлса, улар (белгилар) «к» билан, агар юмшоқ ўзакли бўлса «к» билан зикр қилинади. Унинг бузилиши (тафовут қилиши) мумкин эмас.

Бу қоида қиёсий бўлиб, икки баённи ўз ичига олади. Биринчи баён уч белгидан иборат бўлиб, ўзгариш унинг охирги ҳарфида юз беради.

Биринчи белги масдар белгиси *-мақ / -мāк*дир: *тапмақ*, яъни топмоқ, *этмāк*, яъни қилмоқ каби.

Иккинчи белги *-сақ / -сāк* бўлиб, ҳозирги-келаси замоннинг биринчи шахс кўплик белгисидир: *тапсақ*, яъни топсак, *этсāк*, яъни қилсак каби. Чунончи, ҳар иккисига «Хисрав Ширин»нинг

«Фарҳоднинг арман тоғига етиб келиши» (фасли)да далил келтирилган:

*Бу йағлығ бирлә умр-и Нуҳ **тапсақ**
Баданда көпрәк андын руҳ **тапсақ**
Нәчә ким зәҳиран **этсәк** узр маъкул
Алар алыда эрмәс узр мақбул.*

Яна -дуқ / -дүк, -туқ / -түк бўлиб, ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплик белгиларидир: *алдуқ*, яъни олдик, *таптуқ*, яъни топдик, *дәдүк*, яъни дедик, айтдик, *өттүк*, яъни ўтдик каби. Чунончи, «Садди Искандарий»нинг «Доронинг Искандарга пайғом (мактуб) юбориши» (фасли)да шундай дейилади:

*Дәдүк-ким жунунуғга āgāz эмиш
Жаҳāлат сәңä көп-у ақл аз эмиш
Ишинә йоқ ислāх тадбирдын
Чу кодаксән **өттүк** тақсирдын.*

«д» ва «т» нинг ихтилофий кўриниши шу қисмнинг биринчи турида зикр қилинди.

Иккинчи баён ўн олти белгидан иборат бўлиб, ўзгариш уларнинг биринчи ҳарфида юз беради. Ҳар бирининг (белгининг) маъноси биринчи мабно бобларида баён қилинган. Улар қисқача такрорланади ва у содда ҳамда мураккаб аффикслардан ташкил топган.

Содда аффикслар:

Биринчи аффикс -ган /-гән, -кән дир.

Иккинчиси -гай / -гәй аффиксидир.

Учинчиси -гыл / -гил аффиксидир.

Тўртинчиси -галы / -гәли аффиксидир.

Бешинчиси -гач / -гәч аффиксидир.

Олтинчиси -гу / -гү аффиксидир.

Мураккаб аффикслар:

Биринчиси -гучы / -гүчи аффиксидир.

Иккинчиси -гуча, -гунча, -ганча / -гүчә, -гүнчә, -гәнчә аффиксларидир.

Учинчиси -гум / -гүм (аффикс)дир.

Тўртинчиси -гумыз / -гүмиз аффиксидир.

Бешинчиси *-ғуһ / -ғүһ* аффиксидир.

Олтинчиси *-ғуһуз / -ғүһүз* аффиксидир.

Еттинчиси *-ғусы / -ғүси* аффиксидир.

Саккизинчиси *-ғусылар / -ғүсиләр* аффиксидир.

Тўққизинчичи *-ғудәг / -ғүдәг* аффиксидир.

Ўнинчиси *-ғулук / -ғүлүк* аффиксидир.

Тўртинчи тури ўзидан олдин келган сўз ҳарфларига феъл формалари ёки бошқа сўз бўлишидан қатъи назар боғлиқ бўлган (аффикслар)дан иборат бўлиб, у икки баённи ўз ичига олади.

Биринчи баён ҳарфнинг тутган ўрнига кўра турлича имлога эга бўлган аффикслардан ташкил топган бўлиб, у тўрт аффиксни ўз ичига олади.

Биринчи аффикс *-ға / -гә* бўлиб, ўтимлилик боси, яъни жўналиш келишиги маъносини ифодалайди.

Иккинчи аффикс *-ғы / -қы / -ки* бўлиб, муносабат (нисбат) маъносини ифодалайди.

Учинчи аффикс *-гына / -гинә* бўлиб, кичрайтиш маъносини ифодалайди.

Тўртинчи аффикс *-рақ / -рағ / -рәк* бўлиб, орттирма (чоғиш-тирма) сифат маъносини ифодалаб, унинг ишлатилиши икки қоидани ўз ичига олади.

Биринчи қоида қиёсий бўлиб, у уч турга эга. Мазкур уч турнинг ҳар бирида бу аффикслар ўзидан олдин келган сўзга тобе бўлиб, агар ўзидан олдин келган сўзлар таркибида «қ» ҳарфи бўлса, у аффикс ҳам «қ» ва «ғ» билан, агар «қ» ҳарфи бўлса, «қ» билан ёзилади.

Биринчи тури юмшоқ ва қаттиқ ўзакли феъл формалари билан ишлатилади.

Иккинчи тури юмшоқ ва қаттиқ ўзакли феъл формаси ясалган исмлар билан ишлатилиб, масдар ва ясама формалар орқали мазкур (ўша) исмнинг қаттиқ ёки юмшоқ ўзаклилигини кўрсатади ва аффиксни ҳам унга мувофиқ баён этиш керак.

Учинчи тури «қ» ва «к» ҳарфи билан тугалланган сўзлар билан ишлатилиб, талаффузга (келиб чиқиши яқинлигига) кўра «қ» ли аффикс (нисбат) «қ» ёки «ғ» билан, «к» ли аффикс «к» билан ёзилади.

Иккинчи қоида самойий бўлиб, у ҳам уч турдан ташкил топган.

Биринчи тури ўзидан олдин келган сўз бошида ёки ўртасида «қ» ёки «к» ҳарфлари мавжуд бўлган сўзлар билан ишлатилиб, кўпинча, талаффузи (келиб чиқиши) яқинлиги сабабли у аффиксни сўзга тобе

қилиб, «к» ҳарфига эга бўлган сўзларда «ғ» билан, «к» ҳарфига эга бўлган сўзларда «к» билан ёзилади. Баъзида эса бунга зид равишда ҳам учрайди.

Иккинчи тури шундан иборатки, ўзидан (аффиксдан) олдин келган бошқа сўзлар бўлиб, унинг (аффикслар) кўпчилиги «ғ» билан ишлатилади. Баъзи сўзларда эса «к» билан ишлатилади.

Учинчи тури икки шаклли сўзлардан иборат бўлиб, ҳар икки шаклда ишлатилади.

Тўрт аффикснинг ишлатилиш ҳоллари ҳақида изоҳ.

Биринчи аффикси *-га / -гә* бўлиб, уч қиёсий турда ва уч самоий турда ишлатилади.

Қиёсий турлардан биринчиси масдар ва ясама феъл формалари билан ишлатилади. Чунончи, бу шеърда масдар қаттиқ ўзакли бўлган *чықмақ* нинг ўтимлилик воситачиси (келишик аффикси) «ғ» билан, масдари юмшоқ ўзакли бўлган *қирмак* нинг ўтимлилик воситачиси эса «к» билан ифодаланган:

*Анчи болды тан оқуғдын ичкәри таиқары йол
Ким ажал қирмаккә жән чықмақгадур ҳар сары йол.*

Шунга ўхшаш *қылмақ*, яъни қилмоқ масдарининг ясама формаларидан «қылур»ни *қылурга*, *төкмәк*, яъни тўкмоқ масдарининг ясама формаларидан «төкәр»ни *төкәргә* каби зикр қилинган:

*Ул ғамза қан төкәргә ул көз вафә қылурга
Бэдәд-у зулм бәис-и нәз-у итәп мәнеъ.*

Баъзида бир феъл формаси икки маънода ишлатилади. Бир маънода қаттиқ ўзакли феъл формаси билан, иккинчи маънода юмшоқ ўзакли феъл формалари билан қўлланади, *олтурур*, яъни ўлтирар, ўтирар ва ўлдиарар каби. Агар «ўтирмоқ» маъносини англатса, унинг масдари *олтурмақ* қаттиқ ўзакли бўлгани учун, уни *олтурга* дейиш керак. Агар «ўлдирмоқ» маъносини англатса, унинг масдари *өлтүрмәк* юмшоқ ўзакли бўлгани учун *өлтүргә* зикр қилиш керак.

Иккинчи тури *сув* ва *от*, яъни сув ва ўт (олов) каби исмлардан иборат бўлиб, уларнинг (аффикси)ни «ғ» билан баён қилиб, *сувга*, *отга* дейдилар, чунки улардан ясалган масдар ва ясама феъл формалари «к» билан ифодаланади: *сувармақ*, яъни суғормоқ,

отламақ, яъни олов ёқмоқ ва *йэр* ва *йэл*, яъни ер, шамол сўзларининг аффиксини *йэрга*, *йэлга* дейдилар, чунки масдар ва уларнинг феъл формаларини к билан ишлатадилар: *йэрләймәк*, яъни жой олмоқ, *йэлләмәк*, яъни шамоллатмоқ, шамол қилмоқ.

Учинчи тури «қ», «ғ», «к» ҳарфлари билан тугаган сўзлардан иборат бўлиб, келишиқ аффикси *-га* / *-қа* / *-кә*, *-гә* шаклида қўшилади: *тағ* ва *тақ*, яъни тоғни *тақга* дейдилар. Чунончи, дейди:

Тә ҳавә-ны мән ул ай ҳажрыда андақ-ким булут
Тақга ҳар дам йүзләнүрмән йаиш төкүн фарйәд этип.

Шунга ўхшаш *маләйик* ва *көк* ни *маләйиккә* ва *көккә* деб ўқийдилар. Унга далил:

Анжум дәмә гуйәки маләйиккә туташты
Аҳым оты учғунлары-ким көккә йәтурду.

Шунга ўхшаш *улуқ*, яъни *улуғ*, *катта*, *кичик*, яъни *кичик* «Садди Искандарий»нинг «Доро иши хотимаси»да шундай дейилади:

Улуқга улуғча атә әйләсүн
Кичиккә кичикчә сахә әйләсүн.

Агар бирор аффикс сўз ва белги ўртасига орттирилса, қоидага зид бўлмасдан, яна белги сўзнинг қ ва к (ҳарфлари)га боғлиқ бўлади. Чунончи, «Хисрав Ширин»да *кичиклар*нинг ўтимлилик аффикси «к» билан, *улуғлар*ники эса «қ» билан зикр қилинган¹:

Кичикләргә кичикдүр умр асәсы
Улуғларга улуғрақдур қийәсы.

Самойй турлардан биринчиси «ғ», «қ», «к» ҳарфлари таркибида мавжуд бўлган *қуш*, *көзгү* каби сўзлардан иборат бўлиб, *қуш* нинг ўтимлилик аффикси «ғ» билан, *көзгү* нинг ўтимлилик аффикси эса «г» билан зикр қилинади.

Биринчи (мисол)га далил:
Қушга оттын дам болур йүз вай-ким көңлүм қушы
Өзни асрай алмас ул рухсәр-и атайинәкдин.

¹ қ, қ билан эмас, г, г билан зикр қилинган.

Иккинчи (мисол)га далил:

*Сипāх ҳуснуға пормаҳчасы раҳшан-и илм болғай
Қуйаи **көзгүсигә** аҳым стуны гар тутай олсун.*

Бунга зид равишда ҳам қўлланади. Чунончи, *гадā* нинг ўтимлилик аффикси «ғ» билан ёзилган. Унга далил:

*Көһүлгә жән билә бу дагығ аздуғ қой йана бәр ҳам
Нэчә икки **гадāга** бир дирам узра талāи олсун.*

Иккинчи тури таркибида «ғ», «қ», «к» ҳарфларидан ташқари ҳарфлар бўлган бошқа сўзлардан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилигининг ўтимлилик аффикси «ғ» билан зикр қилинади. Чунончи, шундай дейилади:

*Астаны **зыбыга** тағ йоқ минўрсām ашк-у аҳ
Гаҳ булут саққāсыга гāҳи сабā қарашыга.*

Баъзи (сўзлар)нинг ўтимлилик аффикси «к (г)» билан ҳам зикр қилинади: *биров*, яъни *бир*ов, *бири* каби. Чунончи, дейилади:

*Гар чыдай алмай көһүл бәрсам **бирāвгә** нāгаҳāн
Бары эл ичрā чыдай алғанча маиҳур этмāйин.*

Шунга ўхшаш эл, яъни эл, халқ. Унга далил:

*Тутуп сәғә чу май лутф-и сāқи-йи раҳмат
Шафāатығ уруп икки жаҳāн **элигә** салā.*

Учинчи тури аффикс икки шаклда орттириладиган сўзлардан иборат: *анга*, *аға*, яъни унга каби. Чунончи, биринчисига далил «Хисрав Ширин»нинг «Саҳилой ҳаким васияти»да келтирилади:

*Тапар чун дэвны қатл этти кэйни (?)
Сулаймāн бутыниғ хāтамыны
Буларны қылса давлат **анга** таслим
Барыны āйлāсүн хāқāнга таслим.*

Иккинчиси *аға* га далил:

*Лаълығ ул от-ким көһүл мажмар¹ **аға**
Йā көһүл дорж-у² лабығ гавҳар **аға**.*

¹ Мажмар – това.

² Дорж – қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича.

Лекин кўпинча ишлатилиши иккинчисига зиддир. Шунга ўхшаш кўлбā сўзининг ўтимлилик аффикси ҳам «к» билан зикр қилинган. Биринчиси -га га далил:

*Гул нэ болгай ким йўзўй ҳажрыда көргāймэн аны
Салсалар кўлбāмга хас йағлыг сўнўргāймэн аны.*

Иккинчиси -гā га далил:

*Тийра кўлбāмгā кирип жāнā өлүмдин бэр нажāт
Зулмат ичрā Хизрга ул нав-ким āб-и ҳайāт.*

Баъзи сўзлар икки маънода ишлатилиб, улар аффиксларининг ишлатилиш шакли бир маънода «ғ» ва «қ» билан, иккинчи маънода эса «к» билан ёзилади.

Қоида. Агар сўз «қ» билан тугалланган бўлса, ўтимлилик аффикси «ғ» билан бирикади. Сўз бўлагини ташкил қилган ўтимлилик аффиксини сўзга тобе қилиб, уни ҳам «қ» билан ёзиш мумкин. Чунончи, «Хисрав Ширин»да шундай дейилади:

*Дэбāн дэвāна салсабында таққа
Қутулмақ ул замāн чэккāй йараққа.*

Аммо ҳар иккисини «ғ» билан ёзиш туркларнинг сўзлашуви ва талаффузига зиддир. Агар бирор аффикс (эғалик аффикси) сўз билан аффикс ўртасида орттирилса, у ҳолатда айнан (юқоридаги қоидага биноан) «қ» ни «қ» билан, «ғ» ни «ғ» билан ёзиш керак. Чунончи, дейилади:

*Тā көрүбāн йузын қуйаш қалғали иштийақыга
Гāҳ башыга уйурулур гāҳ тушар айақыга.*

Қоида. Билки, Рум ва Эрон турклари ўтимлилик аффиксини ҳеч бир ерда зикр қилмайдилар. Агар сўз ундош билан тугалланган бўлса, унга «а» орттириб, ўтимлилик аффикси ўрнида ишлатадилар: *баш*, *айағ*, уни *баша*, *айаға*, яъни бошга, оёққа каби дейдилар. Агар унли билан тугалланган бўлса, -*йа* орттирадилар: *ҳавāйя*, яъни ҳавога, *суйа*, яъни сувга, *ылхыйа*, яъни йилқига каби. Чигатой тилида ҳам ўтимлилик аффикси шу тартибда тушиб қолиши мумкин, лекин кераксиз (заруриятсиз) тушириб қолдирмайдилар. Навоий жанобларининг барча насрий ва назмий (прозаик ва поэтик) асарларида ўтимлилик аффиксининг тушиб қолиши фақат уч ўринда

учради. Биринчиси *ўстигә* бўлиб, «г» ҳарфи қисқартирилиб, унга «н» орттирилган ва *ўстинә* дейилган:

Сабза-йи хаттыи савāды лаъл-и хандāн ўстинә
Хизр гойā сāйя салмыш āб-и ҳайвāн ўстинә.

Иккинчиси биринчи шахс бирлик эгалик аффикси *-м* бўлиб, унга «а» орттирадилар: *ҳāлыма*, *кōнлүмā* каби. Уларнинг ҳар иккисига далил:

Кōнлүмā пайкāнларыидын қатра қатра су эмāс
Хāлыма кōздэк баайна ул дагы гирийāн эрүр.

Учинчиси ўтимлилик аффикси *-и* билан бирикиб, ўтимлилик аффикси ўрнига «а» орттирадилар. Чунончи, дейилади:

Кэлүрүиā йасадым кōнлүм уйин
Йасалур кулбā чу мэхмāн кэлгāч.

Иккинчи аффикс *-гы* / *-қы* / *-ки*, *-ги* бўлиб, муносабат маъносини ифодалайди. У икки қиёсий ва бир самоий турдан иборат.

Қиёсий турларидан биринчиси «ғ», «қ», «к» билан тугалланган сўзлардан иборат: *улугдагы*, яъни улугда бор нарса, *кичикдāги*, яъни кичикда бор нарса, *тагдагы*, яъни тоғда бор нарса, *кōкдāги*, яъни кўкда бор нарса каби.

Иккинчи тури исмлардан иборат бўлиб, «қ» билан ишлатилади: *йол*, унинг масдари *йолдамақ*, яъни йўлламоқ қаттиқ ўзаклидир, шунинг учун, унинг аффикси ҳам «ғ» билан зикр қилинган бўлиб, *йолыдаги* каби қўлланилган. Унга далил:

Талап йолыдаги āвāраларга мужда дēииз
Ки йолга ҳāди эрүр дуст маҳмалы жорбасы (?).

Йўз, яъни юз (афт) сўзининг ишлатилиши «қ», «г» га асосланган: *йўзлāшмāк*, яъни юзлашмоқ, унинг аффикси «г» билан орттирилади: *йўзидāги*. Чунончи, дейилади:

Нэ зуҳд олса сачыи куфрыда йэтār зуннār
Жаҳāн йўзидāги дин аҳлыга аныи марраси.

Самойй тури эса от ва бошқа сўзлардан иборат бўлиб, улардан феъл формаси ясалмагани учун уларнинг қаттиқ ёки юмшоқ ўзакли

эканлигини исботлаш мумкин эмас. Бу ҳолатда агар «к» сўз таркибини ташкил қилса, кўпинча аффикс к (г) билан зикр қилинади: *көңүл – көңлидәги* каби. Унга далил:

*Нә көңлини бузадур дард-у ғам Навāйиниң
Чу ул паридур-у бас уибу тәлба көңлидәги.*

Шунга ўхшаш кўй – кўйидәги каби. Чунончи, дейилади:
*Билмәдим ким ул айләр нафы ранжыдын халāс
Нафы қылғай шайх муғ кўйидәги майхāнаны.*

Шунга ўхшаш кўн, яъни кун – кўнги каби. Чунончи, «Ҳайрату-л-аброр» нинг учинчи мақоласида дейилади:

*Бас-ки самāъ ғазал-у қавл-у сут
Болубāн ул кўнги намāз элғā фут.*

Агар сўз таркибида «ғ», «к» ҳарфлари бўлса, аффикс «ғ» билан ифодаланади. Баъзи сўзлар бу ифодаланишга зиддир: *соңрағы*, яъни сўнгги каби. *Бурнағы*, яъни бурунги, илгариги эса қиёсий (турлар)дандир, чунки ундан феъл формалари ясалган бўлиб, унинг масдари *бурнашмақ*, яъни илгариламоқ, олдинга ўтмоқдир. Чунончи, биринчисига «сўнгги» маъносига далил ва иккинчисига «бурунги», «илгариги» маъносига шундай далил келтирилади:

*Ваъда қылдың ҳам вафā, ҳам қатл парвā қылмадың
Қыл вафā вадағға йāхуд бурнағы йā соңрағы.*

Учинчи аффикс -ғына / -гина бўлиб, кичрайтиш маъносини ифодалайди.

У бир қиёсий тур ва икки самоий турни ўз ичига олади.

Қиёсий тури *йумруқ*, яъни мушт, *көк*, яъни кўк (ранг) каби сўзлардан иборат бўлиб, негиздаги ҳарфлар хусусиятига кўра *йумруқ*нинг аффиксини «ғ» билан, *көк*нинг аффиксини «к» билан ифодалайдилар. Унга далил:

*Йуз өпāргā қоймады илкин дәдим бары өпāй
Ташлабан йумруқғына қылды йузумны көкгина.*

Самоий тури бошқа сўзлардан иборат бўлиб, баъзида «к», «ғ» (ҳарфлари)га эга бўлган мураккаб (икки ва ундан ортиқ ўзакли –

3.У.) сўзларнинг аффикси «ғ» билан, «к» (ҳарфи)га эга бўлган мураккаб сўзларнинг аффикси «к» билан ишлатилади: *қушғына*, яъни қушча, *қўқўсгинә*, яъни қўқракча каби. Бу ҳарфлардан ташқари ҳарфга эга бўлган сўзларнинг кўпчилигининг аффикси «ғ» билан зикр қилинади: *чынғына*, яъни чингина каби. Унга далил:

Жавр айлә таҳдиды бәдилларга бары чынғына
Мәхр айлә ҳар ваъда ким қылды бары өтрүкгинә.

Чин машҳур мамлакат (Хитой – 3.У.) маъносида ишлатилса, унинг аффикси «к» билан ишлатилади; *өтрүкгинә*, яъни ёлғонгина қиёсий турлар жумласидан бўлиб, қиёсий тур қисмида бу сўз баён этилди.

Тўртинчи аффикс *-дағ*¹ / *-рақ* / *-рәк* бўлиб, сифатнинг чоғиш-тирма даража маъносини англатади. У уч қиёсий ва уч самоий турни ўз ичига олади.

Қиёсий турлардан биринчиси ясама феъл формалари билан ишлатилади. Агар ҳозирги замон сифатдошидан сифатнинг чоғиштирма даражасини ясамоқчи бўлсалар, агар сифатдош қаттиқ ўзакли бўлса, аффиксни ҳам «к» билан зикр қиладилар: *алғучырақ*, яъни олғувчироқ каби; агар юмшоқ ўзакли бўлса, аффиксни ҳам «к» билан баён қиладилар: *кәсгүчирәк*, яъни кесгувчироқ, кесадиғанроқ каби.

Иккинчи тури феъл формаси ясалган сўзлар билан ишлатилади: *ач*, яъни оч (*тўқнинг* антоними – 3.У.), *тўз*, яъни рост, *ачмақ*, яъни (қорин) очмоқ эса қаттиқ ўзакли, *тўзмәк*, яъни тузмоқ, ростланмоқ юмшоқ ўзакли бўлиб, *ач* нинг аффиксини «к» билан, *туз* нинг аффиксини эса «к» билан зикр қилиб дейдилар: *ачрақ*, яъни очроқ, *тўзрәк*, яъни тўғрироқ, ростроқ.

Учинчи тури «ғ», «қ», «к» билан тугалланган сўзлардан иборат: *савуғрақ*, яъни совуқроқ, *йавуқрақ*, яъни яқинроқ, *чәкрәк*, *намнакрәк* каби.

«к» билан тугалланган сўзга далил:

Көкрәкимдүр субҳның тирәҳаныдын чәкрәк
Кир пайким шабнам төкүлгән сабзадын намнакрәк.

¹ *-рағ* бўлиши керак.

Самойлардин биринчиси таркибида «қ», «к» ҳарфлари бўлган сўзлар билан зикр қилинади: *қыйурақ*, яъни қийикроқ, *көпрәк*, яъни кўпроқ каби. Баъзан зиддият ҳам юз беради.

Иккинчи тури бошқа сўзлар билан ишлатилиб, кўпинча аффикс «ғ» ва «қ» билан зикр қилинади: *хубрақ*, *марғубрақ* каби. Унга далил:

*Эй жамāl-у нāз-у ишваη бир биридин хубрақ
Қоматыη марғуб-у андын пэйкариη марғубрақ.*

«к» билан ҳам ишлатилади. Чунончи, «Ҳайрату-л-аброр»нинг ўн тўққизинчи мақоласида «Ишқ васфи»да дейилади:

*Ҳар нэча ким ҳусн дилāвизрāк
Ишқ оты эл кōηли ара тизрāк.*

Ҳар иккисига «Маҳбубу-л-қулуб»нинг «Танбиҳоти»да шундай далил келтирилади:

*Ҳар иш кифāйатыда ким сар анжāмыда табъга тараддуд
болгай ул жāнибны тутки эмгāки азрақ ва āзāры кāмрāк хāтирга
кэлгай.*

Йахшырақ, *бэхрāк* шунга ўхшаш бўлиб, биринчисига далил «Садди Искандарий»да келтирилади.

*Хираддын эрўр гайб илмы йырақ
Эрўр бихираддын хирад йахшырақ.*

Иккинчисига далил «Лайли Мажнун»да келтирилган:

*Заъф ичрā табиб болса мушаффақ
Бэхрāк ки туман табиб-и ҳāзиқ.*

Учинчи тури икки шаклда ёзилиши мумкин бўлган сўзлардан (аффикслардан) иборат.

Қоида. Бу сўз (аффикс) рум турклари сўзлашувида равишдош маъносида ишлатилади: *қачарақ*, яъни қоча-қоча, қочиб-қочиб, *гэдәрāк*, яъни бора-бора, кета-кета каби дейдилар. Унинг хусусиятлари биринчи мабнонинг тўққизинчи бобида зикр қилинди. Рум ёзув традицияси бўйича кўпинча қисқа «а» унлисини ифодаловчи *алиф* ёзувда тушиб қолади.

Иккинчи баён шундан иборатки, (унли) ҳарфларнинг хусусиятига кўра аффикс унлилари турлича ёзилади. Шу жумладан, *-лыг / -луг / -лық / -луқ / -лик / -лүк* синоним бўлиб, бир маънога эга икки усулда ишлатилади.

Биринчи усул ҳарф имлосидаги зиддият (ихтилоф) ҳақида бўлиб, у уч қиёсий ва уч самоий турни ўз ичига олади.

Қиёсий турлардан биринчиси қаттиқ ва юмшоқ ўзакли феъл формалари билан ишлатилади: *чықмаслыг*, яъни чикмаслик, *этмәслик*, яъни қилмаслик, этмаслик каби. Биринчисига (*чықмаслыг* га) далил:

*Чық Навāйи қарыдыҗ хурмат ила майкададин
Судратурлар киши чықмаслыг этип болса қашаҗ.*

Иккинчисига далил:

*Қавма эй шайх Навāйины эшитмәс дэп панд
Ким сэниҗ пандыҗ эшитмәслик аҗа панд олмыш.*

Иккинчи тури феъл формаси ясалган сўзлар билан зикр қилинади: *ачлыг*, яъни очлик, *тўзлүк*, яъни тўғрилиқ каби.

Учинчи тури таркибида «қ», «ғ» ёки «к» ҳарфлари бўлган сўзлар билан ишлатилади. *дағлыг*, яъни доғлик, *бэбāклик*, яъни бебоклик каби. Чунончи, дейилади:

*Тā-ки эй аҳбāб-и даврāн қылмағай бэбāклик
Йоқса биздэк йўз туман жāнāн (?) ўчўн олсā нэ бāк.*

Самоий турлардан биринчиси таркибида «қ», «ғ» ёки «к» ҳарфлари бўлган сўзлар билан ишлатилади. Чунончи, «Лайли Мажнун»да *аға* (сўзи)нинг аффикси «ғ» билан, *сиғил* нинг аффикси «к» билан баён қилинган:

*Сöz этти ағалыг-у сиғиллик
Кöп истāди сиғлидин бэхэллик.*

Шунга ўхшаш *қарылыг*, яъни қарилиқ, *йигитлик*, яъни йигитлик.

Баъзан бу қоидага зид равишда ишлатилади: *йағлыг*, яъни ўхшаш каби. Шунга ўхшаш *кам-у кāстлыг* бўлиб, «Ҳайрату-л-аброр»нинг ўн тўққизинчи мақоласида шундай дейилади:

*Кимки будур анда қылып рāстлығ
Йоқтур иши ғайр-и кам-у кāстлығ.*

Иккинчи тури мазкур ҳарфларга эга бўлмаган бошқа сўзлардан иборат: *дэвāналығ, фарзāналығ* каби ва шунга ўхшашлар. Унга далил:

*Ишқыңда бир девāналық шавқуңда бир фарзāналық
Ағйārдын бегāналық айлап өзүңә āшинā.*

Баъзи сўзларнинг аффикси «к» билан ҳам ишлатилади: *тийрāлик* каби. Чунончи, дейилади:

*Савуз āҳымдын йаруғлуғ аз вале көп тийрāлик
Қыида ул нэклығки тўн болғай узун кўн қысқарып.*

Жибинлик ҳам шунга ўхшаш бўлиб, унга далил:

*Меңā эмди сарв илā гул муддаāси қылмады¹
Сарв буйлуқ гул жибинликлар ҳавāсы қалмады.*

Учинчи тури икки шаклда ёзилиши мумкин бўлган сўзлардан иборат: *йыллығ, йиллик*, яъни йиллик каби. Чунончи, «Лисонут-тайр»да «к» билан дейилади:

*Лэк сыз миң йылчылығ андын йырақ
Қалысы миң йыллық ки имкāндин йырақ.*

«Сабъайи сайёра»да «к» билан дейди:

*Кишваридин кэтарди чун тārāж
Йэтти йиллик маъоф тутты хирāж.*

«Садди Искандарий»нинг «Доро мамлакатларида Искандарнинг хукмронлиги» (фасли)да «к» билан дейилади:

*Сөзи нāфиз эрди вале йол йырақ
Кэрāк эрди бир икки йыллық йарақ.*

«к» билан:

*Алып мулкидин икки йиллик хирāж
Чириккā бэрип āнчэ ким ихтийāж.*

¹ қалмады бўлиши керак.

Кўп нусхаларга мурожаат қилинганда, шу турда ёзилганлиги кўзга ташланди. Шунга ўхшаш *бэғъаналығ, бэғъаналик, камлығ, камлик.*

Иккинчи усули унлилар зиддияти (ихтилофи) ҳақида бўлиб, у бир қиёсий қоидадан иборат.

Қоида. Билки, агар «л» дан олдин келган ҳарф «у» бўлса аффикснинг «л» ҳарфи ҳам «у» билан ёзилади: *қайғулуқ*, яъни қайғулик, *қаранғулуқ*, яъни қоронғулик каби. Чунончи, дейди:

*Көңлүм болур ғамың түни ҳар лаҳза қайғулуқ
Чун шām болды ҳар нафас артар қаранғулуқ.*

Нāзуклүк, яъни нозиклик шунга ўхшаш бўлиб, унга далил:

*Лутф көр-ким сувда гул акси масаллик көрүнүр
Халла нāзуклүкидин ҳар сары нāзук баданың.*

Агар «л» дан олдин келган ҳарф «а / ā» ёки «и (э)» бўлса, аффикснинг «л» ҳарфи (касра) «ы, и» билан ёзилади: *раънāлығ*, яъни раънолик, *бирлик*, яъни бирлик, иттифоқ каби. Сўзнинг охириги ундош ҳарфи эътиборга олинмайди: *вайрāн*, *мусулмāн* каби. Бу ҳолатда ҳам «л» дан олдин келган «а»га риоя қилиб, аффикснинг «л» ҳарфи «ы, и» билан ифодаланади. Чунончи, дейилади:

*Көзүң ки куфр айлә йүз динга салды вайрāнлығ
Худā учун тий аны йоқ-му-дур мусулмāнлығ.*

Савол. Агар сўрасаларки, бу қоидага биноан нима учун Навоий ҳазратлари *нāхушлығ* сўзини, касрали «л» ни *саркашлығ* билан қофия қилганлар?

*Жāнни хушлуғ бирлә ул кāфирга тирдин нэгā ким
Ул худ алур қалса иш алмақга нāхушлығ билә.*

Шунга ўхшаш «Ҳайрату-л-аброр»нинг ўн биринчи мақоласида шундай дейилади:

*Йēл киби савурмақ-у нāхушлығы
От киби кўйдүрмāк-у саркашлығы.*

Жавоб. Ташқи кўринишдан *нāхушлуғ* ни *нāхушлығ* деб, «л» дан сўнг «и» ёзиш нотўғри, лекин қоидага зид эмас. Чунки илгари ўтган шоирлар *хуш* сўзини «у» (замма) қисқариб, «а» (фатҳа)га ўтиши

сабабли ҳамма ерда *аташ* ва *махваш* билан қофия қилганлар. Навоий ҳазратлари ҳам (фатҳа) «а» ни шу сўзда риоятга олиб, унинг аффиксини «и» билан зикр қилганлар.

Қоида. Рум ва Эрон турклари тилида бу аффиксни агар у нисбий «ий» (йо-йи нисбат)ни англатса, «и» билан зикр қилиш қабул қилинган.

Қоида. Рум ва Эрон турклари тилида агар бу аффикс нисбий «ий» ёки эгалик аффикси маъноларида ишлатилса, «қ» ва «к» ҳарфларини қисқартириб, ундан олдин келган унли ҳарфга риоя қилинмайди: *шāмлу*, яъни шомлик, кечқурунгилик, *давлатлу*, яъни давлатлик, давлат эгаси. Чигатой тилида эса қисқартириш мумкин бўлиб, олдин келган бўғиндаги унлига риоя қилмаслик мумкин эмас: *қара-ташлы*, *қарақуйунлу*, яъни қабила номлари каби. Агар масдар «ий»си (йо-йи масдари) маъносини англатса, унинг («қ» ва «к» ҳарфларини – З.У.) тушириб қолдириш чигатой тилида ҳам, Рум ва Эрон турклари тилида ҳам мумкин бўлмасдан, албатта, «қ» ва «к» билан зикр қилиниши керак: *чохлуқ*, яъни кўплик, мўллик, *йалғузлуқ*, яъни ёлғизлик, *āшнāлық*, яъни ошнолик, *элик*, яъни ватанлик, юртлик, *бирлик*, яъни бирлик, ягоналик.

Яна ўтган замон феъл формаларининг уч белгиси бор.

Биринчи белги *-дым*, *-дим*, *-дум*, *-дўм* / *-тым*, *-тим*, *-тум*, *-тўм* дан иборат бўлиб, биринчи шахс бирлик аффиксидир.

Иккинчи белги *-дың*, *-диң*, *-дуң*, *-дўң* / *-тың*, *-тиң*, *-туң*, *-тўң* дан иборат бўлиб, иккинчи шахс бирлик аффиксидир.

Учинчи белги *-дыңыз*, *-диңиз*, *-дыңуз*, *-диңўз* / *-тыңыз*, *-тиңиз*, *-туңуз*, *-тўңўз* дан иборат бўлиб, иккинчи шахс кўплик аффиксидир. Уларнинг (мазкур аффиксларнинг – З.У.) ишлатилиши икки қиёсий усулга бўлинади.

Биринчи усул ҳарфлар ихтилофидан иборат бўлиб, агар улардан (аффикслардан – З.У.) олдин келган ҳарф «т» (то-йи қарашат) бўлса, улар ҳам «т» билан ифодаланади: *тутты*, яъни тутти, олди, *кэтти*, яъни кетди каби; агар с, ш, п, ж, ва қ, к бўлса, т ва д нинг ҳар иккиси билан ифодаланади: *асды*, *асты*, *өнди*, *өпти*, *учды*, *учты*, *йолуқды*, *йолуқты*, *токди*, *токти* каби ва шунга ўхшашлар. Бошқа ҳарфлар билан, албатта, «д» билан зикр қилинади: *урды*, *алды*, *йэди*, *дэди* каби ва бошқалар. Унинг хусусияти шу расмнинг биринчи турида ўз аксини топган.

Иккинчи усул унлилар ихтилофидан иборат. Агар аффиксдан олдин келган ҳарф «у» бўлса, шахс-сон аффиксларининг биринчи ҳарфи ҳам «у» билан зикр қилинади: *урдум*, яъни урдим, *туттум*, яъни тутдим каби; агар «а» ёки «ы, и» бўлса, аффикс «ы, и» билан ифодаланади: *салдым*, яъни солдим, *йаттым*, яъни ётдим, *қылдым*, яъни қилдим, *эттим*, яъни этдим, қилдим каби ва ҳоказо шунга ўхшашлар. Сўзларнинг баъзиси ўзак (асос) ўрнида келиб, бешинчи расмнинг¹ қоидаларида баён этилганидек, уларнинг (аффиксларнинг) унли ҳарфлари ўзгаришга учрамайди.

Иккинчи қисм шундан иборатки, (аффикслар) ўзидан кейин келган (унли ҳарфлар) туфайли турлича ёзилади. Баъзи исмлар шу жумладан бўлиб, агар уларнинг ўрта ҳарфи «у» ёки «и» бўлса уни бирор аффикс (ҳарф) билан қўшиш учун ўртада келган ҳарфни ундошга айлантириб, сўнг шу аффикс билан бириктирилиши керак: *ойун*, каби ўйин, *бойун*, яъни бўйин, гардан, *орун*, яъни жой, ўрин, *ағыз*, яъни оғиз, *бағыр*, яъни жигар, бағир, *кўйўл*, яъни дил, кўнгил, *кўкўс*, яъни сийна, кўкрак, *қарын*, яъни қорин каби. Чунончи, *қарынга* далил «Назму-л-жавоҳир»нинг «Таом мазаммати»да дейилади:

Қарның билә дост болмасаң аҳсандур
Нэ ўчўн ки эр оглыга қарын душмандур.

Шунга ўхшаш *илик*, яъни илк, қўл. Унга далил:

Чун илик бэрмәс-ки өпсәм ул ситамгар илкини
Бир киши илкин өпәйким өпгәй ул йәр илкини.

Шунга ўхшаш *сирил*, яъни сингил. Чунончи, «Лайли Мажнун»да дейилади:

Сöz этти ағалығ-у сириллик
Köp истәди сиридин бәхәллик.

Кэйн, яъни кейин ҳам шу сингаридир. Унга далил:

Йузун васфын дән өткән тўн дурр-и ашким төкәр эрдим
Тутун тағ кэйнин ай кирди қара тупрақга парвин ҳам.

¹ Бу ерда ноаниқлик бор. Бешинчи расм йўқ.

Шунга ўхшаш *бурун*, яъни олдин, илгари; *бурун* (киши аъзоси). Агар *бини*, яъни *бурун* маъносида ишлатилса, унли ундош (сўкун)га алмашади. Чунончи, дейилади:

*Йэтишти бурныга āфатки тутты бурынны эл
Йаруглугы билā чун шамъ болды канда димāг.*

Агар «олдин», «илгари» маъносида ишлатилса, «а» орттириб, *бурна* тарзида баён қилинади. Шунга ўхшаш *қуйун*, яъни қўйин; қуюн; қўй. Агар «қўйин» маъносида бирор аффикс билан бирикса, «й» дан кейинги «у» тушиб қолади (сўкунга алмашади). Унга далил:

*Калāмиш гавҳарыдэк тапмамыш гарчи сабā илки
Йақасын гунчаныш йыртып нэчā ким қойнын ахтармыш.*

Агар «қуюн» ва «қўй» маъносида ишлатилса, асос (ўзак) ва унинг унли ҳарфларида ўзгариш юз бермайди. Чунончи, «қуюн» маъносида дейилади:

*Мэни саргашта эмāн вāди-йи ҳижрāнда ки бар
Ғусса туфрагы-йу андуҳ йэлидин қуйуни.*

Яна ундош билан тугалланган сўзлар бирор аффикс (эгалик аффикси) ва белги билан бирикса, сўзнинг охириги ҳарфига «у» орттирилиб, сўнг мазкур белги қўшилади: *кōзўш*, яъни кўзинг *бурнуш*, яъни бурнинг, *кōзўмā*, яъни кўзимга, *бурнума*, яъни бурнимга каби; агар мазкур сўз таркибида «а» ёки «и (э)» унлисига эга бўлса, сўзнинг охириги ҳарфига касра (*ы*, *и*) орттирилиб, сўнг аффикс қўшилади: *башыш*, яъни бошинг, *тишиш*, яъни тишинг, *башыма*, яъни бошимга, *тишимā*, яъни тишимга каби.

Савол. Агар сўрасаларки, нима учун қуйидаги шеърда *хордыма хордума*га зид равишда, яъни «д» дан сўнг «и» унлиси ёзилган?

*Ҳажр арā ҳāлым гаҳи бэхушлуқ гаҳ гам йэмāк
Ишқинш иқбāлыда қыл наззāра хāб-у хордыма.*

Шу расмнинг иккинчи маъносида¹ *нāхушлыг* зикрида баён этилган ўша жавобни берамиз.

¹ Шу (олтинчи) маънонинг иккинчи расмида бўлиши керак.

Учинчи расм. Грамматик қоидага зид бўлган баъзи сўзлар баёни

У икки қисмдан ташкил топган.

Биринчи қисм ишлатилишига зид бўлган (сўзлар)дан иборат. Шу жумладан *илмак*, яъни дом, тўр, банд, *пишиғ*, яъни пишиқ сўзлари бўлиб, биринчи мабнотнинг биринчи ботида - масдарлар баёнида муфассал ўз аксини топган (*қара*: 16-бет).

Яна *айдын*, яъни ойдин бўлиб, унинг асли *ай тун* дир, яъни кеча (тун) оyi. Кўп ишлатилиши туфайли *айдын* шаклида кенг тарқалган. Чунончи, «Лисону-т-тайр»нинг «Шайх Боязид достони»да дейилади:

*Кэчā айдын тāбыдын равшан эди
Чарх-и анжом руйыдын гушан эди.*

Айдын сўзи, яъни ойдан маъносини ҳам англатади.

Яна *иштан*, яъни ички кийим бўлиб, унинг асли *ич тон*, яъни ич тўндир.

Яна *икин*, яъни ҳар иккиси, экин маъносига ҳам эга. Чунончи, ҳар икки маънода сўз ўйини шаклида дейилади:

*Эй кōнўл кўйдўр тамаъ тухмын таманнā мазраъин
Бу икин нэ ўчўн ки ҳаргээ айламаъ дāнā писанд.*

«Ҳар иккиси» маъносида *иккисин* зикр қилиниши керак, лекин *икин* қабул қилинган.

Яна *сэвўнмак*, яъни севинмоқ. Чунончи, дейилади:

*Фалакдин гар меъā ҳар лаҳза йўз қайғу кэлур өтрў
Агар қайғудын соғ бир сэвўнмак бар эмас қайғу.*

Шунга ўхшаш *сэвўн*, яъни севиб. Чунончи, «Мажнуннинг туғилиши» фаслида дейилади:

*Жāндын сэвўн аны бэнавāлар
Ҳар ким ки кōрўн қылып дуāлар.*

Грамматик қоидага биноан «в» дан сўнг «и» ёзилиши керак, чунки агар «в» дан сўнг «у» бўлса, унинг *сэвўн* буйруқ формаси «в» дан сўнг «у» билан ёзилиши керак, лекин ҳеч ким «в» дан сўнг «у» билан ифодаламаган. Навоий ҳазратлари ўзлари ҳам *сэвин* деб баён қилганлар. Унга далил:

*Эй Навāйи йигитиң назмыңа масал этсā **сэвин**
Ким насиб олды сэңā сāхиб-и идрāk йигит.*

Сэвүн сўзида ҳам *син* ҳарфидан кейин келган «э (и)»га бўйсуниб, «в» ҳарфидан сўнг «и» ҳарфи (*сэвин* тарзида) ёзилиши керак, лекин барча қўлёзмаларда *сэвүн* шаклида кўзга ташланди.

Иккинчи қисм Навоий ҳазратларининг кўзга ташланган асарларида ва мурожаат қилинган барча қўлёзмаларда ҳамма ўринларда бир тарзда ёзилган хатолардан иборат. У уч турга бўлинади.

Биринчи тури тартиб қилувчининг хатоси ҳамда биринчи котибнинг бузиб кўчириши натижасида юз берган соф хато (ғалат-е маҳз)дан иборат. Масалан, *тинмāсликкā*, яъни ором олмасликка, тинмасликка. Чунончи, дейилади:

*Майл дини ки салур кимсāни **тинмāсликкā**
Тинибāн кōңли аның ким ки кōңүлдин чықарып.*

Тынмақ қаттиқ ўзакли масдар бўлиб, феъл формаларининг аффикслари ҳам «қ» билан ишлатилади: *тынмаслығга* каби.

Яна *солдурмағай*, яъни сўлдирмағай бўлиб, қуйидаги байтда бу маъно мақсадга зиддир. Чунончи, дейилади:

*Кōңүл бāғы арадур нахл қадды лэк қорқармэн
Ким ул ыссығ ҳаво **солдурмағай** наврас ниҳāлымны.*

Солдурғай бўлиши керак, яъни унинг нахл қадди менинг қалбим орасидадир, лекин бирдан ул иссиқ шамол ёш ниҳолимни сўлдиради деб қўрқаман.

Яна *тāпмāдўк*, яъни топмадик.

*Тāпмāдўк гулраң жāмы бэхумār эй бāғбāн
Ваҳ ки бу гулиан ара гул бутмас эрмиш хāрсыз.*

Тапмақ, яъни қидирмоқ қаттиқ ўзакли феъл формаларидан бўлиб, *тапмадўқ* деб зикр қилиниши керак.

Яна бу *тўңичā*, яъни бу тунгача (сўзи)да «к (г)» дан сўнг «и» ёзилгандир. Чунончи, «Лайли Мажнун»нинг «Навфал қизига совчи юборилиши ва тўйи» (боби)да дейилади:

*Йиллар ки бу ишқ арада эрди
Кўн-кўндин зийāда эрди*

*Бэрмайдүр эди икävгä пайваст
Бу тўйичä васл давлати даст.*

Бу тўйичä сўзи маъно англатиши учун «г» дан сўнг «а» зикр қилиниши керак, чунки «к (г)» бу сўзда ўтимлилик аффиксидир, ўтимлилик аффикси эса «а» билан ифодаланиб, «и» билан маъно ифодаламайди.

Яна кўймä:

*Эй Навāйи йār агар дәр ким өзүни отга сал
Тан йалағ айлāргä кўймä жāн үчүн кўймāнмāгил.*

Кўймä ўрнига кўймāн бўлиши керак, яъни эй Навоий, агар ёр ўзингни оловга сол деб айтса, яланғоч бўлишдан ўзингни торт, жон учун куймагил (ўзингни тортма). Яланғоч бўлишидан мақсад буйруқнинг ижро этилишини кечиктиришдир. Буйруқ (амр) бўйича кийим билан ўзингни ўтга сол. Агар кўймä бўлса, куйидаги маънога эга бўлади: тан яланғочлаш учун куйма. Бу ҳолатда на сўзнинг латофати ва на гапнинг маъноси англашилади.

Яна *соғунча*, яъни сенинг орқангдан. Чунончи, «Искандарнинг вафоти»да унинг онаси тилидан Искандарга хитоб қилиб дейилади:

*Ки мāтам тутуп иин эта олмадым
Бэрип жāн соғунча йэта алмадым.*

Соғунча (хитоб «к» си) билан зикр қилиниши керак, усиз маъно нотўғридир. Хитоб «к» си эса ҳеч бир ерда тушириб қолдирилиши (қисқартирилиши) мумкин эмас. Шеърят зарурияти ҳам унинг тушиб қолишига сабаб бўлмаган.

Иккинчи тури хато кўчирилган, лекин маъносини тўғри тушуниш мумкин бўлган сўзлардан иборат бўлиб, *итип*, яъни ҳидлаб шу жумладандир.

Чунончи, «Ҳайрату-л-аброр»нинг ўнинчи мақоласида «Май ичувчилар васфи»да шундай дейилган:

*Сэл сувын тапса ичип мул киби
Сай ташын тапса **итип** гул киби.*

Ид «д» ҳарфи билан ифодаланса, ҳид, бўй маъноларини англа-тади, шунинг учун *идип* «д» билан ёзилиши керак. Баъзи сўзларда

«д» ҳарфи «т» ҳарфи билан алмашади. Бу ўринда ҳам алмашув юз берган бўлиши мумкин.

Яна *-ган* бўлиб, бир неча юмшоқ ўзакли сўзлар билан ишлатилган. Улардан биринчиси *судраладурган*, яъни ерга тортилувчи, судралувчи, судраладиган. Чунончи, дейилади:

*Гар олмасам этиш ул зулф тибидын нэдүрүр
Йэр үзрә судраладурган бойундагы расаным.*

Яна *эсадурган*, яъни эсувчи, эсадиган. Чунончи, «Девон дебочаси»да наср билан айtilган: *Фалак ҳавāдисыныш ул қатыс эсадурган сарсары таскин тапти.*

Шунга ўхшаш *кэлатурган*, бўлиб, «Садди Искандарий»да «келмоқ» маъносида қўлланилган:

Хāқāн-и Чин аныш қуйашдэк гарм хуйлуқ билā тиг-и жаҳāнгир тартып кэлатурганын эшитип.

Сүдрāлмāк, яъни ерда тортилмоқ, *эсмāк*, яъни эсмоқ, *кэлмāк*, яъни келмоқ юмшоқ ўзакли масдарлар бўлиб, уларнинг ясама феъл формалари ҳам «г» билан ёзилиши керак: *сүдрāлāдүргāн*, *эсāдүргāн*, *кэлāдүргāн* каби, лекин грамматик қоидага зид равишда «ғ» билан ишлатилган. Навоий ҳазратлари эса «Насойиму-л-муҳаббат» ва «Маҳбубу-л-қулуб» асарларида барча ўринларда *кэлāдүргāн* сўзини «г» билан ифодалаганлар. «Тарих-и Бобурий»да ҳам *кэлāдүргāн* шаклида ёзилгандир. «Садди Искандарий»да бу сўз мазкур параграфларда «ғ» билан ифодаланган. Туроннинг баъзи аҳолиси ҳам ёзма ва оғзаки нутқида *кэлатурган* шаклида ишлатган. Мазкур аффикс икки шаклда ёзилиши мумкин бўлса керак.

Учинчи тури тўғрига ҳам, котиб хатосига ҳам қўшиб бўлмайдиган камчиликлардан иборат. У *нуқат* (сўзи) бўлиб, қуйидаги шеърда *хат* билан қофия қилинган:

*Йўздā хāлышдурму йā таҳрир этар ҳāлатда хат
Тамды қудрат кўлкидин кўн сафҳасыга бир нуқат.*

Тўртинчи расм. Турли қоидалар ва айрим эслатмалар ҳақида

Қоида. Ҳар бир феъл формаси учун маълум аффикс мавжуд бўлиб, ҳеч бир кўринишда ўзгаришга учрамайди ва тушиб қолмайди.

Агар сўзнинг охирги ҳарфи белгининг (аффикснинг) биринчи ҳарфи билан бир хил бўлса: *сызғучы*, яъни сикқан, *йағғучы*, яъни

ёғувчи, ёққан, *тёккүчи*, яъни тўкувчи, қуювчи, *сёккүчи*, яъни сўкувчи каби сўзларда ассимиляция юз бермайди. Биринчи мабнотнинг иккинчи бобида тушунтирилган ўтган замон феъл формасининг шахс-сон аффиксларида эса агар «т» билан тугалланган сўзнинг «т» ҳарфидан олдин келган унли «и (э)» бўлса: *йэт*, яъни ет, *эт*, яъни қил каби, учинчи шахс бирлик аффикси *-ты, -ти* ва иккинчи шахс бирлик аффикси *-тың, -тиң* қўшилганда, ассимиляция юз беради: *этти*, яъни қилди, *йэтти*, яъни етди, *эттиң*, яъни қилдинг, *йэттиң*, яъни етдинг каби. Бундай ассимиляция хуснихат ва ёзув традициясига биноан юз беради.

Агар «т» ҳарфи олдидан келган унли «а» ёки «у» бўлса *ат, тут* каби, у ҳолатда ассимиляция юз бермайди, ҳар икки «т» ёзилиши керак: *атты*, яъни отди, *тутты*, яъни олди, ушлади, *аттың*, яъни отдинг, *туттуң*, яъни олдинг, ушладинг каби ва ҳоказолар.

Қоида. Айрим феъл формалари белгиларидаги унли ҳарфларнинг ёзилиши, иккинчи мабнода муфассал тушунтирилганидек, қўшиладиган сўзнинг унли ҳарфларига тобедир, яъни агар аффикс орттириладиган сўз «у» унлисига эга бўлса, белги ҳам «у» билан ишлатилади; агар «а» ёки «и (э)» унлисига эга бўлса, белги «и» билан ифодаланади. Лекин туркий тилда баъзи сўзлар мавжуд бўлиб, уларнинг унли ҳарфлари ўзгармайди ва бу қоида уларга нисбатан қўлланилмайди. Мазкур сўзлар икки турга бўлинади¹.

Биринчи тур ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзгармасдан «и» билан ёзиладиган аффикслардан иборат. Шу жумладан биринчи шахс кўплик эгалик аффикси *-мыз, -миз* бўлиб, «м» ҳарфидан сўнг «ы, и» ёзилади: *көзүмиз*, яъни кўзимиз, *көңлүмиз*, яъни дилимиз, *кўңғлимиз*, *башымыз*, яъни бошимиз, *тишимиз*, яъни тишимиз каби.

Яна учинчи шахс бирлик эгалик аффикси *-ы, -и*: *өзи*, яъни ўзи, *көзи*, яъни кўзи каби. Чунончи, объектив воситачи (тушум келишиги) билан қўшилган шаклига қуйидаги мисол келтирилган:

Бу-ки зулфы дāмыға көңлүм қушы урды өзин
Көрмакиң эрди мурады тикмагил бары көзин.

Яна ҳозирги-келаси замон сифатдоши аффикси *-чы, -чи*: *тутғучым*, яъни мени ушловчи, *қапғучым*, яъни мени жалб қилувчи, *ўғирловчи (?)* каби. Унга далил қилиб, қуйидаги баёт келтирилган:

¹ Бу ерда ноаниқлик бор. Уч турда тушунтирилган.

*Хаста күйүңда татмышам бэкас
Тутгучым қапгучым итиң-дүр-у бас.*

Иккинчи тури ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплик аффикси *-дуқ / -туқ, -дўк / -тўк* белгилари бўлиб, уларнинг биринчи ҳарфи «т» ёки «д» бўлишидан қатъи назар у билан ишлатилади: *алдуқ*, яъни олдик, *туттуқ*, яъни олдик, *ушладик*, *дэдўк*, яъни дедик, *айтдик*, *кэттўк*, яъни кетдик, *бордик* каби.

Учинчи тури баъзи исмлардан иборат бўлиб, уларнинг охириги бўғини «у» билан ёзилади: *ачуқ*, яъни очик, *очилган*, *булгануқ*, яъни булганган, *сынуқ*, яъни синган, *синик*, *йықуқ*, яъни бузилган, *йиқилган* каби ва ҳоказо.

Қоида. Туркий тилда эгалик аффикси араб тилидаги каби сўзлар кетига орттирилади. Чунончи, шундай дейилган:

*Оқларың чāк эттилāр ҳарйан Навāйи кōнлини
Йоллар эткāндэк йағын дэвāрыны вайрāнаның,
яъни вайрāнаның дэвāрыны.*

Эслатма. Гарчи араб тилига мувофиқ исмларда «у» нинг «и» га ва «и» нинг «у» га ўтиши мумкин бўлмаса-да, феъл нисбатларида мумкин. Туркий тилда эса ҳар иккисида, яъни ҳам исмларда, ҳам феълларда юз беради: *сынуқ*, яъни синган, *синик*, *тэшик* ва *тилўк*, яъни тешик, *йықуқ*, яъни йиқилган, *бузилган*, *дэдўк*, яъни айтдик, *дедик*, *йэдўк*, яъни едик каби.

Қоида. Гарчи форс тилида ҳамма ўринларда «ч», «п», «ж», «г» ҳарфлари орасига фарқ қўйилиб, унлиларнинг ишболи ва ишбосизлиги назарда тутилган бўлса-да, туркий тилда у маънога унчалик риоя қилинмайди. Чунончи, Навоий ҳазратлари «очмоқ» феълининг буйруқ майли *ач* ни *ач*, яъни қорни оч билан қофия қилиб, шундай деб ёзадилар:

*Ул турк-и хатāның эрўр андақ кōзи қыймач
Ким нāздын ᠔лмāс дэмāк алында ки кōз ач
Ачлығдын ул айның магар олды кōзи бэмāр
Қан ичкāли мāйил нэгā болмыш гар эмāс ач.*

Шунга ўхшаш бошқа бир ғазалда *сач*, яъни соч *амач* билан қофия қилинган. Девонни тартиб қилишда ҳам жим икки қисмга бўлиниб, *тāж*, *муҳтāж* каби араб сўзларини «ж» билан, *бāч*, *кāч*, *сач*, *ач* каби туркий сўзларни (эронча *жим*) билан ифодалаб, «ч»

харфи остида баён қилинган. Шунга ўхшаш *-ча*, яъни қадар, микдор *пърча* билан қофия қилинган:

*Сарв-у гул ҳусн ичрә йоқ ул сарв-и гулрухсәрча
Айлә-ким қумри-йу булбул нәлада мән зәрча
Чун Навāйи кōҳлини сындурдуу эмди бутмаки
Мумкин эрмәс этти чун ҳарйән тушун бир пәрча.*

Ишбони қофияда назарга олмай, ишбосиз касра билан ишлатиладиган «кезмоқ» феълининг буйруқ формаси *кэз*, «эзмоқ»нинг буйруқ формаси *эз* ишболи талаффуз қилинадиган *хиз* (*хэз*) ва *тиз* (*тэз*) билан қофия қилиниб, қуйидаги тўртлик далил қилиб келтирилган:

*Қуш кэтүрди нәмиу-у кōҳлүмни қылды шуъла хэз
Айләди гойә қанатының йәли бу отны тэз
Эй Навāйи чун зарураттур бу мискидин рахил
Хәх тутғыл гуша-и хәҳи жихән мулкени кэз.*

Шунга ўхшаш ишболи ишлатиладиган *туз*, яъни туз ишбосиз қўлланадиган *сөз*, яъни сўз билан қофия қилинган. Чунончи, шундай дейилади:

*Эй маләҳат шэвалик ширин дудагыңа сөз
Өз ҳикмат аҳлы гойә салды шаккар танига туз
Чәҳра ачсаң йә такаллум қылсаң олгән жән тапар
Аллаҳ аллаҳ бардур ул нә лаъл-и жәнбахш ул нә сөз.*

Қоида. Форс тилида арабча сўзлар аралаш қўлланилади. Туркий тил араб ёки форс сўзлари билан қўшилиб ишлатилиши мумкин, лекин масдар ва баъзи кесимлик боғламаларининг туркий сўзлар билан ишлатилиши амалда кўрилмайди. Чунончи, шундай дейдилар:

Йахшы ва йаман, аксинча эса, ишлатиш мумкин эмас. Яна шундай дейилади: *хуб-дур ва забун-дур*. Шахс-сон аффиксларидан биринчи шахс бирлик шахс-сон аффикси умумий бўлиб, ҳар икки тилда ишлатилади. Агар туркий тилда *алурам* деб айтсалар, форс тилида *мигирам* дейдилар. Баъзи форс сўзлари ҳам воситачилар ва форс аффикслари билан бирикиб, бир маънога эга бўлади ва бу сўзлар жуда ҳам кам ва зарур ўринларда туркий тилда ишлатилади: *ру-ба-ру* каби. Чунончи, шундай дейилади:

*Нэ қатыг көңли бар айā ким ошал (?) маҳваиньы
Рубарусыга кәлүр ҳар нафас āсāн көзгү.*

Рубарусыга сўзида туркий (тил) жўналиш аффикси форс сўзи билан қўшилган. Шунга ўхшаш *бэсар*, унга қуйидаги далил келтирилган:

*Васлыдын дам урмайын қылсақ фирāқ айлә бэсар
Шāйад ўзни бизга бир кўн мэхрибāн этгай фирāқ.*

«Насойиму-л-муҳаббат»нинг «Шайх Нажибиддин Барғаш ҳақида» бобида наср билан шундай дейилган:

*Қавмның талабы көңлига гāлиб олды ва йалғуз уйдā бэсар
олтурурды.*

Сар тā сар ҳам шу сингаридир. Чунончи, шундай дейилади:

Алам иши сар тā сар гам йэргā кари (?) қылмас
Сāқи тутубан жāмы қойма мēни қайғуда.

Шунга ўхшаш *тā ба шāм* ва *бар давāм*. Чунончи, «Ҳайрату-л-аброр»нинг иккинчи мақоласида шундай дейилган:

*Ушбу сифат йоқ ки саҳар тā ба шāм
Қой саҳар-у шāмны-ким бар давāм.*

Шунга ўхшаш *дар мийāн*. Чунончи, «Садди Искандарий»нинг «Искандар адли баёни»да шундай дейилган:

*Горг хайлыга қарчыгай дар мийāн
Алар жуҷа йағлыг бу бир мāкийāн.*

Шунга ўхшаш *дутāҳ*, яъни букилган, эгилган. Унга қуйидаги мисол келтирилган:

*Қамар ҳар ай баши моъжизнамāй илкиндин
Қачып башины оғурлар-ки болды айлә дутāҳ.*

Бэтағ ҳам шулар сингаридир. Чунончи, шундай дейилади:

*Навāйи ку хирад мулкида савдāдын бэтағ олсағ
Қадам урғыл фанā даштында Мажнун-у арбаъин йағлыг.*

Шунга ўхшаш *бэнақд*. Бунга далил қилиб қуйидаги мисол келтирилган:

*Бэнақд-и жаннат-ара нуш этар май-и куш
Ағāх-ки майкада болмыш мақām айн йағлығ.*

Шунга ўхшаш *бāхирāж*. Чунончи, «Доронинг Искандарга мактуби»да шундай дейилган:

*Муҳаййā қылып пишикаиш бāхирāж
Йана ҳар нэгā-ким эрўр ихтийāж.*

Шунга ўхшаш *сарвақт* ва *дар маҳал*. Бунга далил қилиб, қуйидаги мисол келтирилган:

*Йār ҳижрāныда сарвақтымга йэтиғ эй ажал
Жāн фидāғ этсām ҳануз аздур-ки кэлдиғ дар маҳал.*

Шунга ўхшаш *нā-у-нā бар жā*. Чунончи, шундай дейилади:

*Йār агар ҳам нā-у-нā бар жā эсā бу-дур равā
Башиға ҳар лаҳза ўйўрўлмāк болур паркār-дэг.*

Баъзи сўзлар мавжудки, форс тилида идиомалашган бир хос маънога эга бўлиб, туркий тилда ҳам шу услубда ишлатилади ва унинг маъносини туркий сўзда тўла ифода қилиб бўлмайди: *тар дāман*, *тир бāрāн* каби. Биринчи (мисол)га далил қилиб қуйидаги байт келтирилган:

*Васлыға маҳрам эмāстўр нэтин маҳрам болур
Икки тар дāман-ки тануғлуқ бэрўрлār қаныма.*

Иккинчи мисолга далил қилиб қуйидаги мисол келтирилган:

*Бу-ки аҳым тир бāрāни барур гардун сари
Ғам сипāҳы эткāли кōғлўмгāдўр ул шāх-и рāҳ.*

Гарчи айтилган воситачилар ва иборалар (идиомалар) чиғатой тилида ишлатилса ҳам, рум турклари ёзувларида кўпроқ ишлатилади.

Қоида. Форс тили қоидасига мувофиқ, баъзан алифдан олдинги фатҳа (яъни *а*) касрага (яъни *и* га) ўзгартирилиб, алифни касра билан ўхшаш умумийлигига кўра *йога* (яъни *и* га) алмаштирадилар,

масалан, *ҳисāб*, *илтифāт*, *этимāд* сўзлари *ҳасиб*, *илтифит*, *этимид* деб айтилади. Туркий тилда ҳам баъзи сўзларда алмашув ва ўзгариш юз беради: *қырақ*, яъни қирғоқ, соҳил, канорани *қырық*; *алмақ*, яъни олмоқни *ылмақ*; *йармақ*, яъни бўлмоқ, ёрмоқни *йырмақ* каби ишлатадилар. Чунончи буларнинг исботи алиф китобида (яъни баёнида) луғат бобида зикр қилинади.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
I БОБ. «МАБОНИУ-Л-ЛУҒАТ» АСАРИДАГИ	
ГРАММАТИК ТИЗИМ	7
Биринчи мабно	9
Масдарлар (مصادر масодир)	9
Ўтган замон феъли (فعل ماضى феъл-и мозий)	14
Ҳозирги-келаси замон (فعل مضارع феъл-и мўзореъ)	16
Ҳозирги замон сифатдоши (اسم فاعل исм-и фоъил)	18
Ўтган замон сифатдоши (اسم مفعول исм-и мафъул)	80
Буйруқ феъли (فعل امر феъл-и амр)	22
Буйруқ майлининг инкор шакли (نهي наҳий)	24
Феълларнинг бўлишсизлик шакли (نفي нафий)	25
Равишдош (حال ҳол)	27
Формалар белгиларининг қўшимчалари (تتمه علامات صيغ)	
татамма-йи аломат-и сийағ)	29
Иккинчи мабно	32
Учинчи мабно	37
Тўртинчи мабно	40
Бешинчи мабно	48
Олтинчи мабно	50
II БОБ. «МАБОНИУ-Л-ЛУҒАТ» АСАРИДАГИ	
ГРАММАТИК МАТЕРИАЛ	80
От сўз туркуми	80
Отларда келишиқ категорияси	80
Отларда эгалиқ категорияси	89
Отларда сон (кўплиқ) категорияси	92
От ва бошқа сўз туркумларидан (феъл туркумидан бошқа)	
отларнинг ясалиши шахс, ўрин-жой ва қурол отлари ясовчи	
аффикслар	92
Феълдан от ясовчи аффикслар	98
«Субъектив баҳо» ифода этувчи аффикслар	100
Сифат.	101
Сифатларнинг кучайтирув ва кичрайтув	
(интенсив) формалари	101
Сифат ясовчи аффикслар	101

Сон	105
Олмош	107
Феъл	108
Феълнинг ноаниқ формаси (масдар)	108
Қисқартирилган масдар	109
От ва сифатдан феъл ясовчи аффикслар	111
Кесимлик аффикслари.....	112
Ўтган замон аниқлик феъли.	113
Ўтган замон ҳикоя феъли.....	115
Ўтган замон эшитилганлик феъли.....	116
Ўтган замон гумон феъли	116
Узоқ ўтган замон гумон феъли	117
Ҳозирги-келаси замон	117
Келаси замон гумон феъли	118
Қатъий (тарихий) келаси замон	119
Келаси замон ноаниқлик формаси.....	121
Феълнинг шарт майли	122
Буйруқ майли	124
Истак майли.....	129
Феълнинг бўлишсиз формалари	130
Феъл нисбатлари.....	132
Ўзлик ва мажҳул нисбати	132
Биргалик нисбати.....	134
Орттирма нисбат	135
Кўмакчи феъллар	136
Фразеологик бирикмалар	139
Тўлиқсиз феъл.....	139
Сифатдош	142
Ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси.....	142
Ўтган замон сифатдоши.....	147
Рашидош	150
Кўмакчилар	156
Юкламалар	157
ХУЛОСА	158
ИЛОВА	160

МАБОНИУ-Л-ЛУҒАТ

<i>(форсийдан З.Умаров таржимаси)</i>	172
Муқаддима	175
Тарсиф	177
Биринчи мабно	178
<i>Биринчи боб. Масдарлар баёни</i>	178
<i>Иккинчи боб. Ўтган замон феъли баёни</i>	188
<i>Учинчи боб. Ҳозирги-келаси замон феъли ҳақида</i>	192
<i>Тўртинчи боб. Ҳозирги замон сифатдоши ҳақида</i>	194
<i>Бешинчи боб. Ўтган замон сифатдоши баёни</i>	199
<i>Олтинчи боб. Буйруқ феъли баёни</i>	201
<i>Еттинчи боб. Буйруқ феълининг инкор формаси баёни</i>	204
<i>Саккизинчи боб. Бўлишсиз форма баёни</i>	205
<i>Тўққизинчи боб. Равишдош</i>	213
<i>Ўнинчи боб. Форма белгиларининг қўшилиши</i>	216
Иккинчи мабно. Феъл формаларининг	
ясалиш усуллари ҳақида	223
Учинчи мабно. Олмошлар ва кўрсатиш исмлари баёни	229
<i>Биринчи боб. Олмошлар баёни</i>	229
<i>Иккинчи боб. Кўрсатиш исмлари баёни</i>	232
Тўртинчи мабно. Морфемалар баёни	233
<i>Биринчи боб. Воситачилар баёни</i>	233
<i>Иккинчи боб. Воситачи бўлмаган (морфемалар) баёни</i>	237
<i>Учинчи боб. Завойид баёни</i>	244
Бешинчи мабно. Мустақил маънога эга бўлган, лекин	
ўз маъносини ифодаламайдиган сўзлар ҳақида	248
Олтинчи мабно. Имло қоидалари ҳақида	250
<i>Биринчи расм. Ҳарф ва унлиларда ихтиёрий равишда</i>	
<i>юз берадиган ўзгаришлар баёни</i>	252
<i>Иккинчи расм. Ишлатилиш ўрни нотўғрилиги сабабли ҳарф</i>	
<i>ва унлилари ўзгаришга учраган белгилар ва сўзлар ҳақида</i>	258
<i>Учинчи расм. Грамматик қоидага зид бўлган</i>	
<i>баъзи сўзлар баёни</i>	276
<i>Тўртинчи расм. Турли қоидалар ва айрим эслатмалар ҳақида</i>	279

[illegible]

[illegible]

Зикрилла Умаров

**Мирзо Меҳдихоннинг
«Мабониу-л-луғат»
эски ўзбек тили грамматикаси**

УУК: 811.512.133

КБК : 81.2 (923)

У 52

У 52 Умаров Зикрилла

Мирзо Меҳдихоннинг «Мабониу-л-луғат» эски ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: ТДШУ, 2025. – 292 б.

ISBN 978-9910-8913-1-1

УЎК: 811.512.133

КБК : 81.2 (923)

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор **Қосимжон Содиқов**

Нашрга тайёрловчи ва ўзгартишлар киритувчи:

филология фанлари доктори, профессор **Холида Алимова**

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор **Салима Рустамий**,
филология фанлари доктори, доцент **Рихситилла Алимухамедов**

Саҳифаловчи:

Жасур Исмоилов

*Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Кенгаши
нашрга тавсия қилган (2024 йил октябрь ойининг бешинчи куни
бўлиб ўтган 2- сонли мажлис қарори).*

Босишга рухсат этилди: 12.12.2024

Бичими 60x84 1/16 Шартли 18,25 б.т.

150 нусхада босилди. Буюртма №

ISBN 978-9910-8913-1-1

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025